

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ”
МАВЗУСИДАГИ XIII РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛАРИ

III ҚИСМ

(2016 йил, 29-30 апрел)

Самарқанд-2016

«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусидаги XIII республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2016 й.

Ушбу конференция материаллари тўпламига республикада Мустақиллик йилларида архитектура, шаҳарозлик, дизайн ва санъатшунослик соҳаларининг устувор юналишлари, қурилиш, муҳандислик коммуникациялари, техника, ва технологияларни ривожлантириш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари ягона тизими, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт, туризм ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, педагогика, психология, таълим-тарбия соҳасида кадрлар сифатини ошириш борасида олиб борилаётган илмий-изланишлар натижалари, мулоҳаза ва таклифлар киритилган. Тўпلام материаллари олий таълим фанини ривожлантиришдаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 7/1, 07.04.2016).

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

СамДАҚИ ректори

Илмий ишлар бўйича проректор

Ўқув ишлари бўйича проректор

Молиявий ва иқтисодий ишлар бўйича проректор

И ва ИПКТБ бошлиғи

И ва ИПКТБ ходими

И ва ИПКТБ ходими

“Камолот” ЁИҲБТ етакчиси

Иқтидорли талабалар услубчиси

С.И. Ахмедов-раис

Э.Х. Исаков-раис муовини

А.Т. Қўлдашев-аъзо

Б.К. Абдусаматов-аъзо

У.А. Хушвақтов-аъзо

Л.Т. Ибрагимов-аъзо

Ж.Х. Худойқулов-аъзо

З. Ясаков-аъзо

Ф.А. Қосимова-аъзо

Масъул муҳаррирлар: Хушвақтов У.А., Ибрагимов Л.Т.

Компьютерда саҳифаловчилар: Ибрагимов Л.Т., Худойқулов Ж.Х.

Ушбу тўпلام муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР-МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши ҳамда уларни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг пухта ўйланган стратегияси, айти пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида илм, фан ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини илмий-инновацион интеграциясини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, илмий-инновацион ҳамкорликнинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли қарори бу борада амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларни белгилаб бермоқда.

Бугун Мамлакатимизнинг тезкор ривожланиш даврида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш, сарф-харажатларни камайтириш, техник жараёнларни автоматлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатининг Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Олий таълимда интеллектуал, кенг фикрли, бой дунёқарашга эга, ривожланган мутахассислар тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёш олимлар

иктидорини юзага чиқариш каби эзгу мақсадлар устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда фаолиятимизда сифат кўрсаткичларини юксак даражада таъминлаб беришга эришиш керак. Таълимнинг барча қуйи буғинлари қаторида олий таълим олдига қўйилган ижтимоий масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, мутахассислар рақобатбардошлигини кафолатлаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таъкидланганидек, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Ушбу тизимнинг пировард мақсади Президентимиз Ислон Каримовнинг “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади” деган сўзларида ўз ифодасини топган.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказилаётган **«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили»** мавзусидаги XIII республика илмий-амалий конференцияси ёшлар иқтидорини юзага чиқаришда, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришда, илмий тафаккурини, дунёқарашини бойитишда, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялаш ва ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга тадбиқ қилишда, энг асосийси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтаётган **«Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили»** мавзусидаги XIII республика илмий-амалий конференциясида 32 та олий таълим муассасаларидан 800 нафарга яқин ёш олимлар, катта илмий ходим изланувчилар ҳамда иқтидорли талабалар ўзларининг 600 дан ортиқ мақола ва тезислари билан иштирок этаётганлиги ёш олим ва талабаларнинг илмий изланишга бўлган интилишлари кенг қамровли эканлигидан далолатдир. Уларнинг илмий-тадқиқот ишлари шўъба йиғилишларида муҳокама қилинади ва улар асосида тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига мувафақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

4-ШЎБА: ИҚТИСОДИЁТ, ТУРИЗМ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ТАШКИЛОТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЧКИ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

доцент У.А. Мухаммадиев, катта ўқитувчи У.Ч. Худойқулов.

Инсонларга стратегик муваффақиятга интилишни сингдириш ва самарали фаолият кўрсатиш муҳитини яратиш стратегияни юритувчининг энг муҳим сифатларидан ҳисобланади. Стратегия – бу ташкилот мақсадларини амалга ошириш учун узоқ келажакга мўлжалланган ҳар томонлама пухта ўйланган бошқарув режасидир. Ташкилот ўз қобилиятидан мунтазам равишда тўлиқ фойдаланаётган бўлса, унинг натижаси нафақат стратегик муваффақият бўлади, балки юқори натижа руҳи билан суғорилган ташкилий маданият ҳам ҳисобланади. Юқори натижага эришиш руҳи ҳукмрон ташкилот ходимларнинг аъло даражадаги фаолиятига ва оламшумул ютуқларига таянади. Ушбу ташкилотнинг маданияти юқори натижаларга йўналтирилган бўлиб, унинг раҳбарияти эса инсонларни яхши натижаларга илҳомлантирувчи сиёсатга ва усулларга амал қилади.

Юқори натижалар руҳи билан суғорилган устивор ташкилот, одатда инсонпарварликка йўналтирилган бўлиб, ҳар бир ходим тўғрисида ғамхурлик қилишда ҳар бир имкониятдан фойдаланади. Компания ҳар бир ходимга ҳурмат билан қарайди, уларни сифатли ўқитади, фаолиятни бажаришда ташаббускорликни ва ижодий қобилиятни намойиш этиш имконини яратади, манتيқий аниқ топшириқлар беради, юқори натижага эришиш учун рағбатлантириш ва жазолаш системасидан тўлиқ фойдаланади, барча бошқарув поғоналаридаги менежерларга ўз қўл остидаги ходимларни ривожланиши учун шароит яратади ва улар ўз қобилиятини намойиш этиб, умумий фаолиятга ўзининг муносиб улушини қўшиши учун етарлича мустақиллик беради. Натижаларга йўналтирилган ташкилий маданиятни шакллантириш учун компания юқори натижаларга эришаётган ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

- Boeing, General Electric компанияларида ўз ғояларига ишониб, уни бюрократик системалардан ўтказиб, янги маҳсулотга ҳаттоки янги ташкилотга айлантирган ходимларни тантанали тақдимлаш одат тусига айланган. Ушбу компанияларда янгиликларга кенг йўл очиб берилиб, ўз ғояларини ҳимоя қилувчилар қўллаб-қувватланади. Одатда ғоялари ҳаётга тадбиқ этилган ходимлар яхши мукофотланади, лекин ғоялар ўзини оқламаган тақдирда ҳам уларнинг иш жойлари сақланиб, улар янги ғояларни яна синаб кўриш имкониятига эга бўладилар.

- Нью-Йорк регионал сотиш идорасининг бош менежери бир кечага маҳаллий футбол командасининг ўйингоҳини ижарага олиб, ишдан кейин ҳамма савдо агентлари ўйингоҳга таклиф этди. Машҳур футбол юлдузлари каби улар ҳам бирин кетин ўйингоҳда пайдо бўлиши билан электрон таблода уларнинг исми шарифи ва муваффақият кўрсаткичлари ёритилди. Ўйингоҳда эса компаниянинг ишчи ходимлари, раҳбарлари, оила-аъзолари ва дўстлари

тўпланиб майдонга чиқиб келаётган ходимни олқишлар эди. Ушбу тантанали маросимни IBM компанияси ташкил этган бўлиб, унинг мақсади ҳар бир ходим компания учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва ходимларнинг муваффақиятлари қадрланишини намойиш этишдан иборатдир.

- “Mc Donald`s” ўзининг ҳамма корхоналарида энг яхши ошпаз танловини ўтказди. Мусобақалар мос равишда ҳар бир корхонада тантанали ўтказилади. Ғолиблар регионал мусобақаларда қатнашадилар ва уларнинг ғолиблари ўз навбатида компаниянинг абсолют ғолиблиги учун курашадилар. Ғолиблар қимматбаҳо мукофотлар билан ва хизмат кийимида тақиб юриш учун махсус кўкраг нишони билан тақдимланади.

Юқори натижалар фаолият руҳининг, усулларнинг, сўзларнинг, символларнинг ва қадриятларнинг мураккаб мажмуалари асосида яратилади. Ушбу мажмуа оддий инсонларни оламшумул натижаларга эришишга даъват этади. Бу ҳолатда ҳаракатлантирувчи куч: инсоннинг ишончларидан ва қадриятларидан; иш жойининг барқарорлигидан ва хизмат поғоналари бўйича кўтарилишидан: ходимларни ташаббускорлигидан ва ижодий ёндашувидан, ҳар қандай ишни сифатли бажариши туфайли мағрурланишидан ва рағбатлантирувчи бошқариш усулларидан иборатдир. Ходимлар билан яхши муносабатларни йўлга қўйган компания жамоанинг муваффақиятли меҳнат қилишига, юқори маънавий руҳига ва ходимларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишга умид қилиши мумкин.

Юқори натижаларга эришиш одатда ижобий рағбатлантиришга асосланса ҳам, салбий таъсир этиш усуллари ҳам мавжуд. Мунтазам қоникарсиз фаолият кўрсатадиган бўлимлар менежерларини ишдан четлатиш лозим. Бундай чорани ташкилот манфаатлари талаб қилишидан ташқари, ушбу чора менежерларга ҳам ижобий таъсир этиши мумкин, чунки ўз ўрнида эмаслигини ҳис этган менежер ташвишланади ва ўз фаолиятидан қоникмайди. Бундан ташқари ижрочилар малакали раҳбарликка муҳтож ҳисобланади. Агар раҳбарлар ёмон ишлайдиган бўлса, ижрочининг яхши ишлаши мумкин эмас. Ишга ёллаш тажрибаси юқори мотивга эга ҳурмат эътиборга интиладиган, ташкилот маданиятига мос келадиган ва яхши натижа кўрсатишга ҳаракат қиладиган инсонларга йўналтирилган бўлиши лозим.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШГАН КОМПАНИЯНИНГ БОЗОР СИГМЕНТИНИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Доц. Ў.А. Мухаммадиев., 401-Мен талабаси Қаххоров Жахонгир.

Диверсификация компаниясининг стратегиясини баҳолашнинг муҳим омили бу тармоқнинг жозибаторлигидир. Тармоқнинг жозибаторлиги қанчалик юқори бўлса, узоқ муддатли юқори фойда олиш истиқболи ҳам шунга юқори бўлади. Тармоқнинг жозибаторлигини баҳолаш уч йўналишда амалга оширилади.

1. Буюртма портфелида мавжуд ҳар бир тармоқнинг жозибаторлиги аниқланади. Бунда «Компания учун ушбу тармоқ маъқулми?» деган савол ўринлидир.

2. Ҳар бир тармоқнинг бошқа тармоқларга нисбатан жозибаторлиги аниқланади. Бунда «Буюртма портфелидаги тармоқлардан қайси бири юқори, қайси бири паст жозибатор?» деган савол мақсадни акс эттиради. Тармоқларнинг салмоғини жозибаторлик бўйича аниқлаш ресурслар тақсимотининг асоси ҳисобланади.

3. Барча тармоқларни гуруҳ сифатида жозибаторлиги аниқланади. Бунда «Тармоқлар таркиби қанчалик жозибатор?» деган савол ўринли. Асосий даромади жозибасиз тармоқларга мос келадиган корхоналар ўз буюрма портфелини қайта ташкил этишлари лозим.

Тармоқнинг (корхонанинг, бизнеснинг) жозибаторлигини баҳолашда БКГ, GE ёки ҳаётини цикл матрицаларидан фойдаланилади. Одатда буюртма портфелидаги тармоқларни, ҳеч бўлмаганда, қуйидаги омиллар орқали баҳолаш мумкин.

- Бозор ўлчамлари ва унинг прогнозлаш мумкин бўлган ўсиш тезлиги юқори бўлган тармоқлар секин ўсувчи тармоқларга қараганда жозибатордир.

- Рақобатнинг кескинлиги. Рақобат даражаси кескин бўлмаган тармоқлар рақобат даражаси кескин тармоқларга нисбатан жозибатордир.

- Зарурий технологик ва ишлаб чиқариш кўникмалари. Технологик ва малака кўникмалари компания имкониятларига мос келадиган тармоқлар жозибалидир.

- Капиталга эҳтиёж. Катта ҳажмдаги капитални талаб этмайдиган тармоқлар нисбатан жозибалидир.

- Мавсумий ва циклик омиллар. Истеъмолчилар талаби кескин ўзгариб турадиган тармоқларга нисбатан истеъмолчилар талаби барқарор тармоқлар жозибалидир.

- Тармоқнинг фойдалилиги. Фойда меъёри юқори ва қисқа муддатли бўлган тармоқлар жозибалидир.

- Ижтимоий, сиёсий, қонуний ва экологик омиллар. Ушбу соҳаларда жиддий муаммолар мавжуд тармоқлар бошқаларга нисбатан жозибасиздир.

- Бошқа тармоқларга нисбатан стратегик мувофиқликка эга тармоқлар жозибалидир.

Компания портфелидаги ҳамма бизнесларни жозибаторлик даражасини баҳолаш - бизнесларни юқори ёки паст жозибаторлик бўйича саралаш имконини беради. Бизнеснинг жозибаторлигини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар жуда мураккаб ва зерикарли бўлса, компания менежерлари тармоқнинг жозибаторлигини «юқори», «ўрта» ва «паст» баҳолашлар орқали аниқлашлари мумкин. Лекин бундай субъектив мулоҳазаларнинг асосли бўлиши менежерларни тармоқни қанчалик яхши билишларига боғлиқ. Диверсификациялашган компания яхши натижаларга эга бўлиши учун унинг тушумларини ва фойдасини катта улуши жозибатор тармоқларда фаолият кўрсатадиган хўжалик бирликларидан олиши лозим. Бунда таянч компаниянинг корхоналари фойдалилик даражаси ва ўсиш истиқболлари ўртачадан юқори бўлган тармоқларга тегишли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Паст жозибатор тармоқларда ҳаракат келадиган хўжалик бирликлари етарлича устивор бозор мавқеига эга бўлмаса, улар йўқотиш ва воз кечиш учун асосий даъвогар ҳисобландилар.

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

*Абдувалиев Зафар Маҳмудович ассистент
Тошкент архитектура қурилиш институти*

Республикамизда кейинги йилларда иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашни бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда. Хўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини доимий равишда камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш шулар жумласидандир. 2015 йилда ҳам солиқ-бюджет сиёсати хўжалик субъектлари ва аҳоли даромадларига нисбатан солиқ юкини пасайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ бошқарув тизимини такомиллаштириш, солиққа тортиш объектларини камайтириш ва яшириш ҳолатларининг олдини олиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада модернизациялаш ва янгилаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Жорий йилда жисмоний шахсларга солиқ солиш йўналишида солиқ қонунчилигига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳозирги кунда, ўртача иш ҳақидан паст ёки унга тенг миқдорда даромад олувчи жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда даромаднинг биринчи гуруҳига (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) «0» даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий қилинди. Энг кам иш ҳақининг бир бараваригача «0» фоиз солиқ ставкасининг қўлланилиши натижасида 2015 йилда бюджетдан 3,6 млрд. сўм тушум йўқотилиши ёки аҳолининг реал даромадлари шу миқдорда ошиши кутилмоқда.¹

Бунда солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб қўлланиши ва бу миқдор, энг кам иш ҳақи қанча бўлишидан қатъи назар, йил давомида ўзгармаслигини назарда тутувчи норма киритилди.

Айни вақтда айрим солиқ ставкалари, жумладан ер солиғи ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари индексация қилинди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги солиқ ставкаси, яъни базавий ставка (200 кв.метр гача) – 1,3 фоиз, шаҳарларда: 200 кв. метрдан 500 кв. метр гача – 1,6 фоиз, 500 кв. метрдан юқорисига – 2,2 фоиз қилиб белгиланди.

2014 йилдаги уй-жойнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган худудига қараб белгиланган табақалашган миқдорлари ўзгарисиз қолдирилди. (Тошкент шаҳрида - 3,0 минг сўм; Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда - 2,0 минг сўм; бошқа аҳоли пунктлари - 1,0 минг сўм)(1-жадвал).

1-жадвал

¹<http://namhaqiqat.uz>

Жисмоний шахслар бўйича мол-мулк ва ер тўловларининг 2014-2015 йиллардаги асосий ставкалари

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2014 йил	2015 йил	фарқи
	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Инвентаризация қийматига нисбатан		
1	Турар жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.м. дан ошиқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	1,2 фоиз	1,3 фоиз	1,08 баробар ошган
	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар:			
2	200 кв.м. дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	1,4 фоиз	1,6 фоиз	1,14 бар. ошган
	500 кв.м. дан ошиқ бўлган	1,8 фоиз	2,2 фоиз	1,22 бар. ошган
	Мол-мулк инвентаризация қиймати бўлмаганда мол-мулкнинг шартли қиймати			
3	Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида	18 480,0 минг сўм	20 328,0 минг сўм	1,1 бар. ошган
	бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	8 030,0 минг сўм	8 833,0 минг сўм	1,1 бар. ошган
	Жисмоний шахслар ер солиғи*	2015 йилда 1,15 баробар ошган		
4	Мол-мулкни ижарага берувчилар учун ижара ҳақининг энг камставкалари (1 ой учун)	Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вилоятбўй сунувидаг и шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
	турар жой (1 метр.квadrat учун)	3000 сўм	2000 сўм	1000 сўм
	нотурар (1 метр.квadrat учун)	6000 сўм	4000 сўм	2000 сўм

* 2015 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблашда белгиланган норматив доирасидаги ер участкалари учун Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва қўрғонларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи базавий ставкалар бўйича, белгиланган нормативлардан юқори ер участкаларига эса базавий ставкаларга 1,5 кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш мақсадида ер участкаларининг қўйидаги нормативлари қўлланилади:

– Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар бўйича – 0,06 гектар;

– Бошқа аҳоли пунктлари бўйича (деҳқон хўжаликларидан ташқари) – 0,1 гектар.²

Шу каби, 2015 йилдан бошлаб, нотурар жойларнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб табақалашган миқдорлари белгиланди. (Тошкент шаҳрида - 6,0 минг сўм; Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда - 4,0 минг сўм; бошқа аҳоли пунктлари - 2,0 мингсўм).

Бундан ташқари, алоҳида тоифадаги солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган солиқ тўловчилар учун қонунчиликда белгиланган тартибда мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган умумий майдоннинг 60 кв.м ҳажмида имтиёз белгиланди.

2014 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўлланиладиган айрим меъёрлар билан Солиқ кодекси меъёрларини бирхиллаштириш ва Кодекс нормаларини тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида 46 та моддага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Солиқ кодексининг 79, 81, 271-моддаларидаги қўшимчалар кўчмас мулкни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш, мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини топшириш ва уни тўлашни ушбу кўчмас мулк жойлашган жойида амалга оширишни назарда тутиб, ушбу норманинг киритилиши маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини оширади.

Кодекснинг 286 ва 369-моддаларидаги ўзгартиришлар Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўловлар муддатларини йилига учтадан иккитага ўтказишни назарда тутди. Яъни, йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар, қолган суммаси 1 декабрга қадар тўланиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ушбу чора тадбирлар ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларининг кўпайиши ва уларнинг товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмларининг ошиши натижасида солиқ солиш базасининг кенгайтирилишига, шунингдек, солиқ ва тўловларнинг йиғувчанлик даражаси оширилишига имкон яратмоқда. Ушбу амалга оширилаётган солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қоладиган маблағлар ўз-ўзидан аҳоли даромадининг ортишга олиб келади. Чунки, бу маблағлар энг биринчи навбатда ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини оширишга, хўжалик субъектларининг моддий-техник базасини кенгайтиришга, янги ишчи ўринлари яратишга йўналтирилади.

Энг асосийси, солиқ юкининг ана шундай камайиши туфайли солиқ тўловчиларнинг ихтиёрида қўшимча пул маблағлари қолдирилиши уларнинг

²www.soliq.uz

иш фаолиятини ривожлантиришга ижобий муҳит яратмоқда. Янги иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Олиб борилаётган солиқ соҳасидаги ушбу ислохотлар асосида аҳолининг реал даромадини оширишга олиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бердиев Фарход Очилович (СамДАҚИ)

Туризм (саёҳат) ижтимоий-педагогик жараён сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир.

Ҳозирги Марказий Осиё минтақасида яшаган қадимги аجدодларимиз ов қилиш мақсадида тоғ ва чўлларда сайр-саёҳатлар қилиб, ўз соғлиқлари ва руҳий ҳолатларни мустаҳкамлаганлар.

Қадимги Ипак йўлининг Ўзбекистон худудларидан кесиб ўтиши, фақат савдо-тижоратдагина эмас, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш, атроф-муҳитни ўрганиш, йўллар ва яшаш жойларида тозалик, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш ва бошқа муҳим соҳаларда муҳим тарихий ҳамда ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эгадир. Абу Райҳон Беруний, ал Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Захриддин Бобур каби буюк алломаларнинг сермахсул ижодлари ва махсуллари кўпинча саёҳатлар, мақсадли юришларда вужудга келган. Шу сабабдан улар табиат ва инсон ҳаётининг гўзалликларини ўз асарлари, илмий меросларида баён этишган.

Ўзбекистоннинг табиат манзаралари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўта бой бўлганлиги учун чор россиянинг жуда кўп олимлари ва ҳарбий мутахассислари юртимизнинг табиий шароитларини чуқур ўрганишган. Шу сабабдан улар турли мақсадлар оғушида юртимизни кашф этиш ва истило қилишга муваффақ бўлишган. Эътироф этиш лозимки, юртимиз тарихи, халқимиз маданияти, табиатининг нақадар гўзаллиги, табиий бойликлари ва бошқа кўп соҳаларда ўрганишга арзийдиган илмий мерослар қолдирган.

Туризм ўқувчи ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш ва табиатни ўрганишда энг муҳим восита сифатида хизмат қилиб келади.

Меҳнаткаш омма ва зиёлиларнинг дам олиш куни, таътил пайтларида туризмдан соғломлаштириш, меҳнат қобиляти ва иш унумини оширишда мақсадли фойдаланилди ва ўз самараларини кўрсатди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби қўхна шаҳарлар, Навоий, Гулистон, Янгиер ва бошқа янгидан қад кўтарган замонавий саноат шаҳарлари ўқувчи-ёшлар, талабалар ва меҳнаткашларнинг оммавий сайр (экскурсия) масканларига айланди.

Ватанамизнинг тоғ ва тоғ олди худудларига бойлиги, тоғларнинг худудлар бўйича ўзига хос тарзда тарқалганлари таълим муассасаларда тоғ туризмни ташкил этишга катта имконият яратади. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг тоғ ва тоғ олди худудларида тоғ туризмни (сайр, юришни) ташкил этиш учун етарли шарт - шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон тоғларининг юқоридаги хусусиятлари ва ҳолати тоғ туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун катта имконият яратади.

Масалан, Ўзбекистоннинг барча тоғларида тоғ-пиёда юришларини; Чотқол, Писком, Угам, Қурама (Тошкент, Наманган), Туркистон (Жиззах), Зарафшон (Самарқанд, Қашқадарё), Хисор (Сурхондарё, Қашқадарё) тоғларида тоғ-чанғи ва сув туризмни, Зарафшон (Самарқанд), Нурота (Жиззах, Навоий), Чотқол (Тошкент, Наманган) тоғларида ер ости (ғорлар, “Ёш геологлар ва ўлкашунослар”) туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин.

Бу жараёнлар ёшларнинг тарихий билимларини кенгайтириш, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбиялашда хизмат қилиб келди.

Ўқувчи-ёшлар ва аҳолининг барча табақалари фаолиятида миллий қадриятларни ўрганиш, тарихий воқеликларни таҳлил қилиш, янги ислоҳотлар йўлида уларга давр талаблари асосида муносабатда бўлишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан мутахассисларнинг ташриф буюриши, кўшма корхоналарни ташкил этилиши, тарихий шаҳарларга сайрларни (экскурсия) ташкил қилиниши янги тус олмоқда. Шу туфайли Республика Президенти ва ҳукумати томонидан юртимизда туризмни ривожлантиришга доир жиддий тадбирлар ўтказилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (1999 йил 2 июль) ва Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (1999 йил 20 август) мисолида кўришнинг ўзи кифоядир.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор ва қонуннинг сосий мақсади сайр (экскурсия) ва саёҳатларни юртимизда ташкил қилиш, хорижий сайёҳларга маданий хизматларни яхшилаш, тарихий ва замонавий шаҳарларга ўқувчи-ёшлар ҳамда меҳнатқашларнинг саёҳатларини ўтказишнинг янги усуллари ҳамда тартибларини ўрнатиш кўзда тутилган.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабалари ҳамда синов меъёрлари таркибига 6 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишиларга саёҳатларда иштирок этиш турининг киритилиши бунга далолатдир.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини бажаришга тайёргарлик машғулотларини (саёҳат, гимнастика, енгил атлетика, сузиш ва ҳ.к.) ўтказишда юқорида таъкидланган манзиллар хизмат қилаолади.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, таълимнинг узлуксизлиги, баркамол авлод тарбияси, касб-хунар (мутахассисликни) эгаллашда ёшларнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятларини тарбиялашда саёҳатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан ўқувчи-ёшлар, талабаларнинг билим савияларини ошириш, касбхунар йўлидаги меҳнат фаолиятларида саёҳатларни ташкил қилиш амалиёти билан уларни мақсадли қуроллантириш буюк келажагимизнинг равнақига ҳисса қўшиш ҳисобланади. Бунда саёҳатларнинг назарий ва амалий мазмунларини давр талаблари асосида ўргатиш ва қунт билан ўрганиш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

ТУРИЗМ ДЛЯ ДУШИ

Ш.О.Бердиев. ЎзДЖТИ

Узбекистан располагает значительными возможностями для развития туризма с религиозной мотивацией.

Туристические ресурсы нашей страны позволяют развивать самые разнообразные виды туризма - от культурно - познавательного до экстремального. Вместе с тем, наличие на территории современного Узбекистана огромного количества архитектурных памятников, действующих культовых сооружений и археологических объектов, способствует привлечению значительного количества туристов с религиозной мотивацией. Строго говоря, практически весь культурно-познавательный туризм в нашей стране имеет религиозную составляющую, поскольку основными объектами туристского интереса являются памятники исламской архитектуры, буддизма и ряда других религиозных верований.

Важно также отметить, что в последние годы разнообразные программы в рамках религиозных туров привлекают все больше и больше путешественников и паломников. Не случайно Всемирная туристская организация ООН (ЮНВТО) считает религиозный туризм одним из самых перспективных направлений, объясняя это тем, что современный человек в поисках духовного обогащения стремится получить более глубокие знания о религии.

Во многих странах, которым посчастливилось обладать уникальными святыми местами, объектами почитания и культа, религиозный туризм составляет значительную часть всех туристских поступлений. По данным экспертов Международной туристской академии (МТА), мировой объем доходов от религиозного туризма составляет \$18 млрд.

В путешествие по местам, имеющим прямое или косвенное отношение к какой-либо из мировых религий, ежегодно отправляются около 350 млн.

человек. Интересна демографическая статистика туристов с религиозной мотивацией. Примерно 12% - туристы в возрасте от 20 до 30 лет, около 40% - от 30 до 50 лет, чуть более 35% - от 50 до 70 лет и 8% - старше 70 лет.

Иными словами, религиозными тур маршрутами идут, в основном, любознательные люди самого активного возраста.

По сравнению с другими странами региона Узбекистан исключительно богат архитектурными памятниками, прежде всего, мусульманскими.

Это здания светской, гражданской и культово-мемориальной архитектуры, дворцы и жилые дома, медресе и ханаки, мечети и минареты, чилляхана и завия, мавзолеи и мазары, отмечает академик Эдвард Ртвеладзе в своей книге «Мусульманские святыни Узбекистана».

Вместе с тем, по его мнению, на территории Среднеазиатского Междуречья-Мавераннахра в прежние времена религиозная жизнь была довольно пестрой. На большей части исповедовали зороастризм, манихейство, в Самарканде и Чаче большое распространение имело христианство несторианского толка, в Хорезме - мелкитство, в южных областях, особенно в Тохаристане, значительные позиции занимал буддизм, в

отдельных районах был распространен шиизм, а также некоторые языческие верования, такие как иак анимизм и фетишизм, обожествлении растений животных и птиц, - считает известный узбекистанский ученый. Все эти верования, по мнению исследователя, впоследствии оказали значительное влияние на сложение культа святых в исламе, культа почитаемых мазаров, где особенно ярко проявляются до мусульманские религиозные традиции.

Мнение ученого подтверждает как мировая, так и туристская практика в Узбекистане, которая свидетельствует о повышенном интересе большинства туристов, совершающих поездки по нашей стране в рамках культурно-познавательных туров, к вопросам истории зарождения и распространения религиозных верований на территории Центральной Азии.

Эта тема становится все более популярной в просвещенной туристской среде во всем мире. В последние годы отмечается рост количества обычных тур поездок. Совмещенных с религиозной составляющей. Крупнейшие мировые туристические выставки начинают проявлять интерес к религиозному туризму. В частности, на Миланской международной туристской ярмарке организован специальный раздел, посвященный этому направлению. В Европе многие туристы совершают путешествия по древним путям, по которым шли от святыни к святыне пилигримы. В частности, один из древнейших в Европе христианских паломнических маршрутов «Путь Сантьяго (святого Якова)», уходящий корнями в IX век, был объявлен ЮНЕСКО культурным достоянием человечества и крупнейшим «культурным» маршрутом Европы.

В заманчивом списке тур предложений многих стран появились названия религиозных парков. В Аргентине открыт тематический развлекательный комплекс «Святая земля», где мирно соседствуют католический храм, синагога и мечеть. Посетителям парка предоставляется возможность проследить в стилизованных под старину многочисленных павильонах всю жизнь Иисуса Христа - от рождения до распятия и воскрешения. Есть своя «Святая земля» и в американской Флориде. Организуются даже специальные религиозные круизы, в ходе которых для пассажиров круизных судов проводятся различные культовые мероприятия, предлагаются книги религиозного содержания.

По мнению специалистов, религиозный туризм это коммерческое посещение святых мест с познавательными целями, а его приверженцы, в отличие от паломников, совершающих духовный подвиг, никогда не занимаются религиозной практикой и не придерживаются культовых правил.

Все это, а также большое количество имеющихся на территории Узбекистана архитектурных и религиозных памятников, святых и других мест поклонения, действующих культовых сооружений разных конфессий, создают серьезную основу для развития в нашей стране духовного туризма. Именно такого туризма, который не только приносит экономическую выгоду, но и способствует сохранению духовных ценностей, развитию личности и человеческого достоинства, способствует толерантности, культурному и цивилизационному обменам.

ПОВЫШЕНИЕ МОТИВАЦИОННОЙ РОЛИ ОПЛАТЫ ТРУДА РАБОТНИКОВ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ

Доц. И.А.Усманов, кафедра «Менеджмент в строительстве»

М.Богословская, студентка гр.402-Мен

Самаркандский Государственный Архитектурно-строительный институт

Переход к рыночной экономике требует коренного повышения производительности труда во всех отраслях экономики, в том числе и в строительстве. Строительство - это отдельная самостоятельная отрасль экономики Узбекистана, которая предназначена для ввода в действие новых, реконструкции, расширения, ремонта и технического перевооружения действующих объектов производственного и непромышленного назначения. Динамичное развитие экономики Узбекистана зависит от условий, которые создает отрасль строительства. Для формирования рыночных отношений в сфере подрядных строительных работ, как и на любом другом рынке, необходимо создание и поддержание конкурентной среды. При этом особое значение приобретает совершенствование менеджмента, которое на современном этапе развития мирового хозяйства является главным рычагом повышения конкурентоспособности.

Совершенствование мотивации сотрудников в строительстве является актуальной проблемой развития отрасли. Это обусловлено тем, что увеличение объемов строительства оказывает серьезное влияние на развитие основных отраслей промышленности тем, что обеспечивают техническую оснащенность объектов через ускорение ввода в действие новых мощностей, и тем, что выполняя для других отраслей экономики строительно-монтажные работы на основе договоров подряда, строительные организации неразрывно связаны с деятельностью заказчиков.

Необходимость совершенствования мотивации работников с переходом к рыночной экономике стала наиболее актуальным вопросом. Невозможно не согласиться, что труд перестал быть для многих людей смыслом жизни и превратился из средства выживания в средство актуализации личности. В таких условиях мы можем говорить не о тяжёлом монотонном труде, а о высокопроизводительном и эффективном труде, который связан с формированием сильной трудовой мотивации.

Основным элементом экономической мотивации личности была и остаётся заработная плата. Стимулирование работников в строительной отрасли не ограничивается только уровнем заработной платы. Реальная система льгот, предоставляемых строительной организацией своим работникам, может быть достаточно разнообразной, для этого необходимо определить, на какие свои основные потребности акцентируют внимание работники.

Например, можно отметить так называемый “банк нерабочих дней”, который объединяет оплаченные дни отпусков, больничные дни, разумное количество отгулов. Работнику предоставляется некоторое количество дней в году, которые он может не работать и он получает возможность воспользоваться нерабочими днями по своему усмотрению, “выкупить”

какое-то их число в счет будущих отпусков или взять в обмен на другие льготы.

Что же такое мотивация? Существует огромное количество определений термина «мотивация» и лишь объединив их, мы получаем полное объяснение - Мотивация – это совокупность внешних и внутренних движущих сил, побуждающих человека осуществлять деятельность, направленную на достижение определенных целей, с затратой определенных усилий, с определенным уровнем старания, добросовестности и настойчивости.

Мотивация занимает ведущее место в структуре личности и является одним из основных понятий, которые используются для объяснения движущих сил поведения. В роли мотива могут выступать потребности, интересы, влечения, эмоции, установки, идеалы. Под мотивом того или иного действия работника понимаются причины (пусть не всегда осознанные), побудившие его совершить это действие.

Мотивы могут быть внутренними и внешними, при этом последние обусловлены стремлением человека обладать какими-то не принадлежащими ему объектами или, наоборот - избежать такого обладания. Внутренние мотивы связаны с получением удовлетворения от уже имеющегося у человека объекта, который он желает сохранить, или неудобствами, которые приносит обладание им; а, следовательно, стремлением от него избавиться.

Например, интересная работа приносит человеку наслаждение и он зачастую готов трудиться почти даром; в противоположном случае он согласен на все, лишь бы от этой работы избавиться.

Суть экономических мотивов состоит в том, что люди в результате выполнения требований, предъявляемых к ним руководством, получают определенные материальные выгоды, повышающие их благосостояние. Они могут быть прямыми (денежный доход) или косвенными, облегчающими получение прямых доходов (дополнительное свободное время, позволяющее заработать в другом месте). Например, В Узбекистане свыше 50% доходов домохозяйств составляют доходы от предпринимательской деятельности.

Основными формами денежных доходов, связанных с трудовой деятельностью, является заработная плата, предпринимательская прибыль, различного рода выплаты и льготы.

Обычно заработная плата зависит от занимаемой должности, квалификации, стажа работы, количества и качества затраченного труда. По форме она может быть повременной, зависящей от количества затраченного времени, и сдельной, определяемой объемом выполненной работы.

В свою очередь в рамках форм выделяются системы заработной платы. Использование той или иной формы или системы заработной платы в целях стимулирования зависит от сферы деятельности работников, характера трудовых операций, технологических процессов и т.п.

Повременная форма заработной платы применяется в отношении руководителей, специалистов и служащих, а также тех рабочих, результаты деятельности которых, не поддаются точному учету и измерению либо не требуют его вовсе. В зависимости от способа начисления повременная заработная плата может быть почасовой, помесечной и т.д.

Мотивирующими моментами в рамках повременной заработной платы являются ее величина и структура. К условиям, обеспечивающим эффективность ее применения, относятся: точный учет фактически отработанного времени; наличие обоснованных норм и нормативов, регламентирующих объем выработки, численность персонала, производственные задания и пр.; рациональное распределение работы между исполнителями, принимающее во внимание их опыт, профессию, квалификацию, разряд.

Сдельная форма оплаты труда применяется в основном по отношению к строителям, конкретные результаты деятельности которых, легко измеримы, а их рост необходимо стимулировать. При прямой (индивидуальной и коллективной (бригадной)) сдельной заработной плате ее величина определяется в зависимости от объема выполненной работы по единой расценке за единицу продукции. При этом индивидуальная сдельная оплата используется там, где люди либо трудятся самостоятельно, либо совместно выполняют одинаковую по квалификации работу, например, в бригаде каменщиков. Коллективная сдельная применяется там, где лица разной квалификации и специальности порознь или совместно работают над сложным комплексным объектом и связаны конечным результатом.

Сдельно-премиальная система оплаты труда сочетает сдельный заработок с премией за качественные и количественные результаты деятельности, такие как рост ее производительности, снижение затрат, освоение новой техники и технологии.

Помимо основной заработной платы, важную роль в мотивации производительного труда играет дополнительная оплата, в форме различного рода доплат за профессионализм, квалификацию, деловые навыки, носящих в основном компенсационный характер. Необходимо также обращать внимание на то, что рабочие в строительстве больше подвержены воздействию климатических условий, чем рабочие других отраслей промышленности. Эта особенность требует приложения больших сил в совершенствовании мотивации работников. В связи с этим на основные строительные, монтажные и ремонтно-строительные работы вводятся поправочные коэффициенты, позволяющие учитывать отклонения от нормативных условий труда.

Уровень основной и дополнительной заработной платы дает формальную оценку вкладу работника в конечные результаты, исполнительности, профессионализму, квалификации, поэтому должен возрастать вместе с ними. Однако более действенным стимулирующим средством он становится при дополнении другим не менее важным элементом экономической мотивации - системой итогового вознаграждения. Для того чтобы премия играла роль действенного стимулирующего фактора, ее величина, должна составлять не менее 30% основного заработка.

Оплата труда является важным фактором социальной стабильности в коллективе. Уровень оплаты труда, задержки выплаты зарплаты являются наиболее конфликтными факторами: согласно данным социологических исследований в каждом третьем случае конфликты возникают по причине

несвоевременной выплаты зарплаты и в каждом пятом случае – по причине неудовлетворенности работников ее размерами.

Решить некоторые проблем можно с помощью правильной оплаты труда, основанной на соразмерном эффективном возмещении затрат работника в процессе трудовой деятельности. Она обретает особую значимость на современном этапе в связи с изменениями условий хозяйствования, увеличением объемов прав и полномочий нижнего звена в системе управления хозяйствующих субъектов. Возникает необходимость разработки и внедрения в каждой строительной организации системы оплаты труда, направленной на максимальное использование трудового потенциала работников, точную и полную оценку количества и качества труда.

Повышение роли оплаты труда в строительстве неразрывно связано с мотивационной теорией справедливости. Обеспечение справедливости оплаты труда в сфере строительства является наиболее важной целью любой системы оплаты. Как известно, справедливость может рассматриваться в трех направлениях:

- внутренняя справедливость, по отношению к вкладу работника в организацию;
- внешняя справедливость, по отношению к оплате труда на рынке рабочей силы;
- индивидуальная справедливость, по отношению к другим работникам, выполняющим аналогичную работу.

В условиях рыночной экономики с организацией заработной платы в строительной отрасли связаны решения двуединой задачи:

- гарантировать объем и структуру справедливой оплаты труда каждому работнику в соответствии с результатами его труда и стоимостью рабочей силы на рынке труда;
- обеспечить работодателю достижение в процессе производства такого результата, который позволил бы ему после реализации продукции на рынке инвестиций возместить затраты, получить прибыль и повысить конкурентоспособность организации.

Тем самым через организацию заработной платы может достигаться компромисс между интересами работодателя и работника, способствующий развитию отношений социального партнерства между двумя движущими силами рыночной экономики.

РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПРОИЗВОДСТВА И УСЛУГИ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ

*Умиркулов Алишер-студ.401-мен., Тошимов Азизбек-студ.101-мен.,
доц. Буриев Х.Т., Саидов Рустам, ассистент каф. «Менеджмент в
строительстве» СамГАСИ*

Кризисные явления в мировой экономике в последние годы, сокращение мировых запасов полезных ископаемых и непрерывное возрастание себестоимости их добычи, увеличивающиеся затраты на защиту окружающей среды и здравоохранение создают серьезные экономические проблемы для

современных организаций. Большинство организаций и далее должны действовать в условиях усложняющихся экономических проблем, решение которых во многом связано с эффективным поиском путей коренного повышения качества продукции.

Развитие современного глобального общества характеризуется созданием общего рынка товаров и услуг, разделением труда, совместным решением вопросов безопасности и охраны окружающей среды. Переход к рыночной экономике, в частности, сопровождается массой проблем в деятельности отечественных фирм, предприятий и организаций любой формы собственности не только на внутреннем, но и на внешнем рынке.

Поэтому, во главу угла встает проблема качества, являющаяся важнейшим фактором повышения уровня жизни, экономической, социальной, экологической безопасности.

Именно от качества, оказывающего огромное влияние на уровень и образ жизни людей, зависят перспективы развития, как отдельных отраслей промышленности, так и экономики Республики Узбекистан в целом. На современном рынке достигнуть определенных высот можно только с помощью непрерывного улучшения качества продукции, повышения ее конкурентоспособности.

Качество-комплексное понятие, характеризующее эффективность всех сторон деятельности, разработку стратегии, организацию производства, маркетинг и др. Международная организация по стандартизации (стандарт ИСО-8402) определяет качество как совокупность свойств и характеристик продукции или услуги, которые придают им способность удовлетворять обусловленные или предполагаемые потребности.

Качество товара (услуги, работы) является важнейшей частью его конкурентоспособности. Тенденции совершенствования современных производств таковы, что качество производимого продукта (выполняемой услуги) обеспечивается не за счет усиления контрольных мероприятий, а путем совершенствования технологических процессов и, в конечном итоге, путем обеспечения высокого качества работы. При таком качестве работы качество производимого продукта обеспечивается автоматически. Таким образом, делается основной упор не на эффективность сертификации производимых товаров, а на сертификацию систем качества на предприятии. Эффективность самой системы качества проверяется с помощью внутренних аудитов в установленные сроки. Престижность системы качества предприятия в определенной степени зависит от того, кто ее сертифицирует: это отечественные органы сертификации или международные центры, имеющие широкое международное признание.

Услуги следует характеризовать как результат взаимодействия поставщиков (исполнителей, изготовителей) и их средств труда с потребителями по удовлетворению потребностей последних. К видам услуг можно отнести, например, транспортные, информационные, телекоммуникационные, образовательные и др.

Из приведенного высказывания можно сделать следующие выводы:

- «качество» в жизни людей должно быть, и является главным;

- для создания и обеспечения высокого качества необходимо высококачественные сырье, материалы и т. п.;
- без обеспечения, сохранения и улучшения качества последствия могут быть необратимо тяжелыми;
- высокое качество обеспечивается, сохраняется и совершенствуется «культурой личности духа», которая прививается и проявляется только там, где человеку оказывается подлинное внимание и глубокое уважение.

Интерес к проблеме высшего образования вызван тем, что в настоящее время важнейшую роль в развитии культуры государства играет именно уровень образования. Образование выдвигается на первое место среди факторов развития человечества. Роль образования опережает значимость средств производства и природных ресурсов. Экономическое процветание государства все более зависит от способности добывать новые знания и применять их в жизни.

В настоящее время, по оценкам Всемирного банка, физический капитал в современной экономике формирует 16% общего объема богатства каждой страны, природный 20%, а человеческий капитал 64%. В таких странах, как Япония и Германия, доля человеческого капитала составляет до 80% национального богатства. В настоящее время ценности создаются за счет применения образования на практике. Качество понятие многогранное, применяемое практически в любом производстве, в любой сфере деятельности.

На заводах, выпускающих железобетонные изделия, в значительной мере формируется качество конечной строительной продукции - жилого дома. Поэтому постоянно ведется работа по улучшению качества заводской продукции.

Потребности, предъявляемые к любой продукции, состоят из конкретных требований. Каждому требованию к продукции отвечает определенное ее свойство. Например, требованиям по теплозащите - теплопроводность и т.д. Свойства продукции, соответствующие требованиям к ней со стороны потребителя, называются единичными показателями качества (ЕПК). Значения всех единичных показателей качества продукции устанавливаются нормативными документами: ГОСТами, СНиПом, техническими условиями, программами проектирования и др. Этими требованиями, в совокупности, определяются нормативный уровень качества продукции.

Ухудшение значения ЕПК, по сравнению с нормативным значением, указывает на наличие дефектов продукции.

Основная задача **стадии изготовления** является - обеспечение соответствия качественных характеристик материалов, изделий, зданий, требованиям, предусмотренным в проектной документации, и выполнение требований правил производства работ.

Установлены, что качество сданных в **эксплуатацию** строительных объектов в полной мере отражается в объемах и стоимости текущих затрат на их содержание и разовых - на ремонты (текущие и капитальные). Во всех случаях все здания и сооружения нуждаются в эксплуатационном обслужива-

нии для поддержания их в рабочем состоянии. Анализ состава эксплуатационных затрат имеет целью выработку и экономическое обоснование мероприятий по повышению качества вводимых в эксплуатацию объектов. Это требует определённых мероприятий в процессе строительства, а, следовательно, и дополнительных капитальных вложений, которые будут окупаться снижением затрат в процессе эксплуатации.

Таким образом, наряду с установлением уровня качества и обеспечением заданного уровня качества весьма важное значение имеет и стадия поддержания достигнутого уровня качества, т.е. стадия потребления (эксплуатации) продукции, от которой непосредственно зависит степень проявления всех ее свойств, заложенных при проектировании и в процессе производства работ.

Качество конечной продукции формируется на всех стадиях строительного производства, охватывающих добычу минерального сырья и его первичное обогащение, изготовление материалов, полуфабрикатов, изделий и конструкций, возведение зданий и сооружений. По отношению к конечной продукции, на каждой стадии строительного производства изготавливается полуфабрикат, который подвергается переработке в процессе дальнейшего производства. Однако для каждой стадии этот полуфабрикат является законченной промежуточной продукцией. Качество этой продукции определяется требованиями, предъявляемыми к ней на последующих стадиях производства. Например, к железобетонному изделию - элементу сборной конструкции сооружения предъявляются требования:

на стадии монтажа: допуски и очертания стыковых граней, масса, не превышающая грузоподъемности крана и др.;

на стадии послемотажных работ: заводская готовность, качество поверхностей и др.;

на стадии эксплуатации: прочностные качества, тепло-звуко-гидроизоляция, размер ежегодных эксплуатационных расходов и др.

Обеспечение этих требований, определяющих качество промежуточной продукции, гарантирует, что ее использование на последующих стадиях производства не создает препятствий для достижения заданных качеств конечной продукции или не потребует дополнительных затрат для этого.

Исследование показали, что от 30% до 60% всех отклонений показателей качества в готовом здании в худшую сторону появляются в результате плохого качества строительных конструкций, поставляемых на стройку, и недостатков в работе строительного-монтажных организаций.

Поэтому важное место в системе управления качеством занимает обеспечение процесса формирования единичных показателей качества при изготовлении изделий и производства строительных работ а также, поддержании (услуги) качества период эксплуатации.

Специалистами кафедры «Менеджмент в строительстве» и студентами СамГАСИ ведутся практические работы по созданию и эксплуатации систем управления качеством на предприятиях промышленности строительных материалов, изделий и конструкций и на производстве строительного-монтажных работ.

Предлагаемая ими система управления качеством продукции позволит планировать количественные показатели повышения качества работы исполнителей, линий, цехов, участков, учитывать результаты работы, проводить стимулирование достижений и другие мероприятия в системе менеджмента качеством продукции.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ПИШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ҚМБваКИЧ кафедраси ассистенти Бўриева С.З

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда пишириш кенг тарқалган технологик операциядир.

Пишириш давомида материалда мураккаб физик-химиявий жараёнлар содир бўлиб, ҳам ашё материалларнинг химиявий ва минералогик таркиби ўзгаради, тайёр маҳсулотнинг хоссалари тубдан ўзгаради.

Пишириш сопол материаллар олишда (ғишт, керамзит, ўтга чидамли материаллар) минерал боғловчилар олишда (цемент, гипс, оҳак), шиша ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Бу материаллар учун пишириш – технологик жараён яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Пишириш давомида бўладиган физик-химиявий жараёнлар ҳосил бўладиган фазаларни таркиби ва характеристикасини аниқлайди, материал массаси ва ҳажмини ўзгаришини кўрсатади. Шундаай қилиб бу жараёнлар тайёр маҳсулотнинг бутун физик-техникавий хоссаларини пайдо бўлишини таъминлайди.

Материални пишириш режими буюмларни шакли, ўлчамига, массаларнинг таркиби ва хоссаларига кўра аниқланади.

Пишириш давомида энг мураккаб босқич қиздириш даври.

Бунда асосий хавф қиздириш давомида бўладиган ҳажм ўзгаришлари ёки массалар алмашувининг интенсивлиги натижасида материалнинг емирилишидир.

Пиширишнинг энг юқори температураси ва унда сақлаш муддати керакли даражада пиширишни таъминлаши, химиявий реакцияларни охиригача етиши, фазовий ўзгаришларни охирига етиши учун керакли даражада бўлиши керак. Пишириш температурасини пасайтириш мумкин, лекин бунда сақлаш муддати жуда чўзилади. Шунинг учун иқтисодий, техникавий жихатдан пиширишни юқори температурада олиб бориш яхшироқ. Лекин бундай боғланиш ҳамма материал учун тўғри келмайди. Агар температура ўзгариши фазовий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, бундай боғланиш мумкин эмас (температура ва сақлаш муддати орасидаги боғланиш).

Пишириш температураси ва муддатига фақатгина материал физик-химик хоссалари таъсир қилиб қолмасдан, буюмларнинг шакли ва ўлчамлари таъсир қилади. Йирик ўлчамдаги буюмларни пиширишда пишириш муддати анча катта бўлади, чунки материал жисмдаги температураларни тенглаштириш учун сарф бўладиган вақт материал энг кичкина ўлчамининг квадратига пропорционалдир.

Совутиш даври кўпчилик материалларни физик-химиявий ўзгаришларида деярли таъсир этмайди. Бунда пайдо бўладиган кучланишлар асосан термик кесиш ва қотаётган суяқ фазани модификацион ўзгаришларига боғлиқ.

Мисол: таркибида SiO_2 кўп бўлган материалларда катта ҳажмий ўзгаришлар бўлади. Умуман совутиш даври қиздиришга нисбатан қисқароқ.

Иссиқ ишлов бериш босқичлари кўпчилик материаллари учун яқунловчи босқич бўлиб, технологик жараённинг бу босқичида бўладиган деффектларини тузатиш мумкин эмас.

Шунинг учун технологик жараёнларнинг параметрларини қонунларга амал қилган ҳолда олиб бориш керак.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ СТРАТЕГИЯСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

*и.ф.н. доцент: Буранов Олмос., Ўқитувчи: Эгамов Раҳматилло., талаба
О.Турсунов (СамДАҚИ)*

Амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар шароитида инвестиция фаолиятининг самарадорлигини ва ахамиятини ошириш алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу нафақат иқтисодий ислохатларни амалга оширишнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмасдан, балки миллий иқтисодиётни ривожлантиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон амалиётининг таҳлил натижалари кўрсатишига, самарали фаол инвестицион фаолиятни ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналарни замонавий техникавий асосга ўтказиш рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш каби масалалар муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар натижасига этибор қаратадиган бўлса, деярли барча соҳаларда сезиларли натижаларга эришилганлигини кўраемиз. Масалан, мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техника ва технология янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 2015 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилган ва ўзлаштирилган. Бу эса мувофиқ равишда 2014 йилга нисбатан 9,5 фоизга кўпдир. Шундан, жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки 21 фоиздан ошиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи бевосита тўғридан-тўғри чет-эл инвестициялари эканлигини кўришимиз мумкин.

Бундай, инвестицион фаолият стратегияси тўғри ва аниқ белгилашдан мақсад халқ хўжалигининг барча соҳаларига инвестиция жалб этишни комплекс равишда олиб бориш, ўз навбатида инвестиция фаолият стратегиясини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисми сифатидаги ахамиятини тўғри аниқлаш, миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг алоҳида олинган тармоқларини белгилаб олиш, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш, уларни янгилаш ва тўла

юкланишини таъминлашга эришиш, қисқа муддатли манфаатлардан барқарор самарадорликка ўтиш ва х.к. ҳисобланади.

Жумладан, 2015 йилда жалб этилган инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга қаратилган бўлса, бу эса мос равишда 7 миллиард 400 миллион бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ва фойдаланиш имконини берди. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси, “ Самарқандкимё ” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб тартибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси, Сургил коми негизида, умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган, йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини берувчи мажмуаларнинг барпо этилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Бундай улкан узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион фаолият стратегияси бардавомлигини таъминлаш мақсадида Президентимиз И.А.Каримов 2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши ўта муҳим вазифа эканлигини маъқуллаб ўтди. Чунки, бу дастур саноатда, бутун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг энг муҳим воситаси эканлиги белгилаб берилди. Шунга мувофиқ 2016 йил, умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойихаси белгиланган муддатларда ишга туширилиши бўйича зарур чоратadbирлар чиқиши лозимдир.

Инвестицион фаолият стратегияси ва самарадорлигини таъминлаш учун аввалам бор қуйидагиларга алоҳида этибор берилиши, ислохотларнинг самарали натижалар бераётганини кўрсатади, жумладан:

- Устивор тармоқларга инвестициялар киритишнинг пухта режасини ишлаб чиқиш;

- Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш;

- Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида илмий-техник тараққиёт ва даражасини кўтарилишини таъминловчи соҳа ва ишлаб чиқаришларга ажратиш;

- Инвестицион фаолият стратегиясини аниқлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига ҳар томонлама кўмак бериш ва ҳакоза.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаси тўғри ва оқилона инвестицион фаолият стратегиясини олиб бориш билан аҳамиятлидир. Бунинг учун Республикамизда барча имконият ва ресурслар салоҳият мавжуддур.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*СамДАҚИ 401 менежмент гуруҳи талабалари Холиқов Ш, Джахонов Э.
и.ф.н, доцент. Бўриев Ҳ.Т., ассистенти Бўриева С.З.*

Республикамиз корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош стратегик вазифаларининг биридан иборат. Республика

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурида бош ўринни корхоналарни модернизациялаш, янги техник ва технологик куроллантириш янада тезроқ давом эттириш масалалари эгаллаганлиги бежиз эмас. Бу йўналишда ташкилий, иқтисодий ва техник характерга эга бир қатор комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларга, ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланиши ва техник қайта жихозланиши учун қулай шароит яратиш, бозорни нотўғри рақобатдан ҳимоя қилиш, товарлар ва хизматларни сертификациялаш, экспортга йўналган ва импортни алмаштирувчи ишлаб чиқариш механизмини рағбатлантириш кабилар қиради. Ҳукумат ўзининг қонуний ҳаракатлари билан корхоналарнинг рақобатбардошлигига ташки таъсирини амалга оширади.

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини муҳим омиларидан бири чиқариладиган товарлар ва бажариладиган хизматларнинг сифатлилигидан иборатдир. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга шароит яратиш ва уни сертификатлашни йўлга қўйиш иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг бош вазифаларидан биридир. Бу муаммо республика раҳбариятининг диққат марказида туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлидаги «Корхоналарга халқаро стандартларга мувофиқ келадиган сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарорига асосан, мамлакатнинг 200 та корхонасида халқаро ИСО 9000 стандартларига мувофиқ бўлган сертификация тизимини жорий этиш режалаштирилди. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотларига асосан 2015 йилнинг 1 январи ҳолатига Республикада 1500 га яқин бундай тизимлар ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинаётган чораларнинг долзарблиги ва ўз вақтидалиги ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган натижалар билан ўз исботини топади. Шу билан бирга корхоналар рақобатбардошлигининг шаклланишига ички таъсир тизимига ҳам эга бўлишлари зарур. Бундай тизимнинг асосини, чиқарилиётган маҳсулот сертификацияси, хизматларни лицензиялаш, шунингдек ИСО-9000 сериясидаги халқаро стандартларни амалга киритиш ташкил этади. Ҳозирги вақтда Республикада корхоналарни ИСО-9000 серия стандартлари бўйича сертификациялаш учун зарур шароитлар яратилган, яъни ишлаб чиқаришни стационар ва аниқ тартибланган технологик жараёнга эга халқ истеъмолчи товарларини сертификациялаш тартиби қабул қилинган. Маълумки, сертификацияланган маҳсулот нархи сертификацияланмаган маҳсулот нархига қараганда анча юқори туради. 2004 йилнинг 1 январидан эътиборан сифат менежмент тизими талабларини ўз ичига олган ЎзДСт ИСО 9001:2002 Давлат стандартининг киритилиши бу ишларни жуда тезлаштирди. Сифат менежменти, экологик менежмент ва маҳсулотнинг хавфсизлиги ҳозирги замон интеграллашган тизимлари корхоналар молиявий-иқтисодий стратегиясининг самарали ташкил этувчи қуролидир. Сифатни тартиблаш тизимини жорий этиш орқали рақобатбардошлиқни ташкил этиш тўлиқ равишда қурилиш тармоғига ҳам таълуқлидир.

Қурилиш инвестицияларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Ўз навбатида қурилиш самарадорлигини оширишнинг асосий вазифаси баҳо қўйишнинг бозор усулларини жорий қилиш, қурилиш муддатларини мақбуллаштириш ва объектлар қуришнинг юқори даражадаги сифатини таъминлашдир. Ҳали бунақа талабларни Республикамизнинг айрим қурилиш ташкилотларига қаноатлантира олади. Ишлаб чиқариш корхонасида қурилиш-монтаж ишлари сифатини рағбатлантирувчи механизмлар ҳали етарлича ривожланмаган.

Қурилиш маҳсулотини сертификациялашга зарурият ўзининг таснифига эга. Шунга кўра, қурилиш соҳасидаги маҳсулотни сертификациялаш бўйича илмий ходимлар ва ваколатли органлар олдида иккита муҳим масала туради:

- қурилиш объектларини сертификациялаш қоидалари ва жараёнларини ишлаб чиқиш;

- қурилиш ташкилотида маҳсулот сифатини сертификациялаш услубини ишлаб чиқиш.

Биринчи вазифа объектни эксплуатацияга давлат томонидан қабул қилиниши жараёнида ечилиши мумкин. Ҳозирги вақтда қурилиш объектларини эксплуатацияга топширишнинг мавжуд тартиби сифатга кафолат бермайди, гарчи сертификация учун замин тайёрланган бўлса ҳам. Демак, объектни эксплуатацияга қабул қилиш ўрнига махсус ваколатли орган томонидан объект қурилишини сертификациялаш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш керак.

Шундай қилиб, қурилиш объектларни сертификациялашнинг таклиф этилаётган жараёнида ваколатли орган қурилиш-монтаж ишларининг стандартлар талабларига мувофиқ бажарилишини кафолатлайди ва объектнинг нормал ишлашини таъминлайди.

Иккинчи вазифа ишлаб чиқариш корхонасининг бошқариш тизимини ислоҳ қилишни тақозо этади. Қурилиш объектларини сертификациялаш шартларининг бажарилиши қурилиш ташкилотларида самарали ташкилий-иқтисодий механизмнинг жорий этилганлигига бевосита боғлиқдир. ИСО халқаро стандартда "...ташкилот сифат менежментини ишлаб чиқиши, ҳужжатли расмийлаштириши, татбиқ этиши, ишчи ҳолатида тутиши, унинг самаралигини доимо яхшилаши керак" дейилган. Қурилиш ташкилоти учун бу талаб биринчи навбатда барча бажариладиган ишларни ҳужжатлаштириш ва уларнинг миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлигини тасдиқлашни англатади. Шунга кўра қурилиш ташкилотида маҳсулот сифатини баҳолаш тизимини шакллантиришга зарурият пайдо бўлади.

Шундай қилиб, корхонада бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини халқаро стандартларга жавоб беришини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар, маҳсулот сифатини ошириш тизимини жорий қилиш, объектларни қуришда қурилиш-монтаж ишлари сифат даражасини оширишдан иборат бош вазифасини ечишга имконият яратади.

ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

А.Турдиев, и.ф.н., доцент ТАСИ., Ҳ.Бўриев и.ф.н., доцент СамДАҚИ

Инвестицион жараёнларни самарали бошқариш мамлакат иқтисодий ўсиши барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг асосий бўғини ҳисобланади. Мамлакат ривожланишининг ҳар қандай даврида инвестициялар учун ажратилган реал ресурслар ҳажми, ялпи ички маҳсулотни истеъмол ёки жамғаришга тақсимлашда қандай устуворликлар қўйилганлигидан боғлиқдир.

Қурилиш тармоғида инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги асосий ёндашув тармоқлараро алоқалар орқали иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қўйилмаларни рағбатлантириш асосида қурилишга таъсир этиш ҳисобланади.

Бошқача сўз билан айтганда, бу ерда инвестицион активликни рағбатлантиришда тармоқлараро боғлиқлик механизми асосий роль ўйнайди. Турли хил мулк, ҳамда ташкилий-қонуний шаклидаги қурилиш ташкилотларининг инвестиция сиёсатини ривожлантириш даражаси, давлатнинг олиб борадиган инвестиция сиёсати хусусиятларига боғлиқдир.

Унинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- 1) Иқтисодиётдаги мавжуд инфляция даражалари;
- 2) Мамлакатдаги солиқ тизими ҳолати;
- 3) Инвестицион дастурларни давлат томонидан молиялаштириш даражаси;
- 4) Инвестиция қўйилмаларининг самарадорлик даражаси;
- 5) Асосий капитални янгилаш (тиклаш) учун зарур бўлган айланма маблағларининг мавжудлиги;
- 6) Тижорат банкларидан кредит олиш имконияти;
- 7) Инвестицион таваккалчилик.

Иқтисодиётнинг қурилиш секторида инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш қурилиш маҳсулотини ички ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, у биринчи навбатда қурилиш ташкилотларини ислох қилиш, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган институционал ўзгаришларни ўтказишни кўзда тутаяди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эркин ривожланиши учун уни куллаб-қувватловчи мақсадли сиёсий, ҳукукий ва иқтисодий омилларни ташкил этиш билан амалга оширилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тусиксиз ривожланиши учун аввалом бор ҳукукий муҳитни шакллантириш, устувор инновацион фирмаларни ривожлантириш, ҳамда кичик бизнесни давлат томонидан куллаб-қувватлаш зарур.

Йирик бизнесни ривожланиши учун қуйидаги вазифалар:

- Тармоққа янги технологияларни жалб қилиш, техник қайта куроллантириш, модернизациялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Йирик бизнесни миллий иқтисодиётнинг узок муддатли ривожланиш стратегияларида кузда тутилган вазифаларни ечишга йўналтириш.

Ундан ташқари рақобатбардошлик муаммолари бир катор илмий-техник, иқтисодий-ишлаб чиқариш, ижтимоий ва экологик вазифаларни ечишни

талаб этади:

- Қурилиш мажмуасининг инновацион салохиятини ривожлантириш;
- Жахон бозорларида ва миллий иқтисодиетда ката талабга эга булган қурилиш маҳсулотлари турлари сифати ва даражасини техник ошириш;
- Маҳсулот харажаларини камайтирадиган экологик тоза қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқиш;
- Замонавий ресурс тежайдиган технологиялар билан ишлайдиган қурилиш машиналари ва техникаларини ишлаб чиқиш;

Тармоқни барқарор ривожланишини таъминлайдиган асосий механизм булиб, қурилишда инвестиция фаолиятини активлаштириш учун куйидаги комплекс чора – тадбирлар ҳисобланади:

- Давлат инвестицияларини янги шаҳарсозлик тамойилларини куллайдиган, архитектура-қурилиш тизимлари, технологик, хажмий-режалаштирилган ва конструктив ечимларни таъминлайдиган объектларга йуналтириш;
- Қурилиш маҳсулоти рақобатбардошлиги, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини оширишга қаратилган республика мақсадли дастурлари ва манзилий инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган инвестицияларни бошқариш сифатини ва мувофиқлаштириш даражасини ошириш;
- Инновацияга асосланган инвестиция лойихалар бозорини шакллантириш, инвестиция бозори инфратузилмасини (молиялаштиришнинг венчур жамғармалари, сугурта агентликлари, махсус ахборот агентликлари ва х.к.) ривожлантириш;
- Аклий мулк объектлари қуринишидаги номолиявий қўйилмалардан ташкил топган инвестиция лойихаларида давлатни иштирок этиш механизмларини ишлаб чиқиш;

Шундай қилиб, юқорида айтилган чора-тадбирларни амалга оширилиши биринчидан, қурилиш тармоғида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали керакли инвестициялар оқимини таъминлаш, иккинчидан, давлатнинг инвестиция қўйилмалари тузилмасини оптималлаштириш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, учинчидан, миллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини ички ва ташқи бозорда барқарор урин эгаллашларини таъминлайди.

СЕРВИС – НЕПРЕМЕННОЕ УСЛОВИЕ РЫНОЧНОГО УСПЕХА ТОВАРА

*Бекмухамедова Барно Уктамовна
Старший преподаватель кафедры «Экономика»
Каланова Ф. студентка IV курса
Гулистанский Государственный Университет*

Сфера услуг представляет собой быстрорастущую отрасль экономики. Она выполняет те же функции, что и промышленность, а именно - создание рабочих мест, обеспечение поступлений в бюджет, привлечение инвестиций

в экономику. Обеспечение высокого качества обслуживания неразрывно связано с удовлетворением потребностей покупателя. Эта взаимосвязь определяет сегодня рыночную политику любой фирмы, тем более что права потребителя на качественное обслуживание в развитых европейских странах имеют строгую законодательную основу.

Сервис – непереносимое условие рыночного успеха товара (услуги). В отсутствие сервисного обслуживания товар теряет свою потребительскую ценность (или часть ее), становится неконкурентоспособным и отвергается покупателем. В условиях конкуренции производитель берет на себя ответственность за поддержание работоспособности выпущенного и проданного изделия в течение всего времени его экономически целесообразной эксплуатации с позиций потребителя в силу следующих обстоятельств:

- ✓ во-первых, отлаженный сервис помогает изготовителю формировать перспективный, достаточно стабильный рынок для своих товаров;
- ✓ во-вторых, высокая конкурентоспособность товара в значительной, а нередко в решающей мере зависит от высококачественного сервиса;
- ✓ в-третьих, сервис сам по себе обычно очень прибыльное дело;
- ✓ в-четвертых, отлично отлаженный сервис – непереносимое условие высокого авторитета (имиджа) предприятия- производителя.

Организация сервиса – это достаточно сложный комплекс технических, маркетинговых и коммерческих элементов, которые зависят от специфики продукции, степени развития рынка, остроты конкуренции и других рыночных факторов. При организации сервиса предприятие должно ответить на вопросы:

- ✓ какие услуги включить в рамки сервиса;
- ✓ какой уровень сервиса предложить;
- ✓ в какой форме организовать сервис.

Большинство научных обоснований отечественных учёных содержат в себе ту или иную ценность и заслуживают быть учтёнными и использованными в процессе общественного консенсуса по вопросам национальной модернизации. Следует отметить, что практически во всех известных публикациях в числе системной совокупности важнейших направлений действий решающая роль отводится проблемам структурной перестройки народного хозяйства под руководством и непосредственным участием государства (в т. ч. финансовыми и имущественными ресурсами), развитию и реализации человеческого потенциала.

В современных условиях необходимо учитывать происходящие естественные изменения в соотношении материального производства и сферы услуг в пользу последней, ценность которой, по определению экономистов резко возрастает. Она становится преобладающим заказчиком рабочей силы и создателем ВВП. Очевидно, что качественный уровень модернизации отечественной экономики, наряду с другими критериями, будет характеризоваться и увеличением доли услуг в ВВП страны и ВНП, что не может не предполагать дальнейшего ускоренного развития сферы услуг. И этому, конечно же, важно содействовать, а также контролировать процессы и тенденции.

В нынешних условиях сфера услуг предстаёт одним из важнейших системообразующих секторов современной национальной экономики. Сфера услуг не ограничивается традиционными видами деятельности, расширяет своё присутствие в общественной жизни, глубоко интегрирована в общественное производство, переплетена своеобразными связями практически со всеми отраслями и областями функционирования народного хозяйства.

Сфера услуг и сервиса в Узбекистане является одним из выгодных направлений бизнеса, где при низких затратах можно быстро получить большие доходы, следует из данных Минэкономики, обнародованных накануне. По мнению специалистов ведомства, особенно активно это направление стало развиваться в последние годы. Так, если три года назад доля сферы услуг и сервиса в ВВП страны составляла около 50%, то по итогам 2015 года этот показатель ожидается на уровне 55%. Сюда относится связь, банковско-финансовые, транспортные и строительные услуги, туризм, торговля, бытовое обслуживание и многое другое.

Как следует из данных министерства, на сегодняшний день большое внимание уделяется развитию сферы услуг в сельской местности, благодаря чему условия жизни сельчанина во многом приблизились к городским.

Только за последние три года в селах страны было запущено и реализовано около 23 тысяч проектов в этом направлении. В свою очередь это дало импульс развитию сервисной инфраструктуры в застраиваемых сельских массивах индивидуального типового жилья.

Эксперты считают, что в Узбекистане сфера услуг и сервиса — это самый доступный вид бизнеса. Его можно начать практически с нуля с минимальными затратами, только надо иметь голову, руки и желание работать. К тому же предприниматели, занятые в этом деле, могут получить льготный кредит на весьма выгодных условиях.

Более того, это также эффективный инструмент для создания рабочих мест и трудоустройства населения. Сегодня в отрасли осуществляют деятельность свыше 80 тысяч субъектов малого бизнеса. В общем количестве предприятий их доля с каждым годом растёт и уже превышает 80%. А это сотни тысяч рабочих мест по всей стране с упором на село.

В рамках программы развития сферы услуг и сервиса в Узбекистане на 2012-2016 годы было выдано более 4 триллионов кредитных средств. Это дало возможность реализовать порядка 52 тысяч проектов с последующим трудоустройством граждан. В настоящее время в стране на одного человека потребление услуг возросло в 1,6 раза, объёмы услуг – в 1,7 раза.

В целях координации развития сферы услуг в регионах считаем целесообразным в министерствах (департаментах, комитетах) экономического профиля сформировать соответствующие отделы, способные осуществлять межотраслевое содействие и регулирование деятельности сервисных организаций. В стратегии и системе мер по модернизации отечественной экономики значительное место должны занять результативные действия региональных и местных властей по обеспечению ускоренного развития сферы услуг.

KORXONALARNI BOSHQARISHDA IQTISODIY AXBOROTLARNING O‘RNI

*Karjavov G‘.A. 301-menejment guruxi talabasi, Toshimov A.H. 101-
menejment guruxi talabasi Karjavov Z.K. dotsent*

Ma’lumki, axborot xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlari iste’mol qiluvchi zaxira hisoblanib, energetika yoki foydali qazilmalar zaxiralari kabi ahamiyatga egadir. Jamiyat rivojlangan sari iqtisodiyot, fan, texnika, texnologiya, madaniyat, san’at, tibbiyot kabilarning turli masalalari haqidagi ma’lumotlar, axborot zaxiralariidan foydalanishni tashkil etish intellektual va iqtisodiy hayotga ko‘proq ta’sir ko‘rsatmoqda.

Muhtaram yurtboshimiz o‘zlarining ma’ruzalarida ta’kidlaganlaridek, “ ... iqtisodiyotning barcha tarmoqlariga va kundalik hayotimizga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish masalasiga o‘ta muhim e’tibor qaratildi. Xususan, «SHaharlararo kommutatsiya markazlarini yangi avlod tarmoq texnologiyalari asosida modernizatsiya qilish va kengaytirish» (NGN), «FTTx texnologiyasi bo‘yicha keng qamrovli formatda foydalanish imkonini beradigan optik tarmoqlarni rivojlantirish», «O‘zbekiston Respublikasi mintaqalarida EVDO texnologiyalarini joriy etish orqali CDMA-450 mobil tarmog‘ini rivojlantirish» kabi va boshqa yirik investitsiya loyihalarini amalga oshirish e’tiborimiz markazida bo‘ldi”³.

Boshqarishni takomillashtirish – bu xo‘jalikni boshqarishning iqtisodiy usullarini takomillashtirish, rejalashtirishni yaxshilash, korxonalar mustaqilligining kengayishi va tashabbuskorligini rivojlanishini, ishlab chiqarish samaradorligining o‘sishi, ish sifatining ortishi va boshqalardir.

Istalgan boshqarish tizimi, shu jumladan avtomatlashtirilgan boshqarish tizimi ham, axborotsiz, boshqariluvchi obektsiz va tashqi muhitsiz, axborot uzatmalarini va qabul qilmagan boshqarish ta’sirisiz ishlashi mumkin emas. Ishlab chiqarishni boshqarish jarayonida iqtisodiy munosabatlar ijtimoiy ishlab chiqarish jarayonida aks etadi. Bu iqtisodiy axborotning mazmunini tashkil qiladi.

Iqtisodiy axborot – moddiy boyliklarni ishlab chiqarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste’mol qilishning ijtimoiy jarayonlari haqidagi axborotlardan iboratdir.

Axborotlar mazmunan, yangilik unsurlariga ega bo‘ladi va boshqaruv vazifalarini hal etish uchun o‘ta muhimdir. Ishonchli va zarur axborotlarsiz boshqarishni amalga oshirib bo‘lmaydi. Axborotlar boshqaruv faoliyatining negizi hisoblanadi.

Boshqaruvchi tizim (sub’ekt) va boshqariluvchi tizim (ob’ekt)lar o‘rtasidagi aloqalar axborot orqali quyidagicha amalga oshiriladi (1-chizma).

Boshqaruvchi organ boshqariluvchi ob’ektga bog‘liq bo‘lgan tashqi muhit holatlari haqida axborotlar olib turadi. Bu axborot boshqaruvchi tomonidan qabul

³ И.Каримов. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 18 январ сони

qilinadi va shu asosda u boshqaruvchi axborot (qaror, buyruq) ishlab chiqadi. SHundan so‘ng, axborot boshqariluvchi ob‘ektga ta‘sir o‘tkazadigan boshqaruvchi tizimining ijroiya organiga yuboriladi va boshqarilishi nazoratga olinadi.



1-чизма. Boshqaruv tizimidagi axborot aloqalari.

Boshqarish tizimining muvaffaqiyatli ishlashining zarur sharti faqat to‘g‘ri aloqagina emas, balki teskari aloqaning ham mavjud bo‘lishidir. Teskari aloqa har qanday darajadagi tizimlar harakatini rostlab turishi uchun universal mexanizm hisoblanadi.

SHunday qilib, boshqaruv tizimida axborotni uzatish, olish, qayta ishlash va berish jarayoni amalga oshiriladi.

Agar korxonada ichida axborot oqimlarining kelishi va tashqi dunyo bilan aloqalar buzilsa, korxonaning faoliyat ko‘rsatishi xavf ostida qoladi.

Korxonalarni boshqarishda foydalaniladigan va bajarilishi uchun uzatiladigan axborotlarga quyidagi talablar qo‘yiladi:

- ishonchlilik;
- tushinarli va bir ma‘nolilik;
- tezkorlik;
- to‘liqlilik;
- tejamlilik.

Ko‘rsatib o‘tilgan axborotlarga bo‘lgan talablar bajarilganda korxonani maqsad sari yo‘naltirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, iqtisodiy axborotlar ishlab chiqarish xo‘jalik faoliyatida uni tahlil qilish va nazorat qilish uchun zarurdir. SHuning uchun ham boshqarishda iqtisodiy axborotlarning roli kattadir.

**ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ
МАДАНИЯТИНИНГ РОЛИ.**

*Каржавов Ф.А. -301 менежмент гуруҳи талабаси.
Илмий раҳбар Каримов А.А.*


Рақобатчилик асосида қурилган бозор иқтисодиёти шароитида ўта ривожланган ва гуркираб ривожланиб келаётган барча дунё мамлакатларининг нуфузи яъни жаҳон ҳамжамиятидаги рейтинг даражалари турли соҳалардаги мавжуд статистик ахборотлар кўрсаткичларининг қиёслов даражасига асосланади. Бу маълумотлар асосан микроқўламларда фирмалар, корхоналар ва муассасалар ҳамда кичик бизнес субъектлари статистикаси ва молиявий ҳолатини акс эттирувчи ахборотлар жамлан-масига, худди

шунингдек макроўламларда эса мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги молиявий кўрсаткичлари ва статистик ахборотлар базаларига асосланади.

Қурилиш соҳаси халқ хўжалигининг микроўламдаги бир тармоғи сифатида қарасакда, унинг ривожланиш ва бошқаруви макроўламдаги ахборотлар базаси ва банкларига динамик даражада таянишини тақозо этади.

Республикамизда изчиллик билан давом этиб келаётган модернизация ва диверсификация ишлари айнан қурилиш соҳасида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айнан бошқарув соҳасида ҳам шу каби ўзгаришларни кенг татбиқ этиш орқали, бошқарув бўғинига фаолият юритувчи персоналнинг ахборотга бўлган муомала маданиятини юксалтиришни тақозо қилади.

Шу ўринда ҳукуматимиз томонидан “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Халқ хўжалигида барча бошқарув тизимларида деярли автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий этилган бўлиб, ахборот комуникация (АКТ) тармоқларидан узатилаётган электрон ахборотлар тезлиги гигабит/секунтдан (бир секунтда миллиард бит) теробит/секунтгача оширилган бир пайтда барча фойдаланувчилар ахборот маданиятига эга бўлишини тақозо этади.



1. Керакли ахборотни ўз вақтида олиш ва ундан оптимал фойдаланиш, қурилиш ташкилоти бошқармасига ҳар куни турли мазмундаги ахборотлар келиб тушади. Уларни вақтида керакли ижрочиларга йўналтириш ва оптимал фойдаланиш бошқарувнинг тўғри шаклланишига асос бўлади. Масалан, буюртмачи объектлар билан таъминотчи объектлар ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши.

2. Бошқарув қарорлари ва ҳужжатларнинг вақтида бажарилишини таъминлаш. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилиши ташкилот ишини егиллаштиради ва бошқарувдаги ижро интизомини мустаҳкамлайди.

3. Рақобатчи ташкилотлар ва фирмалар фаолиятини ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш. Ташкилотнинг фаолият даражасидан қатъий назар рақобатчилик муҳити унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

4. Молия ва пул бозори, товар ва меҳнат бозорлари бўйича ахборотлар оқимини таҳлил қилиб бориш. Ташкилотлар бошқарувида муҳим кўрсаткичлардан бири бу молиявий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичлар уларнинг ликвидлиги ва ретабеллигини таъминлаб беради. Меҳнат ва тавар бозоридаги асосий кўрсаткич – ахборотлардир. Уларнинг ўз вақтида ҳаракатланиши ахборот маданиятига асос солади.

5. АКТ, интернет ва электрон дўконлар хизматидан системали ва доимий фойдаланиш. Ташкилотларнинг фаолият юритиш даражасини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу вир-туаль интернет магазинлардир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги бошқарувнинг асосини ахборотлар оқими ташкил этади. Шундай экан ундан ўз вақтида ва самарали фойдалана билиш ва ўз фаолиятига қўллай олиш санъати эса ахборот маданиятининг шаклланишини тақоза этади.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Қудратов Зафар Ғайбуллаевич, катта ўқитувчи, Янгибоев Бобур
Фахриддин ўғли, 2-босқич талабаси, ГулДУ,*

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг инновацион фаолияти давлат томонидан самарали ва изчил амалга оширилаётган макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати, ривожланган хориж тажрибаси ҳамда инвестицион муҳитни янада жозибадорлигини ошириш механизмларига боғлиқ бўлиб, кенг кўламда ўрганилиши зарур долзарб илмий ва амалий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақобат муҳитини кучайиб бориши, жаҳон бозорида маҳсулотлар ҳаётийлик даврини кескин қисқаришига, бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тез ўзгаришига олиб келди. Натижада ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишни ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса, мамлакатнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги субъектларнинг инновацион фаолияти биринчидан, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, экологик жиҳатдан барча меъёрларга тўла жавоб берадиган ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни талаб этади.

Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларни янада ривож-

лантиришга тааллуқли муаммоларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолиятни самарадорлиги биринчи навбатда мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимини ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу инновацион жараёнларнинг институционал асосларини ташкил этади.

Мамлакатимизда бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилашнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ҳозирда ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацион фаолликни оширишда инвестицияларни стратегик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада муайян тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг самарали амалга оширилиши ҳисобига инновацион фаолликни янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтиши ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтишига шароит яратади. Буни саноати ўсиб бораётган хориж мамлакатлари тажрибасида кўришимиз мумкин.

Фикримизча, миллий иқтисодиёт корхоналарини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатдош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш инновацион фаолият тизимини шакллантириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Бунинг учун иқтисодиётда инновацион жараёнларни татбиқ этадиган устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инновация қарорларини қабул қилиш учун ички ва ташқи молиялаш манбаларини самарали жалб қилиш тизимини ишлаб чиқиш бевосита иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Бу жараёнда инвестициялардан самарали фойдаланиш энг қулай воситалардан бири саналади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда саноатни ривожлантиришнинг асосий омилларини эътиборга олиш корхоналарда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, истиқболда технологик жиҳатдан янги, сезиларли даражада такомиллашган ишлаб чиқариш, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга ижобий таъсир этади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ЯРАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Б.С.Қаршиев СамДАҚИ доценти, и.ф.н., Б.А.Джумаев СамДАҚИ
ўқитувчиси*

Телекоммуникация корхоналаридаги ахборот тизимларини такомиллаштириш ҳамда унинг услубий воситаларини таҳлил қилиш бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Биринчидан, унинг фойдаланувчисини, яъни қарор қабул қилиш учун масъул бўлган субъектларни аниқлаш лозим бўлади. Сўнгра унинг ахборотга бўлган эҳтиёжи шакллантирилади, яъни унга қандай ахборотлар зарур, келгусида фойдаланиши учун ахборотларни қандай кўринишда тақдим этса қулай бўлиши ва шу каби эҳтиёжлар аниқланади. Бундан ташқари тизимга қандай ахборотларни қабул қилиш кераклиги, уларни сақлаш, ҳимоялаш, бирлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш ва қулай шаклдаги ҳисоботлар яратиш усулларини аниқлаш зарур. Бундай таҳлилларни ва тизим лойиҳасини ишлаб чиқиш амалга оширилгандан сўнг бевосита унинг «қурилиши» бошланади, бу эса дастурчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Улар компьютер вақти ва хотирасини ҳисобга олган ҳолда, маълумотларни самарали излашни таъминлайдиган дастурий воситалар яратадилар. Бу жараённинг барчаси амалга оширилгандан кейин тизимни интерактив режимда ишлаш қобилияти ва унинг аниқлиги текширилади. Мазкур тизимдан фойдаланувчи илгари яратилган ихтиёрий ҳисоботлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда, корхона раҳбари шахсий компютери ёрдамида мавжуд барча ахборотлардан фойдалана олади.

Бизга маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация тармоғи корхоналари қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради. Булар: бозор ва унинг ривожланиш истиқболларини мукамал ўрганиш асосида хизмат турларига харидорларнинг мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабини аниқлаш; янги хизмат турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш; харидорларнинг талабига мос хизмат турларини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш; хизматни тақсимлаш ва савдо тизимини ташкил қилиш ва уни мукамаллаштириш; корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни самарали бошқариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кенг кўламли фаолияти ушбу йўналишлар билан чекланиб қолмайди. Амалиётда улар фан-техника тараққиёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Бироқ, корхона фаолияти албатта, қуйидагиларга қаратилиши зарур: корхона эгасининг даромад олиши; истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш; ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш; корхонага яқин жойларда яшовчи аҳоли учун иш ўринлари яратиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; корхона фаолиятида тўхтаб қолишга йўл қўймаслик; ишлаб

чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукамаллаштириш; ишлаб чиқаришни барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш.

Ихтиёрий маркетинг фаолияти бозорда юзага келадиган аниқ бир ҳолат маълумотларига асосланганлиги сабаб, корхонанинг маркетинг тизимида ахборот муҳим аҳамиятга эга. Маркетинг ахборот тизими (МАТ) мунтазам равишда маркетинг қарорлари қабул қилишда маркетинг ахборотларини тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун ишлаб чиқилган усуллар ва воситалардан ташкил топган ягона тизим экан, унинг асосий масаласи, маркетинг объектининг ҳолати ва қолаверса, маркетинг муҳитида рўй берадиган жараёнлар ҳақидаги мавжуд ахборотларни ислоҳ қилиш бўлиб қолади. Шу билан бирга у маркетинг объектининг ҳолати ва мавжуд вазиятларни баҳолашга ҳамда ўзгаришларни моделлаштиришга имконият яратади. МАТнинг муҳим ва зарурий элементи маълумотларни қайта ишлаш воситалари ҳисобланади. У ўз ичига дастурий воситалар, эксперт тизимлари ва қарорларни қўллаб-қувватловчи воситаларни, шу билан бирга, маркетинг соҳасида қарор қабул қилиш жараёнларини стандартлаштиришга имкон берадиган турли бошқарув тизимини олади.

Дастурий воситалар ичида ҳужжатларни қайта ишлаш ва электрон жадвал дастурлари (1С Предприятия, Парус, MS Excel, MS Access, SPSS, StatSoft Statistica, OLAP, Project Expert, Bellview) кенг қўлланилади. Бу воситалар алгоритмлар ёрдамида ишлайдиган оддий ва турдош маълумотлар билан ишлашга имкон яратади. Улар ҳисоблаш ва гуруҳлашни мунтазам бажариш учун қўлланилади. Мазкур воситалардан маълум бир масала ва маркетинг вазифаларини амалга ошириш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Ахборотларни тўплаш, қайд қилиш ва ташкил этиш босқичлари маркетинг фаолиятидаги коммуникация жараёнларининг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади. Уларни кўп меҳнат талаб қиладиган тарзда амалга ошириш малакали ходимлар ва катта молиявий харажатларни талаб этади.

Маркетинг масалалари шунчалик муҳим ва катта ҳажмга эгаки, кўп ҳолларда анъанавий маркетинг фаолияти – бизнес таҳлил (BI - Business Intelligence), истеъмолчилар билан алоқаларни бошқариш (CRM - Customer Relationship Management), таъминот занжирлари бошқаруви (SCM - Supply Chain Management), билимларни бошқариш (KM - Knowledge Management) каби ахборот технология воситалари орқали амалга оширилади.

Бозорда самарали мўлжал олишни таъминловчи ахборот тизимлари ҳозирги вақтда ISM Inc. компанияси президенти Бартон Голденберг томонидан тавсия этилган CRM гуруҳининг тизимларидир. Ушбу тизимлар 90-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. CRM реклама, савдо, етказиб бериш ва мижозларга хизмат кўрсатиш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг дизайни, ҳисоб-китоб ва шунга ўхшашлар билан мижозларни ўзаро таъсирларига тааллуқли корхона стратегиясидир. Илғор бошқарув ва ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган бундай стратегия ёрдамида корхона ҳаётнинг барча (жалб этиш, сақлаб қолиш, қонун-қоида чегарасидан чиқмаслик) жабҳаларида ўзининг мижозлари ҳақидаги ахборотларни тўплайди, уларнинг билимларини жалб қилади ва бу билимлардан ўзаро фойдали муносабатлар асосида ташкил этилган бизнесда фойдаланади.

CRM тизимини қўллаш қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

- савдо-сотик бўлимида: даромаднинг кўпайиши, савдони прогнозлаш аниқлигининг ошиши, харажатларнинг камайиши, ходимлар меҳнат қобилиятининг ошиши, кадрлар кўчиб юришининг камайиши;

- маркетинг фаолиятида: йўналтирилган маркетинг, ахборотлар маркетингини самарали бошқаришга имкон беради, интернетдан фойдаланиш орқали маркетинг каналларининг кенгайиши;

- мижозларни қўллаб-қувватлаш тизимида: қўллаб-қувватлаш хизматидаги харажатларнинг қисқариши, мижозлар талабини қондириш даражасининг ошиши, маълумки, яхши сервис қайта харидга замин яратади, қўллаб-қувватлаш хизмати фойда олиб келиши мумкин.

CRM тизимининг асосий масаласи каналларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мижозлар билан бўладиган алоқа воситасида савдо, сервис ва хизмат кўрсатиш маркетингида мижозларни жалб этиш ва сақлаб қолишдан иборатдир. CRM тизими мижозлар билан ўзаро таъсир учун умумий дастурни таъминлайдиган турли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиришни енгиллаштиради ва уларнинг ҳар бирига ахборотлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини беради, шу билан бир қаторда, мижозлар эҳтиёжларини аъло даражада қондиришга ёрдам беради. CRM тизимининг асосини савдони автоматлаштириш ташкил этади. Уларга ишни режалаштириш ва содир бўлаётган жараёнларни, алоқаларни бошқариш, мижозлар билан ишлаш, потенциал савдо мониторинги, савдони узлуксиз ташкил этиш, савдо прогнози аниқлигини ошириш, баҳо ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш, қўйилган масалани ҳал этишга алоқадор ахборотларни автоматик янгилаш, ҳудудий ваколатхоналарга ишнинг ҳолати ҳақидаги долзарб ахборотларни тақдим этиш, ҳисоботлар тузиш ва телефон орқали савдони ташкил этиш каби вазифалар юклатилган.

МАТдан фойдаланишнинг самарали томонларига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда корхоналар ахборот тизимларидан турли йўллар орқали фойдаланишни англаб етишлари лозим бўлади. Бундай заруратни бирор бир масалани ҳал этиш учун корхона фаолияти жараёнларини қайта ташкил этишда, ҳатто рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилишда ҳам ҳис этиш мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам мақсад ва вазифани шакллантириш, уни тизимга мурожаат қилиш орқали ҳал этиш зарурдир. Тизимга мурожаат қилишгача бўлган фаолиятда кутиладиган натижаларни (даромад) белгилаб қўйиш муҳим, сўнгра улар корхона ахборот тизимида сарфланадиган харажатлар билан таққосланади ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳақидаги қарорлар асосланади.

Бозорларга таъсир қилувчи МАТни бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга маркетинг ахборотларининг қийматини тушунмайдиган ва ундан фойдаланиш учун ресурсларга эга бўлмаган корхоналар киради. Иккинчи гуруҳ йирик корхоналар бўлиб, уларнинг бошқарув тарзи эскича тузилган ва улар ҳам маркетинг ахборотларининг қийматини билишмайди. Учинчи гуруҳ миллий ва бироз хорижий корхоналар кўринишида намоён бўлади, улар бозор ҳақидаги ахборотлардан фойдаланиш заруратини тушунади, аммо зарур ресурсларга эгалик қилолмайди. Ва ниҳоят, охириги гуруҳга тўлиқ ва мукамал МАТ мавжуд бўлган корхоналар киради.

Корхоналар орасидаги асосий фарқ тизимга мунтазам равишда маълумотларни қабул қилишда, уларни таҳлил қилиш усулларида ва ахборот манбаларини умумлаштиришда вужудга келади.

Корхона маркетинг фаолиятига ахборот тизимлари таъсирини тадқиқ этиш услублари хусусида тўхталадиган бўлсак, тадқиқот усуллари асосий вазифалари қуйидагилардан келиб чиқади, яъни корхонада ахборот тизимларидан фойдаланиш йўналишларини ўрганиш, маркетинг фаолиятига ахборот тизимларини қўллашдаги зиддиятларни аниқлаш ҳамда ахборот тизимларини қўллаш натижасида маркетинг фаолиятида бўладиган ўзгаришларни ўрганиш зарур.

Корхона маркетинг фаолиятида ахборот тизимларини жорий этиш ва фойдаланишдаги муаммолар

Муаммолар	Муаммонинг хусусиятлари
Технологик	Компьютер ва компьютер дастурларидаги мавжуд чекловлар; компьютер ва компьютер дастурларининг юқори баҳоси; корхоналарда маркетингни бошқариш жараёнларининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги; фойдаланиладиган технологияларни модернизациялаш зарурати
Ташкилий	Раҳбарларда қарорларни амалга ошириш механизмлари ва уларни ишлаши ҳақидаги тушунчаларнинг етарли эмаслиги; ахборот тизимларини жорий этишда ташкилий маданиятнинг нотўғри талқин қилиниши; ахборот тизимларига боғлиқ ҳолда корхонани қайтадан ташкил этиш зарурлиги; раҳбар-ҳодимлар юқори малакали гуруҳини шакллантириш зарурати
Шахсий	Баъзи иш ўринларини қисқариш хавфи мавжудлиги сабаб раҳбар ва ходимларнинг эътирозлари; маркетинг хизмати ходимлари орасида ахборот тизимлари бўйича билимларни етарли эмаслиги; ахборот тизимларини қўллаш билан боғлиқ қўшимча вазифаларни бажаришни хоҳламаслик
Бошқа	Мижозларнинг ахборот тизими ва таъминотини жорий этишга қарши ҳаракатлари; маркетинг муҳитидаги тезкор ўзгаришлар; рағбатлантириш ва тўлов тизимининг мукамал эмаслиги: шу сабаб корхонани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда инсонларнинг хоҳиш-эҳтиёжлари ҳисобга олинмайди

Айни пайтда, маркетингда ахборот тизимларидан фойдаланиш асосан, маълумотлар базаларини бошқариш, савдони кузатиш, буюртма қабул қилиш ва шу каби қатор вазифаларга қаратилган. Баъзи ҳолларда маркетинг функцияларини бажариш учун ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳали ҳам етарли даражада эмаслиги кузатилади. Маркетинг функцияларини амалга ошириш учун ахборот тизимларидан фойдаланишнинг мумкин бўлган шакллари келтириб ўтилди.

Корхона маркетинг фаолиятида ахборот тизимларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш қатор афзалликлар билан бирга баъзи муаммо ва зиддиятларга олиб келади. Булар учта йирик гуруҳларга: «технологик», «ташкилий» ва «шахсий» муаммоларга ажратилди.

Бизнингча, ахборот тизими фойдаланувчисига пайдо бўладиган барча муаммолар меҳнат унумдорлигининг пасайишига ва ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда узатишдаги хатоликларга олиб келади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маркетинг ахборотларидан фойдаланиш корхонада маркетинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартини бўлиб қолади. Ихтиёрий тадқиқот бозордаги жараёнларни тўлиқ ақс эттириш ва ишончли маълумотлар базаларини излаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ахборот манбаларини нотўғри танлаш иқтисодий вазиятларни нотўғри баҳолашга, маълумотларни нотўғри изохлаш эса, ноаниқ бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келади.

ПРОБЛЕМЫ ОЦЕНКИ НЕДВИЖИМОСТИ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ

*Турдибеков Ю.И. – СамГАСИ, старший преподаватель кафедры
«Экспертиза и управление недвижимостью»,
Кодиров Н. – СамГАСИ, студент группы 303-КМЭ ва УБ*

В условиях рыночных отношений важную роль играют экономические оценки жизненных средств и ресурсов, факторов и технологий воспроизводственного процесса, жизненной среды в целом. Оцениваются стоимость рабочей силы, потребительских товаров и услуг, интеллектуальной собственности, финансового капитала, разного рода ценных бумаг. Особое место в этой системе занимает оценка недвижимости, которая представляет собой наиболее значимую, устойчивую и обозримую часть накопленного обществом и каждым индивидуумом материально-вещественного достояния, в которой овеществляется живой труд всех поколений человеческой популяции. Именно поэтому недвижимость выступает для каждого индивидуума и общества в целом непреходящим мерилем их богатства, и уж если не критерием социальной идентификации в целом то, по крайней мере, одним из важных формальных оснований для размещения каждого в координатах существующей в человеческом сообществе исторически конкретной социальной иерархии.

Национальная система экономической оценки недвижимости сталкивается сегодня с рядом проблем, в числе которых не только недостаточность существующей правовой базы, но и конструктивная незавершенность формирующейся организационной структуры. Более сложной становится проблема методического обеспечения экономической оценки недвижимости, которую приходится выполнять в переходной экономике. Суть данной проблемы в том, что точность оценок, их объективность и прогностическая надежность имеет решающее значение для определения рыночной стоимости любого объекта и для реализации любой цели оценочной деятельности. Действительно точные, надежные и объективные показатели требуются для каждого конкретного участника той или иной сделки, будь то продавец или покупатель, арендодатель или арендатор, залогодатель или залогодержатель недвижимого объекта любой категории. Необходимо это для уверенной ориентации каждого из них в системе существующих и прогнозируемых имущественных отношений. Но

не только прямые участники сделок заинтересованы в надежных и объективных результатах оценки. Не в меньшей мере нуждаются в такого рода результатах и различные посреднические, консалтинговые и оценочные организации, престиж и популярность которых в прямую зависят от эффективности их деятельности, т.е. гарантированного предоставления своим клиентам качественной оценочной информации. Особенно необходима такая информация в тех случаях, когда целями оценки выступает получение объективных данных для осуществления необходимой эффективной государственной политики в сфере регулирования земельно-имущественных отношений, в частности в организации системы налогообложения недвижимости, ее публичного обременения, принудительного изъятия и т.п. Именно в данном случае объективность, точность и надежность экономической оценки позволяет обеспечить согласование общественных и частных интересов, избежать экономических потерь и социальных конфликтов.

Известно, что все участники экономических отношений по поводу недвижимости, будь то физические или юридические лица, граждане или государство в составе его органов управления подразделяются на две категории: собственники и не собственники недвижимых объектов. Как первые, так и вторые могут сохранять свой статус, либо переходить из одной группы в другую на основе полной или частичной передачи прав собственности от одного участника к другому. Вполне естественно, что интересы передающего свои права владельца недвижимого объекта ориентированы на получение максимальной компенсации за передачу своих прав. Однако корректирующим моментом в данном случае выступают объективные обстоятельства, вынуждающие собственника ограничивать свои притязания на компенсацию передаваемых ими в полном или частичном объеме своих прав собственности на недвижимые объекты.

Анализ состояния системы оценочной деятельности страны показывает, что давно назрела задача поиска способов экономической оценки объектов недвижимости, ориентированных на установление равновесной рыночной цены. Экономическая оценка недвижимости — это совокупность методов и процедур установления текущей, либо моделирования ожидаемой объективной стоимости. Она должна отвечать экономическим условиям конкретного места и времени рыночной стоимости, определяющей потребительную стоимость и стоимость конкретных объектов недвижимости разного типа, либо их относительно однородных совокупностей (групп, видов, подвидов).

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОЦЕНКИ СТОИМОСТИ НЕДВИЖИМОСТИ ПРИ УСЛОВИЯХ СДАЧИ ЕЕ В АРЕНДУ

Турдибеков Ю.И. – СамГАСИ, старший преподаватель кафедры

«Экспертиза и управление недвижимостью»,

Пулатов Ш. – СамГАСИ, студент группы 303-КМЭ ва УБ

Подавляющая часть национального богатства страны сосредоточена в недвижимости, отсюда напрямую вытекает особое положение управления

недвижимостью в общей процедуре управления. Управление объектом недвижимости с финансовой точки зрения в подавляющем большинстве случаев сводится к принятию решений, базирующихся на его стоимости. В большинстве случаев такая оценка, получаемая на основе трех подходов: затратного, сравнительного и доходного, ограничивается лишь определением рыночной стоимости объекта, при этом лишь вскользь упоминается и никогда не дается количественная оценка присущих оцениваемому объекту ограничений, например, аренды, залога, лизинга и т.д.

Управление объектом недвижимости на основе стоимости не ограничивается лишь принятием менеджментом решений о целесообразности ее реконструкции, приобретения, продажи или передачи в залог, то с практической точки зрения было бы полезно взглянуть на недвижимость с позиции аренды.

Опыт хозяйственной деятельности страны показывает, что у юридических лиц на аренду приходится достаточно значительный объем всех операций с недвижимостью. Одна из основных причин этого - отсутствие достаточных денежных средств для ее приобретения в собственность и последующего содержания.

Оценка рыночной стоимости недвижимости есть не что иное, как оценка всей совокупности прав собственности на нее, в правовом аспекте ничем не ограниченных. В случае аренды как минимум одно или два права ограничены и, следовательно, теперь у арендодателя будет оцениваться право собственности на сданный в аренду объект с учетом ограничений. Таким образом, должна определяться не рыночная стоимость в чистом виде, а рыночная стоимость при существующем использовании (сдаче в аренду).

Основные ситуации, связанные с недвижимостью для арендодателя:

1. арендодатель продолжает прежнее использование недвижимости в соответствии со своими целями и не сдает ее в аренду;
2. арендодатель сдает объект недвижимости в аренду;
3. арендодатель продает объект недвижимости.

Ситуации для арендатора таковы:

1. арендатор приобретает недвижимость в собственность;
2. арендатор берет недвижимость в аренду.

У арендатора будут оцениваться права, переданные ему по договору аренды: права владения и пользования или только пользования. Стоимость этих прав может быть определена через ту выгоду, которую имеет арендатор от аренды недвижимости. В зависимости от того, какой доход берется за основу расчета выгоды – среднерыночный или данного конкретного инвестора, речь идет либо о рыночной, либо об инвестиционной стоимости.

Для повышения эффективности экономической системы в целом смена собственника недвижимости должна происходить в случае превышения дохода, получаемого новым собственником, над доходом настоящего владельца недвижимостью. К сожалению, поскольку цели различных собственников в рыночных условиях согласованы лишь частично, то разумной альтернативой смены собственника можно считать аренду. В последнем случае происходит повышение суммарной стоимости недвижимости и как следствие увеличение величины национального

богатства страны за счет частичного перераспределения прав на недвижимость.

Используемые на практике модели оценки арендованной или сданной в аренду недвижимости либо совсем не учитывают перераспределения объема прав на недвижимость либо полностью игнорируют факт использования недвижимости в хозяйственной деятельности. Оценка недвижимости на основе доходного подхода избавлена от этого недостатка, так как учитывает выгоды от использования арендованной недвижимости или потери от сдачи помещений в аренду.

Недооценка отдельных активов организации может привести, в конечном итоге, к некорректным выводам об отказе от выпуска определенной продукции или закрытии целых направлений деятельности, использующих арендованные средства.

ҚУРИЛИШСОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ ТОМОНЛАРИ

Турдибеков Ю.И. – СамДАҚИ, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни бошқариш муҳим роль ўйнайди, лекин мамлакат иқтисодиётини инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга қайта йўналтириш даврида инвестицияларни бошқариш самарадорлиги масаласи янада долзарб ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар фаолият юритаётган саноат корхоналари ва инвестицион-қурилиш фаолиятининг бошқа объектларини янгидан қуриш, уларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилиши мумкин. Қурилишда инвестицияларни амалга оширишнинг юқорида санаб ўтилган ҳар қандай усулини бугунги кунда капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион қарорларни жорий қилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бино ёки иншоотнинг қурилиш лойиҳасини тузишда иқтисодий жиҳатдан энг самаралисини танлаш мақсадида инвестицияларни амалга оширишнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун лойиҳани амалга оширишга йўналтирилган харажатлар миқдорини аниқлаш талаб қилинади. Лекин лойиҳага инновацион қарорларни қўллашда лойиҳачилар лойиҳа-смета ҳужжатлари таркибидаги янги техника ва технологияларнинг қийматини баҳолаш имкониятининг йўқлигига дуч келишади.

Лойиҳага янги технология, янги механизация воситалари, замонавий материаллар жорий қилинар экан, бошқа тенг шароитларда инновацион қарорларни жорий қилмаган ҳолда ва уларни жорий қилишни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги таҳлилини ўтказиш, меҳнат унумдорлигини баҳолаш, меҳнат ва табиий ресурслар иқтисодини ҳисоблаш, ишларнинг механизациялашганлик даражасини аниқлаш лозим бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги, асосан, қурилишга қилинган ҳақиқий харажатларни камайтириш, унинг сифатини ошириш, қурилиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш даражаси ва лойиҳанинг иқтисодий кўрсаткичларига эришишга боғлиқ. Ушбу кўрсаткичларга фақатгина ишлаб чиқариш жараёнига ўзгартиришлар киритиш, яъни инновацияларни қўллаш йўли билан эришиш мумкин.

Лойиҳанинг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қурилиш объектининг смета қийматини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, қурилиш муддати ҳам баҳони шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Қурилишнинг смета қиймати, одатда, харажат усули ёрдамида, яъни режалаштирилган қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, монтаж ишларининг тури ва ҳажми бўйичажорий харажатларнинг алоҳида элементларини белгиланган норма ва баҳолар ёрдамида калькуляция қилиш орқали аниқланади. Ҳозирги кунда сметали нормалаштириш ва баҳони шакллантиришдаги асосий муаммо бўлиб амалдаги смета-норматив база таркибида қурилиш ишларининг турли замонавий миллий ва хорижий ишлаб чиқариш технологиялари, янги механизация ва транспортвоситалари, материаллар ва жиҳозлар, шунингдек зарурий ишлаб чиқариш ва бошқа харажатлар нормаларда объектив акс эттирилмаслиги ҳисобланади. Мазкур босқичда қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган инвестициялар ҳажмини аниқ баҳолаш муаммоси юзага келади, айниқса бу муаммо инновацияларни қўллашда жуда долзарб ҳисобланади. Қурилиш жараёнига турли характердаги инновацион қарорларни жорий қилишдан олинган самарани баҳолаш мураккаб вазифа бўлиб, бунда инновацияларни қўллаган ва қўлламаган ҳоллардаги инвестицияларни таққослаш имконияти йўқ, натижада буюртмачи-қурувчининг келажакдаги молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги масаласи илгари сурилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш давомида олинган натижалар лойиҳанинг фойдалилиги нуқтаи назардан инвестор учун энг қизиқарлисини танлаш имконини беради, бу эса керакли молиявий маблағларни жалб қилишга хизмат қилади. Шунинг учун, инвестор учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҚМИларини бажариш учун зарур бўладиган капитал қўйилмалар ҳажмининг ҳаққоний баҳоланиши, яъни объект қийматини инвестицион циклнинг ҳамма босқичларида аниқлаш ҳисобланади. Қурилиш тармоғида инновацияларни баҳолаш аниқлигини ошириш бир вақтнинг ўзида бизнес-режалаштириш, маркетинг ва инновацияларни бошқариш жараёнини енгиллаштиради.

Илмий-техник фаолиятнинг натижалари, умумий олганда, ишлаб чиқариш ва самарали амалга ошириш учун тайёр тижорат маҳсулоти ҳисобланмайди. Инновацион маҳсулот учун янги бозор яратилиши лозим, қурилиш тармоғида эса норматив адабиёт ишлаб чиқилиши талаб қилинади, бу эса уларни ишлаб чиқувчилар учун ҳам, бутун қурилиш тармоғи учун ҳам энг муҳим вазифа ҳисобланади.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

*Матякубов Азамат Джуманазарович ассистент
Тошкент архитектура қурилиш институти*

Мамлакатимизда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестициялар жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторлар билан ишларни фаоллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига қулайликлар яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилиниб, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг кўлдамда кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шarti билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг ўткан йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида ишлаб чиқилган 2015-2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича дастур бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатга мувофиқ икки йил давомида реал иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокини камайтириш, 1247 корхона ва объектни хусусий мулкка ўтказиш кўзда тутилган.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун мазкур жараёнга хорижий инвесторларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Улар учун мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити, имтиёз ва преференциялар

тизими яратилган. Иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йил сайин ортиб бораётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлиқ.

Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

- банк тизимини такомиллаштириш;
- ички суғурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш ва

х.к.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг 3 та шакли, яъни “сотиб олиш / бирлашиш”, “қўшма корхона” ва “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар” шакллари ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу шаклларнинг ривожланганлик даражасининг турли-туманлиги бозор муносабатларининг замонавий даражаси, инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишлари, республикадаги инвестицион иқлимнинг ҳолати ва истиқболларини намоён этади. Масалан, юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган соҳаларда (автомобил тармоғи), хорижий корпорациялар “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар”га қараганда кучли ҳамкор билан қўшма корхона яратишни афзал билишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учта шаклининг ҳам ривожланиб бораётганлигига ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган инвестицион дастурларнинг амалга оширилаётганлигини кўрсатиш мумкин.

НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ИНТЕГРАЦИИ СОЦИАЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ

Матрасулов Б.Э.

Старший преподаватель кафедры «Экономика»

Гулистанский Государственный Университет

Образование стало одним из наиболее приоритетных направлений долговременной стратегии экономического и социального развития каждого цивилизованного государства. Как главное средство овладения знаниями, развития способностей человека оно позволяет ему активно участвовать в экономической, культурной и политической жизни мирового сообщества, дает возможность нации утвердить свою самобытность, политическую и интеллектуальную самостоятельность, участвовать в международной жизни, в том числе в сохранении, обогащении и распространении мировой и национальной культуры.

В Узбекистане доля человеческого капитала в национальном богатстве составляет 50 %, и это заставляет серьезно озаботиться состоянием образования в стране в условиях становления в мире экономики знаний, т. е. экономики, в которой сектор знаний играет решающую роль.

Осмысление противоречивого опыта реформ Узбекистана и реформ в странах СНГ позволяет глубже и полнее понять роль образования. Уникальные возможности для формирования духовно целостной личности и одновременного воспроизводства культуры народа (через систему ценностей и жизненных смыслов человека) позволяют рассматривать образование как важнейший интегрирующий фактор не только регионального, но и геополитического, мирового пространства.

В условиях глобализирующегося мира, развития информационных технологий непрерывное образование рассматривается как механизм мирового влияния. Именно образование предопределяет личностные качества каждого человека, его знания, мировоззренческие и поведенческие приоритеты, а следовательно, экономический, нравственный, духовный потенциал каждого государства, цивилизации в целом. Вполне естественно, что и само образование как глобальное и специфическое социальное явление, получившее повсеместное распространение и развитие, не может быть вне зоны специальных исследований. Сфера образования, находясь в постоянной динамике, чутко реагирует на изменения внешней среды, адаптируется к ее меняющимся потребностям и активно влияет на ее состояние. Именно образование реагирует на решение как национальных, так и общемировых проблем, оно оказывает влияние на развитие интеграционных и дезинтеграционных тенденций, поддерживает или, напротив, тормозит их, упреждая развитие событий, способствует духовному единению и взаимопониманию людей, так как напрямую связано с развитием личности человека, формированием его духовных и нравственных ценностей.

Без мировой интеграции, обмена информацией и опытом сегодня невозможно представить активное развитие, в том числе в сфере образования. И Узбекистан это понял одним из первых в СНГ. Почти семьдесят высших учебных заведений страны, как и другие составляющие системы образования, осуществляют деятельность на основе новых государственных стандартов, которые постоянно совершенствуются в соответствии с требованиями времени. Это и позволяет национальной модели образования находиться на уровне международных требований. Свидетельство этому - активное включение в совместную деятельность по подготовке кадров высших зарубежных учебных заведений, которые высоко оценивают проводимые в вашей стране реформы.

Процесс развития приобрел в Узбекистане необратимый характер. Об этом, в частности, свидетельствуют внушительные данные, озвученные Президентом Узбекистана в докладе "2012 год станет годом поднятия на новый уровень развития нашей Родины". Только на реализацию Программы модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений и кардинального улучшения качества подготовки специалистов на 2011-2016 годы намечается направить свыше 277 миллиардов сумов. За

счет специального фонда в 2013 году на эти цели израсходовано почти 39 миллиардов сумов. Несомненно, это еще один шаг на пути подъема образования Узбекистана на качественно новый уровень.

Люди только тогда могут вносить свой вклад и разделять блага глобализации, когда у них достаточно знаний, навыков и ценностей, а также возможностей и прав, необходимых для поддержания основ своего существования. Это необходимые условия, которые дают им возможность в полной мере участвовать в жизни местного, национального и глобального сообществ. Эти цели, составляющие сердцевину Декларации тысячелетия, могут быть достигнуты только тогда, если будут выделяться достаточные ресурсы на развитие образования. Эффективные системы образования - фундамент тех возможностей, которые приносят пользу не только человеку, но и обществу в целом, повышают темпы экономического роста, улучшают образовательные достижения следующих поколений.

КАДРОВАЯ ПОЛИТИКА КАК ИНСТРУМЕНТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ОРГАНИЗАЦИЯХ СФЕРЫ УСЛУГ

*Матрасулов Б.Э. Старший преподаватель кафедры «Экономика»
Гулистанский Государственный Университет*

Успех работы организации обеспечивают работники, занятые на нем. Именно поэтому современная концепция управления предприятием сервиса предполагает выделение из большого числа функциональных сфер управленческой деятельности той, которая связана с управлением кадровой составляющей производства – кадрами предприятия.

Кадровая политика в организациях сферы услуг это генеральное направление кадровой работы, совокупность принципов, методов, форм, организационного механизма по выработке целей и задач, направленных на сохранение, укрепление и развитие кадрового потенциала.

Сегодня основными факторами конкурентоспособности стали обеспеченность рабочей силой, степень ее мотивации, организационные структуры и формы работы, определяющие эффективность использования персонала.

Большое значение для эффективной кадровой политики имеет анализ характеристик рынка рабочей силы. Внутрипроизводственные особенности компании, такие, как поставленные цели развития компании, тенденции ее управленческого стиля, конкретный характер решаемых задач, специфика рабочих коллективов и др. также должны приниматься в расчет для обеспечения эффективности кадровой политики в организациях сферы услуг.

И так следует учитывать, как отмечалось выше, что не только организация имеет цели. Свои собственные цели имеет и каждый работник компании. Если исходить из необходимости соответствия индивидуальных и организационных целей, то можно сформулировать и основной принцип кадровой политики.

Для современной сферы сервиса и туризма необходима подготовка квалифицированных кадров, конкурентоспособных на рынке труда, компетентных, ответственных, свободно владеющих своей профессией и ориентированных в смежных областях деятельности, способных к эффективной работе в рыночных условиях на уровне мировых стандартов, готовых к постоянному профессиональному росту, социальной и профессиональной мобильности, имеющих потребность в получении непрерывного образования и навыки адаптации в постоянно изменяющейся внешней среде.

Острота вопроса кадрового обеспечения для сферы сервиса и туризма продиктована тем, что именно на территории образования сосредоточены основные ресурсы, условия и факторы, обеспечивающие качество жизни личности, населения. Пока немногие органы местного самоуправления, в силу разных причин, подошли к пониманию необходимости осуществления реальных шагов по подготовке кадров для сферы сервиса и туризма. Однако, практических шагов пока нет.

Механизмом кадрового обеспечения предприятий сферы услуг является система принципов, форм, нормативно и документально признанных методов и мер. Порядок осуществления кадровой деятельности должен быть разработан в соответствии с поставленными целями самого предприятия и органа управления.

Для формирования высокой профессиональной компетентности кадрового состава предприятия необходимо организовать обучение на рабочем месте (при обмене опытом с коллегами), ввести практику стажировок, и самообразования (посредством обеспечения сотрудников литературой соответствующей профилю деятельности).

Оценка качества персонала так же должна происходить при аттестации, которая не должна быть формальной, а должна быть направлена на выявление слабых сторон в профессионализме кадрового состава.

К формированию высокой профессиональной компетентности кадрового состава так же относятся подбор и расстановка кадров: необходимо ужесточить отбор новых сотрудников на должности муниципального предприятия, создавать кадровый резерв посредством работы со студентами профильных вузов, повысить требования для сотрудников желающих попасть в резерв на замещение более высокой должности.

Необходимо также совершенствование организационной структуры муниципального предприятия путем проведения анализа структурных подразделений на предмет результативности выполняемых функций и задач. Это позволит выявить препятствия на пути проходящих процессов и структурировать коммуникационные воздействия, как внешние, так и внутренние.

В вопросе материального стимулирования труда надо сделать акцент на определение тех показателей труда, за которые работник будет получать материальное поощрение. Понимание сотрудником, что определенные его качества (как личные, так и профессиональные) будут иметь вознаграждение, приведет к стремлению их проявлять.

Особое внимание предлагается уделить повышению социального статуса и престижа работника муниципального предприятия. Забота о здоровье посредством организации лечебного отдыха, расширенные медицинские страховки, помощь в решении жилищных вопросов, помощь в реализации служащего в науке.

Высококвалифицированного работника необходимо не только привлечь на работу, но и удержать. Для удержания сотрудника необходимо идеологическое воздействие - корпоративная культура. Основной идеей корпоративной культуры должно стать осознание причастности к реализации стратегии развития города и социальной значимости деятельности предприятия. Эта идея должна поддерживаться и гражданами. Корпоративная политика должна включать в себя этику муниципального работника, проведение массовых мероприятий под эгидой органов муниципального управления с привлечением сотрудников.

Все вышеприведенные действия в целом создадут ту систему мотивации труда, которая поспособствует личностному и профессиональному росту муниципального работника, и безусловно поднимет его социальный статус в глазах общества.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ТАҚЧИЛ БЎЛГАН ХУДУДЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА СОТИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ

*Т.Махмудов – НамМТИ кичик илмий ходим, Ф.Мадияров, О.С.
Казаков – и.ф.н., НамМТИ доцентлари*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам ўз самарасини бера бошлади. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи ўрин тутиб, унинг ривожини республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда деҳқон ва соҳибкорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотлар, боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бермоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида “Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”⁴ - деб таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ўта долзарб ва узоқни кўзлаган масалалардан бири 2020 йилгача пахта хом ашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш кўзда тутилган.

Пахтани қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер майдонларида аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмаски, жаҳон бозори юқори сифатли ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Шунинг учун ҳозирги глобаллашув жараёнида нафақат ички бозорга, хатто жаҳон талабларига мос товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни эркин ҳаракатини кенгайтириш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. Аграр сектор экспорт салоҳияти – қулай табиий-иқлим шароити, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражаси билан изоҳланади. Аммо, дехқон ва соҳибкорлар олдида турган муаммолардан бири маҳсулотларнинг харид баҳосининг пастлигидир, яъни сотиш муаммоси. Ана шундай ҳолатнинг асосий сабаблари қуйидагилар:

- кимга? қанча? нима? каби етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш масаласи;
- етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига шартномалар тузиш масаласи;
- тайёр маҳсулотларини қутиларга жойлаштириш, улар билан таъминланишни ҳал этилмаганлиги;
- сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реклама қилиш йўлга қўйилмаганлиги.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида тоғ ва тоғолди худудларидаги қишлоқларда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ички бозор ва ташқи бозорларга экспорт имкониятларини шаклланишини тезлаштириш учун қуйидаги босқичларга амалга ошириш зарур:

⁴Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

1. Деҳқон ва соҳибкорларга сервис хизмати кўрсатувчи бозорни шакллантиришни тезлаштириш ва бу бозорда рақобат кураши муҳитини вужудга келтириш;

2. Деҳқон ва фермерларга хизмат қилувчи ва кўмаклашувчи инфратузилманинг барча бўғинларини вужудга келтириш;

3. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг бозорга эркин чиқишни ва нарх-навони эркин талаб ва таклифга асосан белгилаш, нарх устидан давлат назоратини минимал даражага келтириш.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш ҳамда четга экспорт қилишда корхона бевосита маркетинг стратегияси ва тактикасидан фойдаланиш зарур. Бу эса, чекланган ресурслардан оптимал фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қисқартиришга олиб келиш билан бирга бозорда ўз улушини оширишга олиб келади.

ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИДАГИ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

О.С. Казаков, Ғ.Мадияров, Л.Убайдуллаев – и.ф.н., Наманган муҳандислик-технология институти доцентлари, А.Саттаров – “Маркетинг” йўналиши 3-курс талабаси

Иқтисодиёт ривожининг бугунги кундаги даражасида ҳар бир мамлакат ўзининг имкониятларидан самарали фойдаланса, ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий фаровонлик ортиб, ресурслардан оқилона фойдаланишга эришади. Мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш орқали маҳсулотлар ҳажмини орттиришга эришиш тўғрисида кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Бугунги кунда бунга муқобил ҳисобланган янги йўналиш мавжуд бўлиб, бу мамлакатдаги тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни орттириш имконини беради.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, жумладан Фарғона водийси вилоятлари учун ушбу масала энг долзарб масалалардандир. Фарғона водийси вилоятларида асосан ғалла, пахта, мева, сабзавот ва турли-туман боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилади. Шундай бўлсада, мавжуд шароитда маҳсулот етиштириш тузилмасини шакллантириб ҳамда мавжуд шароитлар ва ресурслардан унумли фойдаланиш орқали иқтисодий самарадорликни анчагина ошириш мумкин. Бунинг учун эса энг муҳим тадбирлардан бири сифатида Фарғона водийси вилоятлари тоғ ва тоғолди ҳудудлари имкониятларини ўрганиш зарур.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагилар таъкидланди:

“Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди..”⁵. Наманган вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори ўсиш суръатларига эришилди. 2015 йил давомида вилоятда 654,6 минг тонна сабзавот етиштирилди ва ўсиш суръати 105,1 % ни ташкил этди, 241,1 минг тонна картошка, 70,7 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. Мева етиштириш 2014 йилга нисбатан 110,1 % ни, узум етиштириш 100,9 % ни, чорвачилик маҳсулотларидан 107,8 % ни, сут 108,3 % ни ва тухум етиштириш 129,5 % ни ташкил этди. Бунинг ҳисобига вилоятда 3161,6 млрд.сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти яратилиб, ўсиш суръати 105,9 фоизга таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Бунинг учун тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги имкониятлардан ҳам самарали фойдаланиш талаб этилади. Мамлакатимиз ҳудудининг 30-40 фоизга яқини тоғ, тоғолди ва чўл ҳудудларидан иборат бўлиб, ундаги мавжуд имкониятлардан бугунги кунда етарли даражада фойдаланилмаяпти. Бу ҳудудларда мамлакат аҳолисининг талаб-истакларини қондирувчи маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш, улар воситасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажмини орттиришга эришиш мумкин.

Шуларни инобатга олиб, юртимизда бебаҳо бўлмиш тоғ ва тоғолди ҳудудларидан самарали ва унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бунинг учун аввало мамлакат ҳудудидаги тоғ ва тоғолди табиатда чекланган ерлардан ҳамда сув ресурсларидан тўлиқ, оқилона ва самарали фойдаланиш учун ҳудудий имкониятларни ўрганиш ҳозирги кунда энг долзарб масала ҳисобланади.

Бу муҳим масалани ижобий йўлга қўйиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатдаги тоғ ва тоғолди ҳудудлар имкониятларини ўрганиш лозим;

- шўрланган ҳудудларда тизимли равишда тадбирлар олиб бориш зарур;

- мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларига экилган бодом, ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиради ҳамда дўлана, наъматак кабиларни етиштириб сотиш орқали фармацевтика саноатини ривожланади, тоғ олди ҳудудида яшаётган аҳоли иш билан банд бўлади;

- мамлакатдаги тоғ ва тоғолди ҳудудларга арча ва бошқа дарахтларни экиш атроф-муҳит ва экологик ҳолатни яхшилаш баробарида дам олиш масканларини ташкил этиш мумкин.

⁵И.Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Т.: “Ўзбекистон”, 2016

Ушбу йўналишларни тадқиқ қилиш вақтида ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсиялар амалда жорий этилса, мамлакатимиз аҳолисининг саломатлик даражаси яхшиланади, тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти яратилади. Бу ерларда етиштирилган маҳсулотлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорликка эришишга олиб келади.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*О.С. Казаков, Ғ.Мадияров, Л.Убайдуллаев, Р.Б.Исмоилов – и.ф.н.,
Наманган муҳандислик-технология институти доцентлари*

Табиат томонидан берилган неъматлардан оқилона фойдаланиш иқтисодиёт ривожининг барча даврларида долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу масаланинг ечими мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Айниқса, бугунги кунда мавжуд имкониятлардан ва ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигида, хусусан унинг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачиликда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш масаласи ўта долзарб масалалардандир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уни сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш масаласи кўп бора таъкидланмоқда.

Юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб лойиҳа муаллифлари томонидан мамлакатимизда чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш йўналишида тадқиқотлар олиб борилди. Улар рационини юқори калориялик ва самарали овқатлар билан бойитиш, кунлик ўсишини орттириш йўналишида тажрибалар ўтказилди. Чорва молларининг маҳсулдорлиги ва саломатлиги улар томонидан истеъмол қилинадиган овқатларнинг миқдори билангина эмас, балки уларнинг сифати билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда овқатларнинг сифат коэффициенти муҳим роль ўйнайди. Овқатларнинг сифат коэффициенти деганда уларнинг ҳақиқий ва меъёрдаги қувватлари ўртасидаги фарқлари тушунилади.

Ўсимликлардан олинадиган овқатлар кимёвий таркибига биноан хажмий ва концентрланган овқатларга бўлинади. Хажмий овқатларнинг 1 кг.да 7,5 МДЖ камроқ алмашув энергияси бўлади. Уларни дағал ва хўл овқатларга ажратилади. Дағал овқатларда намлик 40 % ни, хужайралар 19 % ни ташкил этади. Хайвонларнинг хўл овқатларида эса намлик 40 % дан ортиқроқни ташкил этади.

Концентрациялашган овқатларнинг энергетик қиймати 1 кг.да 7,5 МДж ни ташкил этади, 19 % дан камроқ хужайралардан ва 40 % дан камроқ намликдан иборат бўлади.

Концентрациялашган овқатлар углеводли ва оксилли турларга бўлинади. Углеводли овқатлар асосан ғалладан ва донни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларидан олинади. Оксилли овқатлар эса ёғ ишлаб чиқариш саноати иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндиларидан олинади.

Бугунги кунда чорвачиликда фойдаланиладиган турли овқатларнинг таркибини ва истеъмол қувватини, хазм бўлиш ҳолатини ўрганиб чиқиб, чорва хайвонлари учун самарали ҳисобланган, юқори калорияга эга бўлган, озуқавий қуввати юқори бўлган овқатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўтказилган тадқиқотлар чорва хайвонлари учун тайёрланадиган силос ва сенаж кўп меҳнат талаб қилишини, қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган майдонларни банд қилишини, атроф-муҳитни экологик ҳолатини бузишини ва кам муддат давомида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Биз томонимиздан тайёрланадиган технологияда кўп меҳнат талаб қилмайдиган, ортиқча майдонларни талаб қилмайдиган, узоқ вақт сақлаш имконияти бўладиган ва атроф-муҳитга, экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган озуқаларни тайёрлашга имкон яратилади.

Тайёрланиши белгиланган гранулаларнинг кимёвий таркиби справочникларда келтирилган маълумотлар асосида ёки ҳақиқий кимёвий таҳлил натижасида аниқланади. Озуқавий моддаларнинг ялпи таркиби, улардаги хазм бўлувчи озуқавий моддалар миқдори кимёвий таркибини ҳисобга олиш ва хазм бўлиш коэффициентлари асосида аниқланади. Қуйидаги жадвалда овқатларнинг хазм бўлиши коэффициентлари келтирилган.

Овқатларнинг хазм бўлиши коэффициентлари, % да

Овқатлар	Протеин	Ёғ	Хужайра	БЭВ
Йирик шохли қорамол учун				
Ўтлар	62	43	58	68
Табиий майдонлардаги пичан	53	46	51	61
Махсус экилган пичан	62	55	51	69
Майдаланган беда	70	82	59	73
Гўшт-суяк уни	73	93	-	50
Турли ўтлардан тайёрланган силос	49	63	51	53
Лавлаги	68	65	45	91
Картошка	73	93	45	93
Сули	78	83	24	77
Нўхат	86	62	46	93
Кунжара	91	90	26	71
Арпа	70	74	35	88

Тайёрланадиган озуқа таркибида асосан яшил овқатлар бўлади. Яшил овқатлар гуруҳига табиий ўтлоқлар, яйловлардаги ўтлар ва сунъий яйловлардаги ўтлар, экилган дуккакли экинлар, боғ ва полизлардан чиқадиган турли ўтлар ва барглари киради. Яшил овқатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – улардаги юқори даражадаги намликдир. Улар намлиги 70-80 фоизни ташкил этади. Улар қуритилганидан кейин таркибидаги протеин, минерал моддалар ва витаминларнинг ҳиссаси ортиб боради. Тайёрланадиган гранулаларда ҳам протеин, минерал моддалар ва витаминларнинг ҳиссаси юқори бўлишига эришиш мумкин.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ЧОРВАЧИЛИКДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

О.С. Казаков, Ғ.Мадияров, Л.Убайдуллаев – и.ф.н., Наманган муҳандислик-технология институти доцентлари, И. Абдуллаев –хусусий тадбиркор

Бугунги кунда иқтисодийтимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодийни модернизация қилишда, стратегик муҳим роль ўйнайдиган инновация лойиҳаларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, хусусан унинг чорвачилик ва балиқчилик соҳаларини юқори ўсиш суръатларига олиб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими биринчи навбатда чорва хайвонлари учун юқори калорияли ва сифатли овқатлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, замонавий, мослашувчан ва маҳаллий технологияларни кенг жорий этиб, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга боғлиқдир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарларида қишлоқ хўжалигида самарадор технологияларни жорий қилиш, интенсив равишда чорвачиликни ривожлантириш асосида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш, чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини орттиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Иқтисодийнинг чорвачилик тармоғи мамлакат аҳолисининг зарурий ва юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган сут, гўшт, ёғ, тухум ва ҳоказолар билан таъминлаш билан биргаликда енгил ва озиқ-овқат саноатини хом ашё билан, яъни жун, тери, мўйна, қорақўл, гўшт, сут, балиқ, тухум, асал билан таъминлайди. Чорвачиликни самарали тарзда ривожлантириш мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари куйидагилардир:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни узок вақт давом этади. Бу циклни қисқартириш чорвачиликда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Чорва хайвонларининг наслини яхшилаш масаласи ҳам муҳим масалалардан биридир.

3. Чорвачилик учун ем-хашак базасини яратиш ва уни узок вақт давомида сақлаш.

4. Чорва хайвонларини сифатли озуқалар билан боқишни амалга ошириш ва бунинг учун сифатли, юқори калорияли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи.

Чорвачиликнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган юқори калорияли ва сифатли озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кунда энг долзарб масалалардандир. Чунки, озиқлантириш чорвачиликни ривожлантиришдаги барча омиллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Озиқлантириш чорва хайвонларининг сермахсуллигига кучли таъсир кўрсатади. Чорва хайвонларининг организми тўқималарининг тузилиши учун зарур бўлган материални, модда алмашинувини тартибга солиб турадиган

моддаларни ва энергияни хайвон озикдан олади. Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий вазифалардан бири – озуқа базасини самарали ва оқилона ташкил этишдир. Яхши ташкил этилган озуқа базаси чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартидир. Чорва хайвонларига зарур бўлган миқдорда ва калорияда озиқ бериб турилмаса энг маҳсулдор насллар ҳам, тармоқда олиб борилаётган модернизациялаш ҳам самара бермайди. Чорва хайвонларини сифатли ва юқори калорияли овқатлар билан озиқлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари кўп ва арзонроқ этиштирилади. Чорвачилик маҳсулотлари қанчалик кўп ва арзон этиштирилса, аҳоли учун энг керакли озиқ-овқат ва энгил саноат маҳсулотлари билан шу қадар яхшироқ таъминланади.

Чорва хайвонлари овқатининг тўйимлилиги деганда, ушбу овқатларнинг хайвондаги табиий эҳтиёжни қондириш хусусияти тушунилади. Бу хусусият озиқнинг кимёвий таркибига боғлиқдир. Номи бир хил бўлган турли овқатларнинг тўйимлилик даражаси турлича бўлиб, бу уларнинг таркибига ва сақлаш шароитига боғлиқдир.

Чорва овқатларининг таркибида сув ва қуруқ моддалар мавжуд бўлади. Кўп овқатларнинг катта қисмини сув ташкил этади. Озиқни қуриштиришдан олдинги вазни билан қуриштирилганидан кейинги вазни ўртасидаги фарқ, унинг таркибида сув ва қуруқ моддалар борлигини кўрсатади. Озуқалардаги қуруқ модда органик ва аорганик (минерал) қисмлардан иборатдир. Қуруқ модданинг органик қисми азотли (протеин) ва азотсиз моддалардан ҳамда витаминлардан иборат. Бизга маълумки протеин оқсилларни ва амидларни ўз ичига олади. Ёғлар ва углеводларда бўлгани каби, оқсилда ҳам углевод, водород, кислород ҳамда улардан фарқли равишда азот мавжуд бўлади.

Чорвачилик учун бундай зарур бўлган озуқаларни ишлаб чиқариш масаласи бугунги кундаги долзарб масала бўлиб, уни амалга ошириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Маҳаллий хом ашёлар асосида юқори калорияли бўлган озуқаларни тайёрлаш.

2. Мавжуд бўлган хом ашёлар асосида ихчам ва сақлаш нисбатан энгил бўлган озуқалар тайёрлашга эътибор қаратиш.

3. Чорвачилик озуқаларини тайёрлаш учун замонавий ва юқори самарадор технологияларни яратиш ва жорий қилиш.

Биз томонимиздан амалга оширилаётган тадқиқотлар бу масалаларни ечишни мақсад қилиб олган. Юқори калорияли грануланган озуқа тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИЧКИ САЙЁҲЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Ғ.А.Мадияров, О.С. Казаков, Л.Убайдуллаев катта илмий ходим-изланувчилар Наманган мухандислик-технология институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Сайёҳлик соҳасининг улкан имконияти - иқтисодий тараққиётнинг муҳим асоси” БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш

маросимидаги нутқида таъкидланганидек “Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсди, жорий йилнинг биринчи яримда эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси-туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналишлари бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризм элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир. Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотел ва кемпиглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат қилмоқда.”⁶

Бундан кўриниб турибдики, юртимизда туризм ҳамда сервис соҳасига катта эътибор берилаётгани ва унинг натижасида соҳани ривожланаётганлигидан далолат беради. Аммо шунга қарамадан мамлакатимизда, хусусан, Фарғона водийсида туризм соҳасини ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Юқоридаги фикримизга асос сифатида туризм соҳасининг Фарғона водийсида жадаллик билан ривожланишига таъсир этаётган омиллар қуйидагилар:

- туризм ҳамда меҳмонхоналар, тарихий обидалар, диққатга сазавор жойлар тўғрисида маълумотлар етарли даражада шаклланмаганлиги;
- туристик хизматлар халқаро стандартлар талабларига етарли даражада жавоб бермаслиги;
- сервис хизматлари етарли даражада ривожланмаганлиги;
- туризм соҳасида халқаро даражада жавоб берадиган маркетинг, менежмент бўйича мутахассисларни камлиги;
- туристларни диққат эътиборини ўзига жалб этадиган, туристик имкониятларни акс эттирилган рекламалар йўқлиги;
- туризмга хизмат қиладиган инфратузилма етарли даражада ривожланмаганлиги;
- ички автомобил йўллари сифати талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, Фарғона водийси худудларидаги шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасини қуйидаги йўналишларда ташкил этилса мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Биринчидан, қадимий архитектура ёдгорликларига бой тарихий жиҳатидан улкан аҳамиятга эга бўлган жойларга сайёҳларни жалб қилиш

⁶Каримов И.А. Сайёҳлик соҳасининг улкан имконияти-иктисодий тараққиётнинг асоси. БМТ. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99- сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2014 йил 3 октябр.

бўйича.

Иккинчидан, Фарғона водийсидаги рекреация аҳамиятига эга бўлган, гўзаллиги, назокати билан ҳаммани хайратга соладиган табиати чиройли бўлган, шифобахш минерал ер сув ости сувларига бой бўлган саломатликни тиклаш учун йўналтирилган туризмни ривожлантириш.

Учинчидан, Фарғона водийси Чотқол ва Қурама тоғларига туташиб кетганлигини ҳисобга олиб тоғ туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд.

Тўртинчидан, экотуризмни ривожлантириш имкониятлари катта.

Бешинчидан, сайёҳларнинг қизиқишлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча хизматлар кўрсатиш тизимини яратиш зарур. Бунинг учун албатта туристларга хизмат қиладиган ахборот бюроларини ривожлантириш, интернет сайтларини яратиш лозим.

Бизнингча, сайёҳлик хизматларини ташкил этишни кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Агарда кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик кўринишида фирма ташкил этилса, сайёҳат сифатли ва мароқли бўлади. Фирма давлатга солиқ тўлайди ҳам хавфсиз бўлади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш Фарғона водийсида туризмни ривожланишига олиб келади. Ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотда хиссаси ортиши билан бирга аҳолини бандлиги таъминланади.

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ТОҒ ВА ЧЎЛ ХУДУДЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

О.С. Казаков, Ф.Мадияров, Л.Убайдуллаев – и.ф.н., Наманган мухандислик-технология институти доцентлари

Иқтисодиёт ривожининг бугунги кундаги даражасида турли ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Табиат томонидан бизга инъом этилган ресурслардан оқилона фойдаланиш барча мамлакатларда энг муҳим масалалар қаторидан ўрин олмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча соҳалар ва тармоқларни қамраб олаётган бугунги даврда жаҳон мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни орттириш орқали инқироз таъсирини пасайтиришга эришиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалани табиий ресурслардан самарали фойдаланиш билан қўшиб олиб бориш янада муҳимроқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мустақиллик йиллари жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари

ҳажми салкам 18 фоизга ошганлиги.» таъкидлаб ўтилди. Бу каби ривожланиш суръатлари мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳам амалга кузатилмоқда. Шу жумладан Наманган вилоятида ҳам юқори суръатдаги ривожланиш ҳолатлари кузатилди. Вилоятда 544790 тонна дон маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, ўтган 2013 йилга нисбатан 5,5 фоиз ўсишга эришилган бўлса, картошка етиштириш 9,5 фоизга, сабзавот 8,4 фоизга, полиз маҳсулотлари 7,4 фоизга, мева 11,8 фоизга узум 15,8 фоизга ортди.

Вилоятнинг умумий майдони 7,44 минг кв.км ни ташкил этиб, шундан 282780 га суғориладиган ерлар ҳисобланади. Суғориладиган ерлар билан бир қаторда, суғоришнинг имкони бўлмаган ҳудудлардан ҳам самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ҳажмини орттиришга эришиш мумкин. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар асосан вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларини ўрганишга ва уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга йўналтирилгандир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва бу фаолият самарасини оширишнинг яна бир муҳим йўналиши бор бўлиб, бугунги кунда унга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Бу йўналиш – тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги ерлардан фойдаланишни йўлга қўйишдир. Бу ерларда бугунги кунда бирон-бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилмаяпти. Етиштирилаётган бўлса ҳам жуда оз миқдорда етиштирилаяпти. Бунинг асосий сабаби – у ерларда тупроқнинг таркибини номутаносиблиги ва суғоришни йўлга қўйишдаги қийинчиликлардир. Бунинг учун авваламбор, мамлакатимиздаги тоғ ва тоғолди ҳудудларини ўрганиш, улардаги тупроқнинг хусусиятларини ўрганиш, таркибига мос равишда экилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик экинларини аниқлаш талаб қилинади. Бундай ерларда боғларни ташкил қилиш бошланишида бир оз қийин бўлади. Экилган кўчатлар ва бошқа экинларни аввалига парваришlash талаб қилинади. Аста-секин бу кўчатлар ва экинлар ўша ҳудудларнинг иқлимига ва тупроқ шароитига мослашиб қолади ва ўсишини давом эттириши ҳамда ҳосил бериши мумкин.

Мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг умумий ҳолатини ўрганиш асосида уларда экилиши мумкин бўлган экинлар ва кўчатларни аниқлаш лозим. Қуйидаги мисолда тоғ ва тоғолди ҳудудларига ёнғоқ экиш орқали қандай самара олиш мумкинлиги аниқланади.

Бир туп ёнғоқ дарахти 150 килограммдан 300 килограммгача ҳосил бериши мумкин. 1 гектар ерга экилган ёнғоқ кўчатлари сони 200 тани ташкил этганда, улардан олинadиган ҳосил (агар ҳар бир туп ёнғоқ 150 кг. ҳосил берганида) $150 \times 200 = 30000$ кг. ни ташкил этади. Агар ёнғоқнинг бир килограммининг 5000 сўмдан топширилса $30000 \times 5000 = 150000000 = 150.000$ минг сўмлик ёнғоқ мевасини тайёрлашимиз мумкин.

Тоғолди ҳудудларига экиладиган ҳар бир хил дарахт учун ўзига хос бўлган минерал ва маҳаллий ўғитлардан солиб турилади. Ҳосилга кирган ёнғоқзорга ҳар икки йилда бир марта гектарига 40 тонна гўнг, ҳар йили 120 кг азот, 90 кг. фосфор ва 40 кг калий ҳисобидан минерал ўғит солиб турилади. $90+120+40 = 250$ кг. Минерал ўғитнинг ҳар бир килограммининг ўртача нархи 800 сўмдан бўлишини ҳисобга олсак $250 \times 800 = 200000$ сўм.

Бунга бир гектар ерга экилган ёнғоқ дарахтини ва унга сарфланган меҳнат харажатларини қўшсак, $20 \times 5000 = 100000 + 100000 = 200000$ сўмни ташкил этади. Бир гектар ерга қилинган сарф-харажатлар $200000 + 200000 = 400000$ сўмга тенг бўлади. Бир гектар ёнғоқзордан олинадиган иқтисодий самара:

$$150000 - 400 = 149600 \text{ минг сўм.}$$

Бошқа дарахтларни экилганида ҳам шунга мос равишда самарадорликка эришилиши мумкин. Агар Фарғона водийсидаги барча тоғолди ерларда бодом, ёнғоқ, жийда, чилонжийда ва шунга ўхшаш меваларни экилиши йўлга қўйилса, унда бу ерларнинг ҳар бир гектаридан олинадиган иқтисодий самарадорлик ўртача ҳисобда 150 млн. сўмни ташкил этади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ

*Нурмухамидова М.Х. катта ўқитувчи, ГулДУ
Шодибоева М.К. талаба, ГулДУ*

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда иқтисодиётни либерллаштиришнинг чуқурлашуви, аҳоли турмуш даражаси, меҳнат ресурсларининг бандлиги, бевосита хизмат кўрсатиш соҳаси тараққиёти билан боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу туфайли, иқтисодиётимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма- босқич амалга оширилиши мазкур соҳани юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш албатта давлат томонидан қўллаб қувватланиши зарур. Шу сабабли Ўзбекистонда кичик бизнес хусусий тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттириш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 200 дан ортиқ қонун ва фармон ҳужжатлари қабул қилиниб, жорий қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўйидаги чора- тадбирлар хизмат кўрсатиш соҳаси барқарор тараққиётини таъминлаб келмоқда:

- соғлиқни сақлаш, таълим –тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётининг жадаллашуви;

- коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш;

- янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларининг юксак самаралари;

- кичик бизнесга кенг имкониятлар берилиши, банк соҳасини ислоҳ этилиши ва бошқа тармоқ дастурларининг амалга оширилиши;

- микро-моллиялаштириш ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ҳамда ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлари қатъий ижроси;

- аудиторлик, лизинг, реклама, адвокатура, консалтинг, суғурта хизматларининг кенг йўлга қўйилиши.

Соҳанинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундан иборатки, бунда қушимча иш ўринларини ташкил этиш учун ҳам зарур шароитлар мавжуд бўлиб, 2015 йил якунига келиб 480 мингдан ортиқ иш ўрни айнан шу соҳада яратилди. Шу маънода айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаси иш ўринлари ва меҳнат ресурсларининг баланислашувига имкон бериши орқали мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгалайди.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасида таркибий ўзгаришлар ҳам кўзатилаётганда.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги, шунингдек, мазкур соҳада қушимча иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини ошириш бўйича долзарб муаммолар ечими юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз:

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги бир неча турдош кичик корхоналар негизида хизматларнинг айрим тармоқларидаги бозор конъюктураси, айниқса, ишчи кучи талаб ва такълифи таҳлили бўйича “Координацион марказ” лар ташкил этиш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик фаолиятини илмий амалий жиҳатдан асосланган тартибда стратегик режалаштириш, бу борада ривожланган давлатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан қулланилаётган ёндошувлар, тупланган илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида уларни мамлакатимиздаги хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хужалик амалиётига тадбиқ этиш;

- хизмат кўрсатиш корхоналарида фаолият юритаётган ишчи хизматчиларнинг мунтазамлик асосида касбий маҳоратини ошириб бориш, зарурат туғилганда қайта тайёрлаш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўзига хос демографик хусусиятлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, аҳолига хизмат курсатиш соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг куплаб турлари ички талабни кенгайтиришга хизмат қилади. Бу тармоқлар ва соҳалар ташқи конъюнктурага ҳам об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлмай, ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир курсата олмайди, балки ички истеъмол бозорида мутоносибликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТУРИСТИК САЁХАТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

О.Ў.Очилов Сартепо туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи

“Инсон учун биринчи бахти унинг соғлиғи,
иккинчи бахти эса гўзаллигидир”

Афлотун

Бизга маълумки, қадимдан инсонлар ўз соғлиқларини мустаҳкамлаш учун куёш нурига, денгиз, дарё, боғ-у далаларнинг бағрида табиатнинг ҳаётбахш сувидан, тоза ҳавосидан кенг фойдаланиб келганлар.

Одамзод таънаси ташқи муҳит билан доимий чамбарчас равишда алоқада бўлиб келган. Йилнинг тўрт фаслида ҳаво ҳароратининг саёхат ва сайрлар, эрталабки бадантарбия ва спорт машғулотлари билан мунтазам шўғулланиб юрган кишилар таънасинингташқи муҳит ноҳуш таъсириларга қаршилиқ кўрсатиш имконияти юқори бўлади. Шунингдек уларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари мақсадга мувофиқ тарзда ривожланади.

Инсонлар сайр-саёхатлар жараёнида хушманзара жойларда мириқиб хордиқ чиқаришлари, шу билан бирга ўзи тўғилиб ўсган ва яшаётган жойларининг тарихий ва маданий обидаларини ҳамда атроф муҳитнинг сир-синоатларини ўрганибгина қолмай, балки, ўзини саломатлигини яхшилаш, маънавий оламини бойитиши, дунёқарашини кенгайтириши мумкин.

Республикамизнинг турли вилоятларида хордиқ чиқариш учун дам олиш оромгоҳлари ҳавоси танга роҳат берувчи сайёхатбоп жойлар кўплаб топилади. Айниқса тарихий обидалар, сеҳрли ғорлари-ю, шифобахш булоқ сувлари ҳамда шифобахш доривор гиёҳларга бой жойлар мактаб ўқувчилари ва академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий таълим муассасалари талабаларига, шунингдек барча ёшдаги инсонларни ҳар томонлама жисмоний баркамол бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Мактаб ўқувчилари ва академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий таълим муассасалари талабалари таълим тизимидаги дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларида уларни бўш вақтларида сайёхатларни ташкил қилиш, шу асосида уларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ривожлантириш, таҳлил қилиш синов тажриба тарзда ўрганиш ёш авлод тарбиясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчи ва талабаларнинг дам олиб хордиқ чиқаришлари учун республикамизнинг барча тоғли вилоятларида жуда кўплаб бир-биридан гўзал дам олиш оромгоҳлари мавжуддир. Оромгоҳларда таътил вақтида, мактаб ўқувчилари ва академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ҳамда соғлиғини мустаҳкамлаш истагида бўлган кишилар дам олишиб, соғлиқларини яхшилаш ва жисмоний чиниқиш билан машғул бўлмоқдалар. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ҳамда бошқа вилоятларидаги тарихий ва маданий ёдгорликлари бутун дунё саёхларининг эътиборини тортмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз аҳолисини, айниқса мактаб ўқувчилари ва академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий таълим муассасалари талабалари билан саёхатлар уюштириш ва уларнинг

мазмуни ҳамда шакллари бoйитиб бoришни назарда тутиб, “Ўзбектуризм” миллий компанияси бу бoрада кенг кўламли ишларини амалга оширмоқда.

Туристик саёҳатларни янада ривожлантириш, саёҳатларни уюштирувчи мутахассислар тайёрлаш, саёҳат йўриқномаси асосида керакли жиҳозларни ишлаб чиқариш саёҳат йўналишларни янада кенгайтириш ҳозирги кун туризм соҳасининг асосий вазифалардан саналади.

Биз соғломлаштиришга мўлжалланган саёҳатларни ташкил этишда “Ўзбектуризм” миллий компанияси, туристик фирмалар, Касаба уюшмалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маҳалла фуқоролар йиғини томонидан ташкил этилаётган тадбирларда чекка қишлоқ, овуллардан қатнашувчилар сони камлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, туризм машғулоти ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб етиштириш билан бирга, мамалакатимиз ҳудуди, табиати, иқлим шароитлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳаёти, тарихий обидалари ҳамда миллий меросларимизни ўрганишга катта ёрдам беради.

Туристик саёҳатларнинг ижтимоий меҳнат ва турмуш шароитимизда афзаллигини тушунган ҳолда ёшларнинг республикамиз тарихини, атроф муҳитининг экологиясини ўрганишлари, ҳамда кишиларни жисмоний ва маънавий камолотини шаклланишининг асосий воситаси эканлигини тушунган ҳолда, жойлардаги спорт ташкилотлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги ташкилотлар ҳамда Касаба уюшмалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари, туристик фирмалар ва “Ўзбектуризм” миллий компанияси бу бoрадаги фаолиятларини мувофиқлаштирсалар айни муддоа бўлар эди.

СЕРВИСНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ КЛИЕНТОВ-ПОТРЕБИТЕЛЕЙ КАК НЕОБХОДИМЫЙ И ЭФФЕКТИВНЫЙ ИНСТРУМЕНТ МАРКЕТИНГОВОЙ КОНЦЕПЦИИ

Бекмухамедова Барно Уктамовна

Старший преподаватель кафедры «Экономика»

Примов О. студент III курса

Гулистанский Государственный Университет

В современных условиях хозяйствования, развития рыночных методов управления, интернационализации мировых связей для успешного конкурентирования как на национальном так и на международном уровне большое значение имеет эффективно разработанная товарная политика. Значение товарной политики объясняется тем, что товар является базовым элементом комплекса маркетинга. Успех маркетинговой деятельности прежде всего зависит от наличия высококачественного нужного товара. Именно он должен удовлетворять реальные нужды потребности человека, а маркетинг призван помочь каждому производителю выявить реальные нужды и потребности и способствовать их наилучшему удовлетворению благодаря организации производства не обходимых товаров. Это достигается путем реализации товарной политики.

Не менее важным в товарной политике фирмы является сервисное обслуживание. Каждая фирма, изготавливающая самые различные изделия, и, прежде всего, такие, как автомобили, сложная бытовая техника, машины, станки и оборудование, оказывает определенные услуги, необходимые для обеспечения продажи и эксплуатации данных товаров. Совокупность таких услуг определяет так называемое сервисное обслуживание товара.

Для того чтобы сервисное обслуживание было актуальным для фирмы, покупатель заочно оплачивает все услуги предоставляемые фирмами, но если эти услуги используются фирмой в комплексном обслуживании и стоимость их распределена в среднем по всем товарам определенной группы, то цена этих услуг не столь сильно удорожает продукцию.

Большинство покупателей, согласно различного вида опросам, отдает предпочтение тем сложно-техническим товарам, с приобретением которых у них возникает чувство безопасности за ее работу, ремонт и обслуживание. Как правило цена товара с гарантийным обслуживанием возрастает не более чем на 3-5 %, что практически не ощутимо для покупателя. Зато для него появляется гарантия, того, что его покупка в случае поломки не вызовет у него дополнительных затрат и неудобств.

Можно сделать вывод, что отсутствие сервисных услуг, помогающих потребителю в эксплуатации товаров, приведет к резкому падению спроса на эту продукцию, а следовательно к падению прибыли. А ведь именно прибыль стоит во главе деятельности любой коммерческой фирмы. Поэтому можно сделать вывод, что рынок таких услуг будет только расти и совершенствоваться. Несомненно, именно обслуживание представляет собой прекрасную основу для установления системы теснейших связей между предприятием и клиентом. Если сервис способствует созданию постоянной клиентуры, то его роль еще значительней на высшей стадии отношений между клиентом и предприятием, когда между ними возникает «партнерство». Таким образом, в настоящее время сервисное обслуживание клиентов-потребителей рассматривается в рамках маркетинговой концепции торговых предприятий как необходимый и эффективный инструмент, обеспечивающий устойчивый сбыт продукции. Сервисные услуги продавца нужны как до, так и после продажи товара. Перед продажей сервисные услуги состоят в консультировании, к которому часто подключается торговля: консультации при проектировании товара, разработка альтернативных предложений; расчеты экономичности; обязательства по гарантии и техническому обслуживанию.

Таким образом, исследование сущности сервисного обслуживания, форм и видов, особенностей сервисного обслуживания в торговле показало, что по мере усложнения производства и насыщения рынка товарами растет спрос на услуги. Для организаций, занимающихся услугами, важно понимать природу и сущность услуг, учитывать их специфику в управлении. Согласно национальным стандартам под услугой понимается результат непосредственного взаимодействия исполнителя и потребителя, а также собственной деятельности исполнителя по удовлетворению потребности потребителя. При этом понятие сервиса исследователями трактуется больше

как работы по оказанию услуг, т.е. по удовлетворению чьих-либо потребностей. То есть имеет место закономерная общность данных определений. Под торговой услугой исследователи предлагают понимать различные виды полезных действий дополнительно оказываемых торговыми предприятиями покупателям в процессе покупки или потребления товаров. При этом сервисное обслуживание клиентов-потребителей рассматривается в рамках маркетинговой концепции торговых предприятий, как необходимый и эффективный инструмент, обеспечивающий устойчивый сбыт товаров.

ПРОДАКТ-ПЛЕЙСМЕНТ – КАК ЭЛЕМЕНТ СКРЫТОЙ РЕКЛАМЫ

*Махмудова Азиза - студентка группы 303-ДЗ СамГАСИ,
Джувльматова С.Р., к.э.н., ст.преподаватель кафедры «Социальных дисциплин» СамГАСИ*

Термин «продакт-плейсмент» происходит от английского «productplacement», что в переводе означает «размещение продукции». По своей сути – это специальный приём скрытой рекламы, который заключается в том, что реквизит, использующийся героями фильмов, телепередач, видеоклипов, книг, картинок и иллюстраций, имеет под собой коммерческий аналог, существующий в реальности. Как правило, при продакт-плейсменте происходит демонстрация рекламируемого продукта или его логотипа, или же упоминание о нём в положительном ключе.

Согласно статистическим данным, во всех странах мира самую большую популярность заслужило размещение продукции в кинофильмах и телепередачах, когда их герои пользуются каким-либо продуктом.

По мнению экспертов в сфере маркетинга, продакт-плейсмент является технологией, применяющейся продюсерами кино и передач с целью продвижения товара. Он также рассматривает два базовых метода такого продвижения:

- продукт или торговая марка может просто фигурировать в кадре;
- продукция применяется героями по назначению.

Однако, вообще выделяют следующие виды так называемой демонстрации продукции в телепередачах и фильмах:

- визуальная демонстрация – просто демонстрация логотипа;
- аудио-невербальная демонстрация – например, звучание мелодии, которая вызывает ассоциации с продуктом;
- аудио-вербальная демонстрация – произнесение героем конкретного рекламного текста;
- кинестетическая демонстрация – прямая демонстрация продукта.

Ряд специалистов характеризует продакт-плейсмент как метод «партизанского» маркетинга или как низкобюджетный рекламный инструмент, который позволяет эффективно продвигать какой-либо продукт, вызывать интерес у потенциальных клиентов и повышать прибыль при крайне небольших инвестициях.

Но «размещение товара» в каком-нибудь популярном кино является

относительно дешёвым удовольствием, и позволить его себе способна далеко не каждая компания. Однако это несколько не умаляет достоинств продакт-плейсмента, т.к. для многих фирм этот вид рекламы является очень серьёзным, и они вкладывают в него колоссальные средства. Лидирующие позиции в этой сфере, кстати говоря, занимает всемирно известная компания «Apple», удостоившаяся в 2010 году награды за лучшее «рекламное размещение» года.

Продакт-плейсмент отличается высокой степенью эффективности, но, конечно, имеет и некоторые недостатки:

- высокая стоимость размещения рекламы;
- невозможность расстановки акцентов, если реклама, например, размещается в кино;
- невозможность спрогнозировать успех проекта, рассчитать сроки запуска и эффективность рекламы и предсказать её восприятие аудиторией.

Кстати, о кино.

Прекрасным примером эффективного и стратегического продакт-плейсмента в 2006 году стала реклама в кинофильме «Анна Каренина» ювелирных изделий от модного дома «Chanel», а именно: изделий линии «Joaillerie». В кинокадре фигурировал лишь символ бренда, известного на весь мир, и ничего более. Но даже этого хватило, чтобы после премьеры фильма продукция «Chanel» стала пользоваться повышенным спросом.

А вспомните такие фильмы как «11 друзей Оушена», «Блондинка в законе», «Секс в большом городе», «Последнее завещание Нобеля» и т.д. Что вам ненавязчиво бросалось в глаза при просмотре? Конечно же, это были планшеты или компьютеры фирмы «Apple». Сколько людей в мире пользуются продукцией «Apple»?

Применяя продакт-плейсмент, нужно надлежащим образом осуществлять организацию коммуникаций рекламируемого бренда через те площадки, которые представляют для его потребителя наибольший интерес. Важно грамотно рассчитывать время размещения рекламы, например, бренд должен появляться в фильме именно тогда, когда зритель максимально заинтересован сюжетом и его развитием.

Сам же факт того, что в фильме «участвует» какой-то бренд, является превосходным информационным поводом. А квалифицированная и высокопрофессиональная PR-кампания, проводимая в период подготовки, предварительного показа и премьеры фильма, может существенно повлиять на узнаваемость бренда и скачок продаж.

АХОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА УНИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯЛАШ

*Р.М.Латинов, СамДАҚИ катта ўқитувчиси
Б.Раунов., Б.Сулейманов – талаба СамДАҚИ*

Президент И. Каримов: “Ахолининг ижтимоий химоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йуналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан

кейин ҳам шу тамойилга таянган холда иш олиб боришимиз керак”-деб таъкидлайди.

Маълумки, яшайтган асримизда одамнинг хаётий фаолияти учун зарур барча сохаларни ривожлантиришда эришилган тараққиёт, одамнинг ўзини жамият ривожланишининг марказига куйиш заруратини кучайтирди ва бунинг учун имконият яратди, инсонни ривожлантириш — инсоний жамиятнинг асосий мазмуни, яшаш шаклига айланди. Бунда жамият тараққиёти мамлакат иқтисодий куч-кудратининг қанчалик юксаклиги билан эмас, балки бу куч-кудрат хар бир кишининг гуллаб-яшнаши ва хар томонлама ривожланиши учун йуналтирилганлиги билан баҳоланмоқда.

Шундай экан, хозирги даврда жамият учун инсон, унинг турмуш тарзи, иш шароитлари, маълумот олиш имкониятлари, саломатлиги, жисмоний ва маънавий етуқ ахлоқий пок ёш авлодни тарбиялаш, иқтидори асосий урин тутади. Шунинг учун атроф-мухитни муҳофаза қилиш, қулай турар-жой ва бошқа имтиёзлар яратишдан муҳимроқ иш йуқ.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23- моддасида:

1. Хар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан химоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Хар бир инсон хеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Хар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва коникарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тулдирувчи даромад олиш ҳуқуқига эга, деб таъкидланган¹.

Мана шу умумжаҳон инсоний тамойилдан келиб чиқиб, Президентимиз И. А. Каримов “...жамиятни ислох қилиш ва янгилаш буйича куп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислохотларнинг мазмуни айна хар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган”, деб таъкидлайди. Барча ислохотлар айнан одамлар учун хизмат қилиши керак эканлиги Президентнинг деярли барча асарларида қайта-қайта ўқтирилади.

Президент жаҳонда бозор муносабатига утишнинг тарихан мавжуд бўлган халқаро тажрибаларини ҳисобга олиш билан бирга, у турли мамлакатларда турлича амалга оширилганлигини ҳам эътиборидан четда қолдирмади. Шунинг учун И.А.Каримов утиш даври республикаимиз учун ҳам ноқулай иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитларида бошланганлигини, дастлабки даврда аҳолининг деярли туртдан уч қисми ўзининг энг зарур эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир бўлмай, ҳукуматнинг ёрдамига муҳтож эканлигини эътиборга олди. Шунингдек И.А.Каримов аҳолининг табиий ўсишини, ўзбек халқининг серфарзандлигини, оилапарварлигини, аҳолининг кун қисмини ёшлар ташкил этишини, 60 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқларда истиқомат қилиши ва бошқаларни ҳам ҳисобга олиб, ижтимоий сиёсат олиб боришни назарда тутди. Бу сиёсатни амалга ошириш учун эса моддий ва маънавий асоснинг етарлилиги унинг муваффақиятини кафолатлади.

Ўзбекистан катта барқарор иқтисодий усиш ва инсоний ривожланишни

юзага келтириши мумкин бўлган табиий имкониятга эга давлатдир. Республика олтин, нефть, табиий газ, кумиркаби табиий захираларга эга. Республика пахта, пилла ва бошқа махсулотларни четга сотувчи, истеъмол учун дон етиштириб берадиган ривожланган қишлоқ хужалигига эга. Бу сохалар иқтисодиётнинг фойда ва мустахкам валюта келтирадиган харакатлантирувчи кучидир. Айнан мана шу сохалар бозор муносабатига угиш дазрининг дастлабки йилларидаёқ ижтимоий сохани мустахкамлаш чораларини ишлаб чиқиб, амалга оширишга моддий асос яратди.

Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш эса ижтимоий химоя сиёсатига маънавий асос қилиб олинди.

Барча ислохотларнинг — иқтисодий, демократик сиёсии ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир. Бу эса тинимсиз меҳнатни талаб қилади.

Меҳнат буйича хозирги давлат сиёсатининг асосини меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашнинг куйидаги йуналишлари ташкил этди: куп укладли мулкчиликка ва бозор иқтисодиётига асосланган меҳнат бозорини шакллантириш, давлат ва нодавлат тизимлари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни таркибий жихатдан қайта тўзиш ва шунга кўра меҳнат ресурсларини тақсимлаш; ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабни иқтисодий ва ҳукукий воситалар орқали тартибга солиш; ишсизларнинг ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг (қасб-хунарсиз ёшлар, болали аёллар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий химоясини таъминлаш учун махсус тадбирларни куриш; ишчи кучи сифатини ошириш (қасбга уқитиш, қайта уқитиш, малакасини ошириш тизимини такомилланггириш), аҳолининг иқтисодий фаоллигини ривожданггириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни қуллаб-қувватлаш.

Шу мақсадда, ишчи кучини, тез ушиб бораётган меҳнат захираларини иш билан таъминлаш ва уларни ишсизликдан химоя қилиш учун меҳнат талаб ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти тухтаб қолишдан асралди ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ахамият берилди, яъни республикамизда иш билан тула бандлик сиёсати олиб борилди.

Аҳолини ишсизликдан химоя қилиш нодавлат сектордан ҳам унумли фойдаланишни тақозо этади. 1995 йилгача иқтисодиётда банд бўлган жами аҳолининг 39,9 фоизи давлат корхона ва ташкилотларида, 66,1 фоизи нодавлат корхона ва ташкилотларида, шу жумладан, 2,7 фоизи хусусий секторда, 0,3 фоизи жамоат ташкилотлари ва жамгармаларда, 0,4 фоизи кушма корхоналарда ишлади. Кейинги йилларда нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши кескин ошиб борди. У саноатнинг 44 фоизини, қишлоқ хужалиги махсулотларининг 97 фоизини ишлаб чиқарди. Хозир республикамиздаги жами кичик корхоналарнинг 70 фоизига яқини нодавлат секторга қарашли бўлиб, уларда тахминан 480 минг киши меҳнат қилмоқда.

Саноат курилишида ҳам кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Қишлоқ хужалигида ҳам меҳнат фаолиятининг янги куринишлари таркиб топмоқда. Ижтимоий тармоқларнинг, айниқса, соқликни сақлаш ва ахборот таъминоти сохаларининг салмоқ ортиб

бормоқда. Аҳолининг меҳнат бозори рақобатига бардош бера олмайдиган табақаларини иш билан таъминлаш соҳаси сифатида шахсий ёрдамчи хужаликлар ривожла нишига ҳам катга эътибор берилмоқда. Шу маҳсадда, 550 минг гектар сугориладиган ер майдонлари ажратилди, натижада аҳолига шахсий томорха сифатида ажратилган умумий ер майдони 700 минг гектардан ошди. Мазкур майдонларда етиштирилаётган маҳсулотлар 9 миллиондан зиёд кишилар эҳтиёжини хондирмоқда. Айни пайтда, хишлох хужалигида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, бироқ иш билан банд бўлмаган аҳоли қисми (аёллар ва ёшлар) меҳнатга жалб қилинди. Шунингдек қишлоқ аҳолисини ишсизликдан химоя қилиш маҳсадида қишлоқ хужалик маҳсулотларига қайта ишлов берадиган корхоналар барпо этиш, тезкорлик билан ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратўзилмаларни хусусий бизнес, тадбиркорлик ва ўзини-ўзи иш билан таъминлашни куллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш буйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Меҳнатга ҳақ тулашда микдори мунтазам ўзгартириб туриладиган тартиб кулланилмоқда. Меҳнаткашларни бундай ижтимоий химоялаш уларда меҳнатга қизиқишнинг ижобий шакллари ривожланишига, аҳолининг гайратшижоати ва иқтисодий фаоллиги ошишига олиб келди. Бу эса иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошишига замин тайёрламоқда. Омманинг меҳнатга муносабатида, меҳнат соҳасидаги хадриятлар ва йуналишларида ижобий ўзгаришлар руй бермоқда. Меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситаларнинг янги тўзилмаси пайдо бўлмоқда.

Аҳолининг химоясиз ва мухтож табақаларини мунтазам куллаб-қувватлаш ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир. Шунинг учун республикада ижтимоий химоя кам таъминланган, серфарзанд оилалар учун моддий ёрдам бериш, ногиронлар, талаба ёшлар, қариялар учун нафақалар тайинлаш, аҳолининг баъзи гуруҳлари учун имтиёзлар яратиш, давлат хисобидан ёлғиз қариялар ва ногиронларни боқиш воситалари орқали амалга оширилмоқда. Уруш қатнашчиларига доимий нафақа билан бирга турли имтиёзлар берилган.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Райимбердиева Ойниса Рахмонкуловна, доцент

Нишонов Отабек, студент

Гулистанский государственный университет

Туризм является одной из интенсивно развивающихся и приносящих высокий доход отраслей в мире, который способствует укреплению международных социально-экономических, культурно-духовных связей. В последние годы туризм превращается в крупную экспортную промышленность мировой экономики, доля от мирового ВВП которой составляет в среднем 11%. За последние 40 лет число туристов, выехавших в другие государства, возросло почти в 20 раз, а доход от туризма — в 60 раз,

поступления от международного туризма составляют более 400 млрд. долларов. Индустрия туризма обеспечивает работой 192 млн. человек, что составляет 8% от населения в мире. Международный туризм способствует диверсификации экономики, создавая отрасли, обслуживающие сферу туризма.

В настоящее время мировой туризм почувствовал оживление и за последнее время глобальные доходы от туризма увеличились на 4,5% и это является хорошей предпосылкой для того, чтобы подготовить туристическую отрасль нашей страны для более интенсивного развития. С другой стороны, реестр всемирного культурного наследия ЮНЕСКО вошли более чем четырех тысяч памятников культуры, материальных и духовных ценностей, обнаруженных на территории нашей страны, что закладывает значительный потенциал для развития международного туризма. Абсолютно очевидно, что уровень развития туризма в Узбекистане в настоящее время не соответствует богатому культурно-историческому наследию, являющимся достоянием мировой цивилизации. Эффективное использования имеющего потенциала по перспективному развитию туризма может стать локомотивом для расширения сферы услуг и создания новых рабочих мест, обслуживание одного туриста создает рабочие места для 4-7 обслуживающего персонала принимающей стороны.

Туризм – отрасль глобальной экономики и его развитие, подъемы и падения корректируют и интенсивностью глобализационных процессов. Именно поэтому, прежде всего, необходимо акцентировать внимание на международную составляющую этого вопроса. Предложение туристических услуг значительно превышает спрос на туристические поездки, т.е. число стран, принимающих туристов значительно больше, чем число стран — поставщиков туристов. Иными словами, рынок международного туризма является рынком покупателя, поэтому чтобы поток туристов в нашу страну возрастал туристические услуги должны не только соответствовать международному уровню, но и по отдельным показателям превосходить их.

Еще раз подчеркну, что международный туризм в современном мире является частью глобальной экономики и формировавшейся индустрией, для того чтобы туристическая отрасль Узбекистана вошла и достойно представлял нашу страну в глобальном туризме необходимо соответствовать всем международным требованиям в области туризма.

Следует отметить, что требует серьезного совершенствования институциональная структура управления туризма в Узбекистане. До сих пор не определена четкая государственная политика и перспективная стратегия государства в сфере туризма ее основные приоритетные направления, отсутствует межотраслевая и межрегиональная координация туристской деятельности; привлечение иностранных кредитов и инвестиций в сферу развития туризма ведется весьма пассивно, нет постоянного мониторинга двухсторонних соглашений и договоров; не ведется системная работа по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров для сферы туризма.

Изучение международного опыта показывает, что в странах с развитой

туристической индустрией, таких, как Франция, Турция, Греция, Египет, Япония, в государственном управлении туризмом четко разграничены функции государственного управления, контроля туристской отрасли и функции ведения коммерческой деятельности.

Инфраструктура туризма в Узбекистане требует также комплексного совершенствования, и поднятия до уровня международных стандартов. Туристический пакет формируется из основных, дополнительных и сопутствующих туристических услуг.

Обобщая изложенное, объективно оценивая ситуацию, следует отметить, что туризм в Узбекистане претерпевает качественные изменения и имеет большие перспективы для развития об этом свидетельствуют международные туристические выставки и конференции. Для дальнейшего развития туризма, на наш взгляд, целесообразно выполнить следующие рекомендации.

1. Следует, в первую очередь, разработать и подготовить пакет предложений по совершенствованию законодательства по развитию туризма в Узбекистане.

2. Необходимо акцентировать внимание на международную составляющую туризма разработать комплекс мер по соответствию туристической инфраструктуры всем международным требованиям в области туризма

3. Улучшить координацию для обеспечения комфортного пребывания иностранных туристов в Узбекистане между Национальной компанией «Узбектуризм», Министерствами иностранных дел, культуры и спорта, внутренних дел, Таможенным комитетом, национальными компаниями «Узбекистон хаво йуллари», «Узбекистон темир йуллари» и другими структурами задействованных в предоставлении услуг туристам.

4. Усилить популяризацию туризма, особенно, через всемирную сеть Интернет, поддерживая широкое распространение бренда «Великий шелковый путь», разработать новые туристические бренды Узбекистана.

ХЎЖАЛИКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

С.А. Рахимов., М.З. Юзбоева (СамДАҚИ)

Биз олдинги мақолаларимизда меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг анъанавий усулларини [1] кўриб чиққан эдик. Унда асосий меъзонлар сифатида тўловга лаёқатлилик, молиявий барқарорлик ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш каби муҳим молиявий кўрсаткичларга тўғталиб ўтган эдик. Энди эса ноанъанавий мезонларини келтириб ўтамиз.

Уларга куйидагилар киради:

1. Барқарор молиявий ресурслар билан таъминланганлик мезони. Барқарор молиявий ресурслар деганда асосий эътибор, меҳмонхона хўжаликлари томонидан узоқ муддатга жалб этилган маблағларини ва уларнинг ҳажмига қаратилади. Хусусан, ушбу манбалар таркибига устав

капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда ва қимматли қоғозлар эмиссияси орқали шакллантирилган маблағларини киритиш мумкин. Меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурслари таркибидаги ушбу манбалар барқарор ресурслар ҳисобланиб, асосий фаолиятни молиялаштиришда эркин фойдланиш имкониятини беради. Бироқ, амалиётдаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу маблағларнинг ҳажми нисбатан паст бўлиб, кўпчилик ҳолларда меҳмонхона хўжаликлари уларнинг танқислиги бўйича муаммоли ҳолатларни бошидан кечиради. Айниқса, қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан молиявий ресурсларни жалб қилиш масаласи жуда оғир бўлиб, бунинг асоси мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурсларни жалб этишнинг ушбу манбаларидан ресурсларни жалб қилишга ортиқча эътибор қаратилмагани билан изоҳланади.

2.Хизматлар бозорида рақобатбардошликни таъминлаш мезони. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида табиий рақобатнинг мавжудлиги хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хизматлар сифати ва турларини оширишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, меҳмонхона хўжаликлари ушбу рақобатда иштирок этиши ва унга бардош беришлари учун молиявий ресурсларни самарали ва иқтисодий жиҳатдан манфаатдор йўналишларга жойлаштириши зарур бўлади. Бунинг учун меҳмонхона хўжаликларида, биринчидан, етарли даражада барқарор молиявий маблағлар мавжуд бўлиши, иккинчидан, хизматлар бозорини ўрганишнинг маркетинг хизмати самарали йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурсларини самарали бошқаришнинг ушбу мезонининг юқори ёки паст даражада эканлиги уларнинг мамлакат хизматлар бозорида эгаллаган улуши, меҳмонларнинг жорий даврдаги оқими ўтган йиллардагига нисбатан ўсиши ёки пасайиши кабилар билан белгиланади.

3.Акциядорларнинг иқтисодий манфаатини таъминлаш мезони. Акциядор ёки акциядорлар меҳмонхона хўжалиги фаолиятини ташкил этиш ва уни юритишдан кўзлаган асосий мақсад унга йўналтирган молиявий маблағлар ҳисобидан иқтисодий манфаатдорлик кўриш ҳисобланади. Маълумки, улар меҳмонхона хўжаликлари устав капиталини шакллантиришда оддий ёки имтиёзли акцияларини сотиб оладилар. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан ушбу акцияларнинг эгаси сифатида тегишли ҳуқуқларга эга бўлади. Хусусан, акциядорлар жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендларни олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қонунга кўра: “Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни

тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим” [2].

4. *Хоналарнинг ўртача бандлик даражасини таъминланганлик мезони.* Бу ерда гап меҳмонхона хўжаликлари томонидан таклиф этилаётган турли даражадаги хоналарнинг мижозлар билан бандлиги хусусида бормоқда. Меҳмонхоналарнинг хоналари хизмат кўрсатиш даражасига қараб: «апартамент», «люкс», «студия» ва «биринчи категория»ларга гуруҳланиши мумкин. Хизматларнинг турлари ва сифатига қараб “1,2,3,4,5 юлдузли” меҳмонхоналарга таснифланади. Албатта, уларнинг хоналарини даражаси ва юлдузлар сонига қараб хизмат кўрсатиш баҳолари ҳам ортиб боради. Бироқ, уларнинг молиявий ресурсларини бошқаришда қўлланиладиган мезонда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

-хоналарнинг бандлиги. Одатда, меҳмонхона хўжаликларида жами мавжуд хоналарнинг ўртача йиллик бандлик даражаси 50 фоиздан юқорини ташкил этса бу нормал ҳолат ҳисобланади;

-меҳмонхонада кечаси тунаган мижозлар сони. Ушбу кўрсаткич меҳмонхона жойлашган шаҳарда жойлашган бошқа меҳмонхоналар, халқаро ва маҳаллий меҳмонхоналардаги ўртача кўрсаткичларга таққослаш орқали баҳоланади;

-меҳмонхонада хоналаридан фойдаланган жами мижозларнинг резедентлар ва норезедентлардан ташкил топганлиги кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурсларини бошқариш мезонлари юзасидан амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, уларда молиявий ресурсларни бошқаришда қатор зиддиятли ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, ресурсларни бошқаришда тизимли ёндошувнинг жорий этилмаганлиги, бошқаришда самарали методлар ва ягона ёндошувларнинг қўлланилмаслиги кабилар шулар жумласидандир. Бунинг натижасида, қатор меҳмонхоналар айланма маблағларнинг етишмовчилиги, паст рентабеллик, молиявий беқарорлик каби муаммоли ҳолатларни бошидан кечирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳмонхона хўжаликлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг мезонлари уларнинг ресурсларини бошқариш сифати ва даражасига баҳо берадиган кўрсаткичлар ҳисобланиб, ҳозирги кунда меҳмонхоналар молиявий ресурсларидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг анъанавий усулларида кенг фойдаланилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК ШАҲАРЛАРИ ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

101-ШваҚАЯЖКҚ гуруҳи магистранти Рахимов К. И.

Илмий раҳбар -меъм.ф.д. проф. Ахмедов М. К.

Илмий маслаҳатчи -арх. ф.н. доц. Балгаев А. Б.

Ўзбекистон кичик шаҳарлари жамоат марказларининг функционал ва фазовий - режавий тузилмаси кичик шаҳар ижтимоий - фазовий муҳитини шакллантиришда қатнашувчи аниқ меъморий - фазовий тузилма, муссасалар

ва аҳоли гуруҳи тузулмасига хизмат кўрсатиш марказлари каби ўзаро боғлиқ хусусиятларини баҳолаш имконини берувчи муҳитдир.

Улардан бири марказни шакиллантиришнинг мазмуни ўзида акс этиради; уни марказ муассасалари ва инситутларининг таркиби, алоқалари ва параметрлари аниқлайди. Иккинчиси марказнинг асосий функцияларининг фазовий шаклини кўрсатади; уни шаҳарсозлик ансамбли ва алоҳида бинолар иншоотлар ва уларни ўзаро боғловчи элементлар сифатидан бутун марказнинг фазовий композицияси конкретлаштиради.

Кичик шаҳарлардажамоатмарказларини меъморий шакллантириш услуги турли бўлишига қарамасдан, таққослаш таҳлили натижасида, баъзи принципаал умумийликни ҳам кузатиш мумкин. Буни бир томондан - уларнинг функционал ташкиллаштиришида иккинчи томондан муҳитини ташкил этишда кўриш мумкин.

Кичик шаҳар марказининг ўзига хослиги унинг кўп функцияли эканлигадир. Кичик шаҳарларнинг жамоат маркази барча шаҳарга хос фаолиятининг (бошқарув, хизмати кўрсатиш, маълум маданият ва ишлаб чиқаришнинг баъзи турлари) гавжум бўлган жойдир.

Таққослаш натижасида шу нарса аниқланганки, ўрта, катта ва йирик шаҳарларда жамоат марказига хос фаолият шаҳар территорияси бўйлаб тенг жойлаштирилган, ёки аҳоли жойлашган худудларга бир неча марказ ташкил этилган.

Кичик шаҳар жамоат марказида учта типологик гуруҳ объектларини ажратиш мумкин; маъмурий, маданий - оқартув, савдо - маиший. Жамоат марказларининг тартиби ва иншоотлар номенклатураси шаҳар аҳолисони, ҳам хўжалигидаги ўрни, хизмат кўрсатиш тизимига қараб белгиланади. Асосий фарқ маданий – оқартув муассасалари ва савдо – маиший бинолар гуруҳида намоён бўлади.

Кичик шаҳарнинг маданий - маиший муассасалари хизмат кўрсатиш характери ва ижтимоий инфраструктурадаги даражасига қараб 2 гуруҳга бўлинади; фақат шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи ва шаҳар атрофига хизмат кўрсатувчи гуруҳлар. Бу иншоотларни шаҳар маркази тизимида (баъзи медицина хизмати ва комиунал корхоналардан ташқари) жойлаштириш мақсадга муофикдир.

Жамоат марказлари транспорт инфраструктурасининг ривожланганлиги, шаҳарнинг бошқа жойлар билан тарихий алоқалари, катта шаҳарлар билан қўшни жойлашувига ҳам боғлиқдир. Амалиёт кичик шаҳарлар жамоат марказларининг таъсир зонаси 60 -90 дақиқа (30 -35 кл) ни ташкил этишини кўрсатади.

Кичик шаҳар жамоат маркази маданий - маиший иншоотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

- хар кунги хизмат кўрсатиш гуруҳи, уларгача пиёда етиб бориш мумкин;

- даврий хизмат кўрсатиш, хизмат доираси 1, 2 кл атрофидаги аҳоли 30 - 40 дақиқа транспортда етиб келади (1 -12 кл).

- даврий ва эпизодик хизмат, 60 - 90 дақиқанинг транспорт йўлга эга (25-30 кл).

- эпизодикхизмат, 120 дақиқалик транспорт йўли(40 -50).

Жамоат маказларининг кўп функциялилиги унинг тартибий қисмининг кўп функциялилигига боғлиқ. Демак, марказ типологик комплексида турки функцияни бажарувчи иншоатлар – вазифаси бўйича ўхшаш ва бир – бирини тўлдирувчи муассасалар мавжуддир.

Муассасалар таркиби ва улар орасидаги алоқаларга қараб, марказларни уч функционал таркибга бўлиш мумкин:

I – бир функцияли типологик объектлар асосида ташкилланган:

II – бир функцияли объектлар асосида шакилланиб, махсус функцияли типологик комплекслар билан тўлдирилган:

III – функцияси бўйича ўзаро фарқли бир неча комплекслардан ташкил топган:

СБЕРЕЖЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ УВЕЛИЧЕНИЯ

*Савранов Зайфидин – студент группы 304-АПОСТ СамГАСИ
Джувльматова С.Р., к.э.н., старший преподаватель кафедры
«Социальных дисциплин» СамГАСИ*

В период формирования национальной государственности, осуществления демократических реформ, трансформации экономики и перехода на рыночные отношения особое внимание необходимо уделять социальным проблемам. Об этом напоминает богатейший опыт общественного развития многих стран мира.

История учит, что именно на крутых ее поворотах, когда происходит смена общественных формаций, социальные проблемы и противоречия приобретают наиболее обостренный характер, служат потенциальным фактором угроз национальной безопасности, гражданского мира и стабильности.

Одним из ведущих принципов, на которых основывается собственный путь обновления и прогресса Узбекистана, является проведение социальной политики. Можно с уверенностью утверждать, что достигнуты значительные успехи по глубокому структурному преобразованию в экономике, обеспечению роста доходов населения, усилению внешней торговли и инвестиционных процессов, реформированию сельскохозяйственной сферы, стабильному развитию сферы малого бизнеса и частного предпринимательства, укреплению деятельности банковско-финансовой системы.

Доходы населения являются основным критерием благосостояния общества, ибо конечным результатом являются достижения высокого уровня социального развития, обеспечение полноты человеческой жизни. Стремление к максимизации своего дохода диктует экономическую логику поведения любому рыночному субъекту. Как известно, различают номинальные, располагаемые и реальные доходы населения. Предметом нашего анализа являются средства, используемые населением на потребление и сбережения, которые являются результатом вычета налогов и других платежей от номинального дохода.

относительно высоком уровне. Ни для кого не секрет, что Индия из поконов веков была колыбелью цивилизации, что там развита культура и культурные отношения. Индийские мыслители и писатели заказывали индийским купцам покупать именно ту бумагу, которая изготавливается в Среднеазиатском регионе.

Денежной единицей служила серебряная тенга, номинальная стоимость которой равна 20 коп.; 20 тенег составляет тиллю, золотую монету, которая в обращении встречается довольно редко.

Хивинские и Бухарские купцы, как и вообще все Азиатские народы перевозят свои товары через степи на верблюдах. Верблюды обеспечивали сообщения народов, живущих по плодородным полосам среди безводных песчаных степей. Эти животные терпеливые и сильные. Они преимущественно водятся в степях и невероятно переносят, голод, жажду, усталость.

Такая оживленная торговля велась долго. Слухи о сказочно богатой Индии достигли и Россию. И не мог правитель Руси Петр I не заметить такой всесторонне выгодный союз, между Индией и Аштарханидами.

Одной из целей сближения России с Бухарским и Хивинским ханствами, была также установление торговых сношений с Индией.

Еще одним важнейшим фактом при изучении отношений между Среднеазиатскими государствами и Индией, является отчет царского посла купца Анисима Грибова, который восстанавливает всю сложную картину той дипломатической и военной борьбы второй половины 40-х годов XVII в., в которой принимали активнейшее участие такие государства как, Бухара, Хива, Казахские ханства. Грибов обрисовал, в частности, историю попытки Шах-Джехана воспользоваться междоусобицей бухарских правящих классов и захватить Балх — один из важных городов Средней Азии. Однако это предприятие индийского падишаха, продиктованное политикой весьма далекого прицела, встретило отпор со стороны властителей Бухары, Хивы и казахов. Они отказались на время от взаимных распрей и изгнали индийские войска из Балха. Бухарский хан Абдул-Азиз предложил затем персидскому шаху Аббасу II напасть объединенными силами на Кандахар, находившийся в то время в руках индийцев и являвшийся одним из важных в экономическом и стратегическом отношении пограничных городов огромной Бабуридской империи.

Одним из проявлений культурных отношений между двумя государствами являются использование строительных навыков мастеров Узбекистана. Тадж Махал стал венцом этого блистательного периода строительного искусства династии Бабура. В нем воплотились лучшие традиции тимуридской строительной культуры. Это не удивительно, т.к. главными строителями были мастера из Узбекистана. Главным архитектором (калашсаз) был Мухаммад Шариф, приглашенный Шах Джаханом из Самарканда, который спроектировал Тадж Магал точной копией Гур Эмира, а главными каменотесами, обрабатывающими мраморные глыбы и украшавшие сооружение драгоценными и полудрагоценными камнями были мастера из Бухары – отец и сын Ата Мухаммад и Шакар Мухаммад. Все работы по камню, резьбе, шлифовке, подгонке плит, формировке были

исполнены Ата Мухаммадом, а все внутреннее убранство, изящные инкрустации на камне, цветные гаммы из полудрагоценных камней, разрисовка на камне цветных орнаментов были созданы его сыном Шакар Мухаммадом. Строительство Тадж Магал продолжалось 16 лет и оба мастера, отец и сын работали до конца. Слава вам, наши великие предки, которые создали для мира такую неповторимую небесную красоту, восьмое чудо света!

Когда говорим об архитектуре Индии, справедливо отметить, что архитектура в большей степени, чем другие виды искусства, зависела от богатых патронов. С распространением могущества Бобуридской империи все больше появлялось выдающихся архитектурных сооружений, в которых мусульманские мотивы сочетались с местными индийскими традициями. Фатхпур-Сикри хорошо вписывался в окружающий пейзаж, его здания просты и целесообразны. Богатство и пышность построек достигли своего расцвета при Шах Джахане. Еще Акбар в Фатхпур-Сикри выстроил из белого мрамора гробницу шейха Салима Чишти. Во времена Шах Джахана отборный белый мрамор, инкрустированный полудрагоценными, а кое-где и драгоценными камнями, стал основным декоративным материалом построек, особенно в Агре и в Дели.

В Декане, мусульманский архитектурный стиль проникал из соседних государств, но и тут главную роль играла Средняя Азия, так как, правители этой огромной страны были родом, именно, из Средней Азии. В самых больших и значимых городах, таких как Дели, Агра и в других, господствовали изящество, замысловатость отделки и гармоничность пропорций. Так, воздвигнутый в Аурангабаде мавзолеем Рабия Даурани (госпожа эпохи) над могилой любимой жены Аурангзеба по форме повторяет Тадж Магал, но лишен изящества пропорций агрского оригинала. К тому же в мавзолее в Аурангабаде облицован белым мрамором только фасад главного здания по высоте, несколько превышающую человеческий рост. Остальная облицовка из светлого песчаника. Минареты мавзолея построены из кирпича и оштукатурены чанамом (особой штукатуркой, изготовленной из измельченных ракушек).

Но вот в Бенгалии, в отличие от крупных городов, преобладала маловыразительная архитектура: как храмы, так и жилища воздвигались из оштукатуренного кирпича, с глухими стенами и узкими окнами.

Таким образом, наследники Бабура были великими строителями новой Индии. Они сооружали на её территории красивейшие и добротные здания, разбивали сады и создавали сеть ирригационных сооружений. Многие из них являются уникальными архитектурными творениями и находятся под охраной ЮНЕСКО.

Ведь новая родина Бабура должна была стать не только убежищем его семьи где-то далеко в горах, но землей на реке, где он мог бы строить города и сады, подобные Самарканду. Его имя стало олицетворять прогресс, модернизацию, культурный взлет, цивилизацию. Все авторы пишут о нем в самой превосходной форме. «Оксфордская история Индии» пишет о нем: «Он был самым блистательным азиатским государем своей эпохи и достоин самого высокого места среди государей всех времен и народов». Когда Бабур

уходил из Мавераннахра в его душе сохранялось чувство, что он является частицей этой страны и никогда оно его не покидало. Оно передалось и его потомкам, которые считали своей истинной родиной Узбекистан. У них изменился лишь язык (фарси), но сохранились обычаи, традиции, культура, вкусы.

КЎЧМАС МУЛК ЭКСПЕРТИЗАСИДА ФИЗИКАВИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАМДА АҲАМИЯТИ

*Катта ўқитувчи Ф.Н.Джамолов раҳбар. СамДАҚИ, А. Исмоилов,
А. Эргашев 101-102-КМЭ ва УБ гуруҳ талабалари.*

Инсон ҳаёт фаолиятида кўчмас мулк иншоотлари алоҳида ўрин тутди, чунки инсон ҳаёт фаолиятининг бирор жабҳаси йўқ-ки, унда бино-иншоотлар, қурилишлар, кўприклар ва бошқа турдаги кўчмас мулк объектлари иштирок этмаса.

Кўчмас мулк объектларининг туридан қатъий назар уларнинг қурилиши, ишлатилиши ва улардан фойдаланишда атроф-муҳитда ҳамда қурилиш материаллари, конструкцияларда юз берадиган физикавий-химиявий жараёнларнинг ижобий ёки салбий таъсирларини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Кўчмас мулк объектларини экспертиза қилиш ишлари ҳозирги даврнинг, айниқса давлатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатларнинг энг муҳим масалалари қаторидан ўрин эгалламоқда.

Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз олий таълим тизими олдида кўчмас мулк объектларининг билимдон, замон талаблари даражасидаги, хорижий мутахассислар билан рақобатлаша оладиган экспертларини, етук мутахассисларини ўқитиб-тарбиялаш муаммосини далзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Бу каби вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиниши эса бўлғуси мутахассислар - кўчмас мулк экспертларининг ўқиш даврида фанларни қай даражада ўзлаштирганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ушбу соҳанинг бўлғуси мутахассислари етук даражадаги кадрлар бўлиб етишишлари учун ўқув режасида белгиланган барча фанларни яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштиришлари талаб этилади.

Биз мазкур ишимизда бўлғуси кадрларнинг, яъни кўчмас мулк экспертларининг халқ хўжалиги объектларининг экспертизасини ўтказишларида “Физика” фанидан олган билимларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги айрим фикрларимизни ва шунинг учун ҳам бу соҳада фаолият юритишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган бўлғуси мутахассисларга физикавий билимларга эга бўлишлари нечоғли муҳимлигини айрим мисолларда ёритиб ўтишни лозим деб топдик.

Жумладан, “Физика” фанининг механика бўлимини ўрганишда бўлғуси мутахассислар тезлик, куч, масса, босим, эгилиш, букилиш, буралиш, чўзилиш, сиқилиш, синиш, юкланиш, тебраниш, титраш ва бошқа шу каби;

Молекуляр физика, термодинамика ва суюқликлар физикаси бўлимини ўрганишда эса иссиқлик, совуқлик, эриш, қотиш, қуруқлашиш(қуриб қолиш),

намлик, хўлланиш, захлаш, оқимлар(суюқликлар ва газлар мисолида) ва бошқа шу каби;

Электр ва электромагнитизм бўлимида электр токи, ток уриши, қисқа туташув, ерга улаш, чакмоқ-яшин уриши ва ундан химояланиш, зарядли зарралар, электр ва магнит майдонлари каби;

Оптика ва атом-ядро физикаси бўлимларида эса ёруғлик, қоронғулик, ёритилганлик, равшанлик, ёрқинлик, дифракция, интерференция, дисперсия, нурланиш, радиоактивлик, портлаш каби физикавий жараёнлар билан танишадиларки, халқ хўжалиги объектларининг қайси кўринишдаги ёки қандай мақсадларда фойдаланилишидан қатъий назар уларни экспертизадан ўтказишда ушбу кўчмас мулк объектларидан фойдаланувчи инсонларга зарарли таъсирларини албатта эътиборга олишлари зарур ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган физикавий жараёнларнинг айримлари кўчмас мулк объектларига бевосита салбий таъсир этмасаларда, лекин уларнинг содир бўлиши ёки амалга ошиши бошқа бирор зарарли таъсир кўрсатувчи физикавий жараённинг юз беришига сабабчи бўлиши мумкин-ки, натижада бино-иншоотларнинг қулаб тушиши, зарарланиши, яроқсиз ҳолатга келиб қолиши юз беради. Оқибатда одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши, уларнинг ўлими ва моддий йўқотишларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ортади.

Бу каби ҳолатларни яхши билган, уларнинг олдини олиш йўллари, усулларини билган мутахассис-экспертларнинг ҳозирги бозор иқтисоди даврида рейтинг кўрсаткичиюқори бўлади. Бундай кўрсаткичга эришиш учун эса бўлғуси мутахассислардан бошқа фанлар қаторида “Физика” фанини ҳамда физикавий жараёнларнинг кўчмас мулк объектларига у ёки бу кўринишдаги салбий ва ижобий таъсирларини чуқурроқ ўрганишлари талаб этилади.

Оддий мисол, бирор объектнинг олди-сотдисиди ёки рекламасида унинг физикавий жараёнларга қай даражада чидамлилигини яхшироқ тушунтириб, асослаб бериш орқали унга бўлган қизиқишни орттиришга, нархининг юқори бўлишига эришилади ва бу ишни амалга оширган экспертга бўлган талаб албатта юқори бўлади.

Айтиб ўтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, олий ўқув юртларида таълим олаётган “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” йўналиши талабалари - бўлғуси экспертлардан “Физика” фанини ва унинг тушунчаларини чуқурроқ ўрганиб боришлари талаб этилади-ки, бу эса билимдон, замон талабидаги кадрларнинг етишиб чиқишига асос бўлади.

Биз ушбу ишимизда физикавий билимларнинг бўлғуси муҳандисларни тайёрлашдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик ва бу мавзу янада кенгроқ ёндашишни талаб этади деган фикрдамиз.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Проф. Н.Узоқов, , Л.Қодиров, , Г.Эркаева, Л.Бабаева, ҚаршиДУ,

Мамлакат барча иқтисодий тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалигида ҳам давом этмоқда. Бу ислохотлар аграр секторда ҳам чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, қишлоқ

хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, чунки ўтган йилда мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам фермер ва деҳқон хўжаликларини омилкорлиги туфайли 7 миллион 50 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал ривожлантирилиши натижасида 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, бир миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, бир миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилган. Етиштирилган ушбу маҳсулотларни қайта ишлаб сотиш ва захирада сақлаб туриш учун 230та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси қурилган ва фойдаланишга топширилган. Мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилган. Бу дастурий чора-тадбирлар ҳамда вазифаларни амалга оширилиши йил давомида бозор нархларининг мавсумий кескин ошиб кетишини камайтириш, аҳолини шу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш ҳамда шу маҳсулотлардан жаҳон бозорларига экспорт қилиш имконини яратиб берган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотини 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қарийб 7 фоиз даражасида ўсишида фермерлар ва деҳқонлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан салмоқли ҳиссаларини кўшганлар. Мақолада аграр соҳада ташкил этилган ва фаолият кўрсатиб келаётган Қашқадарё вилоятидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уни қайта ишлашга доир фикр ва мулоҳазалар юритилади. Ҳозирги кунда вилоятда 10 мингга яқин фермер хўжалиги ва 445 та деҳқон хўжаликлари хусусий мулкчиликка асосланиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида 2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини янада ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 15 дан ортиқ қонуни, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрирда), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб тамойиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Айниқса, 2015 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий имкониятларни янада кенгайтириб берди.

Вилоятнинг аграр секторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 2015 йилда 106,6 фоизга кўпайган. Қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 106,7 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари эса 106,5 фоизга кўпайган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 61,8 фоизни, фермер хўжаликлари 37,0 фоизни, қишлоқ хўжалик корхоналари 1,2 фоизни ташкил этган. Фермер хўжалиklarини улуши 2014 йилга нисбатан 0,5 фоизга кўпайган.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларида гўшт (тирик вазнда) 97,0 фоиз, фермер хўжаликлари 1,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги корхоналари 1,5 фоиз, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича деҳқон хўжаликлари 97,5 фоиз, фермер хўжаликлари 1,9 фоиз, тухум бўйича деҳқон хўжаликлари 77,9 фоиз, фермер хўжаликлари 2,4 фоиз, қишлоқ хўжалик корхоналари 21,8 фоизни ташкил этган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 2012 йилда 52,4 фоиз, 2013 йилда 51,4 фоиз, 2014 йилда 51,5 фоиз, 2015 йилда 51,6 фоизни ташкил этган, қишлоқ хўжалигидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари шу йилларда 99,5, 99,5, 99,4 ва 99,5 фоизгача ўсиб кўпайиб борган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини жадвалда кўрсатиш мумкин:

Маҳсулотларни номи	январь – декабрь				2014 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2014 йил		2015 йил		
	тонна	Ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	Ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Картошка	42750	28,5	49758	29,4	116,4
Сабзавот	158612	33,9	167601	33,2	105,7
Полиз	69403	53,1	74617	53,0	107,5
Мева	64158	57,9	71975	55,2	111,9
Узум	51322	57,7	55845	57,5	108,8
Гўшт, тирик вазнда	3601	1,5	3739	1,5	103,8
Сут	17772	2,0	18301	1,9	103,0
Тухум, минг дона	8536	2,7	8626	2,4	101,1

Жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига кўра фермер хўжаликларида 56008 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18005 бош сигир, 138290 бош қўй ва эчкилар, 228418 бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2014 йил январь-декабрь ойига нисбатан йирик шохли 103,9 фоизга, шу жумладан сигирлар 104,2 фоизга кўпайган.

Бундан ташқари олдинги йилга нисбатан қўй ва эчкилар сони 104,0 фоизга, паррандалар 2014 йил билан таққослаганда 107,3 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичлардан билиш мумкинки, гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга реал имкониятлар борлиги, аҳолини эса шу маҳсулотларга талаб ва эҳтиёжларини қондириб борилишини таъминлашни билдиради.

Фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит олиш ва қайтариш қобилиятига эга бўлиш, энг муҳими, ўз ҳаражатларини даромадлари билан қоплаш ва фойда кўриб ишлаш энг муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, ер майдонларини оптималлаштириш ва фермер хўжаликларини кўп тармоқли ишлаб чиқариш хўжаликларига айлантириш жадаллаштирилмоқда.

Аҳолини сабзавот-полиз, мева, узум ва чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб бориш мақсадида ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда сазавотчиликда 10 гектардан 24,7 гектаргача, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача ер майдонларини кўпайтириш ҳақида руҳсат берилган.

Бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда вилоятда ўтган йилда 175282 тонна картошка, сабзавотлар 505407 тонна, полиз маҳсулотлари 140797 тонна, мевалар 130041 тонна, узум 97049 тонна 2014 йилга нисбатан анча кўп етиштирилган.

Деҳқончилик маҳсулотлари билан бир қаторда чорвачиликка ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш хўжаликлари ташкил этилган. Чорва маҳсулотлари – гўшт етиштириш ўтган йилда 248008 тонна, сут ишлаб чиқариш 952542 тонна, тухум 366695 тонна ишлаб чиқарилган, лекин гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бориши таъминланиб бораётган бўлсада, бу маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича айрим ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжудлиги аҳолини шу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларидан сезилади.

Шунинг билан бирга фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришда ечимга эга бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

1. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини янги техника ва техникалар билан жиҳозлаш ва саноат асосида қайта ишлаш;

2. Ёқилғи-энергетика билан узлуксиз таъминлаб бориш;

3. Ноанъанавий энергия манбаларини ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш;

4. Маҳсулотларни захирада сақлайдиган инновацияларга асосланган омборхоналар куриш.

5. Кам энергия истеъмол қиладиган электр ёриткичларидан фойдаланиш.

6. Чорва молларини боқиш ва парвариш қилишга ишлатиладиган шрот ва шелуха маҳсулотлари билан таъминлаш ва иложи борица бозор нархларидан бир мунча арзон нархларда сотишни қишлоқ жойларида ташкил этишни кўпайтириш.

ХОЗИРГИ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА КУРИЛИШ МАҲСУЛОТИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ АҲАМИЯТИ.

катта ўқитувчи Рахмонова Ф.М.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада катта узгартиришларни амалга оширди, халқнинг фаровон турмуш тарзини яратиш учун, уларни яхши турар-жой бинолари, маданий-маиший ва коммунал соҳадаги бино ва иншоатлар билан таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фанларнинг ўсиши, ривожланиши маҳсулот сифатини ошириш бўйича муаммоларни ечиш учун чуқур илмий

изланишлар олиб боришга сабаб бўлди. Хозирги пайтда бу соҳада кўплаб назарий ва амалий - услубий илмий ишлар пайдо булди.

Халқаро стандарт ИСО-9000 га асосан - сифат деб махсулотнинг ҳамма хоссаларни ва хусусиятларни истеъмолчининг талабига мос келишга айтилади. Сифат бу қийин, кўп йуналишли иктисодий категория хисобланади, сифатининг фалсафий, кибернетик, иктисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, техник, сиёсий ва математик тушунчалари ва йуналишлари мавжуд.

Хар бир махсулот бир катор хусусиятларга эга, хар бир истеъмолчининг талабига махсулотнинг битта хусусияти жавоб беради. Масалан, биз олиб борган изланишлар шуни курсатадики, том ёнма йигма темирбетон плиталарнинг сифат даражасини меъёрга мос келиши қўйидаги 9-та бирлик сифат курсатгичлари (БСК) орқали пайдо бўлади:

- геометрик улчамларини аниқлиги;
- юзасининг (ички) силлиқлиги;
- электр утказиш каналларини тўғрилиги;
- кутариш илгаклари ва деталларини ўрнида бўлиши;
- ишчи арматуранинг бетон қоришма билан тўғри ёпилганлиги;
- махсулотдаги бетон қоришмасини мустаҳкамлигини етарлиги;
- махсулотни сиртини сифати;
- очик қолган арматураларни бўлмаслиги;
- ёрик, говак, синик жойларни бўлмаслиги.

Бирлик сифат курсатгичлари хар хил конструкциялар учун 8-тадан 20-тагача бўлиши мумкин.

Агар битта ёки бир нечта бирлик сифат курсатгичларини меъёр (талаб) даражасида бўлмаслиги қурилиш конструкциясини сифати пастлигидан, унда нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Хар хил нуқсонлар қурилиш махсулотига узининг хар хил таъсирини курсатади. Одатда қўйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

• нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат бермайди, Сифат курсатгичларини меъёрий даражага етказишнинг техник илож йук, иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бундай махсулот сифатсиз (брак) деб тан олинади;

• нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши буйича ишлатишга йул бермайди, аммо таъмирлаб бошка йўналишда ишлатиш мумкин, бу иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ;

• нуқсонни характери бу махсулотни ўз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат беради, аммо ишлатиш даврида харажатлар ошади, махсулотни сифати (сорти) паст бўлади.

Бир катор авторларнинг фикрича махсулотнинг сифатига хар хил босқичларнинг таъсири хар хил бўлар экан. Масалан:

- лойиха ҳужжатлари -10-15%
- хом-ашё, материаллар - 30-40%
- мехнат ва технологик жараёнларни тўғри бажарилиши - 30-40%
- мехнатни ташкил этиш ва қурилишишлаб чикаришини бошқариш -15%

Бундан қуришиб турибдики 30-60% сифатни паст бўлишига сабаб сифат курсатгичларини ёмон томонга узгариши экан. Айниқса бу қурилиш - монтаж ишларини бажаришда яққол кузга ташланади. Агар сифатсиз, нуқсонли темир-

бетон конструкциялари қўлланилса, бу на факат қурилишни бажариш даврида қўшимча харажатлар килишга олиб келади, балки эксплуатация жараёнига ҳам таъсири бор.

Тахлиллар шуни курсатадики, охирги 15-20 йилда махсулот сифатини ошириш бўйича кўплаб ишлар, тадқиқотлар бажарилган, аммо бу ишлар факат сифатини бошқариш тизимининг баъзи масалаларини ечишга қаратилган, алохида қурилиш ташкилотлари ёки заводлари махсулотига қаратилган, факат назорат, ёки факат баҳолашга қаратилган, муаммони тўлик ечишга қаратилмаган. Сифатни тўлик бошқариш тизими урнига факат ахборот тўплаш билан чегараланиб қолган.

Эндиликда, қурилиш махсулоти сифатини ошириш, сифатни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича СамДАКИ “Қурилишда менежмент” кафедраси профессор-ўқитувчилари ишлари олиб боришмоқда.

Уларнинг ишларида технологик жараёнлар урганилиб, технологик жараёнларга таъсир утказиш орқали сифатли махсулот ишлаб чиқаришга эришиш, бу билан сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечиш вазифалари турибди.

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ИЛК ИҚТИСОДИЙ
ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**
*Шахриёр ХОЛБАЕВ ва Сурайё РАХИМОВА,
Самарқанд ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари*

Ўзбекистонда шахснинг асосий ҳақ-ҳуқуқларидан бири иқтисодий таълим олишдан иборат. Бу масъулиятли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мактабгача ҳамда мактаблардаги таълим жараёнини ислоҳ қилишни тақозо этади:

— умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган иқтисодий ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида бойитиш ва такомиллаштириш;

— иқтисодий таълим самарадорлигини ошира бориб жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш;

— иқтисодий таълим-тарбия бўйича муқобил ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;

— истеъдодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

— илғор ижодкор тажрибаларга таяниш;

— иқтисодий таълим-тарбия тизимида илм-фан, техника ютуқларига асосланган ҳолда тажриба-синов ишларини олиб бориш ва натижаларини педагогик амалиётга татбиқ этиш;

— таълим-таърибиянинг янги авлодини тайёрлашга киритиш;

— таълим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияни олиб кириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бола шахсида иқтисодий тафаккурнинг ривожлантиришда айнан мактабгача таълим жараёнида илк иқтисодий тушунчаларни шакллантириб боришни тақозо қилади.

“Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш омиллари” қисмида мактабгача таълим ва тарбия аҳволи муаммоларимиз мавжудлиги, боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинганлиги, мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжудлиги таъкидланган.

Мазкур муаммонинг ечимининг бир қисми эса бевосита бола шахсида иқтисодий тафаккурнинг ривожланишига ҳам бориб тақалади. Шу ўринда юртбошимиз ташаббуси билан 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эътироф этилиши нақадар стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Чунки, соғлом она ва соғлом бола биринчи навбатда оиладаги, шунингдек жамиятимизнинг барча соҳаларида етукликни тақазо қилмоқда.

Умуман олганда йилдан-йилга табиий ва иқтисодий ресурслардан кўпроқ фойдаланилмоқда. Лекин, сайёрамиздаги табиий энергия ресурслари чекланган. Шунга кўра, табиий ресурсларни тежаш, энергиянинг янги манбаларидан фойдаланишни ўрганиш, мавжудларидан тежаб, оқилона фойдаланиш инсоният олдидаги долзарб масаладир.

Ўзбекистонда бугунги кунда мазкур йўналиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда ижтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича чоралар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343-сонли қарори қабул қилинди.


Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 11 майдаги 141-сонли буйруғи асосида 2012 йилда ишлаб чиқилган “Тежамкорлик сабоқлари” дастури такомиллаштирилди. Шунингдек, мазкур дастур асосида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим муассасаларида ҳам тежамкорликни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир боланинг тежаш – бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни кадрлаш, ҳар бир табиий бойликларни (сув, газ, электр токи) ўз меъёрида ишлата билиш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англашни гўдаклигидан ўрганишига йўналтирилган “Тежамкорлик сабоқлари” дастури асосида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия ишлари ташкил этилиши белгиланган.

Мазкур дастурга мувофиқ, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга ўргатиш қуйидаги чизма орқали амалга оширилиши белгиланди.

Мактабгача таълим муассасаларида “Тежамкорлик сабоқлари” дастури асосида ўрта, катта ва мактабга тайёрлаш гуруҳларида олиб бориладиган машғулотлар жараёнида ўргатиб борилади.

Мактабгача ёшдаги болаларга илк тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш орқали, уларнинг онгида атроф-муҳитга эҳтиёткорона

муносабатда бўлиш, ер устки ва ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англаш каби ижобий хислатлар тарбияланади.



Дастур болаларни ер устки ва ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий захираларни тежашга чақиради. Шунингдек, дастурда уйда, кўчада ўзини тутиш, қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян маън қилинганлиги ҳақида, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишдан илк сабоқлар баён қилинади.

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ

*Матрасулов Б.Э. Старший преподаватель кафедры «Экономика»
Хошимов У. студент I курса Гулистанский Государственный
Университет*

Обеспечение высокого качества обслуживания неразрывно связано с удовлетворением потребностей покупателя. Эта взаимосвязь определяет сегодня рыночную политику любой фирмы, тем более что права потребителя на качественное обслуживание в развитых европейских странах имеют строгую законодательную основу. В международном стандарте ISO 9004-2 говорится, что «достижение и поддержание качества в организации зависит от системного подхода к общему руководству качеством, призванного обеспечить понимание и удовлетворение потребностей потребителя. Достижение качества делает необходимым соблюдение принципов качества на всех уровнях в организации, а также постоянный анализ и улучшение созданной системы общего руководства качеством».

Сегодня в практике отечественного сервиса очевидны положительные сдвиги в следующих направлениях:

- производители услуг осознают значение потребителей в развитии бизнеса и конкуренции; за потребителя идет борьба;
- трансформируются в лучшую сторону многие организационно-технологические стороны обслуживания: исчезли очереди в магазинах, множество операций производятся посредством автоматизации и с помощью компьютерной техники др.;
- больше внимания уделяется эстетическим сторонам обслуживания. Привлекательный вид приобретают витрины, выкладка товаров, интерьеры приемных помещений и контактных зон сервисного предприятия.

Инновационное развитие сферы услуг региона может быть сопряжено с влиянием ряда внешних и внутренних факторов, среди которых наиболее существенными, являются следующие:

- ✓ изменяющийся спрос потребителей услуг;
- ✓ экономическая политика правительства страны;
- ✓ условия и механизмы модернизации; ход и результаты структурной перестройки;
- ✓ развитие научно-технического прогресса;
- ✓ интенсивность общенациональных инновационных преобразований;
- ✓ эффективность функционирования национальной и региональной инновационной системы;
- ✓ специфика и уровень развития тех или иных отраслевых групп услуг и видов деятельности;
- ✓ особенности интеграции, концентрации и комбинирования различных видов услуг по отраслевым группам, конкретным компаниям;
- ✓ усиление конкуренции, причём как внутрирегиональной, так и межрегиональной;
- ✓ финансовые возможности предприятий;
- ✓ наличие инновационного потенциала различных компаний;
- ✓ профессиональный уровень руководителей предприятий;
- ✓ степень компетенций работников; степень участия региональных и местных властей.

Дальнейшее инновационное развитие сферы услуг будет связано с преодолением ряда экономических, финансовых, кадровых, информационных, организационных проблем, основными из которых являются следующие.

Первая- постоянно возрастающие цены, ставки, тарифы на аренду помещений, земли, отопление, газ, воду, электроэнергию, бензин, транспортировку, сырьё и материалы, страхование имущества и т.д.

Вторая проблема- острая нехватка собственных финансовых ресурсов на освоение новых технологий, заказ инновационных проектов (разработок), закупку новейшего оборудования, приобретение прав на объекты интеллектуальной собственности (изобретения, ноу-хау и др.).

Третья проблема- кадровая.

Четвёртая проблема- заключается в низком уровне информационного обеспечения предприятий сферы услуг

Пятая проблема-состоит в отсутствии каких-либо статистических данных и оценочных показателей активности и результативности инновационной деятельности в сфере услуг

Шестая проблема- недостаточное участие региональных и муниципальных органов управления в развитии сферы услуг на своих территориях.

В современных условиях развития региональные и местные администрации должны перейти от пассивного ожидания инвесторов к инициативной деятельности по поиску и привлечению дополнительных инвестиционных ресурсов. Причём важно сосредоточиться не только на стимулировании внутренних инвесторов, но и на работе с внешними инвесторами. В настоящее время многие внешние инвесторы (в т. ч. иностранные) предпочитают вкладывать средства в быстроокупаемые, привлекательные для населения проекты: торгово-сервисные центры, торгово-развлекательные, туристско-гостиничные комплексы, спортивно-оздоровительные сооружения, аквапарки, объекты быстрого питания.

В целях координации развития сферы услуг в регионах считаем целесообразным в министерствах (департаментах, комитетах) экономического профиля сформировать соответствующие отделы, способные осуществлять межотраслевое содействие и регулирование деятельности сервисных организаций.

В заключение следует резюмировать, что в стратегии и системе мер по модернизации отечественной экономики значительное место должны занять результативные действия региональных и местных властей по обеспечению ускоренного развития сферы услуг.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Латипова Ш.М. – СамИСИ ассистенти,

Ортиқов Д. – СамИСИ талабаси,

Инсон ҳаёти учун зарур соҳалардан бири ҳисобланадиган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Бинобарин, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун қулай молиявий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос ҳолда ислоҳ этиш борасида ҳукуматимиз томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Саломатлик инсоннинг кафолатланган ҳуқуқи экан, мамлакатда бу ҳуқуқни таъминловчи барча тузилмалар ташкил қилинган ва улар тобора такомиллашиб бормоқда. Мустақиллик йилларида фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳамиятига кўра икки босқичга ажратиш мумкин. Булар қуйидагилар:

1) Фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимида ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи (1991-2000 йиллар)да Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни (1996 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом авлод" Давлат дастури каби ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу даврда қабул қилинган қонун ҳужжатлари, энг аввало, фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда долзарб аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришга қаратилди.

2) Ислохотларнинг иккинчи босқичи (2001 йил ва ундан кейинги йиллар)да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида"ги, 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" давлат дастури тўғрисидаги Қарори каби кўплаб меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётганини ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига сифат жиҳатидан янгича маъно-мазмун бағишлаганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳеч шубҳасиз, бу босқичларнинг ҳар бири мамлакатимизда аҳолининг соғлиғини сақлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди, десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, мавжудларини сақлаш, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, кадрлар масаласини ҳал қилиш кабилар тарихан давлат маблағлари эвазига амалга оширилиб келинган. Бунинг асосий сабаби сифатида тиббий хизматларнинг кўпчилиги ижтимоий неъмат эканлиги ҳамда тиббий хизматларга бўлган эҳтиёж ва уларнинг оқибатлари доимо ноаниқлик билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган бюджет маблағлари давлат бюджетидан амалга оширилган жами харажатларнинг 2006 йилда – 11,5 фоизини, 2007 йилда – 11,9 фоизини, 2008 йилда – 11,6 фоизини, 2009 йилда – 11,8 фоизини, 2014 йилда – 14,2 фоизни ташкил қилган¹⁴. Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий соҳаларни сақлаш харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш харажатлари халқ таълимидан кейин 2-ўринни эгаллайди. Улар ижтимоий-маданий соҳаларга ажратилган бюджет маблағларининг 2006 йилда – 25,9 фоизини, 2007 йилда – 25,2 фоизини, 2008 йилда – 25,5 фоизини ҳамда 2009 йил прогноз кўрсаткичлари бўйича эса 25,2 фоизини ташкил қилган. Кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг ўзгаришини куйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (1-жадвалга қаралсин):

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

Бюджетнинг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркиби¹⁵

Йиллар	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркиби (млрд. сўм)						
	Маориф	Соғлиқни сақлаш	Маданият ва спорт	Фан	Ижтимоий таъминот	Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси
2007 йил	1726,7	650,8	76,8	28,2	26,3	357,9	-
2008 йил	2469,1	934,1	101,4	34,8	35,3	635,9	-
2009 йил	3332,7	1259,8	122,2	61,0	45,0	1037,7	-
2010 йил	4464,1	1716,5	154,5	81,3	58,2	1312,5	-
2011 йил	5582,9	2226,7	185,3	108,8	72,2	1378,4	-
2012 йил	7130,4	3024,9	223,4	137,4	86,9	1617,2	-
2013 йил	8803,2	3709,9	287,4	164,7	106,4	1611,3	374,7
2014 йил	10673,5	4507,2	361,5	187,0	126,2	1805,0	706,7
2015 (I чор)	2484,7	1037,9	70,7	19,9	28,6	525,6	115,0

Шу ўринда, президентимизнинг қуйидаги фикрларини яна бир бора таъкидлаб ўтмоқчимиз. “Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг - Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлашни истардим”¹⁶.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини аралаш молиялаштириш шаклига ўтиш масаласи ислохотларнинг марказида турган масала сифатида қаралиши мумкин. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлаш манбаларини қуйидаги турларга гуруҳлаш мумкин:

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й. 18 январ.

1. Давлат маблағлари ҳисобидан (тиббий хизматларни молиявий таъминлашда республика ва маҳаллий бюджет даромадлари орқали, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инвестицион лойиҳалар орқали халқаро молия институтларининг кредит ва заёмлари асосида).

2. Бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан (тиббий суғурта, аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатиш ва муассасанинг бўш турган асосий воситаларини ижарага бериш).

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хослиги, ушбу тизим олдида республика фуқаролари саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қандай вазифалар қўйилганидан келиб чиқади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни молиялаштириш тартибига боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш тизимини юз фоиз давлат томонидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ келмайди. Шу боис, республикада 1998 йилда бошланган ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимининг бюджет, хусусий ва молиялаштиришнинг аралаш шакли қўлланиладиган тиббиёт муассасаларидан бирйўла фойдаланиладиган моделини яратишни кўзда тутди.

Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши юқорилиги билан ажралиб туради. Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизими бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қила туриб, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини ва унинг бюджет маблағларига нисбатан улушини ошириш лозим. Бу борада мамлакатимизда яратилган зарурий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини оширишга етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун эса, энг аввало соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар услубидан фойдаланиш, бюджет тизимининг натижадорлик тамойилиги асосан натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш жараёнини ташкил қилиш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш жараёнини ишлаб чиқишни молиялаштириш ишларини такомиллаштириш, эришилган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаб, уларни баҳолаб бориш учун натижаларни доимий мониторинг қилиш ва уларни амалиётга кенг жорий этиш, бюджетдан ажратилаётган маблағлар доирасида аҳоли соғлиғи ва гендер кўрсаткичларининг керакли талабларга жавоб беришини таъминлаш, тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш зарур. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизимида бюджет харажатларига нисбатан бюджетдан ташқари маблағлар улушини кўпайтириш юзасидан муассасаларни молиялаштиришда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар манбаи нисбатини аниқ белгилаш, турли молия муассасаларининг грант ва кредит маблағларидан кенг кўламда фойдаланишни фаоллаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида суғурта муносабатларини кенг жорий этиш ҳам бу тизимни молиялаштиришни янада такомиллаштириш имконини беради. Чунки тиббий суғуртанинг шартномавий муносабатлари тиббиёт соҳасида барча фуқароларни ижтимоий

ҳимоялаш имконини берадиган тиббий ёрдамни ташкил этишнинг мақбул шаклларида бири эканлигидир. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида корпоратив тиббий суғуртани ҳам жорий этиб, бунда корхоналарни кенг қамраб олиш учун энг аввало меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва у орқали хўжалик юритувчи субъектларга маълум бир муддатга иқтисодий имтиёзларни жорий этиш талаб этилади.

МУСТАКИЛ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИЛИШИ.

Ш.С.Очилова СамДЧТИ, т.ф.н.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бормоқда, уларнинг манфаат ва эркинликлари, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоя, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда.

Президенти Ислом Каримовнинг 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида “Биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда... аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз ” - дейилади. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб-чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этмоқда. *Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар берилаётган бир шароитда аёллар тадбиркорлиги ҳам жамиятда ўз ўрин ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4550 дан ортигини хотин-қизлар самарали бошқариб келмоқдалар.*

Миллий матбуот марказида республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам айнан хотин-қизлар тадбиркорлиги ва унинг жамиятда тутган ўрни хусусида сўз борди. Анжуманда таъкидландики, айти пайтда «Тадбиркор аёл» уюшмасининг вилоятларда 14 та, туман ва шаҳарларда 78 та бўлимлари республикада хотин-қизларининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий нуфузини ошириш, оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш масалаларига яқиндан қўмак бериб келмоқда.

12 минг нафардан ортиқ аъзони ўзида бирлаштирган Уюшма томонидан шу вақтга қадар 130 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. 14 минг нафардан зиёд тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар бизнес асосларига ўқитилдилар. Бундан ташқари 9 мингдан зиёд вақтинча ишсиз аёллар меҳнат бозорида харидоргир бўлган касб-хунарга йўналтирилдилар. Бўлимлар қошида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган, шунингдек, соҳада фаолият юритаётган аёллар учун ҳуқуқий ва бизнес ўқув

марказлари ташкил этилган. Ушбу марказларда республикамиз қонун ҳужжатларини жамлаган электрон кутубхоналар ҳам мавжуд.

«Тадбиркор аёл» уюшмаси Халқаро аёллар ассамблеяси, Профессинал аёллар ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти каби қатор нуфузли ташкилотлар аъзоси сифатида ишбилармон аёлларнинг халқаро бизнес анжуманларида иштирок этишларига имкон яратиб келмоқда. Республикамизнинг чет эллардаги элчихоналари билан ўрнатилган ҳамкорлик туфайли кўплаб аёлларимиз Ўзбекистон ва хориж мамлакатларида ўтказилаётган Бизнес-форумларда қатнашиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

«Коллежларни битираётган қизларни тадбиркорликка йўналтириш, «Уста-шогирд» анъанаси асосида уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» лойиҳаси доирасида ҳар бир вилоятдан жалб этилган 500 нафар қиз турли корхоналарда амалиёт ўтадилар ва иш билан таъминландилар. 2015 йилда касб-хунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам хтин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига давлатимиз томонидан катта эътибор ва имконият берилаётганлигининг исботидир.

Уюшманинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳам мустақил равишда бир неча лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, Бухоро вилояти бўлимида «Аёллар учун бизнес-инкубатор ташкил қилиш» лойиҳаси илгари сурилиб, ҳозир унда 2 минг нафардан зиёд хотин-қиз тадбиркорлик асосларига ўқитилди.

Шунингдек, Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида «Қорақалпоқ миллий мусиқа асбоблари ишлаб чиқариш», Сурхондарё вилояти бўлимида «Хунармандчилик – оила фаровонлиги ривожланишининг муҳим омили», Наманган вилояти бўлимида «Хотин-қизларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш», Тошкент вилоятида «Фермерлик мактабини ташкил қилиш», Қашқадарё вилоятида «Оилавий бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш» каби лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда тадбиркор аёлларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилгани уларнинг ишбилармонлик ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, оиласи ва жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишида муҳим аҳамият касб этаётир.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан ҳам бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада ассоциацияга аъзо бўлиш истагидаги тадбиркор аёллар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Улар орасида иқтисодий билим ва тажрибага эга аёллар билан бирга бу борада ҳали етарлича кўникмага эга бўлмаган хотин-қизлар ҳам бор. Уюшма мутахассислари уларнинг ҳар бирига мос режалар ишлаб чиқмоқда. Билим ва малакаси етарли аёлларга меҳнат бозорида мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқаро кўرғазмаларда иштирок этиш, энди иш бошлаётганларга эса қизиқиши асосида кўникмаларини бойитишга кўмак берилаётир. Шу мақсадда уюшма ҳузурида бизнесни юритиш, молиявий-ҳуқуқий саводхонлик, меҳмонхона ишини юритиш, қандолатчилик,

гиламдўзлик каби гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Ўз бизнесини бошлаётган битирувчилар учун «устоз-шоғирд» лойиҳаси жорий этилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Андижон, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қизлар тадбиркорликка кенг жалб этилиб, ўқитиш, малакасини ошириш орқали улар қўллаб-қувватланаётир. Мазкур лойиҳа доирасида ўтган йили вилоятлардан салкам 900 нафар битирувчи аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарда амалиёт ўтаб, бизнесни бошқаришни ўрганди. Амалиёт даврида мутахассисликни мукамал ўзлаштирган қарийб 400 нафар қиз корхоналарда муқим иш ўринлари билан таъминланди, 45 нафари ўз бизнесини йўлга қўйди.

“Тадбиркорликни ривожлантириш омиллари ва муаммолари” лойиҳаси ҳам хотин-қизларнинг фаоллигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда семинар-тренинглари ўтказилиб, 50 нафардан зиёд аёлнинг кредит олиш, бино, иншоот қуриш учун ер билан таъминлаш каби мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Ушбу лойиҳа кичик бизнес соҳасида ва оилавий корхоналарда раҳбарлик қилаётган аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини мустаҳкамлаш, қишлоқларда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Билим олишга эҳтиёжи бўлган ёки имконияти чекланган хотин-қизлар билан ишлашда, аввало, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, билим ва кўникмасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Ҳозир компьютерда ишлашни билмасдан бизнесни юритиш мушкул. Маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки хизматлар кўрсатаётган ишбилармон бозорни ўрганиши учун интернетдан фойдалана билиши керак. Шу боис тадбиркорлик истагидаги хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларининг компьютер саводхонлигини ошириш муҳим. Ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган семинар-тренингларида хотин-қизларга бухгалтерия ҳисобидан бизнес режа ишлаб чиқиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш, экспорт-импорт операциялари, божхона, солиқ тизимлари билан ишлашгача бўлган жараёнларда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Зеро, уюшманинг барча ҳудудий бўлимларида аёл тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши оилалар фаровонлиги юксалишига хизмат қилаётир. Ҳар йили ҳудудларда бизнес-форумлар ўтказилиб, аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилмоқда. Бухоро вилоятида тадбиркор аёлларга кўмак сифатида бизнес-инкубаторлар фаолияти йўлга қўйилган. Бундай хайрли ишлар бошқа вилоятларда ҳам давом эттирилмоқда.

Лойиҳа доирасида Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида “бизнес режа” тузиш бўйича семинар-тренинглари ташкил этилиб, аёллар иштирокида конференция ўтказилди. Айни пайтда уюшма қатор давлатлар, хусусан, Малайзия, Ҳиндистон тадбиркор аёллар палаталари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Халқаро аёллар ассамблеяси, Профессинал аёллар ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти аъзоси сифатида тадбиркор аёлларнинг халқаро бизнес анжуманларида иштирокини таъминламоқда. 2016

йил 9 февралда Президентимиз Ислом Каримов томонидан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида касб-хунар коллежлари битирувчилари, аввало қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш масалаларига катта эътибор қаратилган, дастурни амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар маблағ йўналтирилиши белгиланган.

Буларнинг бари мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширишга, тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ҚИШЛОҚҚА ЯХШИ СЕРВИС ХИЗМАТИ-ШАҲАРГА ФАРОВОНЛИҚДИР

Ш.У.Қаршибоев – магистр СамИСИ

Бугунги ривожланиш ва тараққиёт замон талаблари билан ҳамоҳанг бориши билан бирга ундан бир қадам олдинда одимлаши талаб этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида сервис хизматларининг янада ранг-баранг бўлишини тақоза этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари бу йирик шаҳарлар аҳолиси ва корхоналари ҳисобланади. Хуллас шундай экан шаҳар ҳудудларига яқин жойлашган хўжаликлар учун бу бирмунча қулайликлар тўғдиради. Аммо аҳоли истеъмоли учун ва корхоналар фаолияти учун энг муҳим ва керакли бўлган кўплаб сифатли маҳсулотлар асосан шаҳар ҳудудидан анча олисларда жойлашган фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, кичик корхоналар ва деҳқонларнинг улушига тўғри келади. Бу борада Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида катта ва самарали ишлар амалга оширилди.

Бугунги тараққиёт олдида бу билан чекланиб бўлмайди. Энди эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хилларини кўпайтириш яъни уларни диверсификация қилиш борасида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754- сонли қарорини алоҳида таъкидлаб ўтишимизга тўғри келади. Бу қарорнинг 1- бандида жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури маъқуллансин...» [1]

2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини ривожлантириш мақсадли ҳудудий дастури ва уларни амалга оширувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши назарда тутилган:

- «хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли

та-лабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдиришга;

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаш-тиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳоли-сига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхона-ларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш» [1].

Мустақил республикада аграр соҳа бўлган қишлоқ хўжалигини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш учун ҳукуматимиз томонидан улкан эътибор ва имкониятлар, имтиёзлар берилмоқда. Бунинг далили сифатида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига берилаётган имтиёзли кредитлар, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган узлуксиз тадбирлар ҳам мамлакатимиз ёшларига қаратилган беқиёс ғамхўр-лик наъмунаси.

Айнан шаҳар аҳолисини янги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ҳозиргача транспорт хизмати яхши эмас, яъни қишлоқ тадбиркорлари билан шаҳарлик тадбиркорлар ўртасида мустаҳкам икки ёқлама алоқалар ўрнатилмаган. Буни шулар билан таъкидлаш мумкинки, шаҳар аҳолиси қишлоқ хўжалигида тайёрланган соф янги маҳсулотни истеъмол қилишни мақул кўради-ю, қишлоқ аҳолиши шаҳарда тайёрланган янги маҳсулотни кечикиб истеъмол қилиши керакми? Бу каби муаммонинг ечими Президентимизнинг қарорида алоҳида банд қайд этилган. Биз унинг ижросини таъминлашимиз керак. Айнан «рўйхат бўйича хизмат кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилиши»[2] кўзда тутилмоқда. Икки томонлама узлуксиз ҳамкорлик орқали ҳам қишлоқларда ҳам шаҳар ҳудудида сервис хизматини йўлга қўйиш мумкин. Супермаркетлар қишлоқ тадбиркори учун ўзининг фирма магазини очиб сервис хизматини таклиф этсин, ишчини қишлоқ ҳудудидан танласин.

Ҳозир ҳам наъмунавий уйларнинг қурилишларини иноботга олмаганда қишлоқ жойларда онда сонда қурилишлар давом этмоқда ва бу қурилишлар бетартиб режасиз амалага оширилмоқда. Қишлоқ ҳудудларидаги аксарият уйлар давлат ташкилотлари томонидан кадастр қилинмаган ва солиқ тўловларида нуқсонлар мавжуд. Қишлоқ фермерчилигида контур тушунчаси пайдо бўлганки, бунинг натижасида аҳоли чорва молларини боқиш учун яйловлар йўқотилишига олиб келмоқда. Фермерлар аҳолининг чарвосини киритиш учун мажбурий тўловлар жорий қилган.

Бугун қишлоқ жойларда сервис хизматларини йўлга қуйиш ва кўпайтириш учун аввол бор уларга ғов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш ва шаҳар билан икки тамонлама ҳамкорликни тўлиқ таъминлашни тақоза этади. Ушбулардан келиб чиқиб мен қуйидаги фикр ва таклифларни тавсия этаман:

1. Касб-ҳунар коллежларига тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредитларнинг ижросини таъминлашда анчагина нуқсонларга йўл қуйилмоқда: жумладан, талаба учун ажратилган кредитда кафолат сифатида расмийлаштирилаётган шахснинг кредитни ўзлаштириб олиши, талаба яна бекор қолиши натижасида давлат мулкнинг талон-тарож қилиниши, ёки банк томонидан йўл қўйилаётган тўсиқлар, маблағнинг бир қисмини ўзлаштириш ёки фоизларни ошириш ва бошқалар.

2. Пластэтал ишлаб турган бир пайтда дўконни кўчма кўринишда тайёрлаб қишлоққа олиб бориб ўрнатиш мумкин ёки кўчма дўкон орқали ҳафтада уч марта сайёр хизматини кўрсатиши мумкин.

3. Қишлоқ жойларда тўлиқ кадастр хизматини амалга ошириш учун жадал ишлар олиб борилаётган эди. Нима сабаб бўлдики, хусусий кадастр хизматлари фаолияти тўхтатилиб, ишлар яна тўхтаб қолишига олиб келди. Бу сервис хизматини қайта тикланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Қишлоқ фермерлари контурларидан ушбу яйловларни чиқариш мақсадга мувофиқ бўлар эди, Аҳолининг чарво молларининг кўпайишига ва гўшт маҳсулотлари, суг маҳсулотларига бўлган аҳоли эҳтиёжига хизмат қилган бўлар эди. Булар бари ижтимоий сервис хизматларини яхшилашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754- сонли қарори.

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БОЗОРИНИ ИННАВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ.

Асламов М.-101 КМЭ ва УБ гуруҳи талабаси.

Илмий раҳбар ўқитувчи Шаимов К.М.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сонли Қарори доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан Ўзбекистон Республикасида инновация фаолиятини ривожлантириш ва технологияларни тижоратлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур тизимнинг тўлиқ инфратузилмасини: инновация фаолиятининг барча жиҳатлари (мулк ҳуқуқини тартибга солишдан тортиб то қулай инвестиция муҳитини яратишгача), фонд орқали ва венчурли молиялаш тизимининг вужудга келиши учун ҳуқуқий базани яратишни; Ўзбекистон Республикасининг инновацион салоҳияти мониторингини юритиш учун ахборот блокинни барпо этишни; технологиялар ва илмий сиғимли маҳсулотни илмий соҳадан ишлаб чиқаришга, миллий ва хорижий бозорларга трансфер қилиш (кўчириш) тизимини шакллантиришни; технологик менежмент соҳасида мутахассисларни тайёрлаш учун таълим тузилмасини ташкил этишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги

инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш борасидаги иқтисодий стратегияси тармоқни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш асосида унинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги ошишини таъминлашга йўналтирилган. Соҳани ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини белгилашда, бизнинг фикримизча, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ва глобаллашув шароитида уларни амалга ошириш учун инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш;

- соҳани ислоҳ қилишни чуқурлаштириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва ҳуқуқий асосларни кенгайтириш;

- инновацияни ривожлантириш борасидаги ўзаро боғлиқ тадбирларни амалга ошириш, бу юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш ва унинг оқибатларини юмшатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларга, масалан, таълим, ишлаб чиқариш, тиббиёт, қурилиш ва лойиҳалаш соҳаларига тадбиқ этиш, электрон тижорат, электрон ҳужжатлар айланишини такомиллаштириш, компьютер техникаси, уяли терминаллар ишлаб чиқариш ва йиғиш, Интернетдан кенг фойдаланиш жиҳозларини ишлаб чиқариш. Ахборот-коммуникация технологияларини бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш ва миллий ахборот ресурсларини яратиш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий база ва АКТ хизматлари бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- техник инфратузилма – телекоммуникациялар тармоқлари ва тизимларини ривожлантиришни жадаллаштириш, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишни таъминлаш;

- бошқарув, бизнес ва фан тармоқларига АКТни кенг жорий этиш, аҳолининг турли қатламлари замонавий ахборот тизимлари ва ресурсларидан кенг фойдаланиши учун шароитлар яратиш, электрон ҳужжатлар айланишига изчил ва босқичма-босқич ўтиш, бутун тизимни ахборотлаштириш;

- таълим, мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқув жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларидан фаол фойдаланишга асосланган илғор ўқитиш тизимларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитишни жорий этиш;

- АКТ соҳасида ишлаш учун юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлашни ташкил этиш;

- мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар, компьютер техникаси ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишнинг ривожланишини рағбатлантириш бўйича самарали механизмни яратиш.

Республикамизда инновацион жараёнларни ривожлантириш доирасида, биринчи навбатда, асосий эътиборни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида етарлича иқтисодий ва технологик салоҳиятга, иқтисодиёт тармоқлари ва

республикамиз минтақалари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган рентабелли соҳаларни ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадини кўзлаган кичик бизнесу субъектларини қўллаб-қувватлашга, республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг йўналишлари ва мақсадларига мос келувчи инновацион фаолиятнинг хўжалик тузилмаларини рағбатлантиришга, уни бошқариш механизмларининг самарадорлигини оширишга, солиқ имтиёзлари, лизинг хизматлари ва инвестиция рискларини суғурталаш тизимини кенгайтиришга, инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи молиявий имкониятлари чекланган корхоналарнинг банк кредитларидан фойдаланишини таъминлашга қаратиш лозим.

ZAMONAVIY TA'LIMDA MASOFAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

Шамсиев С. -101 КМЭ ва УБ гуруҳи талабаси.

Илмий раҳбар ўқитувчи Шаимов К.М.

Oliy ta'lim o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning roli kun sayin ortib bormoqda. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish zamonaviy ta'limning imkoniyatlarini yanada kengaytirdi. Bugungi kunda Yer kurrasining istalgan joyidan turib, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) imkoniyatidan foydalangan holda ta'lim olish mumkin. Zero an'anaviy ta'lim o'z mavqeini saqlab tursa ham, keyingi paytlarda masofaviy o'qitish texnologiyalari kundan-kun ommaviylashib bormoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta'lim muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lim tizimi barpo etilmoqda. Bu ta'lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o'zgarishlar kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim sohasiga kirib kelishi ta'lim usullari va o'qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkil etish shakllarini sifatli ravishda qulaylashtirib, o'zgartirish imkonini bermoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim tizimini modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. AKT — bu turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan axborotga ishlov berish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur dasturiy ta'minotga ega bo'lgan kompyuterlar va ma'lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir.

1997-yil 29-avgustda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim to'g'risidagi» Qonunining 1-moddasida fuqarolarga ta'lim, tarbiya berish, kasb-hunar o'rgatishning huquqiy asoslari belgilab berildi hamda har kimning bilim olishdek konstitutsiyaviy huquqini ta'minlashga qaratilganligi ta'kidlandi. Hozirgi davr ta'lim bosqichining yangi talablariga ehtiyoj yuqoriligini ko'rsatmoqda. Bunda masofaviy ta'lim texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llash va uni boshqarish ham muhim o'rin tutadi. Bu borada, Respublikamizda qator dolzarb ishlar olib borilmoqda.

Elektron va masofaviy texnologiyalar — ta'limning axborot va kommunikatsiya texnologiyalari qo'llangan variantlaridir.

Elektron ta'lim (E-Learning) — avval «Elektron ta'lim» atamasi kompyuter yordamida o'qitish deb tushunilgan, biroq axborot texnologiyalari rivoji bilan bu

tushuncha yanada kengaytirildi. Bugungi kunda elektron ta'lim ko'pgina ta'lim texnologiyalarini qamrab olmoqda.

Masofaviy ta'lim texnologiyalari — masofaviy ta'lim bu E-Learningga qaraganda kengroq tushunchadir, u interfaol mustaqil ta'limning va qo'llab-quvvatlashning intensiv maslahat sintezi hisoblanadi. Shunday qilib, elektron ta'lim masofaviy ta'limning bir bo'lagi hisoblanadi. Masofaviy ta'lim asosiy o'quv materialini o'quvchilarga yetkazib berish va o'quv jarayonida o'quvchi va o'qituvchi orasida interfaol ishlashni ta'minlaydi. Bunda qo'llanmalarni yetkazib berish kompyuter va Internetsiz ham amalga oshirilishi mumkin.

Masofaviy ta'limning afzalliklari - Masofaviy texnologiyalardan foydalangan holda o'qitishning juda ko'p ijobiy tomonlari mavjud.

Yashash joyidan turib, o'qish imkoniyati — chekka qishloqlarda yashovchilarda katta shaharlarga borib, universitetga kirib o'qish imkoniyati har doim ham bo'lavermaydi. Masofaviy ta'lim texnologiyalari ularga o'z shahridan ketmasdan turib, o'qish imkoniyatini yaratib beradi.

O'qish va ishni birga qo'shib olib borish — o'quvchilar ishdan ajralmagan holda ta'lim olish imkoniga ega bo'ladilar, bu, ayniqsa, malaka oshirish yoki ikkinchi oliy ma'lumot oluvchilarga juda qo'l keladi.

Sifatli texnologiyalar va o'quv mazmunini egallash — talaba sifatli o'quv materiallari yordamida o'qitilishi, o'qituvchi bilan muloqat qilishi va o'z individual o'quv rejasini tuzishi mumkin.

Baholashning xolisligi — masofaviy ta'lim texnologiyalari bilim sifatining doimiy nazorati, natijalarning baholanishi, inson omilidan xoli bo'lgan xolis avtomatlashtirilgan baholash joylarda moddiy manfaatdorlikni yo'qotishni ko'zda tutadi.

Ta'limda individual yondashuv — o'zgaruvchan grafik, ish va o'qishni birga qo'shib olib borish, shuningdek, o'zlashtirilayotgan materialni ma'lumotni individual o'zlashtirish tezligiga moslash masofaviy ta'limni barcha uchun qulay qilib qo'yimoqda.

Zamonaviy gumanitar akademiya — masofaviy ta'limdagi yetakchilardan biridir. Bu innovatsion OTM bo'lib, u dunyoning turli burchaklarida talabalarga o'z yashash tarzini o'zgartirmasdan, arzon narxlarda sifatli elektron ta'lim olish imkonini beruvchi elektron ta'limdir.

Elektron ta'limiy manbalarga kirish talabaning saytdagi «Shaxsiy studiya» orqali amalga oshiriladi. O'quv jarayonini ma'murlash IIS «Nur» intellektual axborot tizimi orqali amalga oshiriladi. Bu tizim har bir talabaning o'qishga kirganidan to diplom olgungacha qadar bo'lgan vaqtdagi o'qishini kuzatib boradi va nazorat qiladi, baholash va akademik ma'murlashda talabani elektron tarzda identifikatsiyalaydi. Respublikamiz ta'lim muassasalarining barcha bo'g'inlarida takomillashgan tamoyillarga asoslangan yuqorida keltirilgan tizimlarni joriy etsak, o'ylaymanki ta'lim jarayonida olib borilayotgan islohotlarning namunali, samarali ijrosining bir bo'lagi bo'lib xizmat qiladi.

Bugungi kunda mazkur ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish yo'nalishiga oid ilmiy-tadqiqot ishlari doirasini kengaytirish ham pedagog, psixolog-olimlar hamda dasturchilar oldidagi dolzarb masalalardandir.

Masofaviy ta'lim — bu ta'lim muassasalari uchun ham, foydalanuvchilar uchun ham ancha arzon tushadigan ta'lim shaklidir. Bunda kommunal xizmatlar,

auditoriya soatlari va boshqalar uchun to'lovga xojat qolmaydi. Masofaviy ta'lim — ta'lim turi sifatida jiddiy va muhim masaladir. Ehtimol, yillar o'tib, ko'pchilik malaka oshirish uchun tarmoq kurslarini afzal bilar. Masofaviy ta'lim kunduzgi ta'lim sharoitlarida ham mustaqil ta'lim uchun katta imkoniyatlarni beradi, ta'lim muassasasida olgan bilimlarini mustahkamlash va to'ldirishga yordam beradi. Bundan tashqari, masofaviy ta'lim sohasida ham rivojlanish, uning rivojlanishi yo'lidagi to'siq va qiyinchiliklarni bartaraf etishga oid ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilishi zarur. Bu sohada an'anaviy ta'lim jarayoniga oid ilg'or, universal g'oyalar bilan sug'orilgan ilmiy-tadqiqotlarni yetakchi olimlarning kuzatish natijalari va uzoq yillik tajribalarini masofaviy ta'lim texnologiyalariga amaliy joriy etib borilishi zarur.

ҚУРИЛИШ ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБЛАШДА ҲУДУДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАЪСИРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Шарипов Илҳом Ўткирович

ТАҚИ “Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион сиёсатни, унинг устувор йўналишларини яхши тушуниш, жалб этилаётган инвестицияларни янги қурилишга сарфлаш, инвестицион лойиҳаларни муқобил вариантларини ишлаб чиқиш, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида қурилиш материалларининг янги турларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, қурилиш ташкилотлари ҳозирги пайтда олдидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

2015 йил январ-июнь ойларидаги макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга яъни 72 172,8 млрд. сўмни, асосий капиталга киритилган инвестициялар 9,8 фоиз ошгани бу эса 18 069,9 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал қурилиш соҳаси бўйича ҳам иқтисодий кўрсаткичлар жадал ўсиб бормоқда. 2015 ярим йиллик ҳисоботи бўйича қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу йил даврига нисбати 18,0 фоизга ўсган яъни 11 751,8 млрд сўмдан иборат бўлди.¹⁷

Шу жумладан Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримов томонидан 2014 йил якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек: “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. <http://stat.uz/o-zbekiston-respublikasining-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-2>

якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир.”¹⁸

Қурилиш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини такомиллаштириш ва объектлар смета қийматини ҳисоблашда ҳудудий кўрсаткичлар таъсирини аниқлаш ҳамда смета таркибида пудратчи ташкилотлар томонидан сарфланадиган бошқа харажатлар ўз ичига олувчи маблағларни камайтириш масалалари тадқиқ этилиши лозим. Ривожланган замонавий технологиялар асрида қурилишда баҳони шакллантириш услубиёти тўла шаклланган ва такомиллаштирилиб борилаётган бир шароитда объектлар қурилишининг аниқ харажатлар гуруҳига кирмайдиган ва объект қийматининг ошиб кетишига сабабчи бўлаётган бошқа харажатларни камайтириш масаласи қурилиш соҳасидаги ўз ечилишини кутаётган муоммалардан саналади.¹⁹

Қурилиш нархини белгилашда асос бўлиб қувват бирлиги учун сарфланган солиштира харажатлар, шунга ўхшаш объектлар нархи, лойиҳа (ишчи лойиҳа) ва ишчи ҳужжатлар, шу жумладан чизмалар, қурилиш ва монтаж ишлари ҳажмининг рўйхати, ресурслар сметаси, ускуналар спецификацияси ва рўйхати, қурилишнинг ташкиллаштирилиши ва кетма-кетлиги бўйича қурилиш ташкилотида қабул қилинган асосий қарорлар ва шунингдек, лойиҳа материаллари бўйича тушунтириш хатлари кабилар хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, объектлар смета қийматини ҳисоблашда ҳудудий кўрсаткичлар таъсирини аниқлаш усуллариининг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш орқали республикамиз турли ҳудудларида амалга ошириладиган қурилишларнинг смета қийматини ҳаққоний белгилашда ҳудудий кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш зарур. Бунинг учун фикримизга қуйидаги амалларни бажариш лозим:

- капитал қурилиш соҳаларида объект смета қийматига билвосита таъсир қиладиган яъни эгри харажатлар сарасига кирувчи пудратчининг бошқа харажатлари улушини камайтириш йўллариини аниқлаш;

- қурилиш смета қийматига билвосита таъсир қиладиган, яъни эгри харажатларни ўз ичига олувчи буюртмачининг бошқа харажатлари миқдорини пасайтириш йўларни ишлаб чиқиш;

- қурилиш объектларида лойиҳа-смета ҳужжаларини ишлаб чиқишда республикамизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқариладиган қурилиш материалларини кенг қўллаш орқали қурилиш ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва унинг самарадорлигининг ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, объектлар смета қийматини ҳисоблашда ҳудудий кўрсаткичлар таъсирини аниқлаш услибиётини шакллантириш ва такомиллаштириш мамлакатимизнинг турли тармоқ ва

¹⁸Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2015 йил 19 январь.

¹⁹ Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Ценообразование в строительстве. Т.: ТАСИ, 2012г.

соҳаларида фойдаланиладиган бино иншоотларнинг мазкур тармоқларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда қурилиш объектининг реал қийматини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиш табиий.

ТУРИСТИК ФИРМА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Шодибоева М.К. талаба, ГулДУ

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан фирма ичидаги режалаштиришнинг сифатига боғлиқ. Туристлик фирмадаги режалаштириш жараёни фирма ишчилари ўртасида туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш борасидаги муносабатларнинг кенг доирасини қамраб олади. Туристлик фирма ичидаги режалаштиришнинг хусусиятларидан бири шундаки, туристик маҳсулотни яратиш ва реализация қилишда кўплаб фаолият турларининг ходимлари мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Шунинг учун фирманинг режасига киритилаётган ҳатто энг прогрессив ғоялар ва янгиликлар ҳам ёндош соҳалар билан ҳамкорлик қилган ҳолда туристик фаолиятнинг бутун ҳажмини комплекс асослаб бермай туриб, сезиларли натижаларга олиб келмаслиги мумкин.

Туристлик фирма ичидаги режалаштиришнинг ролига етарлича баҳо бермаслик салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Туристлик фаолиятнинг барча муҳим кўрсаткичларини батафсил таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик режасини тузиш жараёни тадбиркорлик фаолиятининг заиф томонларини аниқлашга ва ўз ниятларига вақтида ўзгартиришлар киритиш ёки умуман улардан воз кечишга имкон беради. Фирма ичидаги режалаштиришнинг асосий вазифаларидан бири потенциал ва тактик инвесторларнинг режалаштирилаётган тадбирлар амалга оширилишига, режадаги барча таркибий қисмларнинг бир-бири билан боғланганлигига, ижрочиларнинг таркиби ва режани амалга ошириш муддатининг асосланганлигига шубҳасини тарқатиб юборишдан иборат. Туристлик фирманинг тадбиркорлик режаси доимий амал қилувчи ҳужжат бўлиб, уни амалга ошириш жараёни юзага келган объектив шароитлардан келиб чиқиб унга тузатишлар киритилиш мумкин. Режаларни бажариш муддатлари ярим йил, бир йил, 3-5 йил ва ундан кўпроқни ташкил қилади. Йиллик режани ойлар бўйича ва чораклар бўйича режалаштириш тавсия қилинади. Туристлик фирманинг юридик мақоми, фаолиятининг хусусияти, хизматлар, меҳнат бозорининг ҳолати, давлат томонидан ёрдам мавжудлиги ва унинг ҳажмидан келиб чиқиб, туристик фирмани режалаштиришнинг стратегик тамойили иқтисодий, фирмага оид ва ижтимоий мақсадларни ўз ичига олиши керак. Режалаштирилаётган натижаларга эришиш учта асосий омиллар билан белгиланади: танланган стратегия, ташкилий структура ва унинг фаолият кўрсатишининг усуллари.

Стратегия - мақсадларга эришиш воситаси, энг кўп фойда олиш учун ресурслардан қандай фойдаланиш зарурлиги тамойилсидир. У оператив мақсадлар ишлаб чиқариш операцияларини жорий режалаштириш, нархларни шакллантириш, реклама лойиҳаларини, тадқиқот ишларини

амалга оширишни ҳам назарда тутади. Стратегия мослашувчанлик элементларини ҳам ўз ичига олиши керак, яъни маҳсулот эскирса, технологиялар ўзгарса, ижтимоий ва ҳуқуқий чеклашлар юзага келса фирма бу ўзгаришларга тезкор ва аниқ акси таъсир кўрсатиши ва маҳсулотнинг номенклатурасини такомиллаштириш, маҳсулот ўтказиш бозорларини ўзгартириш, хизматларнинг сифатини яхшилаш бўйича чоралар кўриши шарт.

Фирма олдида қўйилган стратегик мақсадларга эришиш бозор, маъмурий ва тезкор муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Бозорга оид муаммолар ишлаб чиқарилиш лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматларни, шунингдек бу туристик маҳсулотни сотиш мумкин бўлган бозорлар ва истеъмолчиларни танлашдир. Маъмурий муаммоларга қуйидагиларни киритишади: фирмани ташкил қилиш, раҳбарлар ўртасида ваколатлар ва жавобгарликларни тақсимлаш, ишларнинг ҳажми ва кетма-кетлигини белгилаш, ахборот оқимлари ва ҳисоботларни белгилаш. Тезкор муаммолар ишлаб чиқариш эса операцияларни режалаштириш, нархларни шакллантириш, реклама операциялари, тадқиқот ишларидир. Стратегиянинг мослашувчанлиги фирманинг ташкилий тузилишига катта талаблар қўяди. Унга кўра фирманинг тузилишини ўзгараётган ҳолатга қараб мослаштириб бориш керак. Туристтик фирмаларнинг ташкилий тузилиши ишлаб чиқаришнинг тезкор мослашувини таъминлаши керак. Бундай ўзгаришлар талабнинг пасайиб кетиши ёки рақобатчиларнинг ҳаракати туфайли, нархларнинг тушиб кетиши, фирманинг бозордаги улуши камайиб кетиши, янги турдаги қандайдир маҳсулотнинг мисли кўрилмаган муваффақият қозониши кабилар сабабли юзага келиши мумкин.

Туризмдаги стратегик тамойилнинг энг самарали тадбирларида бири хужумкор тактика ўтказиш ва ресурсларни тежаш чоралари билан бирга қуйидагиларни амалга ошириш ҳисобланади: фаол маркетинг, янги бозорларни ўрганиш ва ўзлаштириш, туристик маҳсулотларни такомиллаштиришга харажатларни кўпайтириш (уларни замонавийлаштириш ҳисобига), янги истиқболли турлар ва саёҳатларни жорий қилиш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида фирма раҳбарияти алмаштирилади ва мустаҳкамланиб боради, комплекс таҳлил ва вазиятни баҳолаш амалга оширилади, зарурат туғилса стратегик режага ўзгартиришлар киритилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, бозор иқтисодиёти шароитида туристик фирмаларни туғри режалаштириш, бу соҳани янада ривожлантиришга олиб келади.

**“БОЛАЛАРДА ҲАМШИРАЛИК ПАРВАРИШИ” ФАНИНИ
УҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН “НИМА
УЧУН” СХЕМАСИ УСУЛИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ
АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Зебинисо Шодиева - Навоий тиббиёт коллежи

“Болаларда ҳамширалик парвариши” фани катта ўқитувчиси

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга бирламчи эътибор берилган.

Эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади, фикр ривожланиши эса жамият кучли булишининг гаровидир. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, “Мустакиллик янгича яшашни, янгича фикрлашни,хаётда хар бир фукаро узига яраша муносиб урин эгаллашни,янги мафкура асосида янгича маънавиятни талаб этди”.Талаб этибгина колмасдан жадал узгариб бораётган иктисодий-ижтимоий шароитда янгича уйлашга ва янгиликлар яратишга мажбур этмокда.Шунинг учун хам бизга,ракобатбардош,юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берадиган фозил зукко инсонлар керак.Дастурнинг асосий максоди хам айнан баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.Таълимнинг янги модели жамиятда эркин фикрловчини эркин шаклланишига олиб келади.

Болаларда хамширалик парвариш фанидан “Бола-ларда хазм аъзолари касалликла -Гипотрофия” мавзусини укувчиларга иновацион технология-лардан “Нима учун” схема-си усулидан фойдаланиш таълим берувчига билим-ларни узлаштириш ва мустахкамлаш, янги билим-ларни кидириш, намуна буйича харакатларни бажариш, малака ва куникма-ларни шакллантириш буйи-ча таълим олувчилар фаолиятини ташкиллаш-тиради. Таълим олувчилар эса хотирага кабул киладилар, таккослай-дилар ва умумлаштирадилар. “Нима учун” усулидан фойдаланиб тушунтиришда укутувчи бу усулни схемасини укувчиларга тушунтириб утади, бунда якка тартибда ёки жуфтликда муаммони ифодалаш вазифасини беради.”Нима учун” суроги билан стрелка

чишди,шу саволга жавоб ёшиш жараёнини ташкиллаштиради. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқламагунча давом этади. Кичик гурухларга биерлаштиради ва узларининг чисмаларини таккослаш,тулдирши ва укумий чизмага келтириш вазифасини беради.Иш натижаларининг таксимотини ташкилл килади.



Педагогиктехнология турларини танлаш шаклланаётган билим,куникма ва малакалар,ташкил этилаётган дарслар шакли ва кулланилаётган методлар хамда методик усулларнинг характерига боглик.

Хозирги кунда таълим жараёнини самарали олиб бориш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар хамда укутувчилар фаолиятида таълим беришнинг узгача усуллари ишлаб чикилмокда.Буларни ижобий томонга хал этишда укувчилар фаоллигини янада жалб этиш мухим вазифадир.

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Юлдошева Инобат Рузимуродовна., Умирова Норхол Зулпиқоровна
Навоий тиббиёт коллежи Математика-информатика
фани Катта ўқитувчиси*

Таълим жараёнини самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан ўқув манбалари сифатига, ўқув дастури, режаси, дарслик ва қўлланмалар савиясига боғлиқ. Шунинг учун улар қатор психологик, педагогик ва дидактик талаблар асосида яратилади. Бундай талаблар эса, давр ўтиши билан ўзгариб туради. Хозирги вақтда таълим тизимида компьютер технологияларидан жадал фойдаланилмоқда. Эндиликда ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам ахборот маданияти ва компьютер саводхонлиги юксак бўлиши шарт. Ахборот маданиятининг шаклланганлиги-бу ўқувчиларнинг компьютерга бўлган илмий муносабатининг юзага келиши, яъни компьютер онг ва ақлни ривожлантириш воситаси эканлигини англаб етганлиги билан ифодаланади.

Компьютер саводхонлиги дейилганда компьютер технологиялари имкониятларидан ўринли фойдаланиши бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлиш тушунилади.

Шундай экан, энг аввало, ўқувчиларда компьютер ва замонавий график дастурлар билан ишлаш кўникмасини шаклантириш зарур. Бунинг учун дастлаб қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

-математика ва ахборот технологияларига оид мавзуларни тушунтиришда кўп вақт ва меҳнат талаб этиладиган ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин кечадиган мавзуларни аниқлаш

-математика ва ахборот технологиялари фанларидан ўқувчиларнинг йил давомида ўзлаштирган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилиш

-компьютердан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш мониторингини ишлаб чиқиш.

Академик лицей ва касб-хунар коллеж ўқувчиларининг малакавий тавсифномасига кура билим юртларида ўқитиладиган математика курси мазмунига бир неча талаблар қўйилган. Аммо унда математика ўқитишда компьютердан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилмайди.

Гап шундаки, академик лицей ва касб-хунар коллежлар учун мулжалланган математика курси мазмуни умумтаълим мактабларида ўрганилган математика дарсликлари мазмуни такрорланмаслиги, шунингдек, олий ўқув юртларида ўрганиладиган “Олий математика” ёки

“Математика” курсининг “қисқартирилган варианты” мазмунини ўзида акс эттириши, аммо айнан уларникига ўхшаб қолмаслиги керак. Академик лицейва касб-хунар коллежларда математикани ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал қилиш, педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим ахамиятга эга. Шунинг учун унинг мазмуни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилаш ва ўқувчиларга ўргатиладиган билимлар хажмини аниқ белгилаш лозим. Унинг мазмунига компьютердан фойдаланиб индивидуал

бажариладиган топшириқлар, ўқувчиларнинг фазовий тассавури ва тафаккурини ривожлантиришга мўлжалланган қизиқарли ва ижодий масалаларни, замонавий компьютер графикаси элементларини киритиш мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнида янги ахборот технологияларини жорий этиш ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва касбий кўникмаларини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўқитишда ахборот технологияларини қўллашнинг дидактик шарт-шароитлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-таълим муассасаларида ахборот технологиялари (компьютер ва унинг локал тармоқлари, мультимедиа воситалари, база маълумотлари ва зарурий педагогик дастурий воситалар)нинг мавжудлиги

-таълим субъектлари (ўқувчилар ва педагоглар)нинг янгиликларини қўллашга психологик-педагогик тайёргарлиги

-таълим мақсадлари ва ахборотлаштириш жараёнини эътиборга олиб, ўқув предметлари бўйича, интегратив курслар яратиш.

Бугунги кунда компьютер ўрганиш объектидан жуда кўп масалалар, шу жумладан, ўқув жараёнида касбий масалаларни ечишнинг самарали воситасига айланди. Ўқув жараёнида касбий масалаларни ечишда аниқ мақсадга эришиш назарда тутилади.

Педагогик адбиётларда “ўқув жараёнида касбий масалани ҳал этиш” муаммоси қуйидаги кетма-кетликда талқин этилади:

- мақсадни аниқ белгилаш

- топшириқ, вазифа

- маълум билимлар асосида ечиш талаб этиладиган касбий масала, муаммо

- ўқувчиларнинг касбий билим ва амалий кўникмаларини назорат қилиш ҳамда ўқитиш методи.

Шубҳасиз, ҳар бир ўқувчи ўзининг ақлий имкониятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Аммо ҳар бир ўқувчи касбий жиҳатдан ўсишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларни яратишга эҳтиёж сезади. Ўқувчиларни касбий жиҳатдан тарбиялашнинг моҳияти ҳам худди ана шундан иборатдир.

Шундай қилиб, ҳозирги замон таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни касбий жиҳатдан тарбиялашдир. Таълим жараёнининг мақсади математика, информатика ва бошқа ўқув предметларини нафақат ўзлаштиришга ўргатиш, балки информатика воситасида шахснинг касбий имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ўқув фанлари мазмунини белгилашда касбий ривожланишнинг реал психологик механизмининг ҳисобга олиш лозим. Алгоритмлаштиришни ўзлаштиришда масалаларни энг мақбул тарзда танлаш ва тизимлаштириш ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, академик лицей ва касб-хунар коллежларда математика ўқитишда янги педагогик технологиялар ва компьютердан фойдаланиш ўқувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ
Якубов Шохрух – студент группы 303-АЙваА СамГАСИ
Бекмирзаев Толиб - студент группы 303-АЙваА СамГАСИ
Джусульматова С.Р., к.э.н., ст.преподаватель кафедры «Социальных дисциплин» СамГАСИ

Помнится, в далеком детстве я с интересом смотрел на мимо проходивших по нашей улице туристов. Я смотрел и не понимал причины радости и восхищения на их лицах, а между тем, мой дедушка, увидев моё любопытство, рассказывал мне, как эти люди преодолели длинный путь, оставив позади себя океаны и моря, чтобы попасть в сказку, которая называется Самарканд. Они приехали сюда изучать историю восточной цивилизации, налюбоваться музеем под открытым небом, вдохнуть и почувствовать аромат далекого прошлого. «Туристы – временные гости, - говорил мне дедушка - и мы должны показать свое гостеприимство. Скоро они уедут, забрав с собой кусочек любви, море впечатлений и вечную память о великом городе».

Сегодня прогуливаясь по улицам, проходя мимо архитектурных памятников, в голове рождаются различные мысли о том, что когда-то жили и творили выдающиеся люди, имена которых внесены золотыми буквами в мировую историю. Чтобы увидеть Самарканд вживую и во всей красе, десятки тысяч туристов посещают наш город в течение года. Этот факт положительно влияет на экономический рост не только самого города, но и страны в целом.

Говоря о национальном богатстве, я не вправе не упомянуть о нашем хлопке, который является стратегически важным продуктом экономического роста страны. Не секрет, что по сбору и качеству хлопка наша страна занимает ведущие места в мировых рейтингах. С каждым годом площади посева расширяется, объем сбора увеличивается, сохраняя качество продукта.

Достигая значительных успехов, мы не должны забывать о богатствах, благодаря которым широко шагаем в будущее, о наследстве которое оставили великие предки, о древних традициях, помнить о павших на войне, ценить свободу, за которую они так отчаянно сражались. И сейчас уместно вспомнить слова И. А. Каримова «Без исторической памяти нет будущего». У нас богатое и достойное прошлое и я глубоко убеждён в наше грандиозное будущее. Мы помним прошлое, мы ценим настоящее, мы верим в будущее!

Одной из важнейших долгосрочных целей экономической политики правительства любой страны является стимулирование экономического роста, поддержание его темпов на стабильном и оптимальном уровне. Поэтому очень важно иметь четкое представление о том, что такое экономический рост, какие факторы его стимулируют, а какие, наоборот, сдерживают.

Как известно, факторами экономического роста является:

- количество и качество природных ресурсов;

- производительность труда, образование и профессиональная подготовка;
- объем основного капитала;
- новые технологии.

Кроме количественной оценки экономического роста, в виде темпов роста ВВП необходимо его качественная оценка. В последние годы возникли серьезные сомнения на счет желательности экономического роста для стран, уже достигших высокого уровня благосостояния.

Аргументы против экономического роста заключаются в следующем:

- Загрязнение окружающей среды. Практически все, что вовлекается в производство, со временем возвращается в окружающую среду в виде отходов, так как производственный процесс лишь преобразует ресурсы, но не утилизирует их полностью. Поэтому для стран с высоким уровнем развития производства существует угроза экологического кризиса.

- Экономический рост не решает все социальные проблемы. Например, уровень бедности в стране зависит не от объема производства, а от сложившихся механизмов распределения национального дохода.

- Отсутствие гарантий. Быстрый экономический рост несет угрозу занятости, так как машины могут вытеснить людей, лишит их работы и доходов.

- Пренебрежение человеческими ценностями. Экономический рост означает индустриализацию, массовое производство, которое не носит творческого характера и не приносит удовлетворения работнику.

С другой стороны, существуют серьезные аргументы в защиту экономического роста:

- Повышение уровня жизни. В условиях роста выбор социальных целей становится менее острым. Можно решать несколько задач одновременно – модернизировать армию, помогать бедным, улучшать систему образования и т.п.

- Проблемы роста и загрязнения окружающей среды можно разделить. Загрязнение является следствием не экономического роста, а нерационального использования ресурсов. Значительная часть естественных ресурсов (реки, озера, океаны и воздух) рассматривается как общая собственность и не имеет цены. Поэтому эти ресурсы используются чрезмерно интенсивно, что ухудшает их состояние. Прекращение экономического роста не решит проблему. В данном случае необходимо вмешательство государства, которое законодательно устанавливает экологические нормативы.

- Возможность достижения социального равенства. В каждом обществе существует свои представления о качестве жизни, однако везде признается, что люди должны быть обеспечены минимальными средствами к существованию. В случае экономического роста государству легче найти средства для решения проблемы бедности, рост национального дохода повышает благосостояние общества.

- Внеэкономические доводы. Замедление или прекращение роста не обеспечит автоматически «хорошую жизнь». Наоборот, консервация

сложившихся экономических отношений приведет к упадку и деградации общества. Страны прогрессивного типа развития не могут просто взять, и остановится на одном месте. С другой стороны, следует помнить, что экономический рост приносит улучшения условий труда и позволяет людям тратить больше времени на образование, размышление и самореализацию.

Приведенные выше аргументы за и против экономического роста показывают, что в развитых странах произошел переход от экстенсивного к интенсивному типу экономического роста. Вследствие обострения экологических проблем возникла идея так называемого «нулевого» роста. Её смысл как раз состоит в том, что нужно стремиться к расширению не количественному, а качественному – не наращивать объемы производства, а максимально полно удовлетворять разнообразные потребности отдельных индивидов и общества в целом


ТАЪЛИМ СИФАТИДА МУЛОҚОТ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Қодирова Зебо Навоий архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежи
Хушвақтов У.А. СамДАҚИ

Тадқиқотлар жараёни жуни кўрсатадики, кўплаб ижтимоий ва ташкилий муаммоларни одамлар ўртасидаги алоқалар(мулоқот)нинг етарли эмаслиги сабабли бўлар экан. Шунинг учун мулоқот принциплари ва қоидаларини, айниқса, таълим жараёнида билимларни бошқаларга бериш керак бўлса, тушуниш жуда аҳамиятлидир.

Таълимнинг муваффақияти кўп ҳолларда мулоқот (алоқа қилиш) қобилиятига боғлиқ.

Мулоқотни оддий коммуникатив модел орқали тушунтириш мумкин.



“Узатувчи-Қабул қилувчи” деб номланган коммуникатив модел шундай алоқавий жараён сифатида таърифланадики, бунда алоқа камида икки киши

ўртасида, биринчи шахс-Узатувчи, бошқа шахс-Қабул қилувчи билан мулоқотни боғлаганда бошланади. Мулоқотнинг бошланишида алоқа Узатувчининг хаёлида муайян тасаввур пайдо бўлади (**хаёлий тасаввур**) ва у шу тасаввурни Қабул қилувчи шахсга етказмоқчи бўлади.

Хаёлий тасаввур ғоялар, орзулар, буйруқлар, сурат, ҳиссиёт ёки эмоцияларни ўз ичига олади. Бошқа шахсга хабарни етказиш учун Узатувчи аввало ўзининг тасаввурини шундай символларга айлантириб етказиши керакки, уларни Қабул қилувчи тушуна олсин.

Символ деб кўпинча нутқ ҳисобланади, лекин сурат, товушлар, сезги органларининг (таъм, ҳид билиш) хабарлари ҳам символ бўлиши мумкин. Узатувчининг хаёлий тасаввури фақат символлар орқалигина Қабул қилувчи учун маънога эга бўлиши мумкин.

Хаёлий тасаввурни символларга айлантириш жараёни **кодировка (кодлаш)** дейилади. Кодировкага кадр-баҳолар тизими, шахсий тасаввурлар, тушунчаларни махсус танлаш, нотўғри тушунча ва шу кабилар таъсир қилиб, хатолар манбаи бўлиши мумкин.

Айтиш мумкинки, айнан кодировка жараёнида маълумотларга субъектив бўёк олади.

Хабар кодировка қилингандан сўнг коммуникатив жараёнининг навбатдаги босқичи – Қабул қилувчига хабарни етказиб бериш босқичига бошланади.

Маълумотларни узатиш вақтида мулоқотга шундай тўсиқлар, яъни шовқин, ташқи ҳаракатлар, шунингдек, психологик факторлар, яъни диққат, мотивация ва қизиқишлар ҳам таъсир қилади.

Хабар Узатувчидан Қабул қилувчига ўтканда **декодировка (декодлаш, кодни ечиш)** жараёни бошланади. Узатувчи хабарни бериш учун уни кодировка қилганидек, Қабул қилувчи ҳам символларнинг кодни шарҳлаши (расшифровка) ва маълумотни тилга, тасаввурга, ҳиссиётга, фикрга ва у кабиларга айлантириши зарур.

Агар хабар Узатувчи ўйлаганидек ва Қабул қилувчининг тасаввури билан тўғри келганидек аниқ декодировка қилинган бўлса, унда мулоқот самарали бўлади. Агар ҳар бири бир хил тажрибага, тасаввурларнинг қимматига бир хилдаги билимга эга бўлса, у ҳолда хабар 100% кодланган ва декодланган бўлади. Символлар ҳар бири учун бир хил аҳамиятга эга бўлса, унда алоқа Узатувчи ўйлаганидек ўтади.

Аммо одамлар ўзларининг ўтмишлари, ўз фикрларини имкониятига қараб ифодалаш, шунингдек, эмоционал реакциялари турличалиги учун хабарни 100% жўнатиш мумкин эмас.

Ҳеч бир одам, ҳаттоки Узатувчи хабарни бекаму-кўст ифодалаган бўлса ҳам, хабарни Узатувчи ўйлаганидек аниқ қабул қила олмайди.

Кодлаш ва декодлаш мураккаблиги инсонлар ўртасидаги алоқанинг самарадорлигига таъсир қилувчи ягона фактор эмас. Бу «тескари алоқа» механизми бўлиб, унга эътиборни қ аратиш лозим.

Бошида икки шахснинг турлича тушунчалари бошқа модел тасвирлаганидек, мулоқот давомида тескари алоқа механизми ҳисобидан ўзгариши, бу эса мулоқот қатнашчиларларининг тушунчалари янада бирлашишига олиб келиши мумкин.

Бу модел «Спирал-симон конвергенция модели» деб аталади.

1-чи босқич: Агар А шахс В шахс билан муносабатда бўлишни хоҳласа, А шахс ўзининг хабарини кодлайди ва уни В шахсга хабарни декодлаш ва ўйлаш учун жўнатади.

2-чи босқич: В шахс А шахснинг хабарига жавоб беради ва ўз хабарини кодлайди, бунда В шахс А шахснинг қарашларига яқинлашиши мумкин.

3-чи босқич: А шахс В шахснинг хабарини декодлайди ва уни ўйлайди, шунинг учун А шахс ҳам В шахснинг қарашларига яқинлашиши мумкин. Бунинг натижасида А шахс В шахсга албатта кодланган ва декодланган навбатдаги хабарни жўнатади.

Бу жараён иккала тушунча мос келиб ҳамфикрлик ҳосил бўлмагунча давом этиши мумкин. Муаммолар ҳақида баҳслашувлар (дискуссиялар) айнан шу тарзда бўлиб ўтади.

Буларнинг барчаси орқали бир ва икки йўналишли мулоқот тушунчасига ўтиш мумкин.

Бир йўналишли мулоқот шуни билдирадики, бунда Узатувчи хабарни жўнатади, аммо жавобини кутмайди. Узатувчи гапиради ва ишончи комил бўладики, Қабул қилувчи унинг хабарини аниқ тушунмоқда ва яхши хабардор бўлди.


Барибир Узатувчи (хабарни нутқ билан кодлаётган) Қабул қилувчи хабарни қандай қилиб декодлашини аниқ била олмайди. Шунинг учун хабар мазмуни кўпинча ўзгаради ва нотўғри тушунилади. Натижада бу кўпинча тушунмовчиликка олиб келади.

Шунинг учун ҳамма вақт «тескари йўналишда алоқа» қилишга ҳаракат қилиш кераки, алоқа **икки томонлама жараёнга** айлансин. Қабул қилувчи жавоб қайтараётганда хабарни тушундими йўқми, шу ҳақдаги маълумотни Узатувчига етказди. Агар тушунмаган бўлса, бир неча саволлар буни аниқлашга ёрдам беради.

Бундан хулоса чиқариш мумкин: агар Узатувчи ва Қабул қилувчи ўртасидаги мулоқотни мазмун даражасида муваффақиятли бўлиши учун, энг аввало таълим берувчи томонидан мулоқот онгли даражада бошқарилиши лозим.

Ўқув жараёни давомида мулоқот тушунарли ва имкони борича бирмаъноли бўлиши шарт. Бунинг учун ўқитувчи аниқ ва тушунарли тилда гапириш, ўзининг «сўзсиз» гавда ҳаракатлари деб номланган сигналларни назорат қилиш, уларнинг таъсирини олдиндан билиш, шунингдек,

„Спиралсимон конвергенция“ модели



коммуникатив тўсиқларни аниқлаш ва уларни баргараф этиш каби қобилиятларга эга бўлиши керак.

AVTOMOBILNING EKSPLUATATSION XUSUSIYATLARI

*N. Maxmudov. O. Xodjaev. Sh. Abdug'aniev. X. Qarshiev
Samarqand OHAQMBYU*

. Xususiyat deganda, avtomobil ma'lum yuk va odam tashishdagi ishlarni bajarish qobiliyati tushuniladi.

Avtomobil murakkab mashina bo'lgani uchun uning xususiyatlari ham ko'p. Ularni mukammal o'rganish uchun ma'lum belgilar asosida guruhlariga ajratiladi. Avtomobilning harakatiga bog'liq bo'lgan xususiyatlarni ekspluatatsion xususiyat deyiladi.

Ekspluatatsion xususiyatlar- avtomobilning tashishga moslanganligini bildiruvchi xususiyatlar guruhidir. Ularga quyidagilar kiradi:

1. Avtomobilning dinamik xususiyati. Bu xususiyat ikki xususiyatga bog'liq:
 - a) Avtomobilning tortish tezlik xususiyati;
 - b) Avtomobilning tormozlanish xususiyati.
2. Avtomobilning yonilg'i tejamkorlik xususiyati.
3. Avtomobilning turg'unlik xususiyati.
4. Avtomobilning o'tag'onlik xususiyati.
5. Avtomobilning boshqaruvchanlik xususiyati.
6. Avtomobilning yurish ravonligi xususiyati.
7. Avtomobilning ekologik xususiyati.

Bu xususiyatlar avtomobilning harakatiga bog'liq bo'lib, bu xususiyatlarga qisqacha ta'rif beramiz:

1. Tortish tezlik xususiyati – avtomobilni katta o'rtacha tezlik va unumdorlik bilan yuk tashish qobiliyatiga aytiladi.

2. Tormozlanish xususiyati – avtomobilni harakat tezligini kamaytirish yoki to'la to'xtatish, qiya yo'llardan pastlikka harakatlanganda berilgan tezlikni saqlash, shuningdek o'z joyida to'xtatib turish qobiliyatiga aytiladi.

3. Yonilg'i tejamkorlik xususiyati – avtomobil turli ekspluatatsiya sharoitlarida transport ishini bajarish uchun sarf bo'ladigan yonilg'i sarfini belgilaydigan barcha xususiyatlarga aytiladi.

Turg'unlik xususiyati deb – avtomobilga ta'sir qilayotgan kuchlar ta'siri ostida (ag'darilmasdan, shikastlanmasdan, sirpanmasdan va yon tomonga surilmasdan) o'z harakat yo'nalishini saqlab qolish va yonga surilish va ag'darilishga olib keluvchi kuchlarga qarshilik qilish qobiliyatiga aytiladi. Turg'unlik avtomobilning asosiy ekspluatatsion xususiyatlaridan biridir.

Avtomobil turg'unligining yo'qolishi ikki tekislikda namoyon bo'ladi:

- a) avtomobilning bo'ylama tekisligida;
- b) avtomobilning ko'ndalang tekisligida.

Avtomobil turg'unligi quyidagi ko'rsatkichlar bilan baholanadi:

1. V_a – burilishda yonga sirpanish bo'yicha kritik tezlik;
2. $V_{ag'd}$ – yon tomonga ag'darilish bo'yicha kritik tezlik;
3. β_o – ko'ndalang tekislikda ag'darilish kritik qiyalik burchagi;

4. β_φ – ko‘ndalang tekislikda yonga sirpanmasdan harakatlanadigan kritik burchagi.

Bundan tashqari turg‘unlikni bevosita baholaydigan ko‘rsatkichlar ham mavjud:

α_o – bo‘ylama tekislikda ag‘darilmasdan chiqa oladigan kritik qiyalik burchagi;

5. α_φ – bo‘ylama tekislikda sirpanmasdan chiqa oladigan kritik qiyalik burchagi.

6. Boshqaruvchanlik xususiyati deb – boshqariluvchi g‘ildiraklarning holatini o‘zgarishi bilan avtomobil o‘z harakat yo‘nalishini o‘zgartirishiga aytiladi.

7. Manevrchanlik xususiyati – avtomobilning berilgan egri chiziqli o‘tish joylarida va cheklangan maydonlarda katta egrilik radiusiga ega bo‘lgan trayektoriya bo‘ylab harakatlanish xususiyatidir.

8. O‘tuvchanlik xususiyati – avtomobilni yomon va og‘ir yo‘l sharoitlarida harakatlana olish hamda qo‘shimcha yordamchi qurilmalarsiz yo‘l to‘siqlaridan o‘ta olish qobiliyatidir.

9. Yurish ravonligi xususiyati – avtomobil notekis yo‘llardan harakatlanganda kuzovni kuchli silkinish va tebranishlarsiz harakatlanishini ta‘minlovchi xususiyatlar yig‘indisidir.

10. Ekologik xususiyat – atrof muhitni ishlab chiqarilayotgan gazlar bilan minimal ifloslantirish va shovqinni kamaytirish xususiyatidir.

Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlari harakat davrida sodir bo‘ladi va ular bir-biri bilan chambarchas bog‘langan.

Avtomobil konstruksiyasining murakkabligi va unga bo‘lgan talablarning ko‘pligi tufayli ekspluatatsion xususiyatlarni biror bir yagona umumlashgan o‘lchov bilan baholash qiyin. Shuning uchun avtomobilning xususiyatiga baho berish uchun o‘lchagich va ko‘rsatkich kiritilgan.

O‘lchagich – avtomobil xususiyatining sifatini aniqlaydi.

Ko‘rsatkich – o‘lchagichning kattaligini xarakterlovchi son, uning miqdoriy qiymati (masalan, avtomobilning maksimal tezligi $V_{\max} = 170 \text{ km/coam}$).

Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlarini nazariy tahlil qilishdan maqsad, ish unumdorligini oshirish va yuk tashish tannarxini kamaytirishdir.

Ekspluatatsion xususiyatlar nazariyasining hozirgi kundagi ahvoli har bir xususiyatni chuqur o‘rganish va boshqa xususiyatlar bilan birgalikda o‘rganib, optimallashtirishdan iborat.

Bu holat avtomobilni loyihalash bosqichidayoq eng ratsional konstruksiyalar yaratish, avtomobilning ekspluatatsiyasida eng ko‘p samara olish imkonini yaratadi.

Avtomobil “**avtomobil-boshqaruvchi-yo‘l-muhit**” tizimidagi bir bo‘g‘in bo‘lib, uning xususiyatlari qolgan bo‘g‘inlar bilan o‘zaro bog‘lanishda yuzaga chiqadi. Shuning uchun muayyan ekspluatatsion xususiyatlarning ahamiyati ekspluatatsiya sharoitida bilinadi. Ekspluatatsiya sharoitlari esa yo‘l, transport, tabiiy-iqlimiy sharoitlari bilan belgilanadi. Ularning har biri qayta omillar bilan tavsiflanadi:

a) yo‘l sharoitlari – yo‘l profili va plani, elementlari, joy relfi, yo‘l qoplamasining turi va tekislik darajasi, harakat jadalligi, harakatga xalaqitlar, yo‘l

holatini turg'unligi, harakat rejimlari (tartibi);

Avtomobilning texnik parametrlari, konstruksiyasi va ekspluatatsion xususiyatlariga yo'l sharoitlari katta ta'sir qiladi. Bu sharoitlar turli-tuman, ularni bir necha belgilar asosida tasniflash mumkin. Harbiy qismlarda o'z qoidalari, asosiy texnik me'yorlar, parametrlar va ko'rsatkichlarni belgilaydi. Ular avtomobilning hamma turdagi yo'llarning chegaraviy harakat sharoitlarini tavsiflashga yordam beradi.

b) transport sharoitlari – yuk turi (qurol-aslaha, harbiy uskunalar, harbiy texnikalar v.h.), tashish hajmi, jo'natilayotgan yuk partiyasi, tashish masofasi, ortish-tushirish usullari, marshrutlar turi, tashishni tashkil etish, transport vositasini saqlash, unga texnik xizmat va ta'mir ishlari;

Ekspluatatsiyaning bu shartlari avtomobilning ixtisoslashuvini belgilaydi, demak, konstruksiyasi, texnik parametrlari va ekspluatatsion xususiyatlarini aniqlaydi.

v) tabiiy iqlim sharoitlari – mo'tadil sovuq, issiq va tog' iqlimining xususiyatlari. Atmosfera sharoitlarining o'zgarishi dvigatel, transmissiya, shinalar ishiga ta'sir etadi.

Baland tog' sharoitlarida havo siyraklanishidan silindrlarning to'lish koeffitsienti pasayadi, natijada yuk avtomobillarning o'rtacha tezligi 40...50 % kam, yonilg'i sarfi 10...15 % ko'p bo'ladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, yuqoridagi fikrlarning hammasi ekspluatatsiya sharoitlarini avtomobillarni loyihalashda ham, ishlatayotganda ham hisobga olish kerakligini ko'rsatadi. Bu masalalar avtotransport vositalarining texnik parametrlarini optimallashtirish hisobiga yechilishi mumkin.

AVTOMOBIL TEXNIKALARIDA ELEKTR VA ELEKTRONIKA JIHOZLARI KURSINI O'QITISH MUAMMOLARI.

*X.O.Urinov, Sh.A.Abdug'aniyev, O. Xodjiev. D.A. Ergashov. G'.B. Yuldashev,
A.K. Akbaraliev. – Samarqand OHAQMBYU*

Hammamizga ma'lumki, 1997- yil 29- avgustda "Ta'lim to'g'risida"gi qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" qabul qilindi. Bu qonunda yosh avlodning ta'lim-tarbiya olishi asosiy muammo qilib qo'yilgan va bu muammolarni hal qilish yo'l-yo'riqlari belgilab berilgan. Ana shunga asoslanib kasb-hunar kollejlari, harbiy bilim yurtlarida hamda oliy o'quv yurtlarida o'quvchi, kursant va talabalarning bilim olishi uchun turli imkoniyatlar hozigi kunda yaratilmoqda.

Shu munosabat bilan ta'lim-tarbiya olayotgan yosh avlodning hamda ta'lim muassasalariga u yerda mavjud bo'lgan o'quv xonalariga, ta'lim-tarbiya berayotgan o'qituvchilar oldiga bir qancha vazifalarni qo'yimoqda.

Yuqorida qabul qilingan qonun talablariga muvofiq, oliy harbiy o'quv yurtlarida avtomobil texnikalari elektr va elektron jihozlari kursini o'qitishning samarali usullarini yoritishga harakat qildik.

Ma'lumki, tabiiy fanlarni o'qitish usullari singari hozirgi zamon avtomobil texnikalarida elektr va elektron jihozlari kursining turli sohalari bo'yicha dars berishda quyidagi beshta o'qitish usullaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir,

ular asosan: illyustrativ-tushuntirish, reproduktiv, muammoli bayon etish, qisman izlanuvchan hamda tadqiqiydir.

Lekin bu usullarning mohiyatiga qarab, kursantlarning bilim darajasini to'liq aniqlab olish qiyin. Ta'lim berish jarayonlarida bu usullardan foydalanish bilan birgalikda o'qitishning boshqa, samarali yo'llaridan foydalanishni ham nazarda tutadi. Jumladan, kursantlarni qiziqtirish, ularning materiallarni o'zlashtirishi bo'yicha bilimni tekshira borish, o'qitishni defferensiallash va individual kabi usullardan ham foydalanish mumkin. Tabiiyki, har bir fan ma'lum bir maqsadni, ya'ni o'ziga xos bo'lgan muammoni amalga oshirishni vazifa qilib qo'yadi. Masalan, avtomobil texnikalarida elektr va elektron jihozlari o'lchov asboblari bilan ishlash bo'yicha kursantlarda ko'nikmalar hosil qilishni, mustaqil sxemalarni tahlil qila bilishni, tajribalar o'tkazishni, tajribaning nazariy asosini tahlil qilishni, ularda fizikaviy va elektrotexnikaviy fikrlashning rivojlanishini asosiy vazifa qilib qo'yadi.

Avtomobil texnikalarida elektr va elektron jihozlari fanidan o'rganiladigan materiallarni kursantlarga yetkazish yo'llari bo'yicha o'qitishning barcha usullarini quyidagi uchta guruhga ajratish mumkin: so'z bilan bayon etish, ko'rgazmali qurollardan foydalanish hamda amaliy mashg'ulotlarni tashkil qilishdan iboratdir.

So'z bilan bayon etish usulida ma'ruza, suhbat, tushuntirish, hikoya qilib berish, kitob ustida mustaqil ishlash yo'llari bilan o'quv materiallari kursantlarga yetkaziladi. Bunda ko'rgazmali qurollardan ham foydalanish mumkin. Ma'lum bir qonuniyatlar yoki elektron asbobning (sxemaning) parametrlarini aniqlashda matematik formulalar keltirib chiqarilib, asosiy xulosa yoki qonuniyatlar izohlanadi. O'quv materiallarining bunday bayon etishda kursantlarning mantiqiy fikrlash qobiliyatining rivojlanishiga asosiy e'tibor ko'rsatilishi lozim.

Ko'rgazmali qurollardan foydalanish usulida ma'lum bir jarayonlarni va narsalarni kursantlarga ko'rsatish asosiy ahamiyat kasb etadi, o'qituvchi esa bu hodisalarning mohiyatini yoki narsaning ahamiyatini kursantlarga so'zlab beradi. Kursantlar tajriba faktlarini kuzatish asosida ma'lum xulosalar chiqarib, o'zlarining olgan bilimlarini mustahkamlaydi. Ko'pincha tajribalarni demonstratsiya qilishda diafilmlardan, sxema va maketlar, rasm hamda o'quv kinofilmlaridan foydalaniladi.

Amaliy mashg'ulotlarni tashkil qilish usulida laboratoriya ishlarini bajarish, sxema bo'yicha ayrim kaskadlarni yig'ish, darsdan keyingi tajriba va kuzatishlar, kaskaddagi elementlarning parametrlarini hisoblash bo'yicha masalalar yechish yo'llari kursantlarga o'rgatiladi. Bu usulda kursantlar faqatgina yangi bilimni olish emas, balki tajriba o'tkazish, sxema ustida va o'lchov asboblari bilan ishlash hamda tadqiqiy ishlarni bajarish bo'yicha ko'nikmalar hosil qiladilar.

Keyingi yillarda yoshlarga ta'lim-tarbiya berish jarayonida yangi pedagogik va informatsion texnologiyadan foydalanish masalalariga katta e'tibor berilmoqda. Bizning fikrimizcha, yangi pedagogik va informatsion texnologiyaning vazifasi uning maqsadi informatsion yangiliklar ham, fanlarni o'qitishning samarador usullarini ham, shuningdek, kursantlarning o'quv materiallarini o'zlashtirishini uzluksiz nazorat qilish yo'llarini ham o'z ichiga oladigan samarali pedagogik texnologiyadan foydalanib zamon talabiga javob beradigan ijodkor yosh mutaxassis kadrlarni tayyorlashdan iboratdir.

Yangi pedagogik texnologiyadan foydalanib avtomobil texnikalarida elektr

va elektron jihozlarning turli yo'nalishlari bo'yicha o'qitishda, kursantlarga bilim berishning samaradorligini oshirishning asosiy manbalarini quyidagicha belgilash mumkin:

1) hozirgi zamon avtomobil texnikasining taraqqiyotini o'zida aks ettira oladigan o'quv dasturlari, darsliklar, o'quv qo'llanmalari, elektron darsliklar va ma'ruza matnlarining bo'lishi. Bu adabiyotlardagi barcha materiallar kursantlarga tushunarli bo'lishi kerak. Ancha murakkab formulalar va sxemalar kursantlarga tushunarli bo'lgan soddaroq model yoki analog yordamida izohlangan bo'lishi lozim. Shu bilan birga bu qo'llanmalarda avtomobil texnikasidagi zamonaviy yangiliklar, ham ma'lum darajada berilgan bo'lishi shart;

2) o'quv kabinetining jihozlanishi, unda o'qitish uslublarining barchasidan foydalanish imkoniyatlari borligi, jumladan o'quv adabiyotlari, o'quv asboblari, ko'rgazmali asboblari, tarqatmali materiallar, virtual laboratoriya ishlarining bo'lishi maqsadga muvofiqdir;

3) kursantlarning mustaqil bilim olishi uchun va ularning olgan bilimlarini kompyuter texnologiyalaridan foydalanib, sistemali ravishda nazorat qilish imkoniyatlarining mavjud bo'lishi.

Kursantlarning mustaqil bilim olishida faqatgina o'quv dasturining o'zi yetarli bo'lmaydi. Ma'lumki, avtomobil texnikasining turli tarmoqlari ma'lum darajada fizika, kimyo, matematika, kibernetika fanlari bilan o'zaro o'zviy aloqadordir. Shuning uchun bu fanlar bo'yicha ham ma'lum qo'llanmalar, elektron darsliklar, ma'ruza matnlari va ilmiy manbalarning bo'lishini ta'minlash zarurdir.

Bundan tashqari, kursantlarning olgan bilimlarini tekshirish uchun texnologik xarita, test savollari, nazorat savollar, EHM va internet xonalari bo'lishi kerak.

O'quv xonasining tuzilishi va uni jihozlash masalasi haqida ayrim fikrlarni aytib o'tishni o'rinli deb o'ylaymiz. O'quv xonasi hozirgi zamon talabiga javob beradigan darajada bo'lishi lozim, boshqacha aytganda, davlat standartiga mos keladigan o'quv dasturlarining talabiga javob beradigan va unda ta'lim berishning yangi pedagogik texnologiyasini qo'llash uchun barcha sharoitlar mavjud bo'lishi kerak. O'quv xonalari ikkitadan kam bo'lmasligi, laboratoriya ishlarini bajarish va elektr asboblari bilan ishlash xonasi; EHM va internetdan foydalanish, demonstratsiya hamda ma'ruza darslarini tashkil etish xonalarining bo'lishi ham mashg'ulot samaradorligining oshishiga olib kelishi tabiiydir.

O'quv kabinetining qanday bo'lishidan qat'iy nazar unda quyidagi qo'llanmalar, avtomobil texnikalarida elektr va elektron jihozlari detallari, o'lchov va ishlash asboblari bo'lishi kerak:

1) texnika xavfsizligiga oid bo'lgan qoidalar va ularni kursantlarga tushuntiradigan qo'llanmalar;

2) turli avtomobil texnikalarida elektr va elektron jihozlari detallari: har xil rezistorlar, kondensatorlar, lampalar, diod va tranzistorlar, mikrosxemalar, ulash simlari va h.k.;

3) har xil elektr o'lchov asboblari: ampermetr, voltmeter, avometr, ossillograf va h.k.;

4) plato tayyorlanadigan material, turli xil vintlarni burash uchun otvyorkalar to'plami, gaykalarni burash uchun har xil gayka kalitlari, yassi jag'li va yumaloq jag'li omburlar, quvvati 40 Vt li va 90 Vt li elektr kavsharlagichlar,

montaj ishlarini bajarish uchun turli materiallar va birinchi navbatda kavshar bo'lishi zarur.

Kabenitda o'qituvchilar, talaba va kursantlar tamonidan to'garak paytida tayyorlangan o'quv namoyishli qurilmalar, stendlar va ratsionalizatorlik takliflari bo'yicha tayyorlangan ishlari bo'lishi kerak. Misol: quyida elektrlashgan yangi pedagogik texnologiyalarga asoslanib tayyorlangan, avtomobillarni generatori (1-rasm) va startyori (2-rasm) bo'yicha bajarilgan (ratsionalazatorlik ishlari) namoyishli qo'rilmalarni olamiz.



1-rasm "Generator G 250 ning umumiy ko'rinishi"



2-rasm "Startyor- ST -130" ning umumiy ko'rinishi"

Ushbu qurilmalar bir vaqtni o'zida generator va startyorni nosozliklarini aniqlash, hamda ularni mexanik tasniflarini chizishda, shuningdek qisqa vaqt ichida talaba va kursantlarni bilimlarini test asosida sinab beradi. Qo'rilmalarda o'rnatilgan radio qurilma orqali generator va startyorni texnik xarakteristikasini o'zbek, ingliz va rus tillarda bayon qilish imkoniyatiga egadir.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, yangi pedagogik texnologiyani dars jarayonlariga har bir o'qituvchi o'z vaqtida qo'llay bilsa, o'tkazilayotgan dars shubhasiz, samarali bo'lishi mumkin.

ДАТЧИК ОПРЕДЕЛЕНИЯ УГЛА ОТКЛОНЕНИЯ ТЕМПЕРАТУРЫ ОТ ПОВЕРХНОСТИ ПОДЛОЖКИ ПОЛУПРОВОДНИКОВ ПРИМЕНЯЕМЫЕ АВТОМОБИЛЬНОЙ ТЕХНИКЕ

Х. О. Уринов , Н. А. Махмудов, Ш. А. Абдуганиев С. С. Самандаров
Самаркандское ВВАКИУ

Одним из путей повышения вторичного напряжения системой зажигания является в военной автомобильной технике полупроводниковых приборов работающих в качестве управляемых ключей, прерывающие ток в первичной обмотке катушки зажигания. Широкое применение нашли транзисторы малой, средней и большой мощности коммутирующие токи амплитудой от 10 до $12 \cdot 10^4$ мА.

Скачкообразное изменение электрических, оптических и других характеристик окислов ванадия при фазовом переходе металл-диэлектрик

(ФПМД) позволили создать на их основе различные устройства тонкие пленки. Это связано с одной стороны с малостью размеров тонких пленок, которые необходимы при создании миниатюрных устройства и с другой стороны адгезия пленок на подложках обеспечивает им хорошую механическую прочность и длительную эксплуатацию устройства с ФПМД. Здесь уместно отметить, что если переключающие элементы на основе пленок VO_2 выдерживает до 10^9 переключений, то массивные монокристаллы разрушаются после нескольких термоциклов вследствие возникающих микротрещин при структурном переходе [1].

Среди материалов обладающих ФПМД, с точки зрения практического применения, наиболее удобен VO_2 [2,3]. Это связано: во-первых, температурой ФПМД для $\text{VO}_2 T_k = 340^\circ\text{K}$ не требует для его практического применения не высокотемпературного, ни криогенного оборудования; во-вторых, наиболее хорошо изучены причины приводящие к ФПМД в VO_2 [4]. Размытость ФПМД по температуре пленок VO_2 (связанные с тем, что пленки состоят из микрообластей, каждая из которых имеет свою температуру перехода) плавно изменять оптические характеристики пленки т.е. появляется возможность записи и передачи полутонов. Наличие температурного гистерезиса позволяет использовать их для записи и хранения информации.

На рис.1. показан общий вид датчика угла отклонения от вертикали, использующий явление свободной конвекции газа от горизонтально расположенной нагретой пленки. Внутри баллона, на нагревателе вертикально расположено пленки из термочувствительного материала. Датчик смонтирован на цоколе вакуумной лампы ЛТ-2 (см. рис-1). В качестве термочувствительного и нагревательного элементов выбраны соответственно пленка VO_2 и нихром на подложке слюды толщиной -50мкм. Принцип работы датчика заключается в следующем:

Распределение температуры в объеме, над нагретой пленкой нихрома неоднородно. Температура убывает как в вертикальном, так в горизонтальном направлениях. Если поместить пленку VO_2 перпендикулярно плоскости пленки нихрома, где температура равна температуре ФПМД VO_2 , то при изменении угла этой конструкции относительно вертикали, Угла этой конструкции относительно вертикали, часть объема пленки VO_2 выходит из теплового поля нагревателя, вследствие чего эта часть объема переходит из металлического в диэлектрическое состояние. Если изменять угол наклона в плоскости пленки VO_2 , то в этом случае на распределение температуры при отклонении не скажется наличие подложки т.е. независимо




Рис.1. Общий вид датчика угла отклонения от вертикали (вид сбоку), где 1 - пленка VO_2 ; 2- пленка нихрома; 3 - проводники; 4- цоколь; 5 - баллон;

от знака угла (влево или вправо) сопротивление пленки VO_2 будет увеличиваться одинаково. При извечных размерах пленок и их взаимного расположения, а также изменением силой тока протекающего через сечение пленки нихрома можно добиться, что малое отклонение от вертикали вызовет ФПМД в объеме пленки VO_2 . В этом случае полное сопротивление пленки будет монотонной функцией угла отклонения от вертикали.

На рис. 2 показана характеристика датчика при силе тока 200 А через сечения пленки нихрома. При размерах пленок: VO_2 - толщина 0,52 мкм, ширина 3 мм, длина - 4 мм, пленки нихрома толщина 0,23 мкм, ширина - 3 мм, длина - 5 мкм.

Таким образом ФПМД в VO_2 сочетании со свободной конвекцией газа от горизонтально расположенной пленки нагревателя позволяет с высокой чувствительностью фиксировать угол отклонения от вертикали, а малость размеров пленки VO_2 на подложке слюды обеспечивает малую инерционность датчика.

Чувствительность датчика, определяется скачком электросопротивления при ФПМД.

Использование в электронной технике датчиков определения угла отклонения температуры отражающей от поверхности подложки полупроводников позволить автоматически управлять автомобилем, контролировать все его технические параметры, повысить ресурсы автотранспорта.




Рис:2 характеристика датчика угла отклонения от вертикали

5-ШЎБА: ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

UDK: 594.1

SUV OMBORLARIDA IKKI PALLALI MOLLYUSKALARNING TARQALISHI VA BIOLOGIK XILMA - XILLIGI

Boymurodov X.T. Samarqand davlat universiteti.

Mavzuning dolzarbligi. Suv omborlari ikkipallali mollyuskalarining faunasini, turlarining xilma – xilligini, ma’lum biogeosenozlardagi muhim bioekologik xususiyatlarini va turlarning tarqalish qonuniyatlarini sinchiklab o’rganish, ham nazariy va ham amaliy jihatdan muhimdir.

Adir mintaqasida inson tomonidan borpo etilgan suv omborlari ikkipallali mollyuskalarining faunasini har tomonlama o’rganish muhim ahamiyatga ega. Undagi tabiiy sharoitning xilma - xilligi ko’plab noyob, endemik va relikht hayvonlarning tarqalishiga sharoit yaratgan. Bu yerda adir mintaqasida alohida turlarning murakkab tarqalishi bilan birgalikda butun bir faunistik komplekslar, bir turning turli xil populyasiyalari ekologiyasidagi mavjud farqlar ham namoyon bo’ladi. Adir mintaqasida ikkipallali mollyuskalarning inson tomonidan borpo etilgan suv tiplarida tarqalishi, ularning yashash joylari va areallarining kengayishiga olib kelgan.

O’rganish tarixi. Akademik M.N.Narziqulovning (1974) ma’lumotlariga ko’ra, O’rta Osiyoning tabiati va faunasini Rossiya olimlaridan P.P.Semyonov - Tyanshanskiy (1856-1871), N.A.Seversov (1864-1878), A.P.Fedchenko (1868-1879), L.S.Berg (1940-1949) va boshqalar o’rganishgan. Ular umurtqali hayvonlarni o’rganishdan tashqari, umurtqasizlarga, jumladan mollyuskalarga ham e’tibor berishgan.

O’rta Osiyo ikki pallali mollyuskalarini o’rganishda V.I.Jadinning “Semeystvo Unionidae” (1938) monografiyasi katta o’rin tutadi. Unda O’rta Osiyo suv havzalarida tarqalgan mollyuskalarning turlar tarkibi keltirilgan.

Umuman olganda, V.I.Jadin (1950, 1952), Ya.I.Starobogatov (1970), Z.I.Izzatullayev, Ya.I.Starobogatov (1985) larning ishlarida O’rta Osiyo suvlaridagi mollyuskalar va ularning zoogeografiyasi haqida asosiy fikrlar bayon etilgan. Z.I.Izzatullayev O’rta Osiyo suv mollyuskalarini har tomonlama o’rganish davrida ikki pallali mollyuskalarning bir necha yangi turlarini fanga kiritdi (Izzatullayev, 1980, 1987). Bu tadqiqotlar Z.I.Izzatullayevning (2003) ishlarida umumlashtirilgan.

Yuqorida keltirilganlardan ma’lum bo’ldiki, inson tomonidan barpo etilgan suv tiplarida ikki pallali mollyuskalarning faunasi, ekologiyasi va tarqalishi shu vaqtgacha maxsus to’liq o’rganilmagan.

Material va o’rganish uslublari. O’zbekiston suv tiplarida ikki pallali mollyuskalarning sistematik tarkibi, ularning bioekologik xususiyatlari, biotoplararo tarqalishi va boshqa muhim tomonlarini to’liq o’rganilmaganligini e’tiborga olgan holda biz, o’z tadqiqotlarimizni 1997 yildan mollyuskalarni yig’ishdan boshladik. Barcha tadqiqotlarimiz uchun ilmiy materiallar 1997 - 2011 yillarning bahor, yoz va kuz fasllarida suv omborlari: Kattaqo’rg’on, Jizzax, Chimqurg’on hamda ularga oqib kirayotgan va oqib chiqayotgan kanal va ariq-

lardan terildi. Qo'yida mollyuskalarning inson tomonidan barpo etilgan suv tiplarida tarqalishi, ularning yashash joylari va areallarining kengayishi har tomonlama taxlil qilinadi.

Kattaqo'rg'on suv ombori. U Zarafshon vodiysida Zirabuloq tepaliklari oralig'ida joylashgan. Suv omborining bentos organizmlarini N.A.Stepanova, X. Nuriyev, A.I.Ledyayevalar o'rganishgan.

Z.I. Izzatullayev (1978) bu suv omborda ikki pallali mollyuskalarning 6 turi va 2 kenja turining yashashini aniqlagan, ular orasida, 2 tasi tishsizlardir. 1980-1985 yillarda Balxashdan - balxash okuni, Uzoq Sharqdan xumbosh, oq amur kabi baliqlar Kattaqo'rg'on suv omboriga iqlimlashtirilganligi sababli ushbu suv omborga *Colletopterum ponderosum volgense* va xitoy tishsizlari - *Sinanodonta gibba*, *S. orbicularis*, *S. ruerorum* lar baliqlar bilna kelib qolgan va tarqalgan. Tadqiqotlarimiz natijasida baliqlar bilan ikki pallali mollyuskalarning inson tomonidan barpo etilgan suv tiplarida tarqalishiga olib kelganligini va ularning shu suv havzalarida yashashga moslashganligini hamda yashash areallarining kengayganligini kuzatdik [7,8].

Tirik mollyuskalar 2,5 - 3 metr va undan ortiq chuqurliklarda yashaydi, suv omborining qirg'oqlarida mollyuskalarning bo'sh chig'onoqlari ham uchrab turadi. Suv ombori suv rejimining o'zgarib turishi suvda yashaydigan gidrabiontlarga xususan ikki pallali mollyuskalarga katta ta'sir kursatadi. Mollyuskalar suvni feltirlash yo'li bilan oziqlanib juda kam harakatlanadi, u bir soat davomida 20-25 sm gacha masofaga harakatlanishi mumkin. Yoz faslida qishloq xo'jaligiga suvning ko'p talab qilinishi suv omborlari suvidan keng foydalanishga olib keladi, suv sathi pasayadi bu esa, ikkipallali mollyuskalarga, gidrobiontlarga o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Bizdan oldingi o'rganishlar va bizning tadqiqotlarimiz natijasida Kattaqo'rg'on suv omborida ikki pallali mollyuskalarning 9 turi va 2 kenja turining yashashi, ular 3 oila va 4 urug'ga kirishi hamda peloreofel, pelolimnofil va reofil ekologik guruxlarga mansubligi aniqlandi. Oqar suvlar loylarida - peloreofillarning 8 turi (*Sinanodonta gibba*, *S. orbicularis*, *S. puerorum*, *Corbicula cor*, *C. purpurea*, *C. fluminalis*, *Corbiculina tibetensis*, *C. ferghanensis*) va suv osti balchiqlarida - pelolimnofillardan kenja tur - *Colletopterum ponderosum volgense* yashaydi. Suv omborining kanallar suv quyadigan qismidagi oqar suvlarida yashovchi - reofillardan : *Colletopterum bactrianum*, *C. syreum sogdianum* larning yashashi aniqlandi. Suv omborida tarqalgan ikkipallali mollyuskalardan peloreofillar 72 %, pelolimnofillar 9,5 %, va reofillar 18,5 % ni tashkil etadi.

Kattaqo'rg'on suv ombori qo'ltilarida va uning o'ng sohilida mollyuskalardan *Sinanodonta orbicularis*, *S. gibba*, *S. puerorum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *C. ponderosum volgensye*, *Corbicula cor* yashaydi. Ular orasida birinchi, ikkinchi va oxirgi turlar son jihatidan ko'pdir. Suv omborining suv qo'yiladigan chap sohilida va suv chiqarish kanalida mollyuskalardan: *Corbicula cor*, *C. purpurea*, *Corbiculina tibetensis*, *C. ferghanensis*, *Sinanodonta orbicularis*, *S. gibba* lar 1 m². da 2 - 4 tadan tarqalgan. Buyerda mollyuskalar 0,2 - 2,8 metr chuqurliklarda qamish va suv o'tlari ko'p o'sadigan biotoplarda yashaydi va ba'zi vaqtlarda qumoq, toshloq joylarda yakka holda ham uchraydi.

Jizzax suv ombori - Jizzax viloyati hududida barpo etilgan. Maydoni 12,7 km, chuqurligi 26 m. Eng keng joyi 5, 1 km, uzunligi 3,3 km ni tashkil etadi.

Suv omborda ikki pallali mollyuskalarning 8 turi yashaydi, ular 2 oila va 3 urug'ga mansub. Unionidae oilasi: *S.gibba*, *S.puerorum*, *C. cyreum sogdianum*, *C.ponderosum volgensye*, Corbiculidae oilasi: *C. cor*, *C.purpurea*, *C. tibetensis*, *C.ferghanensis*.

Unda mollyuskalar 2 xil biotoplarda tarqalgan. Jizzax suv ombori qo'ltiqlarida va uning o'ng sohilida xitoy tishsizlaridan 3 tur xamda *Colletopterum cyreum sogdianum*, *C.ponderosum volgensye*, *Corbicula cor* yashaydi. Suv omborining suv qo'yiladigan chap sohilida va suv chiqarish kanalida : *Corbicula cor*, *C.purpurea*, *Corbiculina tibetensis*, *C.ferghanensis*, *S.gibba* lar 1 m². da 3 - 5 tadan uchraydi. Mollyuskalar suv omborining loy bosgan 0,2 - 1,8 metr chuqurliklarda suv o'tlari ko'p o'sadigan joylarda yashaydi.

Jizzax suv omborida suv osti loylarida – peloreofillarning 6 turi *S.gibba*, *S.puerorum*, *C. cor*, *C.purpurea*, *C. tibetensis*, *C.ferghanensis* va suv osti balchiqlarida – pelolemnofillardan 1 kenja tur *C.ponderosum volgensye* yashaydi. Suv omborining oqar suvlarida – reofillardan *C. cyreum sogdianum* yashashi o'rganilda. Suv omborida peloreofillar 75 % , pelolimnofillar 12,5 % , reofillar 12,5 % tashkil etadi.

Chimqurg'on suv ombori – Qashqadaryo o'zanida 1959 yilda qurilib ishga tushirilgan. Suv yuzasining umumiy maydoni 49,2 km², uzunligi 17,5 km, chuqurligi 33 m. Umumiy suv sig'imi 500 mln. m³. U Qamashi, Koson, Qarshi, G'uzor tumanlari maydonlaridagi 188 ming ga ekin maydonlarini suv bilan ta'minlaydi. Suv omborda baliqchilik rivojlantirilgan. Eski Angor kanali orqali Zarafshon daryosidan suv oladi. Zarafshon daryosida tarqalgan ikkipallali tishsizlar baliqlar bilan Eski Anhor kanali orqali Chimqurg'on suv omboriga o'tgan

Chimqurg'on suv omborida mollyuskalarning 8 turi va 2 kenja turi tarqalgan. Unionidae oilasidan *S. orbicularis*, *S.gibba*, *S.puerorum*, *C. cyreum sogdianum*, *C.ponderosum volgensye*, Corbiculidae lardan *C. cor*, *C.purpurea*, *C.fluminalis*, *C. tibetensis*, *C.ferghanensis*. Suv ombori qo'ltiqlarida va uning o'ng sohilida mollyuskalardan *Sinanodonta orbicularis*, *S.gibba*, *S.puerorum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *C.ponderosum volgensye*, *Corbicula cor* yashaydi. Ular orasida birinchi, ikkinchi va oxirgi turlar son jihatidan ko'pdir. Suv omborining suv qo'yiladigan chap sohilida va suv chiqarish kanalida mollyuskalardan: *Corbicula cor*, *C.purpurea*, *Corbiculina tibetensis*, *C.ferghanensis*, *Sinanodonta orbicularis*, *S.gibba* lar 1 m². da 1 -3 tadan tarqalgan. Bu mollyuskalar inson tomonidan barpo etilgan suv ombori biotoplarida yashashga moslashgan va tarqalish areallari kengaygan. Suv omborida ikkipallali mollyuskalar 3 xil ekologik guruhga: pelolimnofil, pleoreofil, reofillarga mansubdir. Chimqurg'on suv omborida peloreofillarning 8 turi *S. orbicularis*, *S.gibba*, *S.puerorum*, *C. cor*, *C.purpurea*, *C.fluminalis*, *C. tibetensis*, *C.ferghanensis* lar reofillardan *C. cyreum sogdianum* va pelolimnofillardan *C.ponderosum volgensye* tarqalgan. Suv omborida peloreofillar 80 % , pelolimnofillar 10 % , reofillar 10 % to'g'ri kelardi.

Bizning suv havzalarimizga Moskva viloyatidan tovonbaliq, Uzoq Sharqdan o'simlikxo'r baliqlar, Orol daryosidan oq sla, oqcha, Issiqko'ldan Issiqko'l gulbalig'i, pelyad baliqlari muvaffaqiyatli iqlimlashtirildi. Natijada iqlimlashtirilgan baliqlar evaziga respublikamiz hududidagi baliq turlarining

soni ortdi va shunga bag'liq holda baliq mahsulotlari yetkazishning salmog'i oshdi

Bu baliqlarning inson tomonidan borpo etilgan suv havzalarida tarqalishi ikkipallali mollyuskalarning ham tarqalishiga olib kelgan. Keyingi yillarda ikkipallali mollyuskalarning Unionidae oilasi Colletopterum bastrianum, C. cyreum sogdianum turlarning soni kamayib bormoqda. Ular sonining kamayishining asosiy sababi erta bahorda mollyuskolarning urchish davrlarida suv omborlari suvi hajmining keskin pasayishi, suv havzalarining qirg'oqqa yaqin joylariga qo'yilgan mollyuskalar lichinkalari - giloxidiyalarining quruqlikda qolib nobud bo'lishi, ko'plab kichik mollyuskalarning suv havzalaridan oqim bo'ylab kanallar orqali ekinzorlarga tushib nobud bo'lishi kabi hodisalar sabab bo'lmoqda.

Inson tomonidan borpo etilgan suv omborlari mollyuskalarini har tomonlama o'rganish natijasida quyidagi xulosalarga keldik: jami bo'lib suv omborlarda katta ikki pallali mollyuskalarning 8 tadan 10 tagacha turlari yashaydi. Faqat tekisliklardagi suv omborlarda Unionidae va Corbiculidae oilalari turlari tarqalgan. Barcha mollyuskalardan: Sinanodonta gibba, S.orbicularis, S.puerorum lar suv omborlari malakofaunasi uchun ilk bor ko'rsatilmoqda.

Kattaqo'rg'on suv ombori tekislikda joylashganligi sababli buyerda iqlimlashtirilgan baliqlar bilan mahalliy mollyuskalarga Xitoy tishsizlari qo'shilgan hamda suv omborlarining Zarafshon daryosidan suv olganligi va tashkil etilganligiga uzoq muddat bo'lganligi sababli uning malakofaunasi boshqa suv omborlariga qaraganda birmuncha boy.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki Suv omborlarda tarqalgan katta ikki pallali mollyuskalardan: Colletopterum bastrianum, C. cyreum sogdianum, Corbicula cor, C.purpurea va C. fluminalis noyob, endemik va sonini kamaygan turlar bo'lganligi sababli, O'zbekiston Respublikasi «Qizil kitobi» ga kiritilgan va himoyaga olish uchun tavsiya etilgan (2006). Barcha ikki pallali mollyuskalar yaxshi filtratorlar hisoblanib, ifloslangan suvlarni tozalashda muhim rol o'ynaydi.

Adir mintaqasida barpo etilgan suv omborlarda ikkipallali mollyuskalar faunasining shakllanishiga quyidagilar ta'sir etgan 1.Suv omborining daryolardan suv olishi daryolarda tarqalgan turlarning suv omboriga tarqalishiga olib kelganligi o'rganildi. 2.Suv omborlarida baliqlarning iqlimlashtirilishi natijasida baliqlar bilan mollyuskalar kelib qolgan va tarqalgan.

GAZ VA GAZSIMON MODDALARNING EKOLOGIYAGA ZARARLI TA'SIRINI O'RGANISH VA CHIQUINDISIZ TEXNOLOGIYALARNI TADBIQ ETISH.

*Jo'rayeva Dildora Ziyadulloyevna NavDPI huzuridagi
KAT akademik litseyi kimyo fani o'qituvchisi*

Atmosferaga chiqarilayotgan gaz va gazzimon chiqindilar tarkibi, sifat-miqdor ko'rsatkichlari, ularning hosil bo'lish manbalari, chiqindi gazlar ishtirokida havo muhitida boradigan kimyoviy reaksiyalar va oqibat-natijada, hozirgi davrda vujudga kelgan bir qator umumbashariy ekologik muammolarni muhokima qilsak.

Havo muhitining ifloslanishini keskin cheklash va bo'lg'usi yangi muammolarning oldini olishning eng muhim yo'li, bu chiqindi gaz va gazzimon

turli organik moddalar hosil bo'lish jarayonlarning eng samaradarligini amalda keng qo'llash hisoblanadi. Buning uchun, dastavval, mavjud texnologik jarayonlarni takomillashtirish yoki yangi «chiqitsiz texnologiya» yaratish orqali katta ekologik ijobiy natijaga erishish mumkin.

Yuqoridagilardan kelib chiqib ham, dunyo hamjamiyati, xususan, BMT barcha rivojlangan davlatlar e'tiborini Yerda mavjud bo'lgan barcha hayotiy omillar muhofazasini ta'minlashga qaratmoqda. Birinchi navbatda, o'ta qizigan zararli chiqindi gazlarni havo muhitiga iloji boricha kamroq chiqarishga erishmoq lozim. Havo muhitiga hozir ham chiqarilayotgan chiqindilar tarkibida, nafaqat karbon, azot va oltingugurt oksidlari, shuningdek, o'ta xavfli organik moddalar bug'lari har xil qattiq moddalarning changsimon juda mayda dispers zarrachalari ham bo'ladi. Ular bir-birlaridan kimyoviy va fizik kimyoviy xossalari, molekulasining kattaligi va tuzulmasi bilan keskin farqlanadi. Lekin shunga qaramay, barcha turdagi havoga tashlanayotgan chiqindilar majmuiga «aerozol sistema» lar deb ularni tahlil qilish, tavsiflash va bartaraf etish zararsizlantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish dolzarb masalalardan hisoblanadi. Gaz va qattiq moddalardan hosil bo'lgan aerezollarni, umumiy holda, ikki xil faza va kattalikdagi zarrachalardan tashkil topgan murakkab (kompozit) sistema deb qarash mumkin. Bunda gaz va gazsimon moddalar molekularidan iborat bo'lsa, qattiq modda aralashmalari 0,05 mkm dan 100 mkm gacha kattalikdagi zarrachalardan iborat bo'lar ekan. Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, havo tarkibidagi chiqindi gazlarni ajratib ushlab qolish, ularning molekularini o'ziga shimdirilgan jism-material (sorbent) yuzasi yoki hajmi bo'ylab diffuziyalanishiga asoslangan. Diffuziyalanish jarayoni bir xil kechmagandek, zararli gazlarning ushlab qolinishi yoki turli kimyoviy reaksiyalarga uchratib zararsiz tarkib-tuzilma holatiga o'tkazilishi ham har xil usullar bilan amalga oshiriladi.

Atmosferaga chiqarilayotgan chiqindilar tarkibida o'ta zararli gazlarning miqdorlari ancha yuqori 1 foiz va undan ortiq darajalar bo'lsa, eng samarali «protivok» usuli ishlatiladi. Chunki aynan shu usul bilangina zararli gazlar suyuqlik bilan nisbatan ko'p kontakt to'qnashishda bo'ladi. Havodagi zararli gazlar miqdori aytarli darajada yuqori bo'lmagan holatlarda, «pyamatokli» skrubber apparatlaridan foydalaniladi. Ularda gaz molekularining suyuqlik bilan birga to'qnashishi ehtimolini oshiradigan maxsus texnik jihoz va vositalar ishlatiladi. Bunda, odatda, gaz oqimiga suyuqlik purkalishi yoki chiqindi gazlar suyuqlikka barbotirlanish jarayonlari amalga oshadi.

Agar havoga chiqarilayotgan zararli gazlarning konsentratsiyalari umumiy chiqindi hajmida unchalik yuqori bo'lmagan holatlarda qattiq sorbent moddalar ancha uzoq, hatto bir necha oylab ishlashi mumkun, so'ngra regeneratsiya qilinib qayta tiklanib takror foydalanilishi ham mumkin. Ammo chiqindi gazlarning sifat va miqdor ko'rsatkichlari juda yuqori darajalarda bo'lganda sorbent namunalari tez-tez almashtirilib turilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Olimlar tomonidan o'tazilgan ko'plab tadqiqotlar natijasiga ko'ra, bir qator qattiq adsorbent moddalar uzluksiz ravishda, gazlarni yoki boshqa tur gazsimon chiqindi moddalarni zararsizlantirishda juda ko'p martalab «protivok» sistemasidan foydalaniladi. Xullas, misol sifatida qayd etish mumkin oltingugurt angidridi (SO_2) va serovodorot (H_2S) gazlar ajratib olinadi. Demak, atmosfera

muhitiga bu kabi zararli gazlar chiqishi bartaraf etilib, havo muhitining muhofozasi ta'minlandi.

Agar chiqindi gazlarni yondirish jarayonlarida katta miqdorda issiqlik energiyasi sodir bo'ladigan bo'lsa, albatta, undan malum energetik omil sifatida foydalanishni ham nazarda tutiladi. Issiqlik energiyasidan ishlab chiqarishdagi turli texnologik maqsadlarda yoki, hech bo'lmasa komunal xo'jaligi binolarni isitish, suvni qizdirish kabi ishlarni bajarishga sarflanadi.

Chiqit gaz va gazsimon moddalarni yondirib bartaraf etish jarayonlari katalitik tarzda ham amalga oshirilishi mumkin. Buning uchun ko'pincha geterogen katalizatorlar ishlatiladi. Amalda gazlarni katalizator yoki katalitik sistemalar vositasida yoqish jarayonlarini o'tkazishda, odatda, ularning oksidlanish reaksiyalari samarali bo'lishi uchun zarur bo'lgan temperatura ko'rsatkichi ancha past darajada bo'lishiga e'tibor qaratilmog'i zarur.

Nihoyat, shuni ham takidlab o'tmoq kerakki kimyoviy tarkibi va sifat - miqdor ko'rsatgichlariga qarab yuqorida tavsiflangan u yoki bu usulni qo'llab har qanday chiqindi gazlar zararsizlantiradi. Shunday chiqindilar ham bo'lishi mumkinki ular hech bir texnologik jarayonga uchramasligi, ya'ni kimyoviy o'zgarib zararsiz holatlarga o'tmasligi mumkin. Ana shunday holatlarda albatta maxsus usullardan foydalanishga to'g'ri keladi.

СУВ ТАЪМИНОТИНИ ТИЗИМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАГА ЭРИШИШ.

ассистентлар Б.М.Норқулов, Д.О.Таджиева.,

талаба Б.Ш.Абдуллаев-СамДАҚИ

Мамлакатимиз ҳозирги кунда ривожланган давлатлар қаторига қўшилаётган бир даврда, айниқса ишлаб чиқаришни ривожлантириш янгидан-янги техника ва технологияларни жорий этиш, қўл меҳнати билан амалага ошириладиган ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Сув таъминоти тармоқлари тизимининг ишлашини автоматлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу тизимларни автоматлаштириш эвазига юқори иқтисодий самара эришилади. Бизга маълумки, сув таъминоти тизимлари бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб иншоотлар бирикмасидан иборатдир.

Тизимларни автоматик равишда бошқариш эвазига сув билан таъминлашда қуйдаги иқтисодий самараларга эришилади:

- **Техник иқтисодий самара** - бу ўз навбатида ўзаро боғлиқ бўлган сув таъминоти тизимларини узлуксиз ишлашини таъминлайди, тизимни бошқарилаётган ишчиларни хатоси оқибатида бўладиган аварияларни олди олинади;

- **Иқтисодий самара** - сувни истеъмолчиларга етказиш (узатилиш) таннархини пасайишига олиб келади, тармоқларга хизмат кўрсатадиган ишчилар сони камайтиради.

Автоматлаштириш сув таъминоти тизимидаги иккинчи босқич насос станцияларининг ишлашини сув истеъмоли нотекистик коэффициенти қийматлари бўйича бошқариб, автоматик равишда кам сув истеъмол

қилиниши вақтида ортикча насосларни ўчириб ёки зарур бўлганда ишга тушириш имконини беради.

Сув таъминоти тизимларини автоматлаштириш жараёнида қуйидаги шартларни амалга ошириш зарур:

- Диспетчеризация схемаларини тўғри танлаш;
- Иншоотларни автоматлаштириш даражасини тўғри танлаш;
- Автоматлаштириш хажмини тўғри танлаш;
- Автоматик жиҳозларни унумли, кам сарф-ҳаражатлиларини танлаш.

Диспетчерлик схемалари: Марказлаштирилган бошқарувда диспетчерлик схемасининг тўғри танланиши сув таъминоти тизимини бошқаришни иқтисодий самарадорлигини оширади. Бундай диспетчерлик схемаси қуйидаги шартлар асосида танланади:

1. Диспетчерлик бошқарув хизмати орқали сув таъминотининг ҳамма иншоотларини бошқариши ва назорат қилиниши;
2. Ҳамма бошқариш ва назорат жараёнлари қўшимча босқичсиз, тез ва оператив бажарилиши;
3. Диспетчерлик хизматини ташкил этиш, жиҳозлаш, алоқа тармоқларини ўтказиши ва кам ҳаражатли бўлиши;
4. Диспетчерлик хизматларидан фойдаланиш, иш юритиш минимал сарф-ҳаражатли бўлиши зарурлиги.

Сув таъминоти тизимларини автоматлаштирилиш ҳажми: Сув таъминоти тизимларининг автоматлаштирилиш лойиҳаларига, тизимнинг ҳамма қисмларига автоматлаштириш жиҳозлари ўрнатишга ҳаракат қилинади. Кузатишлар натижасида маълум бўлишича, тизимнинг ҳамма қисмини автоматлаштириш, тармоқдан фойдаланишни таннархини ошириб юборишдан ташқари, жиҳозларга хизмат кўрсатишни мураккаблаштиради ва бу ўз навбатида капитал сарф-ҳаражатларни кўпайтириб, унинг иқтисодий самарадорлигини тушириб юборади.

Кўп ҳолларда автоматлаштириш жараёни тўғри амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки айрим ҳолатларда бир насосни икки жойи (кириш ва чиқиш) асосланмаган ҳолда автоматлаштирилади, бу эса ўз навбатида ортикча ускуналарни ўрнатишга олиб келади. Фойдаланиш вақтида ускуналар тез-тез ишдан чиқиб туради.

Бундан кўриниб турибдики, сув таъминоти тизимини лойиҳалаш жараёнида автоматлаштирилган жиҳозлар сони минимал бўлиши керак. Бу эса тизимни автоматлаштириш жараёнини иқтисодий самарага эришилган бўлади.

Телемеханизациялаш ҳажми: Ишлаш жараёни ўзаро боғлиқ бўлмаган нотекис ишловчи ҳамма иншоотлар телемеханизациялаштирилади. Ер остидан сув олувчи сув таъминоти тизимларида телебошқарув амалга оширилади:

1. Тармоқларга ишловчи артезиан қудуқларига ўрнатилган насос агрегатлари;
2. 2- босқич насос станциялари;
3. Юқори босим остида ишлайдиган ёнғини ўчириш учун сув таъминоти тизимининг насос агрегатлари;

4. Паст босимли ёнғин ўчириш учун хўжалик сув таъминотининг насос станциялари;
5. Тармоққа ишловчи, бир нечта насос станцияларига эга бўлган, сув босимини ошириб турадиган насос станциялари.

Телемеханизациялаш ҳажми белгиланаётганда қуйдаги қоидаларга риоя қилиниши керак:

- Телемеханизациялаш ҳажмини минималлаштириш ва фақатгина технологик жараёнга таъсир кўрсатувчи агрегатларгина бундан мустасно бўлиши;

- Телебошқарилаётган ва назорат қилинаётган иншоотлардан олинган назорат маълумотлари ва сигналлар диспетчер пунктига узатилади. Бу маълумотларсиз иншоотлар ишини назорат қилиб бўлмайди.

Бундан кўришиб турибдики, сув таъминоти тизимини автоматлаштириш эвазига сув таъминоти тизимини ишлаш ишончилиги ошган ҳолда сув сарфини эҳтёжга яраша ишлатилиши ва қул билан амалга оширилаётган ишларни автоматлаштириш эвазига иқтисодий самарага эришилади.

СУВ ИНШОТЛАРИ ВА ЙЎЛ ҚОПЛАМАЛАРИНИ ҚУРИШДА МАЙДА ДОНАЛИ БЕТОНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

*Кулдашев Х т. ф. н. доцент, Бурибоев Ш.А. т.ф.н.,
Бердукулов А.А. магистрант (СамДАКИ)*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг саноатнинг барча соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, қурилиш соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса сув иншоотлари, йўл ва аэродром қопламалари қурилишида дисперсли (толасимон) материаллар билан арматураланган майда донали бетонларни қўллаш кенгайиб бормоқда.

Дисперсли арматураланган майда донали бетонлар ўзининг бир қанча устувор тавсифларига эга бўлиб, бунда бетоннинг айрим камчиликлари дисперс толаларнинг ижобий хоссалари орқали тўлдирилади. Маълумки, майда донали бетонларда цемент, қум зарралари ва дисперсли толаларнинг ўлчамлари таққосланганда ўзаро яқин нисбатни кузатиш мумкин. Жумладан, таркибга киритилган дисперс тола цемент матрицаси учун худди одатдагидек арматуралаш вазифасини ўтайди ва микроматрицанинг ташкил этувчиларини ўзаро бирлаштириб, яхлит “скелет-тузилиш”ни ҳосил қилади, яъни, тузилишда ҳосил бўладиган чўзилиш кучларини ўзига қабул қилади ва бетон матрицасининг ёрилишига қаршилик кўрсатади,[1,3].

Бетон матрицасининг таркиби ва хоссаларидан фарқ қилувчи, унинг мустаҳкамлик (жумладан, эгилиш, чўзилиш ва емирилиш) кўрсаткичларини оширувчи дисперсли материалларнинг самараси қўлланиладиган толасимон компонентларнинг тўрига, цемент матрицаси билан мустаҳкам бирикишига, ҳосил бўладиган контакт зонасининг сифатига, толаларнинг цемент гидратацияси ҳосилалари таъсирига нисбатан кимёвий чидамлилигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Майда донали бетонларга юқорида айтиб ўтилганидек, ижобий хусусиятларни берувчи толалардан бири полимерли дисперс толалардир. Бетон қоришмаси полимер толалар билан арматураланганда унинг пластик хусусияти яхшиланади, ҳажмий қисқариш ёриқларнинг пайдо бўлиши кескин камаяди (масалан, металл фибраларга нисбатан), яъни, бетон қоришмаси пластик ҳолатда бўлган вақтдаёқ толалар адгезияланиши ҳисобига микро ва макро ёриқларнинг ҳосил бўлишига ҳалақит беради.

Полимерли фибралар бетонда салбий катод самарасини ҳосил қилмайди ва зангламайди. Шу сабабли полимер фибрала бетонлар муттасил ташқи муҳит таъсирида бўладиган конструкцияларда қўлланилганида юқори самарага эришиш мумкин. Бундай конструкцияларнинг бетони турли хил зўриқишларга (масалан статик, динамик, даврий такрорланувчи ва ш.к.) чидамлилиги, ҳароратлар фарқига турғунлиги ҳамда ишқорли муҳит таъсирига бардошлилиги билан фарқланади. Айниқса, бетоннинг қотиши жараёнида ҳажмий чўкиш деформацияланиши камаяди ва технологик ёриқлар ҳосил бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ишда полимерли толалар билан дисперсли арматураланган майда донали бетонларнинг мустаҳкамлик хоссаларини тадқиқотлашдан иборатдир. Тадқиқотларни ўтказиш учун “Қизилқумцемент” ОАЖнинг фаоллиги 40МПа бўлган шлакли портландцементи, Жума қум карьерининг донадорлиги 0,16...5 мм бўлган кварц қуми ишлатилди. Қумнинг ҳақиқий зичлиги-2,58 г/см³, уйма зичлиги-1440 кг/м³, намлиги-6%, сув талабчанлиги-10%, солиштирма юзаси эса -60 м²/кг.

1м³ майда донали бетон учун материаллар сарфи: цемент-400 кг, кварц қуми-1700 кг, сув-205л. Нисбатларда қуйидагича ифодаланади: Ц:К=1:4,25, бунда С/Ц=0,53

Бетоннинг зичлиги $\rho_b = Ц + К + С = 400 + 1700 + 215 = 2315$ кг/м³.

Дисперсли арматура сифатида диаметри 0,1...0,5 мм, узунлиги 4...8 мм бўлган полимер толалари қум массасига нисбатан 1,5% миқдорда олинди [2]. Ишлатилган полимер толаларнинг ҳақиқий зичлиги-1,8 г/см³, чўзилишдаги мустаҳкамлиги 140...160 МПа. Полимерли бетон таркиби (1м³ бетон учун): полимер толалари-1700*0,015=25,5 кг; кварц қуми 1700-25,5=1674,5 кг. Цемент ва сув сарфи ўзгартирилмай қолдирилди. Нисбатлар қуйидагича бўлади: Ц:К:П=1:4,19:0,06, бунда С/К=0,53.

Танланган таркиблар бўйича ўлчамлари 10x10x10 см куб ва 10x10x40 см куб призма намуналар тайёрланди. Намуналарнинг мустаҳкамликлари мос ҳолда 28, 60 ва 90 кун муддатларда синаш орқали аниқланди. Ўтказилган тажрибалар натижасидан маълум бўлдики, 1,5% полимер толалари қўшилган майда донали бетоннинг кубик ва призмавий мустаҳкамликлари ўртача 20...22 % юқоридир (одатдаги полимерсиз таркибли бетонниқига нисбатан).

Бу шундан далолат берадики, полимер толалари билан дисперсли арматураланган майда донали бетонларни сув иншоотлари ва йўл қопламаларига қўллаш орқали уларнинг мустаҳкамлик ва деформацион хоссаларини сезиларли яхшилаш имконини беради, қопламаларнинг ишлатилиш муддати узаяди ва бир хил мустаҳкамлик таъминланганда эса, цемент сарфи сезиларли тежалади.

ВОЗМОЖНОСТИ ДИАГНОСТИКИ ОСТРОГО ПАНКРЕАТИТА НА ДОГОСПИТАЛЬНОМ ЭТАПЕ СКОРОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ

*Захидова С.Х., Шодмонова З.Р. Самаркандский филиал РНЦЭМП
Самаркандский медицинский институт*

Актуальность. Острый панкреатит - полиэтиологическое заболевание сопровождающиеся деструктивным поражением паренхимы поджелудочной железы, окружающих органов и тканей аутолитического характера с присоединяющимся воспалением и возможным инфицированием. В индустриальных странах наблюдается 10-20 случаев на 100 000 населения (Р. Lankisch, 1997) и составляет 0,47% всех соматических заболеваний. Среди всех хирургических заболеваний острый панкреатит выявляется 11,8% (Г. Акжигитов 1974), а в экстренной абдоминальной хирургии составляет 3% (В.С. Савельев с соавт., 2007).

Острый панкреатит в 15-20% случаях носит деструктивный характер, а в 70-80% происходит инфицирование (В.С. Савельев с соавт. 2000г.). 85% наблюдений встречается легкая форма острого панкреатитат, 15% тяжелая форма, 60% стерильный некроз, а в 40% случаях инфицированный некроз. Смертность от острого панкреатита составляет 10-30%.

Причины развития острого панкреатита: желчнокаменная болезнь (40%), употребление алкоголя (30%), неустановленная причина (20%), редкие причины (10%) - осложнение РПХГ, послеоперационный, травма живота, медикаментозный (тетрациклин, эритромицин), метаболические нарушения (гиперлипедемия)(Н. Veger 1998).

Цель работы. Определить информативность клинических симптомов острого панкреатита на догоспитальном этапе скорой медицинской помощи.

Материалы и методы. Нами изучен материал работы скорой медицинской помощи за период 2005-2015 годы. Всего больных с острой хирургической патологией обслужено 16690. Из них больных с острым панкреатитом нуждавшихся в экстренной хирургической помощи было – 2250, из них мужчин было 985 (43,8%), женщин – 1265 (56,2%). Острый панкреатит в структуре ургентной абдоминальной патологии занимал 13,7%. Для обработки данных использовались карты скорой помощи. Диагноз верифицировался по контрольным талонам к сопроводительному листу, а также на основании историй болезни после выписки больных из стационара.

Результаты. Среди больных острым панкреатитом 43% больных были старше 50 лет, мужчины составили 73%. Удовлетворительное состояние отмечалось у 12% больных, средне-тяжелое у 84%, и тяжелое с явлениями циркуляторного шока у 4% больных. У 75% больных заболевание проявлялось болями высокой интенсивности, средней у 13% и низкой – интенсивности в 3,7% случаях в эпигастральной области, причем в 93% случаев боль иррадиировала в спину или носила «опоясывающий» характер. Болевой синдром у всех больных сопровождался диспепсическими явлениями, причем рвота наблюдалась у 70,8% больных. Артериальное давление в 26% случаев было сниженным до 100/70 мм. рт. ст. и ниже, повышение же артериального давления выше 140/90 мм рт. ст. наблюдалось у 23,5% больных. В 27,2% случаев симптом Щеткина-Блюмберга был

положителен в эпигастральной области, а в 10,9% случаев носил сомнительных характер. Симптом Керте отмечался в 64% случаев, Мейо-Робсона в 45,4%, Воскресенского в 74,5%. У больных с выраженным циркуляторным коллапсом на фоне ферментативно-токсического шока частым явлением были симптомы, свидетельствующие о наличии панкреато-кардиоваскулярного синдрома: симптом Мондора (94,0%), симптом Турнера (51,4%), симптом Лагерлефа (29,2%), симптом Девиса (17,1%). Кроме этого у данной группы больных о наличии панкреато-кардиоваскулярного синдрома свидетельствовали и изменения электрокардиограммы(ЭКГ): смещение сегмента ST от изолинии; снижение вольтажа, увеличение зубцов Р во II и III отведениях (в 11% случаев), увеличение интервала Q-T (в 42% случаев).

Выводы. Наиболее характерными признаками деструктивных форм панкреатитов, осложненных наличием панкреато-кардиоваскулярного синдрома и циркуляторного коллапса, являются симптомы Мондора, Турнера, а так же характерные изменения на ЭКГ, что и играет важная диагностическая значимость в догоспитальном этапе больных с острым панкреатитом.

ИНСОН МАЪНАВИЯТ МУЛКИ – БУ АҚЛ

Зохидова С.Х., тиббиёт фанлари номзоди

Республика Шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали

Доншиманд дебдиким:

*“Ақлинг билан қара, кўз хоиндур,
қалбинг билан эшит, қулоқ ёлгончидир!”*

Фикр ақлнинг кузгусидир.

Ақл билан иш курувчи одамни “ақлли” деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагина баъзан “ахмоқ”, баъзан юмшоқроқ тарзда “ақлсиз” ёки “эсипаст” ёки “эси йўқ” деб қўямиз.

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса будир: *ҳикмат, ақл, қаноат, адолат.*

Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга;

- тадбир, сабр, назокат, марҳамат - ақлга;

- ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ - қаноатга;

- тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ - адолатга тегишлидир.

Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни гангитиб қўймайди.

Энг катта кулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди.

Ҳикмат - битмас, туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. *Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди.*

Ақл - эса саховат эшиклари ва саодат хазиначарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу уқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ал ҳукмронлик қилиши керак. *Ақлини* йўқотган куни ўзини фалокатга отган бўлади. *Ақлсиз* бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири - табиий, онадан туғма бўлади; иккинчиси - касбий, яъни тажриба воситасида эришилади.

Нафс буйруғига бўйин эгса, хор-зорлик гирдобидида ҳалок булади. Чукни *ақл улуглиққа, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди*. Арслон йиртқичлиги, тулки айёрлиги, инсон эса ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоки билан кун кечиради. Ақл ва фаросат қуёшга ўхшайди. Бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди.

Ҳазрат Навоий ақлни гавҳарга қиёслаганлар ва деганларки: “*Гавҳар балчиққа тушгани билан қиймати камаймас*”. Эшакмунчок тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг бахоси пастлигини унутмас.

*Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки эрур йамон ликолиғ.
Ҳар неча қоронғу бўлса хужра,
Шамъанда бўлур фузун зиёлиғ.*

Дейилмоқчиким, қиз агар хунук бўлса, безак билан чирой топа олмайди. Хужра ҳар қанча қоронғу бўлса ҳам, шамнинг равшан нурини бўға олмайди, аксинча, қоронғу хужрада шамнинг нури қадрлироқ бўлади.

Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл туфайли яхшилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун ихтиёримизни хайрга сарф этиш - ақлимиз қўлидадир. Киши молсизликдан қашшоқ бўлса-да, ақлдан бой бўлишга тинмай интилиши керак. Чунки мол билак бой булгандан ақлда бой булган афзалроқдир. Ақл билан мол топилса булади, мол билан ақл туплаб булмайди.

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан ҳуррам ва шодликда ўтказади, Нодон киши ҳисобсиз молу давлат билан доимо ғам-алам тортиб саргардонлик билан кун кечиради.

Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга боғлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улуғ мухтарамдир.

*Ақл - нафсининг зиндони,
- ҳою ҳавас эса оромгоҳи ҳисобланади.*

Ҳою ҳавас турли хил иштиёқ ва орзуларни нафс олдиға тухфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни ақл ман қилади. Демак, кишининг нафси ҳою ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир.

Шунинг учун оқил инсон нафс йўлиға кирмай, ақл садосига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлайди. Киши бахт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этганки, бу ҳам бизлар учун ибратдир.

Алломаларнинг бу гузал фикриға қулоқ тутинг:

Бадан - нафс ўлкаси ва шаҳридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса улканинг ёритувчи фонусидир.

Ақл - уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг миршабларидир. Ғазаб инсонга тўғри йўлни кўрсатаётгандек туюладиган, аслида эса, ёмонлик ва тузоқ ҳозирлаб қўйган қулдир. У аввал насихат қилиб туради, кейин ўлдиради. Қалбни оқ кўнгил вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги *хаё* кўриқчи мисолдир.

Ақл ўртасида эса, фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса, ақлнинг орқа қисмида жойлашган. Тил таржиймон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчиларидир. Уларнинг ҳар бирига муайян вазифа топширилган. *Кўз* ранглар эламида, *қулоқ* овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли вазифаларни бажаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хабар манбаидир. Улар ўзлари билган нарсани нафсга етказадиган эшикбон сингаридирлар.

Подшоҳ мартабасидаги *Қалб* дуруст бўлса, қўл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бўлса, қўл остидагилар ҳам шундай бўлади.

*Қалб*гина, ғазаб, сабрсизлик, ҳирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бўлмаслик каби ботиний хасталиклардан *фориг* бўлсагина нажот топиб, ҳаловатга эришади.

Ақл - Аллоҳ берган энг буюк инъом. У бизни эҳтиросларимиз за нуқсонларимиздан баланд тутибгина қолмай, фазилатларимиз, истеъдод ва эзгуликларимиздан мақсадга мувофиқ фойдаланишда ёрдам беради. Зеро, ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими - бор ақлни ишлата билиш керак.

Донолар орасида: *«айримларда ақл зўриқиши туфайли барбод бўлади. Аксарият инсонларда эса ишлатилмаганидан моғорлаб кетади»*, деган гап ҳам бор. Ҳаётда чарчаш туфайли барбод бўлишни кам учратамиз, аксинча, ақлнинг моғорлаб кетгани кўп учрайди.

Ҳар бир одамнинг оз бўлса-да, ўз ақли бўлгани яхши. Чунки *Фирдавсий* ёзганларидек:

Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,

Ақлдан борлигу йўклигу камлик.

Инсон дунёда ўз ақли билан яшамоқ учун туғилади. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда кам. Кимнингки ўз ақли йўқ экан, ҳамма одамларнинг бирваракай ақли ҳам наф беролмайди. Кўзи ожис одам бу нуқсонини ёнидагилар ҳисобига тўлдиролмайди. Қаерда етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди.

Бу ўринда фақат ўз ақлига маҳлиё бўлиб, ўзбилармонлик билан кун кўришнинг ўз ақли билан яшашга интилишдан фарқлаб олиш керак. Яъни ҳар нарса меъёрида бўлиши афзал. Меъёрдан ошилса, *биринчи ҳолатда мазрурлик ва кибр иккинчисида эса танбаллик, лоқайдлик нишонлари кўринади.*

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «Оғзи куйган қатақни пуфлаб ичади», деган мақоллар маъзини чақиш керак. Бу мақолл ақлли одамларга нисбатан айтилган. Ҳар қандай ақлли одам йўлида озми-кўпми, қоқилиб туради. Ақлли одамлар тубан ва яра муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишга зарур. Муайян вазиятда ақлини йўқотмаган одам

умуман ҳеч нарса йўқотмайди. Кимки кўр-кўрона номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўғри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп йўл юрса, шунча кўп адашади.

Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва бу тиканни чиқариб олмасдан уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, кўзини ишқай бошласа, мутлок қур булади. Ақлли одам кўпнинг раъйи билан ҳисоблашиб, унга ишониши лозим. Шу билан бирга, ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ солиши зарур. Ақлли одам ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмаслиги шарт. Чунки ҳар бир ишнинг ўз мукофоти ва оқибати мавжуд.

Ақл билан фалокатнинг олдини олган, саросимага тушмаган одам бахтиёрдир. Ақл ва иродага таянмаган одам бундай пайтларда нажот топа олмайди. Бахтсизлик юз берганда одамга ақлдан бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Шу боис ҳам донолар: *«Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир»*, дейдилар. Бу хислат кимда бўлса, унга илм ва ҳилм фазилати кўшилса, у одам шаън-шавкатга, иззат ва ҳурматга сазовор бўлади.

Қадим файласуфларидан *Демокрит*нинг *«Тана гўзаллигини, агар унинг заминида ақл ётмаса, ҳўкиз гўзаллигига ўхшатиш мумкин»*, деган фикрини эътиборсиз қолдирмаганимиз дуруст. Бу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки: жасоратсиз ақл - аёлга хос хислат.

Тирик одамнинг вазифаларидан бири ҳақ билан ботилни ажрата олиш. Ҳақиқатни эса фақат ақл нури билангина кўриш мумкин. Чунки инсонга хос барча фазилатларнинг энг олийжаноби ва муҳими ақлдир .

Ер юзида қанча инсон бўлса, ҳаммасида ўзига яраша ақл бор. Аммо барчанинг ҳаракати ҳам фақат инсонга хос гўзал ҳаракат эмас. Кимдир ўз ақли даражасида ҳўкизга, кимдир оловга, кимдир ёғоч санамларга топинади. Кимдир пайғамбарни Худонинг ўғли, бошқаси императорни куёшнинг ўғли, деб сиғинади.

Кимдир ақли туфайли шараф тожита эришади, яна кимдир ақли қосирлиги туфайли ё гиёванд бўлади ёки зинокорлигининг мукофоти сифатида «СПИД» каби хасталикка чалиниб, дунёни шармандалик либосида тарк этади.

Ривоятки, эшак билан туя ҳамроҳликда борар эдилар. Рўпараларидан дарё чиқиб, биринчи бўлиб туя сувга тушди.

Дарё чуқур эмас экан, сув қорнимдан келяпти, сенам тушавер, - деди туя эшакка.

Эшак дарё томон юрмай, орқасига тисарилиб, дедики:


- Эй дўстим, дарё сен учун чуқурмасдир. Ҳар ҳодда қорин билан қориннинг фарқи бор. Сенинг қорингдан келган сув мени кўмиб юборади-ку!

Ҳар ким ўз ақли ва қобилиятига қараб иш тутса, тўғри йўл танлаган бўлади. Акс ҳолда аввалроқ баён қилганимиз *«Сен ўзингни томдан ташлабсан, менинг сендан кам ерим борми. менам ташлайман!»* деганлар каби ақл неъматидан йироқлашамиз.

БИР УЧИ ҚИСТИРИБ, ИККИНЧИ УЧИ ШАРНИРЛИ МАҲКАМЛАНГАН СТЕРЖЕННИНГ ЭЛАСТИКЛИК ЧЕГАРАСИДАН KEYИН УСТИВОРЛИГИ

*Ж.И.Қулмирзаев 204 БваИК гуруҳи талабаси,
т.ф.д., доцент К.Исмайлов (СамДАҚИ)*

Тўғри ўқли стерженнинг сиқилиши эластиклик чеграсидан кейин рўй берса, сиқилиш диаграммасининг бирорта M нуқтасида юксизланганда кучланиш билан деформация орасидаги боғланиш тажрибаларнинг тасдиқлашича OA тўғри чизиғи бўйича аниқланмайди. Демак, стерженнинг юксизланиши сиқилиш диаграммасининг эгри чизиқли участкасидаги M нуқтадан чапда жойлашган MB оғма тўғри чизиғига ўтиш силлиқ бўлиб, M нуқтани муҳим нуқта эмас деб қараймиз (1,a-чизма). Бундай ўтиш M нуқтадан чапда жойлашган чексиз – кичик ораликда бирорта MC эгри чизиқ бўйича рўй берсин. Шундай қилиб MC эгри чизиқ умумий уринмага эга бўлсин (1,b-чизма).



1 – чизма.

Ўқи бўйлаб сиқилган стерженни иккиланган мувозанат ҳолатда деб қараймиз, унда стержен чексиз кичик эгилган, яъни бифуркация ҳолатида бўлади (2-чизма).

Тўғри ўқли стержен эластиклик чегарасидан кейин бўйлама сиқилганда эгилган ўқи дифференциал тенгламаси Эйлернинг устиворлик тенгламаси билан тўлиқ мос келади.

Сиқилган стержен эгилган ўқининг дифференциал тенгламаси интегралли материаллар қаршилигидан маълум бўлган критик куч миқдори, стержен учларининг маҳкамланиш турларини эътиборга олиб умумий ҳолда қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$F_{kp} = \frac{\pi^2 E_k I_{\min}}{(\lambda l)^2}. \quad (1)$$

Бу ерда

λ -стерженнинг эгилювчанлиги;

ℓ -стерженнинг узунлиги;

I_{\min} -кесимнинг минимал инерция моменти.

Критик F_{kp} кучнининг ўзгариши билан уринма модуль E_k миқдори ҳам ўзгаради ва у қуйдаги формуладан аниқланади:

$$E_k = \frac{d\Phi(\varepsilon)}{d\varepsilon}. \quad (2)$$

Бунда $\Phi(\varepsilon)$ функция стерженнинг эластиклик чегарасидан кейин сиқилишида кучланиш σ билан деформация ε орасидаги боғланишни ифодалайди:

$$\sigma = \Phi(\varepsilon)$$

Стерженнинг устиворлик мувозанат тенгламасидан фойдаланиб критик кучланиш ифодасини аниқлаймиз:

$$\sigma_{kp} = \frac{\pi^2 E_k}{\lambda^2}. \quad (3)$$

Юқорида келтирилган формулалардан критик куч (1), (2) ва критик кучланиш (3) миқдорларини аниқлаш қуйдаги формуладан критик деформацияни аниқлашга келтиради:

$$\frac{\Phi(\varepsilon_{kp})}{\frac{d\Phi}{d\varepsilon}(\varepsilon_{kp})} = \frac{\pi^2}{\lambda^2}. \quad (4)$$

Маълумки, чизикли эластик жисм учун критик деформация барча материаллар учун ўзгармас бўлиб, қуйдагига тенг бўлади:


$$\varepsilon_{kp} = \frac{\pi^2}{\lambda^2}. \quad (5)$$

Критик кучланиш билан стержен эгилювчанлиги орасидаги боғланишни график шаклда ифодалаш учун стержен эгилювчанлиги λ ни қуйдаги кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқдир:


$$\lambda^2 = \frac{\pi^2 E_k}{\sigma} = \frac{\pi^2 \frac{d\Phi}{d\varepsilon}(\varepsilon)}{\Phi(\varepsilon)}. \quad (6)$$

Бу ифодадаги критик деформация миқдорини бериш ва кейин ундан стержен эгилювчанлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисоб натижаларини график кўринишда келтирамиз:



2 – чизма.



3-чизма. Қурилиш пўлати учун критик кучланиш билан эгилувчанлик орасидаги боғланиш графиги.

Демак, чизмадан кўриниб турибди, мустаҳкамлиги 3150 kg/sm^2 бўлган пўлатдан ясалган устун учун Берлин-Далемской лабораториясида олинган тажриба натижаларига бизнинг олган натижаларимиз айнан мос келади.

КАМ ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ЧОРДОҚ ЎПМАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАРИ

*Т.ф.н. Маҳмудов М.М., магистрант Қўчқоров У.Ш.
ассистент Қурбонов А.С (СамДАҚИ)*

Замонавий қурилишнинг техник-иқтисодий ва энергетик самарадорлиги, қурилиш муддатлари каби муҳим кўрсаткич кўп жihatдан унда истиқболли материаллар ва конструкцияларнинг қўлланилишига боғлиқ. Қурилишда қўлланиладиган тайёр йиғма конструкцияларнинг ўлчамларини йириклаштириш ва бунда уларнинг оғирлигини камайтириш, айниқса, зилзила бўладиган худудларда муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш конструкцияларининг оғирлиги камайтиришнинг ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири ёғоч ва металл ёғоч қўлланилган енгил юк кўтарувчи ва тўсиқ конструкциялардан ҳамда маҳаллий материаллардан фойдаланишга ўтиш ҳисобланади.

Қурилишда турли хил материаллардан қилинган қопламали ёғоч каркасли плита конструкцияларнинг ҳажми ўтган асрнинг 90-йилларида йилига 3 млн. m^2 га етган эди. Кейинчалик бу кўрсаткич йилига 300-400 минг m^2 гача пасайиб кетди [1].

Плиталарнинг узунлигини ошириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида нафақат қишлоқ қурилишида, айрим саноат


биноларида узунлиги 6 м гача, эни 1,0, 1,2 ва 1,5 м бўлган ёғоч, асбестоцемент, букилган фанерадан, пўлат ёки алюминий листлардан қилинган каркасли турли хил қопламали том плиталарини қўллаш тажрибаси ҳам маълум [2].

Узунлиги 6 м лик плиталарни қўллашга ўтиш қурилиш амалиётида асосий монтаж элементларининг сонини қисқартириш, уларни тайёрлаш ва монтаж қилиш учун кетадиган меҳнат сарфини камайтириш, плиталар орасидаги чоклар сонини камайиши ҳисобига эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш имконини беради. Тўсиқ конструкцияларнинг узунлигини ошириш қовурға учун ишлатиладиган, кесимининг баландлиги 200 мм дан катта ёғоч материалларининг сарфини кўпайишига олиб келади, бундан ташқари, қўлланиладиган ёғочнинг сорти 2-дан паст бўлмаслиги талаб қилинади. Бундай катта ўлчамли ёғочлар бошқаларига нисбатан камчил бўлади.

Фан ва техника ривожланиши ва саноат томонидан ҳар хил материалларнинг мустаҳкам ва узоқ муддатга бирикишини таъминлашга қодир самарали синтетик елимларнинг ишлаб чиқиши ва ўзлаштирилиши елимланган арматурали ёғоч конструкцияларнинг яратилишига имкон берди.

Елимланган конструкцияларни ишлаб чиқиш ва улар устида дастлабки экспериментал тадқиқотлар Х. Гранхольм томонидан амалга оширилди [3]. Бунда арматуранинг ёғочга бирикиши эпоксид ва фенолформальдегид елимлар ёрдамида бажарилди. У томонидан ўтказилган экспериментал тадқиқотлар арматураси силлиқ пўлат стерженлар ва полосалардан бажарилган тўртбурчак, қўштавр ва қутисимон кесимли балкалар, учбурчак аркалар ва том плиталарининг мустаҳкамлиги, бикирлиги ва ишончилиги арматурасиз шунга ўхшаш конструкцияларникига нисбатан сезиларли даражада юқори, шу билан бирга, арматура билан ёғочнинг елимланган бирикиши ҳатто манфий температура ва намлик катта бўлган ҳолларда ҳам етарли даражада мустаҳкам бўлишини кўрсатди.

Шу аснода елимлаш ёрдамида ёғоч элементлар ва фанерадан ясаладиган конструкциялар - елимлифанерали конструкциялар пайдо бўлди. Масалан, махсус елим билан бир бутун қилиб бириктирилган бўйлама қовурғалардан ва фанера қопламалардан иборат елимфанерали том плиталари (1-расм) қутисимон (ичида ҳаво бўшлиғи билан) ёки тавр кўришидаги кесимга эга бўлиши мумкин.



1-расм. Ёғоч каркасли елимлифанерали ёнма плита намунаси


Қутисимон том плиталари иситиладиган биноларда қўлланилади. Улар бўйлама ва кўндаланг қовурғалар ва иккита (устки ва остки) қопламалардан ташкил топадилар. Уларнинг ораси иссиқлик изоляцияси вазифасини бажарадиган материал билан тўлдирилади. Бундай плиталарда остки қопламанинг устидан, одатда, пароизоляция қатлами қилинади.

Ёғоч каркасли том плиталарининг турли хил: иситиладиган ва иситилмайдиган биноларда қўлланиладиган; ёруғлик ўтказадиган ва ўтказмайдиган; текис ва эгри сиртли ечимлари мавжуд. Қоплама материали сифатида сувга чидамли фанера, текис асбестоцемент листлар, ДСП, ЦСП ва бошқа лист материаллар қўлланилади.

Ёғоч каркасли том ёпма плиталарнинг геометрик ўлчамлари қуйидагича: узунлиги 6 м гача, эни 3 м гача, баландлигини дастлаб плита узунлигининг 1/20 дан 1/30 қисмига тенг қабул қилиш мумкин. Зарурият туғилганда плита каркасининг қовурғасини букиб швеллер кўринишига келтирилган ФСФ маркали сувга чидамли ёки бакелит смола билан қайта ишланган ФБС маркали фанералардан бажарса бўлади. Бўйлама йўналишда жойлашадиган қовурғалар устки қопламанинг ҳисобий юк таъсирида маҳаллий эгилишга ишлашани ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади. Улар орасидаги масофа (қадами) амалда 0,5...0,75 м дан ошмайди. Кўндаланг қовурғалар орасидаги масофа қопламанинг стандарт узунлигига боғлиқ, чунки қопламалар туташадиган чок остида кўндаланг қовурға бўлиши шарт.

Елимлифанерали плиталарда устки ва остки қопламаларни ҳам юқорида кўриб ўтилган фанераларда бажариш мумкин. Уларнинг қалинлиги ҳисоблашлар натижасида қабул қилинади, лекин 6 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Фанерадан ясалган қопламалардаги чокларни уларни бевосита туташтирган ҳолда ёки тишлаштирилган ҳолда бажариш мумкин. Фанера қопламалар ва каркаслар махсус синтетик елимлар билан бир-бирига ёпиштирилгандан сўнг қутисимон кесим ҳосил бўлади.

2-расмда кўрсатилган ёпманинг конструктив ечимидан кам қаватли ва коттеж типидagi турар-жой бинолари учун чордоқ ёпма сифатида фойдаланилиш мумкин.




2-расм. Ёпма плита намунасининг фрагменти: 1– икки қатлам қалинлиги 10 мм прессланган хризотилцемент лист; 2 - ёғоч брус; 3 – пароизоляция; 4 – иссиқлик изоляцияси (минвата); 5 – қалинлиги 8 мм прессланмаган хризотилцемент лист; 6 – кесими 50x50 мм брус-лардан обрешетка.

Хризотилцемент листларни ёғоч каркасга олдиндан тайёрланган шиклар орқали диаметри 4...5 мм бўлган яширин қалпоқли шуруплар ёрдамида маҳкамланади. Бунда шуруплар орасидаги масофа унинг диаметрига боғлиқ ҳолда (20...60) Ø оралиғида қабул қилинади. Прессланган

ва прессланмаган стандарт текис хризотилцемент листларнинг узунлиги 1200, 1750, 2500, 3000 ва 3600 мм, эни 1120, 1200, 1500, 1570 мм, қалинлиги 6, 7, 8, 10 ва 12 мм бўлади [4]. Бундан ташқари хризотилцемент плиталар турли рангларга бўялган, сирти декоратив-пардоз қатлам билан тайёрланган бўлиши мумкин.

Ёғоч каркасли ёпма плиталарда иссиқлик изоляцияси сифатида зичлиги 150 кг/м^3 гача бўлган минерал момик, пенопласт, пенополиуретан ва бошқа самарали иссиқ сақлайдиган материаллар қўлланилади. Унинг қалинлиги теплофизик ҳисоблар орқали аниқланади.

Ёғоч каркасли ёпма плиталарни юк кўтарувчи деворларга, одатда, юкорисидан маҳкамлаш тавсия этилади (3-расм). Бунинг учун махсус профилланган пўлатдан ясалган деталь ва узун винтли шуруплардан фойдаланилади.



3-расм. Ёғоч каркасли плиталарнинг деворга ва ўзаро маҳкамланиши:
1- девор; 2 – узун шуруп (глухарь); 3 – профилланган металл деталь; 4 – ёпма плита; 5 – антисептикланган ёғоч пробка; 6 – цемент-қум қоримаси.

Ёғочдан бажариладиган қовурғаларни чиришдан сақлаш учун уларга антисептик билан ишлов берилиши керак, хусусан, уларни 10 % ли аммоний кремнийфторид эритмасига ботириб олиш ёки иссиқ-совуқ ванна қилиш усулини қўлласа бўлади.

Номинал узунлиги 6 м, эни 1,5 бўлган арматура билан жиҳозланган ёғоч каркасли том ёпма плиталарини эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар [1], [5] шуни кўрсатдики, улар етарли даражада бикирлик ва юк кўтариш қобилиятига эга бўладилар. Бу тадқиқотларда экспериментал плиталар каркасининг элементлари игнабаргли дарахтлардан олинган 3-сорт кесими 150x50 мм бўлган пиломатериаллардан тайёрланган. Плиталарнинг бўйлама қовурғаларидаги ўйиққа 2Ø14А-III арматура симметрик равишда эпоксид ва қумнинг кимёвий бирикмаган аралашмаси (компаунд) ёрдамида ёпиштирилган.

Мазкур тадқиқотлар муаллифларининг тавсияларига кўра, ёғоч каркасли ёпма плитанинг четида биттадан бўйлама қовурға, ўрта қисмида жуфтлашлаган (ёнма-ён иккита) қовурға жойлаштириш керак. Бунда эксплуатация жараёнида плитанинг ўрта қисмида ортиқча солқилик ҳосил бўлмайди.

Ёғоч каркасли ёпма плиталарга юк узоқ вақт таъсир қилганда арматурадаги кучланиш ошиши, айна пайтда, конструкциядаги “заиф бўғин” ҳисобланган ёғочдаги кучланиш камайиши аниқланган. Демак, ёғочдаги нормал кучланишларнинг пасайиши сабабли бундай конструкциянинг эксплуатация давридаги ишончлилиги ортади. Бундан ташқари, арматурали ёғоч каркасли том плиталарини қўллаганда арматурасиз конструкцияларга қараганда ёғоч сарфи 18...44 % га, конструкциянинг массаси 6...35 % га, нарҳи 5-9 % га камаяди [1], [5].

Маълумки, бир қаватли турар-жой бинолари мукамаллик (капиталлик) бўйича 4 класс, аҳамиятлилик бўйича III класс биноларга мансуб. Бундай биноларнинг узоққа чидамлилиқ даражаси III дан даражадан паст бўлмаслиги керак, оловбардошлиқ даражасига эса, одатда, талаблар қўйилмайди. Демак, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган бир қаватли уй-жой биноларида чордоқ ёпмаси учун йиғма темирбетон плиталарга альтернатива бўла оладиган енгил энергия тежамкор конструкциялар қўллаш мақсадга мувофиқ. Унинг ўрнига енгил, энергия тежамкор, монтаж қилиш учун оғир юк кўтарадиган машина механизмлар қўлланилишини талаб қилмайдиган бошқа конструктив ечимлар қўллашнинг ҳам техник, ҳам технологик имкониятлари мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИДА МАСЖИДЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИОН ШАКЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

к.и.х. -изл. ЛУҚМОНОВ Д.Қ.

Маълумки Ўзбекистон меъморчилиги минг йиллик тарихга эга бўлиб, утган тарихий даврда ватанимизда мингдан ортиқ; меъморий ёдгорликлар - маҳалла ва жомеъ масжидлари бунёд этилган. Хозирги кунгача тарихий масжидларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва замонавий жомеъ масжид биноларининг архитектуравий композицион ечимларидаги ривожланиш босқичларида олиб борилаётган купгина тажрибалар тупланган ва улар давр ўтган сари такомиллаштирилиб, композицион ечимларини шакллантириш тамойиллари даражасига кўтарилган. Булар аниқ қонун-қоидалар ва усуллар шаклида бўлиб, меъморий обидалар қатори жомеъ масжидлар композициясини шакллантиришнинг тугалланган бир тизимига айланиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида қурилган жомеъ масжидларнинг узига хос кўринишига умумий бир яхлитликка эга булиши заминида уларнинг архитектуравий 1 режавий ечимлари ва композициясини шакллантиришни аниқ қонун-қоидаси ётганлигидадир. Бундай қонун-қоидалар фақат меъморчиликда эмас, балки бутун мусулмон ва араб давлатларида ҳам шаклланган бўлиб, улар хозирги пайтга келиб турли усулларда узининг замонавий тизимига асосланиб келмоқда.

Даслабки изланишлар жомеъ масжидлари тарихий шаклланган меъморий ёдгорликлар тизими асосида қўлланилиб қолмасдан, балки фазовий ва архитектуравий-режавий ечимларига ҳам қўлланилганлигини кўрсатмоқда. Мавжуд меъморий обидалар композициясини таҳлил этиш уларни ҳам замонавий талаб даражаси тизими қонун-қоидаси асосида шакллантирилганидан далолат бермоқда. Замонавий архитектура ечими ҳам,

узaro уйғунлашган шакл яратиш санъати булганлиги учун улар заминида ягона бир режавий ечимлар яратиш қонун-қоидалари ётиши мумкинлиги мантикий туғри келади.

Шу сабабли масжидларнинг замонавий архитектуравий ва композицион ечимларини тадқиқ этиш хозирги кун долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Масжидларнинг замонавий талаби асосида қурилиш тамойилларини аниқлаш, урганиш ва тарихий маҳалла масжидларини сақлаш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тамойилларни аниқлаш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида шу кунгача сақланиб келган маҳалла ва жомеъ масжидлар таъмир-талаб, уларни қайта тиклашда ва олдинги ҳолатини қайта шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Истеклол йилларида Самарқан, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарларимиз YUNESKOнинг Бутун жаҳон маданий меърос объектлари рўйхатиға киритилди. Бу шаҳарлар бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида йирик сайёҳлик марказиға айланди. Ушбу тарихий шаҳарлардан Самарқанд ҳамда Бухоро тарихиға назар соладиган бўлсак, IX-XII- асрларда ўзгача янги кўринишдаги бинолар қурила бошладики, уларнинг аҳамияти кейинги давр меъморчилик тараққиётиға ҳам ўз тасирини кўрсатти. Жумладан масжидлар қурилиши алоҳида аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай диннинг тарғибот олибборувчи маркази бу ибодадхона бўлгани каби ислом динининг ҳам асосий бинолари масжид ҳисобланади. Тарихчиларнинг айтишларича Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар илк ибодадгоҳ сифатида узи туғилиб усган яъни онасининг уйидан фойдалана бошлаган экан. Бундан кўришиб турибдики исломда асосан кенг тарқалган масжид бинолари тураржойлардагидек ховли ва ховли атрофини ўраб турган айвон кўринишиға эға. Ховлили масжидларнинг дастлаб қурилганларидан бири, Самарқанддаги Афросиёб харобаларида архиологик қазилмалар натижасида аниқланган бўлиб ховлили жомеъ масжид Самонийлар даврида (1220 йил)пахсадан ва яна 52-26-12 см ўлчамға эға хом ғишдан қурилган масжид дастлаб ташқи томонлари 84.6-84.6 метр яний квадрат тарзида бўлган. Унинг ички ховлисининг тўрт томонида хом хишдан тикланган устунлар кўтариб турган айвонлари бўлган. Маълумотларға кўра масжид кеинчалик би неча маротаба қайта қурилган мўғиллар истилоси даврида унинг томонлари 84.6-137.4 метирни ташкил этади. Масжиднинг қиблага қаратилган меҳроб томон айвонининг энг чуқурлиги 34.5 метирли бўлиб қолган, уч томон айвонидан 1.5 мартаба кенгдир. Бухорода ҳам айвонли масжид каби Калон масжиди ҳам ёғочдан қурилганлиги ва уни Чигизхон томонидан ёқиб юборганлиги маълум. X-XI аср масжидларидан шуларни ҳам айтиб ўтиш мумкинки Термиздаги Чорустун ва Кармана яқинидаги Ҳазора қишлоғидаги Деггарон масжидларини қайд этиб ўтиш лозим. Деггарон масжиди пишиғитдан бунёб этилиб тўрт цилиндрик устунлар воситасида ёпилган. Ушбу тўрт устуннинг устида диаметри 6,4 метир бўлган марказий гумбази булган, гумбазнинг атрофида эса яна 8 та кичикроғ гумбазлар бино ёпмасини ташкил этган. Темурийлар давриға келиб меъморчилик янада ривож топади, саройлар, мақбаралар, масжидлар, кўшк ҳамда боғлар яратилади. Темурийлар даври меъморчиликнинг ўзига хос услублари булиб,

хар бир меъморий кичик шаклларгача этибор берилади ва жуда нафислик билан ишланади, қурилган маҳобатли иморатлар кириш пештоқлари кошинли нақшлар ҳамда қурон оятлари қолаверса геометрик шакллар билан жуда нафис ва бежирим шиланган. Қурилган хар бир иморатлар жуда баланд миноралар, мовий гумбазлар билан ўз аксини топади,

Губазлар шакли ўлчамлари нафислашиб, уларнинг уйғунлаштириш даражаси янада ривожланади. Бу даврнинг тўсинли-устунли қурилма ва шакллари ҳам алоҳида этиборга моликдир. Йўғочдан бажарилган ушбу архитектуравий шакллар маҳобатли иморатлар билан бир қаторда оммавий хлқ архитектурасида ҳам кенг тарқалган. Йўқорида келтирилга архитектуравий композитцион шаклларнинг турли таркиблари биргаликда ишлатилиши бино ва иншоотларнинг қуйидаги турларини ҳосил қилган

Ҳовлили иморатлар тури кўпинчп мадраса ва карвонсаройлар қурилишида қўлланилган.

Устунли, айвонли тури асосан маҳалла масжитлари ва бозорлар типи қурилишида фойдаланилган.

Ҳовлили-гумбазли тури жума масжидлари ва қасрлар қурилишида ишлатилган.

Кўп гумбазли мажмуалар эса асаосан мақбаралар ансамблида ва работлар, баъзи ҳолларда масжидлар ансамбилида ҳам қўлланилган.

Йўқорида айтиб ўтганимиздек мусулмон давлатларида масжидлар алоҳида аҳамиятга эгадир Муҳаммад алайҳиссалом пайгамбар давридан буён масжидларда мусулмонлар одатига кўра кўплаб диний маросимлар диний байрамлар ўтказилади ва ушбу диний маросимларга кўра жума-жоме масжидлари ҳамда маҳалла ва гузар масжидлари инсоният томонидан барпо этиб келинмоқда.

ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИНГ МУҲАНДИСЛИК ҚУРИЛИШИ

А.Мадамов., Н.Эшназаров., Р.Гаппаров. (Сам ДАҚИ)

Ў.Мадамов – (СамДУ)

Республикасмиз иқтисодиётининг ривожланиши ва тараққий этиши аввало, транспорт инфраструктураси тармоғининг ҳолатига боғлиқдир. Республика бўйича турли транспортларда ташилаётган халқ хўжалиги юқларининг 92% автомобиль йўллари зиммасига тўғри келиши ҳам, автомобил йўллариининг аҳамияти катта эканлигини исботлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183783 км бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари 42654 км ни, ички хўжалик йўллари 71324 км ни, шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли яшаш жойлари йўллари ва кўчалари 69929 км ни ташкил қилади.

Республиканинг географик жойлашуви шуни тақозо этадики, жаҳон бозорига чиқишда ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда асосий транспорт йўлаклари автомобиль ва темир йўллари ҳисобланади. Республиканинг иқтисодий ривожланиш шартларини таъминлайдиган халқаро транспорт йўлакларини барпо қилиш, транзит ва вилоятлар

оралиғида ишончли транспорт алоқасини таъминлаш, республиканинг ташқи интеграллашган ва ички бириккан ягона транспорт муҳитини шакллантириш ва жаҳон бозорига чиқиш каби масалалар давлат йўл сиёсатининг устивор вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу вазифалар охириги йилларда автомобил йўллари соҳасидаги чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари [1,2] ва фармонларида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларида акс эттирилган. Хусусан, охириги чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти 06.03.2015 йилдаги ПҚ-2313 сонли “2015-2019 йилларда муҳандис-коммуникация ва йўл – транспорт инфраструктураларини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури” тўғрисидаги қарори [3] ҳисобланади.

Автомобиль йўллари муҳандислик иншоотлари комплекси (йўл пойи, йўл тўшамаси, кўприклар, қувурлар ва бошқа сунъий иншоотлар, йўл жиҳозлари ва ҳимоя қурилмалари, автосервис, йўл ва автотранспорт бино ва иншоотлари) бўлиб, ҳисобий юк ва белгиланган тезликда автомобиллар ҳаракати узлуксизлигини, хавфсизлигини ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилади.

Автомобиль йўллари эксплуатация қилишдан мақсад йўллар ўз функциясини бажаришини таъминлашдан иборат. Бунинг учун автомобиль йўллари эксплуатацияси билан шуғулланадиган йўл хўжалиги ташкилотлари ва корхоналари ташкил этилган. Уларнинг вазифаси автомобиль йўллари техник эксплуатациясини ташкил этишдан иборат.

Автомобиль йўллари техник эксплуатация қилиш ишлари таркибига қуйидаги иш турлари киради:

- йўллар ишлаш шароитини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- транспорт оқими ҳаракат шароитини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- йўл, йўл иншоотларини ва йўл учун ажратилган минтақада доимий кузатув;
- йўл ва йўл иншоотларини тоза ва тартибли бўлишини таъминлаш;
- йўл ва йўл иншоотларини доимий қониқарли техник ҳолатда сақлаш ва муддатли таъмирлаш ишлари;
- йўлларни кўкаламзорлаштириш;
- йўлларни архитектуравий-эстетик безаш ва жиҳозлаш;
- йўлнинг техник ва фойдаланувдаги ҳолатини ошириш, уларни ўсиб борадиган талабларга мослаштириш бўйича тадбирлар;
- ҳаракатни ташкил қилиш, бошқариш ва изга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл сервис хизматини такомиллаштириш.

Умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида ҳаракат жадаллигини ва таркибини ҳисобга олиш маълумотларидан маълум бўладики, транспорт оқими таркибида енгил автомобилларнинг сони кейинги йилларда жадал ўсиб бориб, халқаро аҳамиятдаги йўлларда таркибнинг 60-75% ни, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги йўлларда 75-90% ни ташкил қилмоқда.

Республикада кейинги 15 йил ичида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг (ЙТХ) ўртача йиллик сони 9528 та бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг 1 км автомобиль йўлига тўғри келадиган улуши республика бўйича 0,22 йтх/км ни ташкил қилади.

Демак, ҳозирги замон автомобил йўллари ҳаракат хавфсизлиги максимал даражада таъминланган, мустаҳкам, узоқ муддатга хизмат

қилаоладиган, архитектуравий-эстетик талабларга юқори даражада жавоб берадиган қилиб лойиҳалаш, қуриш ва самарали техник эксплуатация қилиш долзарб масала бўлиб қоляпти. Бундай масалаларни муваффақиятлр ҳал этиш учун автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш йўналиши ва мутахассисликларининг ўқитиш жараёнини самарали ва сифатли ташкил этиш, уларни жаҳон стандартларига яқинлаштириш учун амалдаги ўқув режаларини, фан дастурларини танқидий қараб чиқиб, автомобил транспорти инфраструктуралари ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ўқув режалари ва фан дастурларини қиёсий ўрганиб, такомиллашган, юқори самаралар берадиган ўқув режалари ва дастурларга эга бўлиши, ўқитишда илғор педагогик ва инновацион технологиялардан янада самарали фойдаланиш куннинг зарурий талаби бўлиб қолмоқда.

Шу боис Республикамининг автомобил йўллари ва аэродромлар қурилиши бўйича бакалаврлар ҳамда магистр мутахассисликлар тайёрловчи Тошкент автомобил-йўллар институти, Самарқанд давлат архитектура - қурилиш институти, Нукус давлат Университети, Андижон машинасозлик институтлари; ҳамкор корхоналар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Евроосиё трансконтинентал супермагистрал консорциуми “Автойўлтаракқиёти” ҳамда хориж ҳамкор олий таълим муассасалари: Бирмингем Университети (Буюк Британия), Бухарест политехника Университети (Руминия), Каштелиу Бранку политехника институти (Португалия), Карлос III номидаги Мадрид Университетлари (Испания) иштирокидаги HIGHVEС: 544061 –TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR “Автомагистраллар муҳандислик қурилиши ва транспорт машинасозлиги” магистратура ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, мавзусидаги Европа Иттифоқининг грант лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Лойиҳанинг асосий вазифаси бўлиб, автомагистраллар ва транспорт машинасозлиги бўйича замонавий лойиҳаларни ишлаб чиқараоладиган ва амалга ошираоладиган муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш ҳисобланади.

Лойиҳанинг специфик мақсадлари:

- лоийҳада иштирок этаётган миллий ҳамкор олий таълим муассасаларида автомагистраллар қурилиши бўйича мавжуд бўлган 6 та ўқув курсларини реформа қилиш;
- талабалар ва ўқитувчилар орасида ўзаро жуда яқин алоқаларни шакллантиришга йўналтирилган, назарий, лаборатория ва тажриба тадқиқотларини олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга самарали ёрдам бераоладиган компьютерли ўқитиш услубларини амалиётга қўллаш;
- корхоналараро муҳандислик лабораторияларини ташкил этиш ;
- ўқитувчилар ва администрация ходимларини янги курслар ва янги ўқитиш услубларидан фойдаланиш бўйича тайёрлаш;
- лоийҳада қатнашаётган олий таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида узоқ муддатли узвий алоқаларни ўрнатиш.

Лойиҳа 2015 йил 26-28 август кунлари Тошкент автомобил йўллари институтида грант лойиҳасининг очилиш маросимига бағишланган йиғилишидан бошланиб, унда барча иш режалари ва уларни амалга ошириш

муддатлари тўғрисида келишиб олинди. 2015 йил 26 январь -23 феврал кунлари Бирмингем Университетида “Pavement engineering” ва “Road asset management” курслари бўйича ўқув семинарлари бўлиб ўтди. 2015 йил 11-16 март кунлари Португалиянинг Каштелу Бранку политехника институтида лойиҳа координаторлари йиғилиши бўлиб ўтди.

Лойиҳа бўйича ҳозирги кунда иш қизғин олиб борилаёпти. Бу халқаро лойиҳанинг амалга ошиши автомагистраллар қурилиши мутахассисликларининг замон таалбаларига жавоб бераоладиган юқори савияли қилиб тайёрлашда катта амалий аҳамиятга эга бўлади деб ҳисоблаймиз.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА РУҲИЯТИДА ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мамарахимов Қ.Х. СамДАҚИ ассистенти

Имомов А. Навоий педагогика ва ҳизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси

Янги даврда терроризм ва экстремизм у ёки бу бир давлатдагина эмас, эндиликда бутун инсоният ҳаётида кескин ўзгаришларга сабаб бўла оладиган кучга айланди. Афсуски, бундай таҳдидларнинг тобора ортиб бораётгани масалага жиддий муносабатда бўлишни талаб қилади. Шу муносабат билан “Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз” деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида²⁰

Терроризм эса – бу сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракат ҳисобланади²¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам унга худди шундай таъриф берилиб, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият эканлиги белгилаб қўйилган²².

²⁰ Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. / Биздан ожд ва обод Ватан колсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 57-бет.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида». 2-модда.

²² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 155-модда.

Экстремизм – (лотинча *extremus* – “ўта”, “сўнгги”) жамиятдаги у ёки бу ҳодиса, жараёнларга нисбатан кескин фикрларни билдирилиши ва қаттиқ тадбирларни қўлланилиши ёки кескин фикр ва чораларни ёқловчи, унинг амалга оширилишига тарафдор маъноларини билдириб, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт ҳисобланади. Унинг мазмунига кўра диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра муайян ҳудудий, минтақавий ва халқаро **шакллари** фарқланади. Дунёвий экстремизм сиёсий, иқтисодий, мафкуравий мазмунга эга бўлса, диний экстремизм фақатгина барча дин (секта) доирасида вужудга келиб, диний ақидалар билан суғорилган бўлади.

Шу маънода **диний экстремизм** – бу бирор диннинг ақидаларини, қонун-қоидаларини кишилар ҳаёти ва жамиятга жорий этиш, қарор топтиришда кескин чора ва тадбирлар, зўравонлик қўллаш ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшлар онги ва руҳиятида диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият энгилмас куч” асарида қўйидаги мулоҳазаларни билдириб ўтадилар: “Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантрииб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур²³”.

Ёшлар дунёқарашида диний экстремизм ва терроризмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг энг самарали усулларидан бири уларга тўғри тушунча бериш, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларни мунтазам олиб бориш лозим.

АРМАТУРАЛАНГАН ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ҚУРИЛИШДА ҚЎЛЛАНИШИ


*доцент Ганиев Ж.Н. асс.Тўрақулова Ш.М.,
402 БваИҚ гр. талабаси Раунов Абдуғафур (СамДАҚИ)*

Чўзилишига ва кўндаланг кесувчи кучга ишловчи катта ораликларни ёпиш учун ёғоч конструкциялар ва элементларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги XIX аср охирларидан буён қурувчи ва тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу муаммони ечишда ёғоч элементларнинг ичига пўлат арматураларни ўрнатиш бошқа усуллардан кўра самаралироқ деб топилган. Ёғоч ва металлнинг конструкцияларда биргаликда ишлатилиш ғояси кейинчалик

²³ Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 37-бет.

ёғоч конструкцияларни метал арматуралар билан жихозлаш сари ривожланди. АКШда 1921йили А.Клайтила аэропланлар ва дирижабл-ларни юк кўтарувчи элементларини қутисимон кесимли ёғоч тўсинларни пўлат симлар билан жихозлашни таклиф этди. 1-расм [1]. Худди шу конструкциялар хозирги арматура билан жихозланган ёғоч конструкцияларнинг илк кўриниши дейиш мумкин.



1-расм Пўлат симлар билан арматураланган қутисимон кесимли тўсин.

Германияда эса 1926 йилда А.Фишер қурилишда юк кўтарувчи конструкциялардаги брусли тўсинлар ва устунларни пўлат симлар билан кучайтириш йўлини таклиф қилган. Фишернинг таклифига кўра тўртбурчак кесимли тўсиннинг бетларидаги бўйлама ўйиқларга пўлат симлар жойлаштирилиб, махсус мастика билан тўлдирилади.(2-расм.)


Пўлат сим ёки арматура билан кучайтирилган ёғоч конструкцияларнинг илк лойиҳалари амалда тадбиқ этилмаганлигининг сабаби шундаки, у вақтларда арматура ва ёғочни бир-бирига мустаҳкам бириктириш усули мукамал эмаслигида эди.

Арматурани ёғоч билан бириктиришнинг самарали усулини топиш йўлида олиб борилган тадқиқотлар механик усулларнинг афзаллигини кўрсатди. Рус инженери А.Л.Монасевич брусли тўсиннинг бўйи бўйлаб, эни баробар бўлган металл пластина тўсиннинг ён қисмига эгилиб кирган тишлар билан боғлаш усулини ўзининг тадқиқотлари жараёнида ишлаб чиқди (3-расм) [2]. Бундай брусли тўсинларни синашда уларни оддий тўсинларга нисбатан анча мустаҳкам эканлигини исботланди. Бу устунлик айниқса кесувчи кучларга қарши чидамли, чунки бруснинг бир бети бўйлаб ўрнатилган металл пластина ёғочни эгилишдан ҳам ҳимоя қилади. Кейинчалик бу ечим бутун бир ёғоч конструкцияларда ишлатила бошланди. Аммо металлнинг ёғоч билан айна шундай боғланиши металлни фақат ёғочнинг чўзиладиган томонидан қўйилишини кўзда тутди. Ҳисоблар эса ёғочни ҳам чўзиладиган қисмидан, ҳам сиқиладиган қисмидан арматуралаш янада яхшироқ натижа беришини кўрсатди.

Швеция олими Х.Гронхольм арматурани бўйи бўйлаб халкалар билан жихозлашни таклиф этди. Бу ҳолда ёғочни металл билан ишлаши самарали бўлишини ёғоч сиртларига ўйиб ўрнатилган арматуранинг халкалари ёғоч ичига таяниши натижасида таъминланади.

Арматура ёғоч билан механик усулда бириккан конструкциялар кейинчалик ўзини оқлай олмасликлари пўлат сарфи қанча кўпайтирилмасин


бирикишнинг кераклича мустаҳкам эмаслиги конструкциянинг мустаҳкамлигини ошишини яхши таъминлай олмади.




2-расм. Арматураланган ёғоч элементлар.

а)-бруснинг қарама-қарши бетлари арматураланган. б)-брус кесимининг бурчаклари арматураланган. в)-брус кесими чор атрофи бўйлаб арматураланган.

Ёғочни металл билан кучайтириш конструкциялардаги тугунли ва стикли бирикмаларда бутунлай янгича ва самарали ечимлар топишга имкон беради, колаверса, конструкцияларни осон йиғиш, транспортировка қилиш ва умумий монтаж ишларида қулайлик туғдиради. [3]



3-расм. Чўзилувчи қисми бўйлаб кучайтирилган брусли тўсин.



4-расм. Х.Гронхольмнинг ҳалқали арматураланган тўсини.

Ҳозирги пайтдаги қурилиш ишлари учун олдиндан зўриқтирилмаган пўлат стерженлар билан жиҳозланган конструкциялар истиқболли деб ҳисобланади. Негаки уларни яшаш ва ишлаб чиқариш бир мунча осон, ҳамда бундай конструкциялар оддийлиги билан афзал ҳисобланади.

Олдиндан зўриқтирилмаган арматура билан жиҳозланган конструкциялар устида илк бор Х. Гронхольм бир қатор тадқиқотлар олиб борган. Бундай конструкцияларни ишлаб чиқишда металл арматураларни ёғоч билан бириктириш учун эпоксид ва фенолоформальдегид елимдан фойдаланди.

ISHCHILARNI XAVFSIZ ISHLASH USULLARIGA O'RGATISH

t.f.n. dots. A.Miliyev ., talaba - X.Q.Xurramov.

Hozirgi zamon fan va texnikasining tez sur'atlar bilan o'sishi yangidan-yangi texnologiya va mashina mexanizmlarining joriy etilishi, ishlab chiqarishda faoliyat ko'rsatayotgan har bir xodimning yuqori malakali, texnika qonunlarini tushunadigan va unga amal qilishini talab etadi. Ayni paytda ishchilar xavfsizligini ta'minlash borasida qanchadan-qancha tavsiyanomalar, yo'riqnomalar ishlab chiqilgan bo'lishiga qaramasdan ishlab chiqarish korxonalarida baxtsiz xodisalarning butunlay oldini olish yoki yo'qatishni ta'minlovchi sharoit mavjid emas.

Shuning uchun ishlab chiqarish korxonalarida mexnatni muxofaza qilish va mexnat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan instruktajlari sistemasi ishlab chiqiladi va bunda ishchilarning xavfsizligini ta'minlovchi ish usullarini o'rgatish orqali mexnat xavfsizligini saqlash chora-tadbirlari bo'yicha yo'l-yo'riqlar va ko'rsatmalar beriladi.

Instruktajlarni asosan to'rt guruhga bo'lib qarash mumkin: Kirish instruktaji, ish joyida o'tkaziladigan instruktaji, vaqti-vaqti bilan o'tkaziladigan instruktaji va rejadan tashqari o'tkaziladigan instruktaji

Kirish instruktaji. Bu instruktaji ishga yangi kirayotganlar uchun xavfsizlik texnikasi muxandisi tomonidan o'tkaziladi.

Kirish instruktaji o'tkazilishi vaqtida ishga kiruvchilar quyidagi xolatlar bilan tanishtirilishi shart: O'zbekiston Respublikasining mehnatni muhofaza qilish qonunlari, ishlab chiqarish korxonasidagi ichki tartib qoidalar, ish joyini tashkil qilish, ishchiga topshirilgan mashina va mexanizmlar toza va ozoda saqlash qoidalari, baxtsiz xodisalarning oldini olish qoidalarini tushuntirishga qaratish, mehnatni muhofaza qilish, xavfsizlik texnikasi va sanoat sanitariyasi qoida, norma va ko'rsatmalarining buzilishi natijasida vujudga kelgan baxtsiz xodisalar haqida ma'lumotlar berilishi kerak.

Ish joyidagi instruktaji. Ishga yangi kirgan, bir ishdan ikkinchi ishga o'tkazilgan, bir mashinadan ikkinchi mashinaga yoki bir uchastkadan ikkinchi uchastkaga utkazilganda ish joyidagi instruktajdandan o'tkazilishi shart va quyidagi tartib qoidalar tushuntirilishi kerak: ishchining doimiy ishlash joyi, sexdagi texnologik jarayon va xavfli uchastkalar, ishchining doimiy ishlashi zarur bo'lgan mashina yoki uskunaning tuzilishi, mashinaning xavfli joylari, muxofaza qurilmalari, ularning vazifasi va ulardan foydalanish qoidalari.

Vaqti-vaqti bilan o'tkaziladigan instruktaji. Bu instruktajni o'tkazish vaqtini zavod, fabrika, kasaba uyushmasi tashkiloti bilan kelishilgan xolda ishlab chiqarish korxonasi rahbari belgilaydi. Bu instruktajning mazmuni ish joyidagi instruktaji mazmuni bilan bir xil bo'lib, bunda hamma ishchilarning ish staji, malakasi, kasbidan qat'iy nazar instruktajdandan o'tkazilishi talab qilinadi.

Rejadan tashqari o'tkaziladigan instruktaji. Bu instruktaji texnologik jarayonning o'zgarishi, yangi mashina va uskunalari kiritilishi, yangi materiallardan foydalanish natijasida ish sharoitining o'zgarishi sababli ishchilarning xavfsiz ishlashini saqlash uchun malakalari yetishmasligi sezilganda o'tkazilishi mumkin. Bundan tashqari ish jarayonida mexnat intizomi yoki xavfsizlik texnikasi qoidalari buzilsa yoki ishchi ishlayotgan joyidan biror-bir sabab yuzasidan ishda uzilish ruy

bersa (masalan kasallik tufayli, tatilga chiqishi), shuningdek ish joyida baxtsiz xodisa yuz bersa o'tkazilishi mumkin.

Ishlab chiqarish jarayonida qatnashayotgan har-bir ishchi yoki texnologik amaliyot, ishlab chiqarish amaliyoti o'tayotgan har bir talaba mexnat muxofazasi va texnika xavfsizligini ta'minlash bo'yicha yo'riqnomalar, tavsiyalar, ko'rsatmalar va yangi ma'lumotlar bilan tanishib borishi va unga amal qilishi, kelajakda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ko'ngilsizliklar, baxtsiz xodisalarning oldini olishga imkoniyat yaratadi.

ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННЫЙ ПОЛИСТИРОЛБЕТОН ПЛОТНОСТЬЮ 300-400 КГ/М³ НА ЩЕЛОЧНОМ И ПОРТЛАНДСКОМ ЦЕМЕНТАХ

*Султанов А.А. к.т.н. доцент.; Солиев Б.Х.
студент 304-группы ПСМИиК (СамГАСИ)*

Требования по теплоизоляции зданий становятся значительно более жёсткими, что в последнее время ведёт к возрастанию потребности теплоизоляционным материалам. Этому свидетельствует постановление нашего президента Республики Узбекистан от 19.06.2009 года № ПП-1134 «О дополнительных мерах по стимулированию увеличения производства и улучшения качества стеновых материалов». Предприятиям строительной индустрии Узбекистана была дана директива об увеличении выпуска строительной стеновой продукции, к числу которых относятся ячеистые бетоны и блоки из них.

В этом отношении интересные решения предлагает использование лёгкого бетона с заполнителем из пенополистирола (полистиролбетона).

До сих пор в современном строительстве мы в основном используем традиционные материалы, которые применялись с давних времён. А ведь прогресс не стоит на месте, новые, современные материалы как полистиролбетон, дают нам намного больше возможностей и выгоды, как для будущих домовладельцев, так и для строительных компаний.

Он является современным изобретением человека, что значительно снижает финансовые, энерго-и трудозатраты при строительстве.

Полистиролбетон является разновидностью легких бетонов. Этот материал представляет собой смесь гранул полистирола, которые прошли процесс вспенивания, необходимого количества портландцемента, воды и добавок. В состав усовершенствованного нами полистиролбетона, также входит электротермофосфорные шлаки, которые приводят к экономии портландцемента до 40%, сохраняя при этом основные свойства, присущие теплоизоляционным материалам.

Полистиролбетон с плотностью 300-400 кг/м³ используется, чтобы получить тепло- и звукоизоляцию при небольшой нагрузке на структуру здания.

Этот материал используется в бетонных блоках и панелях для наружных стен и перегородок, для монолитной теплоизоляции стен, полов, чердаков и кровель. А также, полистиролбетон используется в сборных панелях любой размерности для коммерческого и промышленного использования, декоративных украшениях для повышения архитектурно-

художественной выразительности зданий и сооружений и в других областях строительства.

Основные технико-экономические параметры:

- Группа горючести - Г1;
- Плотность - 300 - 400 кг/м³;
- Морозостойкость - от F 15;
- Прочностные характеристики – до В 2,5;
- Коэффициент теплопроводности – в пределах от 0,055 до 0,145 Вт/м×°С.

Основные преимущества пенополистиролбетона

1. Простота производства: для производства пенополистиролбетона необходимы цемент, шлак, вода, а также гранулы вспененного полистирола.
2. Сниженные затраты на отопление вследствие более низкой теплопроводности полистиролбетона по сравнению с другими материалами;
3. Крупноразмерные блоки упрощают кладку стен.
4. Высокая технологичность строительства - блоки из пенополистиролбетона легко пилятся, гвоздятся, сверлятся, что приводит к снижению трудозатрат;
5. Блоки имеют разнообразную форму, легко монтируются, увеличивая скорость возведения стен и перегородок в несколько раз;
6. Небольшой вес и как следствие возможность строительства без тяжелой грузоподъемной техники, а так же снижение затрат на транспортировку;
7. Снижение массы конструкций, нагрузки на фундамент от стен зданий возможно снизить до нескольких раз по сравнению с кирпичной кладкой;
8. Прекрасная звукоизоляция;
10. Экономия до 70% раствора: высокая точность изготовления блоков ($\pm 1-1,5$ мм), позволяет отказаться от оштукатуривания поверхности стен, ограничившись лишь шпаклеванием и окраской.

Также необходимо отметить **социально-экологическую эффективность**.

Гранулы пенополистиролбетона могут быть получены от вторичного производства путём дробления отходов пенополистирольных плит и упаковочных пенопластовых изделий, что в свою очередь сохраняет окружающую среду от мусора отходов и упаковочных материалов.

Литература:

1. Кудряшев И.Т., Купрянов В.П. Ячеистые бетоны. Учебник для ВУЗов. М., Госстройиздат, 1959, 182с.
2. Верещагин О. Н. История развития строительства из ячеистых бетонов и пенобетона как их разновидности. //Строительная альтернатива. - 2002. - №1

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ-ЖАМОАВИЙЛИК НАМУНАСИ

*Сам ДАҚИ ўқитувчиси Х.Хўжамов,
201-КТ(МКҚ) гуруҳи талабаси Анорбоев Соҳиб*

Бир пайтлар биз қишлоқларимизда гўзаллик салонларини қуриш ташаббусини бошлаган эдик. Бу ташаббус барча вилоятларда кенг қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ. Жойларда бу ишларни албатта давом эттиришимиз керак. Нега

деганда, аёл гўзал бўлса—олам гўзал, аёл гўзал бўлса—оила, бутун жамият бахтли бўлади.

Ислом Каримов.

Муаллими соний-устоз Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарининг, фозиллар шахри аҳолисининг умумий фикрлари,-деб номланган бўлимида «Фозиллар шахри,унинг аҳолиси,уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур»²⁴ -деб таъкидлайди ва бахтли жамият сари йўлни, донишманд кишиларга ишониб, ихлос қўйиб, уларга эргашган кишиларгина барпо этишлари ҳақида ёзади. Улуғ донишманднинг минг йиллар аввал айтган таълимотининг моҳияти, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлаётган ва жаҳонда тан олинган Ўзбек модели асосидаги бўёндеклик ислохотларида ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Юртимиздаги ўттиз бир миллионли аҳолининг асосий қисми бугун ҳам қишлоқларимизда истиқомат қилиб келишмоқда ва қишлоқ ҳаёти-турмуш тарзини янада юқорига кўтариш саъй- ҳаракатлари кўз ўнгимизда кечмоқда. Давлат бош ислохотчи сифатида бюджетининг 50% дан ортиқ қисмини ижтимоий соҳага ажратиб, устувор масала сифатида амалга оширар экан, юртбошимиз таъкидлаганларидек, -ислохотлар аввалам бор кишиларнинг тафаккурида содир бўлмоғи керак ҳамда асосий тамойилларнинг бири сифатида ёшларнинг ташаббускорлигида ўзини намоён қилмоғи зарур. Кўламли ислохотлар асосидаги ютуқларимизни инкор этмаган ҳолда, шуни тан олмоғимиз керакки, ҳанузга қадар ўз тафаккурларида ислохотлар қила олмаганликлари сабабли, ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ташаббускорлик, мавжуд имкониятлардан фойдаланишдаги айрим муаммолардан юз ўгириб бўлмайди. Аксинча, жойлардаги бевосита мулоқот асосидаги амалий йўриқлар, жоиз бўлса мутахассислар иштирокидаги тадбирлар орқали ҳуқуқий, сиёсий ахборот маданиятларининг янгиланмоғи ўзининг самарасини бермасдан қолмайди, ҳамда юқорида қайд этилган муаммоларга барҳам бериш усулларидан биридир. Зеро, фуқаролик жамиятида, фуқароларнинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишлари, ташаббускорлик, ҳуқуқий, сиёсий билимлари ҳамда жамоатчилик назорати устувор эканлигини англамоғимиз лозим.

«Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ривож кўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда»²⁵ -деб таъкидлайди юртбошимиз.

Қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларига жавоб берадиган даража, бу авваламбор ҳар бир ҳудудда жойлашган қишлоқнинг бир неча имкониятларига асосланган ҳолда у ерда яшаш учун, табиатнинг ўзи инъом этган қулайликлардан ташқари албатта ҳудудда яшовчи кишиларнинг маданияти, маънавияти, интеллектуал салоҳияти асосида яратилган қулайликлар назарда тутилади. Шаҳри азим Тошкентнинг ер юзидаги минг-

²⁴ Абу Нааср Форобий «Фозил одамлар шахри»Т. 1993. 166-167 бетлар

²⁵ Ислом Каримов «Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир» Т: «Ўзбекистон» 2015у. 173 бет.

минглаб шаҳарларнинг ичида яшаш учун қулайликдаги дастлабки 50 та шаҳарнинг бири эканлиги бизнинг фахримизга айланди. Истиқлол йилларида донишманд юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари асосида бу даражага эришганлиги, шу халқнинг имкониятларини намоён қилиб турмоқда. Беихтиёр буюк давлат арбоби Амир Темурнинг «Қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларга боқ»-деган сўзларини такрор айтгимиз келаверади. Самарқанд атрофидаги бир неча қишлоқларга дунёдаги йирик шаҳарлар номларининг берилиши ҳам саркарданинг қишлоқларга ҳам катта эътибор қаратганлигининг исботидир. Бугун ҳам қишлоқларга бўлган эътиборнинг раҳнамози давлатимиз раҳбарининг ўзидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда.

“Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизига яқини, яъни 16 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини, қишлоқларимизда ҳар йили 150 мингдан зиёд янги оила вужудга келаётганини ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезаётганини инобатга олсак, бу дастурнинг аҳамияти ва моҳияти яққол аён бўлади.”²⁶

Юқорида қайд этганимиздек қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфаси билан биргаликда у ерда яшаш шароитларини янада юқори даражага кўтаришдаги асосий омил, амалга оширувчи куч, бу асосан шу ҳудуд фуқаролари экан, улардан албатта давр ислоҳотларига ҳамоҳанглик, бир сўз билан айтганда, кенг-қўламли ислоҳотларнинг қузатувчиси эмас, балки бевосита ҳамда билвосита фаол иштирокчиси бўлмоғимиз, давр нафасини ҳис этмоқлик талаб этилади. Акс ҳолда, жим қузатувчи, табир жоиз бўлса, давр шиддатидан орқадаги кишига айланиш, лоқайдликка яқиндир. Зеро ахборот-коммуникация технологиялари замонавий ахборот тизими, интернетнинг қишлоқларга кириб бориши бу соҳада рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳияти, қишлоқ ҳаётини замон нафасидан четда қолишига йўл қуймайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий ахборот тизими ҳақида сўз борар экан, қишлоқларда бу соҳанинг эгалари асосан ёшлар эканлиги, уларнинг қишлоқ ҳаётида жамиятнинг энг фаол маъсулиятли аъзолари бўлишликни тақозо этади. Чунки қишлоқ ҳаётидаги бундай ўзгаришлар энг аввало уларнинг онгу шуурларида ўз ифодасини ҳам, имкониятини ҳам намоён қилиш баробарида уларга кўплаб имкониятлардан не чоғлик фойдаланиш, уларнинг соҳани қай даражада ўрганаётганлигига ҳамда қобилиятларига, интеллектуал салоҳиятларига ҳам боғлиқдир. Шу вақтга қадар қишлоқ ҳаётида обрўли, донишмандсифат кишиларнинг ўрни алоҳида бўлиб уларга қулоқ тутиб келинган бўлса, бугун уларнинг сафига ахборот маданиятига эга бўлган ёшларнинг қўшилиши, маҳалла йиғинларининг фаолиятларида муносиб ўрин эгаллади. Яъни назоратни

²⁶ Ислом Каримов «Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир» Т: “Ўзбекистон” 2015у. 185 бет.

МФЙ ҳамкорлигида ёшлар фаоллигида амалга оширади, ҳамда фуқаролик назоратини амалга оширишнинг кўламини кенгайтиради. Шу тариқа қишлоқда ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши унинг барқарор тинчлик асосидаги тараққиётига асос бўлади.

Фуқаролик жамиятининг ёшлар интеллектуал салоҳиятига асосланган мукамал тизими йиллар давомида такомиллашиб борар экан, қишлоқда яшаш шароитларининг юқори даражага кўтарилиши у ерда яшаётган кишиларнинг ҳаётларида ўз ифодасини топиб бораверади. Бу ёрқинлик энг аввало болалар ҳамда аёллар ҳаётида намоён бўлади. Чунки барча имкониятлардан энг кўп фойдаланувчилар ва истеъмолчилар улар ҳисобланишади. Айни пайтда боғчалар, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт, иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этишда маҳаллий ёшларнинг фаоллиги эътиборга сазовордир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек «Бизнинг устувор йўналишимиз—қишлоқни шаҳар даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, биз бу мақсадга албатта етамиз».

GEOGRAFIYA DARSLARIDA EKOLOGIK TA'LIM-TARBIYA BERISH

Joniyev O.T. NavDPI o'qituvchisi

Ekologik ta'lim-tarbiya jarayonida interfaol usullarni qo'llash ekologik bilimlarni o'zlashtirish masalalarini kuchaytiradi hamda faollashtiradi. Mazkur metodlar hamkorlikda ishlash vositasida dars samaradorligini oshirishda yordam beradi va talabalarni mustaqil fikrlashga undaydi. Umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilariga ekologik ta'lim-tarbiya berish, ularda barqaror ekologik madaniyatni shakllantirishda geografiya fani hamda ushbu fan o'qituvchisining kasbiy mahorati muhim ahamiyatga ega. Ekologik ta'lim-tarbiya berish jarayoni geografiya o'qituvchisidan o'z fanini chuqur egallagan bo'lish, uni o'qitishning mohir ustasi, zamonaviy innovatsion texnologiyalarni mukammal egallagan bo'lishni talab etadi. O'qituvchi o'quvchilarga beriladigan ekologik ta'lim mazmuni va hajmini aniqlayotganda ma'lum didaktik tamoyillarga amal qilishni bilishi lozim.

O'zbekiston tabiiy geografiyasi kursini o'qitishda o'quvchilarga ekologik ta'lim-tarbiya berishda milliy va umuminsoniy qadriyatlardan foydalanish imkoniyati katta. Chunki bu kurs davomida mamlakatimizning tabiiy geografik joylanishi, tuproq, o'simlik va hayvonot dunyosi, iqlimi ichki suvlari, tabiatini muhofaza qilish hamda, tabiiy geografik rayonlarining alohida o'rganilishi jarayonida deyarli barcha mavzularni o'qitilishi jarayonida ekologik ta'lim-tarbiya uzviyligini ta'minlash mumkin va maqsadga muvofiqdir. O'qitish jarayoniga bunday yondashish o'quvchilarga bilim berishning tayanch qonuniyatlarini anglab yetishga yordam beradi. Bu sinfda o'tiladigan geografiyaning ya'ni O'zbekiston tabiiy geografiyasi predmetining yana o'ziga xos tomoni, faqat darslik kitoblarigina emas, balki darslikdan tashqari nashr etilgan metodik qo'llanmalar asosida olib borish dars samaradorligini oshirishda asosiy o'rinlardan hisoblanadi.

O'zbekiston tabiiy geografiyasi fani o'rganuvchi ob'ektlar haqida bunday aniq, keng fikr yuritilishi, ushbu kursdan boshlab, har bir dars mavzusida yana bir muhim masala – o'quvchilarda ekologik bilimlarni shakllantirish masalasiga yaqindan yondashish imkonini yaratadi. Bu o'rinda har bir yangi tushunchalarni mahalliy tabiat bilan bog'lab, mustahkamlab borish hozirgi kunning eng muhim vazifa va har bir o'qituvchining muqaddas burchlaridan hisoblanadi. Ya'ni har bir dars mavzusida quyidagi uchta narsaga alohida e'tibor qaratilishi lozim:

geografik ob'ekt, tabiiy hodisa va tabiiy jarayonlarga ilmiy ta'rif berish;
shakllantirilgan tushunchalarni ekologik nuqtai-nazaridan talqin etish;

har bir yangi geografik tushunchani mahalliy sharoit, o'z o'lkasining geografik xususiyatlari bilan bog'liq holda misollar yordamida mustahkamlash. Shuning uchun har bir geografiya o'qituvchisi o'zining ish rejasi va dasturi yordamida o'tiladigan mavzularni kengaytirilgan rejasini tuzib olib, qaysi mavzuni o'tganda qanday muammolarga ko'proq e'tibor qaratish kerakligini oldindan aniqlab olsalar maqsadga muvofiq bo'ladi. Chunonchi, hadislardan na'munalar, afsonalar, rivoyatlar, ertaklar, xalq udumlari, topishmoq, maqol, metal, tabiat bayramlaridan misollar keltirib, ekologik tarbiyani mavzu mazmuniga singdirib borilsa o'quvchi ongiga yaxshi yetib boradi.

Yurtboshimiz Islom Karimovning "Ona zaminimiz–boyligimizning mustaqilligimizning va go'zal kelajakka ishonchimizning asosiy manbaidir" degan so'zlariga asoslanib, inson tabiat bilan tirik deyish mumkin. Tabiatni e'zozlash, ona-zaminimizning har bir hovuch tuprog'ini muqaddas bilib, ko'zga surtish zarur va muhimligi haqida sharqona, o'zbekona ta'lim-tarbiya hozirgi davrda ayniqsa, dolzarb, o'ta axamyatlidir. Demak, o'quvchilar ongiga ekologik madaniyat, tabiatga muhabbatni uyg'otishda, avvalo tarbiyachilarning o'zi shunday bilimga ega bo'lishi kerak, shu nuqtai hazardan bo'lajak pedagoglar ongiga tabiatni muhofaza qilishning iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy axloqiy asoslarini singdirish maqsadga muvofiq. Tabiatni muhofaza qilishda ishtirok etishni quyidagicha ifodalash mumkin. Biz pedagoglar tabiatga bo'lgan munosabatni o'zgartirmasdan boshqalardan buni talab qila olmaymiz, tabiat bizdan faqat yordam kutadi va biz buni bajarishga majburmiz. Chunki tabiat insonsiz yashashi mumkin, ammo inson tabiatsiz yashay olmaydi. Agar inson tabiatni halok qilsa, o'zi ham halok bo'ladi. Bu asirlar davomida sinalgan va tajribalardan o'tgan haqiqatdir. Tabiat o'ziga qilingan har qanday mexribonlikni ham, shavqatsizlikni ham unutmaydi. O'zbekiston tabiiy geografiyasi fanini o'qitishda o'quvchilarda ekologik ta'lim-tarbiya, ekologik ong va dunyoqarash hamda ekologik tafakkur va madaniyatni shakllantirish lozim. Ekologik madaniyat tabiatni muhofaza qilish madaniyati bo'lib, tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish va ekologik tizimni ongli o'zgartirish madaniyatidir. Umumta'lim maktablari o'quvchilarining ekologik madaniyatini shakllantirish quyidagicha amalga oshirilishi maqsadga muvofiq:

- o'quvchining hissiyotiga ta'sir etish;

- o'quvchilar qalbida tabiatga, atrof-muxitga muxabbat uyg'otish;

-o'quvchilar ongida tabiatni muhofaza etish va u bilan oqilona munosabatni shakllantirish;

- ekologik ta'lim-tarbiyani olishni uzluksiz davom ettirish;

-olingan nazariy bilimlarni amalda qo'llash. malaka va ko'nikmalarni shakllantirish zarur. Bunday sifatlarni o'quvchilarda shakllantirish uchun

zamonaviy bilimlar sari keng yo'l ochish, ta'limni takomillashtirish, pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kunning eng asosiy talablaridan biridir. Bu jarayonning asosiy tashkilotchisi va boshqaruvchisi oqituvchidir, mustaqil O'zbekistonda uzluksiz ta'lim tizimining isloh qilishni yangi Davlat ta'lim standartlari asosida ekologik ta'lim va tarbiya jarayonini tashkil etishga qaratilgani muhimdir.

Geografiya fani ekologik muammolarning yuz berishi va o'zgarishini iqtisodiy-ijtimoiy nuqtai nazardan tahlil qiladi. Ushbu jarayonlarning jahon hamda mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta'siri, uning har bir o'quvchi oilasigacha bo'lgan aks ta'sirini mayda tafsilotlar bilan bo'lsada, tushuntirib berish o'quvchida ekologik xulq-atvor qoidalari va madaniyatni tarkib topishida yaxshi samara beradi. Har tomonlama ekologik madaniyatli o'quvchilarni tarbiyalashda tabiat va jamiyat o'zaro aloqadorligi haqidagi bilimlarni berishning o'zigina kifoya qilmaydi. Eng muhimi tabiatni muhofaza qilish, uning boyliklarini oqilona foydalanish bo'yicha o'quvchilarda eng zarur ko'nikma va malakalarni shakillantirish lozim. Shundagina o'quvchilarning tabiiy faoliyatini tartibga solib turadigan ekologik ong shakillanadi. Tabiat va jamiyatning o'zaro aloqadorligi haqida darsda egallangan nazariy bilimlar o'lka materiallari negizidagi sinfdan tashqari amaliy ishlarda o'z aksini topsa, ekologik tarbiyaviy ishlarining samaradorligini yanada oshadi.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДЛАРИДА ТАРҚАЛГАН КАРАМГУЛДОШЛАР (BRASSICACEAE) ОИЛАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Чариев Рашид Равшанович Қарши Д.У. Биология кафедраси ўқитувчиси.
Мусаева Шахноза Рустам қизи Қарши Д.У. Биология йўналиши талабаси*

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубида жойлашган. Майдони 28,4 минг кв км. Қашқадарё вилояти шимоли-ғарбдан Бухоро, шимолда Самарқанд, шарқ ва жануби-шарқдан Сурхондарё вилоятлари ҳамда жануб ва жануби-ғарбдан Туркманистон давлати билан чегарадош.

Кўп жилдли Ўзбекистон флорасида келтирилган 4148 тур ўсимликнинг вилоят ҳудудида 1500 га яқини учраши адабиётларда кўрсатилган. Мавжуд турлар барча тик минтақаликларда тарқалган. Ушбу турлар ичида анча кенг тарқалган оилалардан бири карамгулдошлар бўлиб, бу оиланинг ер юзиде 354 туркумга мансуб уч мингга яқин, Ўрта Осиё ҳудудларида 107 туркум, 750 тури, Ўзбекистонда 76 туркум 200 тури учрайди. Виоятимизнинг ўсимликлар қопламида эса 22 туркум 47 тури учраши бизнинг кузатишларимиз бўйича қайт этилди. Бу оила вақллари ўзига хос биоэкологик хусусиятга эга бўлганлиги учун барча майдонлардаги жамоларда, агрофитоценозларда тарқалганлиги кузатилди. Оила вақллари таркибида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик турлар мавжуд. Адабиётларда оила вақллари ўртасида ахён–ахёнда бўлсада чала буталари учраши кўрсатиб ўтилган. Карамгулдошлар оиласига мансуб турларнинг кўпчиликларида барглари оддий ёки қирқилган бўлиб навбат билан ёки кетма–кет жойлашган. Гулларининг тузилиши асосан, актиноморф бўлиб

зигомарф тузилишдагилари кам учрайди. Улар икки жинсли, нектарга бой, ранги сарик ёки оқ рангда бўлиб, пушти ва гунафша рангли гуллилари ҳам борлигини кузатдик. Гуллари жойлашувига кўра шингл ёки рувак тупгуллар тўпламларида жойлашади. Мевалари ёнғоқча ёки кузоқча шаклига эга.

Вилоят ҳудудида кенг тарқалган турларга мисол қилиб, оқ читир (*Malkolmia africana*), жағ–жағ (*Capsella bursa-pastoris*), қатрон (*Crambe*), куртена (*Sisymbrium loeselii* L.), довжут (*Megacarpaea gigantea* Rgl.), хантал (*Wrassica juncea* L.), қорамашоқ (*Leptaleum filifolium*), ярутка (*Thlaspi arvense* L.), индов (*Erycasativa* Lam.), момақалдироқ (*Alyssum desertorum*), қизилчўп (*Spirorrhynchus sabulosus*), голдбахия (*Woldbachia laevigata*), яғлиқора (*Leptaleum filifolium*), ожуд (*Megacarpaea orbiculata*), момасирка (*Draba verna*), ўсма (*Isatis* L.), карам (*Brassica* L.), редиска (*Raphanus sativus* var. *Racicula pers*), шолғом (*Brassica rapa*), тупп (*Raphantus sativus*), каби ўсимлик турларини ўсишини аниқладик. Карамгулдошлар оиласи вакиллари муҳим озиқ–овқат, доривор ва ем–ҳашак ўсимликлари ҳисобланади. Улар орасида асал берувчи, ёғ олинадиган ва техник мақсадлар учун ишлатиладиган турлари ҳам мавжуд.

Кузатишларимиздан вилоят ҳудудида тарқалган карамгулдошлар оиласи вакиллари бошоқдошлар, дуккакдошлар, шўрадошлар, қокиўтдошлар, итузумдошлар, раъногулдошлар, гулхайирдошлар каби оилалар вакиллари билан бирга табиий ҳолда ўсиб формациялар ҳосил қилади. Бундан ташқари оила вакиллари маданийлашган ўсимликлар билан бирга ўсиб, ҳар–хил манзаралар ҳосил қилиши аниқланди. Кузатишларимиздан қорамашоқ, қизилчўп, яғлиқора каби тупларнинг аҳволи сон ва сифат жиҳатлари адабиётларга қайд этилгандек яхши деб бўлмайди. Табиий бойлик саналган бу ўсимликларни турларини сақлаб қолиш керак деб ҳисоблаймиз.

КИЧИК ЎРА ДАРЁСИ ҲАВЗАСИДА THALICTRUM ISOPYROIDES ЦЕНОПУЛЯЦИЯСИНИНГ ФЛОРИСТИК ТАҲЛИЛИ

М. Бўранова, Қарши давлат университети ўқитувчиси

Кичик Ўра дарёси Ҳисор тоғ тизмасининг жануби–ғарбий тармоқлари бўлган Бойсун ва Оқбош тоғларида бошланади. Унинг узунлиги 117 км ва ҳавзасининг майдони 1660 км² га тенг. Қашқадарё вилоятидаги Дехқонобод туманининг Гумбулоқ ва Шўргузар қишлоқларидан оқиб ўтгач, Катта Ўра дарёси билан туташади. Шу жойда 1968 йилда фойдаланишга топширилган Пачкамар сув омбори жойлашган. Кичик Ўра дарёси денгиз сатҳидан 2500 м. баландликда бошланиб, Пачкамар сувомборига қуйилиш жойида денгиз сатҳидан 450 м гача тушиб келади.

Кичик Ўра дарёси ҳавзасида паст ва ўрта тоғлар билан ўралган ўзига хос “кичик водий” ҳосил бўлиб, у ерда ўзига хос микроиклим шаклланади. Бу муҳитда айиктовондошлар (*Ranunculaceae*) оиласига мансуб бўлган тенг мевали санчикўт (*Thalictrum isopyroides*) ўсади.

Тенг мевали санчикўт (*Th. isopyroides*) кўп йиллик криптофит ўсимлик бўлиб, бўйи 10–40 см гача боради. Пояси оддий, қисман шохланган, туксиз. Барглари поянинг асосида жойлашган, сони икки–учта, туксиз, уч–тўрт марта патсимон қирқилган, қиска ёки узун бандли. Гули туксиз гулбандда жуда

сийрак супургисимон тўпгулга йиғилган. Мевалари тухумсимон, 4-5 мм узунликда ва 1-2 мм энлиликда, ҳар томонидан уч қиррали, тумшукчали. Апрель – май ойларида гуллади, май – июнь ойларида меваси етилади.

Қоялар, шағалли ва тошлоқли тоғ ёнбағирлари, тошлоқ адирлар, чўллар, тоғ олди зоналардан тоғларнинг ўрта минтақаларигача тарқалган.

Ўрта Осиё, Кавказorti, Россия, Эрон, Сурия, Афғонистонда тарқалган. Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларида учрайди.

Тенг мевали санчиқўтдан (*Th. isopyroides*) олинадиган “Тализопин” препарати адаптив ва антиаритмик хусусиятга эга, асаб касалликлари клиникасида янги антиэпилептик восита сифатида синовлар учун рухсат этилган.

Унинг Қорадаҳана қишлоғи ёнидаги ценопопуляцияси флористик жиҳатдан таҳлил қилинганда унда санчиқўт билан биргаликда яна 38 турдаги ўсимлик учраши маълум бўлди. Бу ценопопуляция жануби-ғарбий ёнбағирда денгиз сатҳидан 1050 м баландликдаги аралаш ўтли-фломоедес-липския ассоциацияда жойлашган.

Тадқиқотларимиз давомида ўсимликларнинг мўллигини Друде шкаласи бўйича баҳоланди. Унда чандир липския энг мўл (*cop*³) бўлиб, ундан кейин кўнғирбош (*Poa bulbosa* L. — *cop*²) ва Кауфман фломоедеси (*Phlomooides kaufmanniana* (Regel) Adyl., R. Kam. & Machmedov — *cop*²) кўпроқ учрайди.

1-жадвал

Тенг мевали санчиқўт (*Th. isopyroides*) ценопопуляциясининг флористик таркиби

№	Тур номи	Оиласи	Мўллиги
1	<i>Achillea wilhelmsii</i> C. Koch.	Asteraceae	sol
2	<i>Aegilops cylindrica</i> Host.	Poaceae	sol
3	<i>Allium drepanophyllum</i> Vved.	Alliaceae	sp ²
4	<i>Alyssum szovitsianum</i> Fisch. & C.A. Mey.	Brassicaceae	sol
5	<i>Artemisia baldshuanica</i> Krasch. & Zapr.	Asteraceae	sol
6	<i>Astragalus campylotrichus</i> Bunge	Fabaceae	sol
7	<i>Astragalus maverranagri</i> M. Pop.	Fabaceae	sp ¹
8	<i>Astragalus rumpens</i> Meff.	Fabaceae	sol
9	<i>Bromus scoparius</i> L.	Poaceae	sol
10	<i>Ceratocephala testiculata</i> (Grantz.) Bess.	Ranunculaceae	sol
11	<i>Chardinia orientalis</i> (L.) O. Kuntze	Asteraceae	sol
12	<i>Convolvulus subhirsutus</i> Regel et Schmalh.	Convolvulaceae	sp ¹
13	<i>Cousinia</i> sp.	Asteraceae	sp ²
14	<i>Cryptospora omissa</i> Botsch.	Brassicaceae	sp ¹
15	<i>Gagea</i> sp.	Liliaceae	sol
16	<i>Galium tricornutum</i> Dandy	Rubiaceae	sp ¹
17	<i>Garhadiolus papposus</i> Boiss. & Buhse	Asteraceae	sp ¹
18	<i>Gentiana olivieri</i> Griseb.	Gentianaceae	sol
19	<i>Goldbachia laevigata</i> (Bieb.) DC.	Brassicaceae	sol
20	<i>Haplophyllum perforatum</i> Kar. & Kir.	Rutaceae	sol

21	Hetherantheium piliferum (Banks & Soland.) Hochst.	Poaceae	sp ¹
22	Hulthemia persica (Michx. ex Juss.) Bornm.	Rosaceae	sp ²
23	Hypocoum trilobum Trautv.	Hypocoaceae	sp ¹
24	Ixiolirion tataricum (Pall.) Schult. & Schult. fil.	Amaryllidaceae	sol
25	Lipskya insignis (K.-Pol.) Nevsky	Apiaceae	cop ³
26	Nigella bucharica Schipcz.	Ranunculaceae	sol
27	Phlomis spinidens Nevsky	Lamiaceae	sp ¹
28	Phlomoidea kaufmanniana (Regel) Adyl., R. Kam. & Machmedov	Lamiaceae	cop ¹
29	Poa bulbosa L.	Poaceae	cop ²
30	Roemeria refracta DC.	Papaveraceae	sol
31	Scorzonera circumflexa Krasch. & Lipsch.	Asteraceae	sp ¹
32	Strigosella africana (L.) Botsch.	Brassicaceae	sp ¹
33	Taraxacum sp.	Asteraceae	sol
34	Thalictrum isopyroides C.A. Mey.	Ranunculaceae	sol
35	Trigonella cansellata Desf.	Fabaceae	sp ²
36	Turgenia latifolia (L.) Hoffm.	Apiaceae	sol
37	Valerianella sp.	Valerianaceae	sp ³
38	Ziziphora tenuior L.	Lamiaceae	sol
39	Zoegea baldschuanica C. Winkl.	Asteraceae	sp ²

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида шу хулосага келдикки, тенг мевали санчиқўт (*Th. isopyroides*) денгиз сатҳидан 1050 м баландликдаги аралаш ўтли – фломоидес – липския ассоциациясида 38 турдаги ўсимликлар билан бирга ўсиши маълум бўлди. Друде шкаласи бўйича мўллиги ўрганилганда унинг бу ассоциацияда жуда кам учраши (sol) маълум бўлди.

MAMLAKATIMIZDA TABIATNI MUHOFAZA QILISH VA EKOLOGIYA

I.A.Xudoyberdiyeva. NavDPI o'qituvchi. Latipov Normurod talaba.

Fan texnika yuksak taraqqiy etgan hozirgi davrda inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatlar ayniqsa, atrof-muxitni muhofaza qilish va tabiat resurslaridan oqilona foydalanish masalasi juda muhim muammo bo'lib qoldi.

«Hozir, XXI asr busag'asida deb ta'kidlagandi O'zbekiston Respublikasi Prizdenti I.A. Karimov, fan-texnika taraqqiyoti jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Dunyoning jug'rofik siyosiy tuzilishi o'zgarmoqda. Bunday sharoitda inson tomonidan biosferaga ko'rsatilayotgan ta'sirni tartibga solish, ijtimoiy taraqqiyot bilan qulay tabiiy muhitni saqlab qolishning o'zaro ta'sirini uyg'unlashtirish, inson va tabiatning o'zaro munosabatlarida muvozanatga erishish muammolari borgan sari dolzarb bo'lib qolmoqda».

Tabiat cheksiz, tabiat boyliklari bitmas-tuganmas degan tasavvurlarga chek qo'yiladigan davr keldi, kishining madaniyat darajasini, intellektual saviyasini uning tabiatga bo'lgan munosabati bilan o'lchaydigan payt keldi.

Tabiatni muhofaza qilish deganda butun insoniyat manfaatini ko'zlab, tabiatdan oqilona foydalanish, uni saqlash, qo'riqlash va tabiiy boyliklarini

ko'paytirish yo'lida davlatlar va xalqlar amalga oshirayotgan tadbirlarning ilmiy jixatdan asoslangan majmuasi tushuniladi.

Respublikamizda hozirgi va kelajak avlodlarining manfaatlarini ko'zlab, yer va yer osti boyliklarini, suv resurslarini, o'simliklar va hayvonot dunyosini qo'riqlash va ulardan ilmiy asosda, oqilona foydalanish, havo va suvni toza saqlash, tabiiy boyliklarni uzluksiz ko'paytirib borishni ta'minlash va insonning atrof muhitni yaxshilash uchun zarur choralar ko'rish asosiy dastur bo'lib xizmat qilishi kerak.

Tabiatni muhofaza qilish hozirgi zamondagi eng aktual muammolardan biri – inson bilan tabiat o'rtasidagi va tabiat bilan inson o'rtasidagi, jamiyat bilan tevarak – atrofdagi muxit o'rtasidagi muammoning tarkibiy qismidir.

Muammoning mohiyati shundaki, tabiat eng avvalo inson uchun qo'riqlanishi kerak. Inson bilan tabiat har doim bir butunni tashkil qilib kelgan, chunki inson tabiatning tarkibiy qismidir. Suv va havo, oziq-ovqat va makon bo'lmasa, kishilar yashay olmaydilar. Inson o'zining tabiat bilan bo'lgan bevosita aloqasi orqali tabiiy muhitga juda katta ta'sir qilib kelgan. Kishining tabiatga ta'siri to'g'risida gapirar ekanmiz, biz avvalo, uning mehnat faoliyatini nazarda tutamiz. Kishilar tabiatga mehnat orqali ta'sir ko'rsatadilar, mehnati bilan tabiatni o'zgartiradilar.

Inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatlarning negizini tashkil etadigan mehnat jarayonidir. Mehnat tufayli insoniyat jamiyati paydo bo'ldi, uning tarkib topish va taraqqiyot qonunlari vujudga keldi.

Noqulay ekologik sharoitda biosferaning ayrim go'shalarini saqlab qolish, ularda kamayib ketayotgan hayvonlar va o'simliklarni ko'paytirish yo'li bilan ularni butunlay yo'qolib ketish xavfidan qutqarib qolish eng dolzarb masala.

O'zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi atrof-muhitni yuksak sifatini ta'minlash maqsadida me'yorlashtirish, standartlashtirish, meteorologiya va sertifikatsiyalash siyosatini amalga oshirishni davom ettirmoqda.

Hozirda O'zbekistonda quyidagi standartlar qo'llaniladi:

- atmosfera havosi sifati;
- ishchi joylaridagi havo sifati;
- ichimlik suvlari sifati;
- yer usti suvlari sifati;
- tuproq sifati;
- yer osti suvlari sifati;
- oziq-ovqat mahsulotlari sifati;
- atmosfera havosiga chiqariladigan ifloslovchi moddalar me'yori;
- yer usti suvlariga tashlanadigan ifloslovchi moddalar me'yori.

Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi huzurida mahsulot va xizmatlarni ekologik sertifikatsiyalash markazi tashkil etilgan (1993 y.). Uning asosiy maqsad va vazifalari quyidagilardan iborat:

- ekologik xatarsiz texnologik jaryonlarni ishlab chiqish va joriy etish;
- ekologik xavfsiz mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish;
- qulay atrof-muhitni saqlash maqsadida me'yoriy-huquqiy va iqtisodiy mexanizmlarni yaratish va qo'llash;

- ekologik xavfli mahsulotlar, texnologiyalar, ishlab chiqarish va ehtiyojli chiqindilarning respublikaga kiritilishi va uning hududidan olib o'tilishiga barham berish;

- tabiatni muhofaza qilishga qaratilgan ish va xizmatlar bozorini tartibga solish;

- atrof-muhit sifatini yaxshilash;

- resurslarni saqlash va atrof-muhitga nomaqbul ta'sir haqida ogohlantirish.

Atrof muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish vazifasi hozirgi kunda har qanday davlat iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotining asosiy belgilovchi omili bo'lib qoldi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, bugun biz XXI asrda, ya'ni ilm-fan, texnika rivojlangan davrda yashayapmiz. Turli tarmoqqa tegishli sanoat korxonalari turli chiqindilarni chiqarmoqda. Iloji boricha bu borada turli yangicha texnologiyalardan foydalanib atrof-muhitga chiqindilarni kamroq chiqarish yo'llarini izlashimiz kerak. Har birimiz tabiatni, atrof muhitni ekologiyamizni ko'z qorachig'imizdek asrab avaylashimiz shart va zarur.

ЯНГИ ЛИГНИН ЭНТЕРОСОРБЕНТИНИНГ ОҒИР МЕТАЛЛ ИОНЛАРИГА НИСБАТАН СОРБЦИОН СИҒИМИНИ АНИҚЛАШ

Юнусходжаева Х.Г.¹, Исмаилова М.Г.²

¹Кичик илмий ходим, Ўзбекистон киме-фармацевтика илмий тадқиқот институти² Биотехнология кафедраси мудири, Тошкент фармацевтика институти,

Ҳозирги кунда атроф мухитнинг оғир металл билан ифлосланиши муаммоси илмий асосланган ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, улар инсон организмига турли ножўя таъсирлар кўрсатиши аниқланмоқда. Оғир металл ва уларнинг бирикмалари аксарият ҳолларда инсон организмнинг ошқозон-ичак йўлига озиқ-овқат маҳсулотлари, сув билан ва айрим ҳолларда эса нафас олиш йўллари орқали келиб тушади. Организмда юқори концентрациядаги оғир металл турли хил органларга салбий таъсир этиб, асаб тизими, қон, буйрак ва баъзи бошқа органларда умумий резистентликни ўзгаришини ва биринчи навбатда жигар ва нафас йўллари фаолиятини бузиб жиддий касалликларни келтириб чиқаради.

Бундай ҳолатларни турли сорбентларни қўллаш орқали даволаш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, УзКФТИ илмий ходимлари томонидан янги пахта гидролизланган лигнин асосида «Зеротокс» энтеросорбенти ишлаб чиқилди. Ушбу тадқиқотнинг мақсади лигнин энтеросорбентининг оғир металл ионларига нисбатан сорбцион сиғимини аниқлашдир.

Тадқиқот - Unicam 929 FF spectrometer, System "Solar" асбобида, атом-адсорбцион усули ёрдамида ўтказилди. Тадқиқот давомида 20% ва 60% намликка эга бўлган «Зеротокс» лигнин энтеросорбенти намуларининг баъзи оғир металл ионларига нисбатан сорбцион сиғими ўрганилди.

Қўрғошин, кадмий, хром, рух, темир ионларига нисбатан сорбцион сиғимни аниқлаш бўйича таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Эритмада оғир металл ионларининг концентрациясини аниқлаш бўйича
натижалар

Намуналар		Стандарт эритма	1 - тахлил	2 - тахлил
Кўрсаткичлар				
Оптик зичлиги	Pb (кўрғошин)	0,010	0,000	0,000
	Cd (кадмий)	0,141	0,005	0,008
	Cr (хром)	0,011	0,001	0,003
	Zn (рух)	0,241	0,004	0,007
	Fe (темир)	0,047	0,018	0,030
Концентрация, мг/л	Pb (кўрғошин)	4,0	Аниқлан-мади	Аниқлан-мади
	Cd (кадмий)	4,0	0,098	0,184
	Cr (хром)	4,0	0,405	1,337
	Zn (рух)	4,0	0,065	0,112
	Fe (темир)	4,0	0,0965	0,192

Тадқиқот ўтказишдан аввал, таркибида кадмий, кўрғошин, темир, рух, хром каби металл ионлари бўлган стандарт эритмалар тайерланди. Стандарт эритмаларда ҳар бир оғир металл ионининг концентрацияси 4,0 мг/л ни ташкил этди. Оғир металл ионларининг концентрация даражаси билан сорбентнинг адсорбцион фаоллиги узвий боғлиқ бўлиб, тажрибаларда оғир металллар миқдорий тахлилида аниқланган фарқлар асосида «Зеротокс» энтеросорбентини адсорбцион кўрсаткичлари аниқланди.

Тадқиқот натижалари, эритмаларда оғир металл ионларининг концентрацияси, сорбент таъсиридан сўнг камайишини кўрсатди. Масалан, текширилатган эритмаларда сорбент таъсиридан сўнг, кўрғошин ионлари умуман аниқланмади. 60 % намликка эга бўлган сорбент таъсирида эритма таркибидаги кадмийнинг қолдиқ концентрацияси 1 – тахлил натижаси бўйича 0,098 мг/л ни ташкил этган бўлса, 20 % гача қуритилган сорбент таъсирида эса 2 – тахлил натижалари 0,184 мг/л ни ташкил этди. Тадқиқот давомида 60 % намликдаги лигнин сорбентининг кадмий ионига нисбатан селективлиги 20 % гача қуритилган лигнинга нисбатан юқорилиги аниқланди.

Бошқа металллар адсорбциясида ҳам худди шундай натижаларга эришилди. Хром, рух ва темир ионлари нам сорбент орқали деярли бутунлай йўқолиши кузатилган бўлса, куруқ сорбент таъсирида худди шу металлларнинг йўқолиш даражаси камроқ бўлди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган лигнин сорбенти оғир металл ионларига нисбатан юқори адсорбцион фаолликка эга эканлиги аниқланди.

KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA FIZIKADAN EKOLOGIK TA'LIMNI LOYIHALASHTIRISH

E.A.Qudratov, B.T.Bisenova – NavDPI, “Fizika va astronomiya o’qitish metodikasi” kafedrası katta o’qituvchilari

Kasb-hunar kollejlarda umumiy ta’lim fani sifatida o’qitiladigan fizika kursining maqsadi, fizikadan fundamental bilim berish, fizik hodisalarni va olamning fizik manzarasini ilmiy asosda tushuntirish orqali o’quvchilarning ilmiy dunyoqarashini rivojlantirish, tabiatda va texnikadagi fizik jarayonlarni idrok etish salohiyatini oshirish, olgan bilimlarini ijtimoiy hayotga va xalq xo’jaligidagi faoliyatlari uchun tayyorlashdan iborat.

Bundan tashqari, kasb-hunar kollejlarda fizika o’qituvchilarining muhim vazifalaridan biri shundan iboratki, u o’z darslarida fizikani jamiyat taraqqiyoti rivojiga qo’shgan hissasi va fizikani tabiat o’zgarishlariga ko’rsatadigan ta’sirilarini ham birgalikda ta’kidlab borishdan iborat. Bu faoliyatni aniq misollar orqali ko’rsatib bera olishi va ularni ma’ruzalar, tajribalar, eksperimentlar, laboratoriyalar, ko’rgazmalar, videofilmlar orqali namoyish etib borishi kerak bo’ladi. Fizika fani o’qituvchisi shu yo’l bilan o’quvchilarni fizika faniga bo’lgan qiziqishini oshirish bilan birga jamiyatning rivojlanishidan g’ururlantirsa, tabiatga bo’lgan munosabatini ham o’zgartiradi. Fizika fanini o’qitishni shunday tashkil etish kerakki, bunda texnika taraqqiyotini va tabiat o’zgarishini belgilovchi faktor - fizikaning qonunlari ekanligiga o’quvchilarda ishonch hosil bo’lsin.

Kasb-hunar kollejida ekologik ta’limning asosiy maqsadi, o’quvchilarda tabiat haqida to’g’ri tasavvurlarni shakllantirish, tabiatga nisbatan ongli munosabatlarni tarkib toptirish, ularni tabiat boyliklaridan ratsional foydalanish, uni muhofaza qilish, ko’paytirish, kelajak avlodlarga tabiatni ta’biy holda qoldirish ruhida tarbiyalashdan iborat.

Shunday ekan, fizika darslarida ekologik ta’lim berishda quyidagi muammolarni hal qilish zarur:

1. Nima uchun bir guruh o’quvchilar tabiatni nihoyatda sevib, unga nisbatan ongli munosabatda bo’lgan holda unga hech qanday salbiy ta’sir yetkazmaydilar, ba’zilar esa aksincha munosabatda bo’lishadi?

2. Nima uchun o’quvchilar har xil hayotiy sharoitlarda tabiatga nisbatan turlicha munosabatda bo’lishadi?

3. O’quvchilarga berilgan nazariy bilim ularni tabiatga nisbatan yuqori madaniyatli kishi qilib tarbiyalashda qanday rol o’ynaydi?

4. Ota-ona, kattalar ta’siri qanday rol o’ynaydi?

5. O’quvchilarning tabiatni qo’riqlashga oid bilimlarni o’rganishga munosabatlari qanday?

6. O’quvchilarning tabiatga nisbatan shakllantirilgan (tarkib topgan) sezgirligi, farosati, aqliy munosabatlari ularning tabiatni qo’riqlash sohasidagi amaliy faoliyatlariga qanday ta’sir etadi?

Bu muammolarni hal qilish uchun o’quvchilarda tabiat boyliklari bo’lgan Yer, suv, havo va boshqalarni hamda ularning o’zaro ta’siri tufayli sodir bo’ladigan hodisalar haqida to’g’ri tasavvurlarni tarkib toptirish zarur. Uning uchun olamning moddiy birligini birinchi darajali qilib qo’yish lozim, chunki olamning moddiy

birligi masalasi tabiat haqidagi bilimlarning asosi hisoblanadi. Bu masala ta'lim-tarbiya jarayonida markaziy ob'ekt bo'lishi kerak.

Fizika fani ham boshqa fanlar singari quyidagilarni tasdiqlaydi:

-har qanday hodisa atrofda hodisalar bilan uzviy, ajralmas bog'liq holda sodir bo'ladi, agar hodisani alohida ajratishni istab, uning atrofida boshqa hodisalar bilan aloqasini yo'q deb hisoblasak, biz albatta hodisaning tabiiy holda sodir bo'lishini buzgan bo'lamiz;

- barcha borliq narsalar tabiatga xos narsa bo'lib, tabiatning qonuniy o'zgarishi va rivojlanishi ta'sirida bo'ladi;

- uzluksiz rivojlanish jarayonida miqdoriy o'zgarishlar to'plana borib, uzluksiz sakrash yo'li bilan sodir bo'luvchi sifat o'zgarishlarini vujudga keltiradi.

Fizika fani tabiat qonunlariga ongli ravishda ta'sir etishi natijasida uni inson izmiga bo'ysuntirishni asosiy maqsad qilib qo'yadi.

Fizika fanini o'qitishda o'quvchilarga ekologik ta'lim berishning imkoniyatlari, shakllari va metodlari

<i>T/r</i>	<i>Imkoniyatlar</i>	<i>Shakllar</i>	<i>Metodlar</i>
	<p>Havoning tarkibi, bosimi, harorat, havoning namligi, elektromagnit maydon, gravitatsion doimiy, tovush to'lqinlari (shovqin), radiatsiya darajasi, radioaktivlik va h. Shamol energiyasidan foydalanish, Quyosh Yerdagi energiyaning bosh manbai, elektr energiya ishlab chiqarish va uni uzatish, yadro energiyasidan foydalanish kabi mavzularni o'rganishda o'quvchilarga tabiat resurslaridan ratsional foydalanish va uni ifloslantirmaslikka oid bilimlar.</p>	Dars jarayonida	Dars boshlashda mavzu materialiga kirish so'zida, dars davomida misol yoki ko'rgazmali plakat va masala yechish asosida, dars oxirida esa o'quv materiallarini takrorlab mustahkamlash
		Fakultativ mashg'ulot	Fizikaviy qonunlarni shunday tanlash kerakki, ular bevosita dastur materiallarini chuqurlashtiradigan va kengaytiradigan, shuningdek, ekologik materiallarni fizika va boshqa fanlarni o'zaro bevosita bog'langan holda o'rgatish
		Sinfdan tashqari mashg'ulot	Dala sharoiti bilan bog'liq bo'lish, uzoq davom etadigan tajriba o'tkazish va kuzatishni amalga oshirish
		Mustaqil ta'lim	Bunda o'qituvchi faqat zarur materiallarni qayerdan olish kerakligini, nimalarga e'tibor berishi zarurligini ta'kidlab o'tadi

Fizika dasturida ekologik ta'limga oid bilimlar berish uchun maxsus soatlar ajratilmagan. Fizika fanidan ekologik ta'lim berishni quyidagi shakllarda olib borish mumkin:

- *dars jarayonida* – mavzuni o'rganishda o'quvchilarga ekologiyaga oid bilim berish maqsadga muvofiq. Ammo dars vaqti cheklanganligidan ekologik manbalarni ko'plab bayon etib bo'lmaydi. Buni o'qituvchi tejalgan 3-4 minut vaqt davomidagina misollar asosida qilishi mumkin;

- *fakultativ mashg'ulotlarda* ekologik tushunchalarga oid eng muhim fizikaviy qonunlarni shunday tanlash kerakki, ular bevosita dastur materiallarini chuqurlashtiradigan va kengaytiradigan, shuningdek, ekologik materiallarni fizika va boshqa fanlarni o'zaro bevosita bog'langan holda o'rgatishda qo'l keladigan bo'lsin;

- *sinfдан tashqari mashg'ulotlarda* ba'zi materiallarni darsda ham, fakultativ mashg'ulotlarda ham o'tib bo'lmaydi, chunki uni o'rganish uchun ko'p vaqt talab qilinadi. Ekologik ta'lim berish masalasi kompleks bo'lganligidan, uni hal etish uchun barcha fanlar ishtirok etishi zarur, shu nuqtaiy nazardan fanlararo tashkil etilgan sinfdan tashqari ish muhim ahamiyatga ega. Bunday xarakterdagi materiallar o'quvchilarga sinfdan tashqari mashg'ulotlarda berib boriladi.

- *mustaqil o'qishda* ekologik ta'limga oid ko'pgina materiallar mavjudki, buni o'quvchilarning o'zlari, o'qituvchining hech qanday yordamisiz o'qib o'rganishlari mumkin.

O'quvchilarga ekologik ta'lim-tarbiya berishning asosiy formasi – bu dars, chunki darsda barcha o'quvchilar qatnashadi.

Demak, o'quvchilar fizikadan olgan bilimlariga tayangan holda tabiatdagi o'zaro bog'langan fizik hodisalarni, jarayonlarni ko'rib, ularning mohiyatini to'g'ri tushunadi va natijada tabiat ham butun olamning umumiy qonunlariga bo'ysininishini, inson ana shu tabiat qonunlari ta'sirida bo'lishini, u bilan doimo hisoblashib turishi lozimligini anglaydi.

РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК - ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Рахманов Баходир, Самарқанд давлат университети ассистенти

Инсонинг бошқа тирик биологик организмлардан ажралиб турувчи сифатли хусусиятлари жуда кўп. «Энг ақлли», «маънавий-руҳий олам эгаси ва эркин», «фаросатли ва маданиятли», «ўз-ўзини англовчи», «меҳнат қилувчи», «ижодий фикрловчи» каби сифат ва хусусиятлар фақатгина инсонга хос. Шунинг учун сеқирра, мураккаб ва ягона онгли бу мавжудот асрлар оша ўзини такомиллаштириб, ривожлантириб келмоқда. Бугун ўз оламини яратиб, ўзга оламни ҳам ўзлаштириш сари интилаётга инсон афсуски хануз ўзининг илк ибтидосини, пайдо бўлиш жараёнини аниқ илмий далилар билан изоҳлашга ожиз. Бу борада турли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, маълум бир гипотезалар илгари сурилмоқда.

Инсон борлиқдаги энг мураккаб система сифатида ўз-ўзини ташкиллаштирар экан, ташқи муҳит таъсирларидан холи бўлмайди. Яъни ҳар қандай очиқ системага ташқи таъсир бўлганидек, инсон ҳам бундан мустасно эмас, бироқ, вазиятнинг мураккаб томони шундаки, ўша таъсир

самарали ва ижобий бўлиши учун инсоннинг ички имконият ва шароитлари уйғунлик касб этиши лозим. И.Пригожиннинг “Инсоннинг табиат билан янги мулоқоти” замирида ҳам ушбу ночизиклилик ва синергетик парадигмалар мужассамлашган. Чунки мураккаб тартибланишган система қисмлар билан ўзаро ҳамкорликда ва алоқадорликда бўлади. Табиат билан биологик ва рухий жиҳатдан бевосита боғлиқликдаги инсон сўнгги йилларда ундан бегоналашиб кетгандек бўлаётир. Бу ўз навбатида табиатдаги ва инсондаги хаотик ҳолатларнинг кўплигини келтириб чиқармоқда. Бунинг мувозанати ва тартиботи эса албатта системалардаги қисмлар ва элементларнинг моҳияти билан белгиланади.

Табиат ва жамиятдаги номуносивлик оқибатидан бутун борлик зарар кўраётганини кўпгина олимларимиз таъкидлашмоқда. Жумладан экологик вазият ҳақида олима Эътибор Ҳошимова ўз фикрини билдириб, ундаги синергетик жараёнларни аниқ тадқиқ этади. «Табиат - жамият» мураккаб, синергетик тизим сифатида унинг ўзини ўзи сақловчи, ўзини ўзи таъминловчи, ўзини ўзи ташкил қилувчи жуда катта, гигант фаолияти маълум. Шу билан бирга табиатда турли даврларда содир бўлувчи табиий жараёнлар ҳам, инсоният цивилизацияси тараққиёти ҳам экологик беқарорликка олиб келиши ва унда номуносиватлик яратилиши мумкин. Масалан, бир бутун экосистемалардаги ўзгаришлар, биохилма-хилликнинг (ўсимлик ва ҳайвонларни) камайиши [1; 267-б], йўқолиб кетиши, сув ва тупроқнинг деградацияси, биосферанинг деградацияси, қуёш нурунинг активлашиши, иқлим ўзгариши, ерларнинг шўрланиши, биосфера ва техносфера ўртасидаги номуносиватлик, жамият ва табиат ўртасидаги алоқаларни беқарорлиги, экологик тизимда Озон қатламининг ўзгариши, Орол денгизининг қуруши каби жараёнлар синергетик жараёнларга монанд бифуркациядан далолат. Бундай жараёнларга жавобан инсон ўзини ўзи ҳимоялаш механизмларини ҳам яратмоқда. Натижада одам ўз индивидуал, ижтимоий манфаатлари йўлида табиий жараёнларни ўзгартиришга ҳаракат қилиб, табиий тартибга солиш кучлари билан тўқнашади, биосферадаги (ҳаракатда-стабил) мувозанат бузилади. Натижада табиий экосистемалар ва сунъий экосистемалардаги моддалар «боғланиш-алмашилиши» ва уларнинг параметрлари, табиий омиллар билан техникавий омиллар мос келмайди. Оқибатда инсоннинг табиатга антропоген таъсири жуда кучли табиий омиллар билан қиёсланадиган даражага етди [1; 58-б].

Таниқли олим В. Вернадский (1863-1945) инсоннинг табиатини ўзгартирувчи фаолияти таъсирида биосферада сунъий дунё миқёсида сифат ўзгаришларига биринчилардан бўлиб эътибор қаратиб «Инсон қудратли геологик кучга айланади» [2; 326-б], деган хулосага келади. Бугун эса инсон нафақат қудратли геолог, балки, табиатга нисбатан етакчи биолог (клонлаштириш, ген ўзгариши, сурагат мавжудлик, янги биологик органлар) физик ва химик (ўз табиатига қарши киёвий дорилар, фазовий ҳаракатлар, янги турлар пайдо қилиниши, робитлаштириш), информатик (ҳар хил гаджетлар, техноген олам, ахборотлаштириш, дастурлаш) бўлиб шаклланимоқда.

Масаланинг нозик томони у ўзига хосликни ўзгартириб табиатга нисбатан рақобатлашуви зарар келтирмоқда. Ўтмиш муаммоларини ҳал

этиш билан келажакда янги муаммоларни пайдо этмоқда. Оқибатда ўзи яратган оламдаги рақобат, манфаатлар тўқнашуви сабаб ўз тақдирини хавотир ва таҳдид остига қолдирмоқда. Масалан, «Ҳозирги кунда инсоният қўлидаги қирғин келтирувчи куруллар Ер шари аҳолисини бир неча бор қириб ташлашга, Ер ўқини издан чиқаришга, Ер шарининг ўзини парчалаб ташлашга ҳам етарлидир.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра ҳозирги замондаги инсоният қўлида мавжуд барча портловчи моддаларни динамик эквивалентларидаги гиштчаларга айлантурсак ва уларни темир-йўл вагонларига юкласак, динамитлар ортилган бундай эшолоннинг узунлиги ер шарини экватор бўйлаб 200 марта айлантириб чиқишга етар экан»[3; 54-б]. Мабодо бу куруллар ёвуз кучлар қўлига етса, ўз манфаати йўлида бутун сайёрани эгаллаши, уни йўқотиши мумкин. Демак, инсондаги эзгулик, ахлоқий юксаклик, руҳий-маънавий баркамолликни шакллантириш энг муҳим умумбашарий вазифадир.

Айни вақтда инсон ўз-ўзини ташкиллаштирувчи табиат ва жамият билан ўзаро алоқада ва ҳамкорликда бўлиши ҳаётий заруриятдир. Организм ҳужайраларининг тартиботи, мия ўзининг нейронлари билан ҳамкорлик олиб борар экан, инсон ҳам биосоциал ва руҳий-маънавий мавжудот сифатида табиат, жамият билан муҳим ҳамкорликда бўлиши шарт. Бунинг таъминоти эса инсоннинг ички тартиботи ва хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир.

Инсоннинг яхлит бир тизим эканлиги, фазо ва вақтда биологик, психологик ва социал жараёнларнинг вобасталиги борасида олим Б.О.Тураевнинг шундай фикрлари бор: “Психологик фазо ва вақт субъектнинг психовизиологик ҳолати билан боғлиқ, шунинг учун психологик фазо ва вақт материя харакатининг биологик шакли билан вобастадир. Ўз навбатида психик жараёнлар социал факторлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир ...” [4; 127-б]. Инсон мураккаб тартиблашувчи организм, демак у очиқ система. Очиқ система сифатида у табиат, умуман борлиққа эҳтиёж сезади ва ўзининг энг зарурий таркибий қисмларини шакллантиради. Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув даврида инсон янада оқилона фаолият кўрсатиши, бунинг учун у руҳий-маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши керак, шунда борлиқдаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ва мавжуд экологик вазиятни ижобий томонга ўзгартирган бўлади.

SHAHAR LANDSHAFTINI SHAKLLANTIRISHDA POTENTILLA INDICA (DUCHESNEA INDICA FOCKE) NING O‘RNI

Ш.А. Саматова, Қарши давлату университети биология кафедраси катта ўқитувчиси, биология фанлари номзоди, М. Чўлиева, Қарши давлат университети, биология йўналиши, 2-курс талабаси

Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 23-sentabrdagi 262-sonli qaroriga muvofiq Qarshi shahrida ko'plab bunyodkorlik ishlari olib borilmoqda. Hududning tabiiy iqlim sharoitiga mos manzarali daraxtlar o'tqazish, aholining mazmunli hordiq chiqarishi uchun zarur bo'ladigan barcha sharoit va qulayliklar yaratilmoqda. Yaqin kelajakda shahrimizda bog'lar va dam olish maskanlari, soya-

salqin joylar ko'payadi va soyaga bardoshli manzarali gullarga bo'lgan talab oshadi.

Potentilla indica (Duchesnea Indica Focke) — ko'p yillik, ildizpoyali, soya bardoshli manzarali o'simlik. Vatani Janubiy-Sharqiy Osiyo. Soya o'rmonlarda, qoyali tog' o'rmonlarida o'sadi. 1804-yilda ma'daniylashtirilgan [1]. Hozirda Osiyoning mo'tadil iqlimli zonasida, Shimoliy Afg'oniston, Himolay tog'lari, Xitoy va Yaponiyada, Hindistonning tropik Osiyoga yaqin bo'lgan qismida, Janubiy Osiyoda va Sharqiy Qo'shma Shtatlarida keng tarqalgan [1], [2].

Barglari, asosan 3-4, ba'zan 5 yaproqchali, yaproqlari ovalsimon mayda. Barg bandi uzunligi 7 sm. Poyasi kalta. Barglari qishda ko'k-yashil, bahor va kuzda yashil rangda bo'ladi. Gullari yorqin sariq rangli, diametri 1-1,5 sm. Gulpoyada yakka-yakka joylashadi. Gulqo'rg'oni murakkab, gultojibargi 5 ta, erkin. Madaniy *P.indica* may oyidan boshlab avgust oyining o'rtalarigacha gullaydi. Mevalari qizil, sershira va yumaloq, diametri 1,5-2 sm keladi [2].

Yarim soya joylar o'simlik uchun juda qulay, ammo butunlay soya joyda ham mufaqqiyatli o'sa oladi [2], [3]. O'simlikning namsevarligi, soyaga bardoshlilikini ta'minlaydi. Qishda -5°C dan -20°C gacha chidamli va barglarining ko'k yashil tusini yo'qotmaydi [3].

Ildizi o'q ildiz tizimidan iborat. Janubiy Amerikada olib borilgan tadqiqotlar natijasida *P.indica* ildizlarining birlamchi va ikkilamchi anatomik tuzilishi o'rmon qulupnayining ildiznikiga o'xshashligi aniqlangan. Ildiz tukchalarining faoliyati 7-12 kunni tashkil etadi [3]. Ildizida endotrof mikoriza mavjud bo'lib, u o'simlikda sutkalik so'rilish jadalligini oshiradi [4].

*P.indica*ning Qarshi vohasi sharoitiga introduksiya qilish, bioekologik xususiyatlarini o'rganish maqsadida 2015-yil noyabr oyida Toshkent Botanika bog'idan 50 tup ko'chat keltirib ekdik. O'simlikning Qarshi vohasining qish mavsumida ham vegetatsiyasini davom ettirganligi, mart oyining uchinchi o'n kunligidan gullay boshlaganligi, aprel oyining boshida o'rmonlovchi poyalar hosil qila boshlaganligi, manzaralilik xususiyatlarini yo'qotmaganligi undan shahar landshaftini shakllantirish mobaynida soya-salqin joylarni ko'klamzorlashtirishda foydalanish imkonini beradi.

EKOLOGIK TOZA QUYOSH ENERGIYASI YORDAMIDA YER OSTI SUVLARIDAN FOYDALANISH.

¹Eshmamatov S. Q., ¹Shodiyev A. A., ²Shodiyev Sh. Sh. ¹Samarqand davlat universiteti, ²Samarqand axborot texnologiyalari kasb – hunar kolleji.

Sir emaski, kundalik hayotimizda elektr energiyasiga bo'lgan talab kundan kunga ortib bormoqda. Bugungi kun talablaridan biri bu noananaviy energiya manbalaridan foydalanishdir. Shunday ekan, lalmi joylarda quyosh energiyasi yordamida yer osti suvidan foydalanishni keng yo'lga qo'yish va shu asosida bunday lalmi joylarda suvga bo'lgan ehtiyojni bir muncha bartaraf etish mumkin. Shuningdek, bunday lalmi yerlarda yer osti suvlaridan foydalanishning bir qancha usullari mavjud bo'lib bularga shamol tegirmonlari, dezil yoki benzin yoqilg'ilari bilan ishlaydigan suv generatorlari kabilar kiradi.

Shu bilan birga bu usullarning kamchilik tarafi, masalan: shamol generatoridan foydalanishni olib qaraydigan bo'lsak mamlakatimizning hamma lalmi joylarida ham doimiy shamolning mavjud emasligi bu usuldan hamma joyda ham foydalanib bo'lmayligini ko'rsatadi. Shuningdek yana bir usul bu, dezil, benzin va h.k kimyoviy yoqilg'ilar yordamida ishlovchi generatorlardan foydalanish usulini olib qaraydigan bo'lsak, ulardan doimiy ravishda foydalanilganda ekologik muvozanatga sezilarli ta'sir ko'rsatishi va shu bilan birga bu usulning qimmatligi, quyosh energiyasidan foydalanishning afzalligini ko'rsatadi.

Mamlakatimizning bunday lalmi hududlarida yer osti suvlaridan foydalanishda quyosh nasoslaridan samarali foydalanish imkonini beradi. Quyosh nasoslari, quyoshli kun davomida to'liq quvvat bilan ishlaydi ulardan o'rtacha yil bo'yi foydalanish mumkin. Iqlimning mo'tadil vaqtlarida qir va adir joylarda akkumulyatsiya tizimlarini ya'ni baland qismlarida suv havzalarini qurish va undan kechayu – kunduz foydalanish mumkin. Quyosh nasosi tizimi quyidagi rasmda ko'rsatilganidek uch asosiy element yordamida ishlaydi.

- Quyosh paneli
- Kontroller
- Nasos

Bu juda kam mehnat talab qiladi va shu bilan birga eng arzon yechimlardan biri hisoblanadi.

Quyosh nasoslarining bir qancha turlari va o'lchamlari mavjud bo'lib, bunday nasos turlarini, energiya isrofini hisoblash yo'li bilan aniqlanadi. Bunga misol sifatida quyidagi jadvalni keltirishimiz mumkin.

Jadvalda sanab o'tilgan quyosh suv nasoslari asosan kam hajmdagi suv chiqarishga mo'ljallangan bo'lib, bu nasoslardan lalmi joylarda yashovchi aholi vakillari individualni yakka tartibda foydalanishlari uchun mo'ljallangan. Agar bu lalmi yerlarda quyosh nasoslaridan ekinlar, daraxatlar va boshqa sug'orish ishlarida foydalanish talab etiladigan bo'lsa, unda quyidagi quyosh nasoslaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi.

- (JS3 – 2.3 – 140) modeli quyosh nasosi 48 Volt kuchlanish 650 Wt quvvat bilan max 140 metr bo'lgan chuqurlikdan soatiga 2.3 m³ suv so'rib oladi.
- Model-II 1800 Wp 2 HP modeli quyosh nasosi 10 metr bo'lgan chuqurlikdan kuniga 180 m³ suv so'rib oladi.
- Model IV 4800 Wp modeli quyosh nasosi 50 metr bo'lgan chuqurlikdan kuniga 100 m³ suv so'rib oladi.

Yuqorida keltirilgan quyosh nasoslarining bu turlarida energiya isrofi ko'proq bo'lib quyosh panellari sonini oshirishni talab etadi. Shunday bo'lishiga qaramasdan quyosh nasoslari lalmi yerlarda sug'orish ishlarini amalga oshirish, suv iste'molida va suvga bo'lgan talabning yuqori bo'lgan vaqti ayniqsa yoz faslida quyosh nasosidan maksimal foydalanish imkonini beradi. Bu esa energiyaning boshqa turlaridan foydalanishga qaraganda arzon, qulay va ekologiyaga salbiy ta'sir etmasligi bilan, shuningdek kirish qismida sanab o'tilgan usullardan ustun turadi. Shu o'rinda aytib o'tish lozimki, Prezidentimiz I. A. Karimov ta'kidlab o'tganidek "Muqobil energiya manbalari kelajak energiyasi"dir.

ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРНИНГ РОЛИ

*ТИМИ Бухоро филиали СХМ кафедраси асс Қодиров Зайниддин
Жўраев Жўрабек СХМ 1/2 гурҳ талабаси
Тешаев Нозимжон СХМ 1/1 гурҳ талабаси*

Аниқланган илмий маълумотларга қараганда, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда “сувдан” ва “ердан” жуда аниқ режалар асосида самарали фойдаланилади. Бунга мисол “ер эгалари” орасида “сув-ер” ресурсларини бошқаришда турли самарали орган, нодавлат, нотижорат ҳамда жамоавий ташкилотлар ташкил этилган. Бу ташкилотлани фаолияти: хўжаликнинг тури жойлашиши ҳамда ўлчамидан қатъий қатъий назар “сув” ресурсларини адолатли тақсимлашга, сувни ноқоуний олишни олдини олшга, сугориш сувларини йўқотишларини камайишга, канал, дренаж ва бошқа инфраструктурага доимий техник хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган.

Мустақил Ватанимиз - Истиклолга эришганидан кейин мамлакатни стратегик ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар мухтарам президентимиз томонларидан белгилаб берилди. Ўзбекистонда бирор-бир қўшни мамлакатни, ривожлантириш дастуридан кўчирма эмас, махсус ўзбек миллийлаштирилган модели ишлаб чиқилди ва бу модель бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013-йил 19 апрелдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958 сонли фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2015-йил “Давлат дастури” га Бухоро вилоятидан 3 та Вобкент, Ғиждувон ва Шофиркон туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш лойҳаси киритилган. Дастурни ижросини таъминлаш мақсадида Вобкент тумани бўйича янги қуриладиган 9,1 км узунликдаги коллекторларнинг қурилиши учун фермер хўжаликлари ҳисобидан 27,5 гектар ер майдони ажратилган.

Биринчидан: Агар коллекторлар қурилиши учун ажратилган 27.5 гектар ердан ўртача ҳисобда 34.8 центнер пахта етиштиришни ҳисобга олсак, бу 95.7-100 тонна пахтани ташкил қилса, шунча ердан ўртача ҳисобда 165-170 тонна ғалла олинишини назарда тутсак. 9.1 километр узунликдаги коллекторлар қурилганда 350 гектар экилиб суориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб пахта ҳосилдорлиги яхшиланиб 2-3 центнер , ғалла 6-8 центнер кўпга ошади, сизот сувларининг 0.6 метрга пасайишига олиб келадиган бўлса, биз уни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар йили 350 гектар пахта экиладиган ердан ўртача 3 центнер ҳисобига 105 тонна, шунча ердан 8 центнер алла олиш ҳисобига 280 тонна ортиқча ҳосил олишга эришилади.

Иккинчидан: Сизот сувларни 0.6 метрга камайиши ҳисобига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Учинчидан: 350-400 га ерлардаги боғ-роғлар, мевали дарахтлар иссиқда қутилмаганда қуриб қолишини олди олинади.

Тўртинчидан: Шунча гектар ерларда экологик тоза маҳсулотлар, қўй-қўзилар, йирик шохли моллар учун етиштириладиган ем-хашак маҳсулотларининг озуқадорлиги юқори бўлади.

Вобкент туманида шўрланмаган ерлар 2012 йилда 2339 гектар бўлган бўлса, 2015 йилга келиб 2526 гектарга яъни 187 гектарга кўпайди. Кучсиз шўрланган ерлар 2012 йилда 13972 гектар бўлган бўлса, 2015 йилга келиб 14491 гектарга яъни 519 гектарга кўпайди. Ўртача шўрланган ерлар 2012 йилда 4610 гектар бўлган бўлса 2015 йилга келиб 4117 гектарга , яъни 493 гектарга камайди. Кучли шўрланган ерлар 2012 йилда 635 гектар бўлган бўлса , 2015 йилга келиб 437 гектарга , яъни 198 гектарга камайди. 2016 йилда Вобкент туманидан ўтувчи Марказий Бухоро зовури (55.5 км) системасида тўмирлаш тиклаш ишлари режалаштирилиб , лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланиб, тендир танловлари учун экспертизадан ўтказилди.

Бухоро вилояти суғориладиган майдонларининг зовур тармоқлар билан таъминланганлиги

1-жадвал

№	Туманлар	Мелиоратив назоратга олинган майдон, (<i>минг.га</i>)	амалда зовурлар билан таъминланган майдон, (<i>минг га</i>)	Шу жумладан (<i>минг.гектар</i>)			1 га майдонга тўғри келадиган зовурлар узунлиги, (<i>п.метр</i>)	
				очиқ зовурлар билан	ёпиқ зовурлар билан	тик дренажлар билан	суғориладиган майдонларда	зовур б-н таъминланган майдонларда
ВИЛОЯТ БЎЙИЧА		275,11	230,27	171,50	16,26	42,51	29,25	34,94
1	Бухоро	30,31	28,50	20,46	1,58	6,46	26,96	28,68
2	Вобкент	21,53	14,80	6,20		8,60	11,73	17,07
3	Жондор	33,07	31,95	29,11	2,74	0,10	38,92	40,28
4	Когон	18,85	17,51	7,56	2,30	7,65	40,29	43,36
5	Олот	21,48	21,46	18,66	2,80		55,62	55,66
6	Пешкў	22,76	14,79	9,60	1,44	3,75	18,97	30,08
7	Ромитан	27,24	23,39	18,86	2,00	2,53	27,87	32,63
8	Шофиркон	28,40	24,91	16,35	0,50	8,06	20,30	23,14
9	Қоракўл	25,07	22,72	21,12	1,30	0,30	46,87	51,71
10	Қ-бозор	19,33	14,28	12,68	1,60		22,40	30,32
11	Ғиждувон	27,07	15,96	10,90		5,06	13,31	22,57

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суғориладиган майдонлардан юқори ва барқарор ҳосилдорликга эришиш учун зах қочириш тармоқларининг ҳолати муҳимдир. Бу борада туманда самарали ишлар олиб борилмоқда. Масалан туманда Кучли шўрланган ерлар 2012 йилда 635 гектар бўлган бўлса , 2015 йилга келиб 437 гектарга , яъни 198 гектарга камайди.

SUV RESURLARINI IQTISOD QILISHDA ZAMONAVI SUG'ORISH TEXNLOGIYALARNING AXAMYATI

*Qodirov Zayniddini TIMI Buxoro filiali SXM kafedrası ass Sharipova Mehriniso
SXM 3/1 guruhi talabasi Teshayev Nozimjon SXM 1/1 guruh talabasi*

Respublikamiz mustaqillikka erishgandan so'ng qishloq xo'jaligini rivojlantirish maqsadida mulkchilikning yangicha shakllari teng xuquqli asosda ravnaq topishini ta'minlash, bozor iqtisodiyotiga o'tish borasida islohotlarni chuqurlashtirish kabi dolzarb masalalarga alohida e'tibor berilmoqda. Yurtimizda qabul qilinayotgan qonun va Hukumat qarorlari qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan yanada samarali foydalanishga, sug'oriladigan gektar mahsuldorligini oshirishga imkon bermoqda. Shular qatorida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003 yil 24- martdagi «Qishloq xo'jaligida islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim yo'nalishlari to'g'risida»gi Farmoni muhim o'rin tutadi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2014 yil 24 febraldagi 39 sonli «2013-2017 yilar davomida sug'oriladigan melarativ xolatin yaxshilash va suv resurslaridan oqilona foydalanish bo'yicha davlat dasturining so'zsiz bajarilishni ta'minlashga doir qo'himcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarorning ijrosini ta'minlash maqsadida viloyata chora tadbirlar ishlab chiqildi.

Ma'lumki Buxoro viloyatining 90% suv zaxirasi nasoslar orqali olinadi. Buning oqibatida vegetatsiya davrida, qishloq xo'jaligi ekinlarining suvga bo'lgan maksimal suv miqdorini yetkazib berishda suv yetishmovchiligi yuzaga keladi. Respublikamiz sug'oriladigan ekin maydonlarning 50% ga yaqin qismi turli darajada sho'rlangan. Buxoro viloyatida bu ko'rsatkich 89% dan ortiqroqdir. Bu esa sho'r yuvish davrida qo'himcha miqdorda suv talab etadi. Viloyatning tuproq meliorativ holatini, suv resurs bazasini hamda bohqa omillarni hisobga olgan holda kompleks tadbirlarni olib borish talab etiladi. Buxoro viloyati suv resurslari boshqaruvi Amu-Buxoro havza boshqarmasiga qarashli. Havza tarkibi 5 ta tizimdan tashkil topgan, bular:

Amu-Qorako'l irrigatsiya tizimi

Xarxo'r-Duoba irrigatsiya tizimi

Toshrobot-Jilvon irrigatsiya tizimi

Toshrobot-O'rtacho'l irrigatsiya tizimi

Shoxrud-Do'stlik irrigatsiya tizimi

Shoxrud-Do'stlik irrigatsiya tizimi Buxoro tuman, Kogon tumani va Qorovulbozor tumanlarining suvga bo'lgan ehtiyojini qondiradi.

*Qorovulbozor tumani sug'oriladigan yerlarining 2015-yilda sho'rlanish
darajasi bo'yicha ma'lumot*

1-jadval

Tuman	Yil	Sug'oriladigan maydon, ga	Shu jumladan ga			
			Sho'rlanmagan	Kuchsiz sho'rlangan	O'rtacha sho'rlangan	Kuchli va juda kuchli sho'rlangan
Qorovulbozor	2015	19289	4179	11443	3588	79

Qorovulbozor tumani viloyatning boshqa tumanlaridan farqli o'laroq tumanimiz yoz faslida issiq qishda sovuq viloyatning boshqa tumanlariga nisbatan yog'in miqdori kamroq bug'lanish ularga nisbatan ko'proq. Tumanda fermer xo'jaliklari asosan paxtachilik va g'alachilikka ixissoslashgan bo'lib shu bilan bir qatorda fermer xo'jaliklarida viloyatning asosiy poliz ekinlari ekiladi. Tuman sug'oriladigan maydonlarining meliorativ holatiga nazar tashlasak.

Yuqoridagi jadvalga asoslansak Qorovulbozor tumaning umumiy sug'oriladigan maydoni 19289 ga, shundan jumladan turli darajada sho'rlanmagan maydon 4179 gektarga teg, kuchsiz sho'rlangan maydoni 11443 ga o'rtacha sho'rlangan 3588 g'akuchli sho'rlangan maydonlar 79 ga. Sug'oriladigan maydonning 78% turli darajada sho'rlangan shundan: 59% kuchsiz sho'rlangan, 18% o'rtacha sho'rlangan, 0,4% kuchli sho'rlangan, sho'rlanmagan maydonlar 22% ni tashkil etadi.

Qorovulbozor tumanidagi sho'rlanmagan hamda kuchsiz sho'rlangan maydonlarida tomchilatib va yomg'irlatib sug'orishni yo'lga qo'ysag viloyat miqiyoidagi suv resurslarining yetishmavchilgini qisman bo'lsada oldini olgan bo'lardik. Tumanning tuproq meliorativ holati, gidrogiologiyasi, iqlimi tomchilatib va yomg'irlatib sug'orish usulini qo'lashga imkon beradi. Malumki bu usullarda ekin maydonlarni sug'orilganda tuproq melirativ holati muxim ahamiyat kasb etadi.

Sug'orish usullarni qo'llashdan maqsad:

2-jadval

Sug'orish usullari	Tuproqni namlash	Havoni namlash	Tuproqda nam yig'ish	Sho'r yuvish	Tuproq yemirilishini oldini olish	O'g'it berish	Chiqindi suvlar bilan sug'orish	O'simlikni namlash	Begona o'tlarni oldindan o'ldirish
Ер устидан	+	-	+	+	-	x	X	-	+
Yomg'irlatib	+	+	x	-	X	x	X	+	+
Tuproq ichidan	+	-	+	-	+	+	+	-	-
Tomchilatib	+	-	x	-	+	+	-	-	-
Subirrigatsiya	+	-	+	-	+	-	-	-	-
Tuman hosil qilib	X	+	-	-	+	X	-	+	x

Eslatma: 1. " + " mumkin, 2. " - " mumkin emas, 3. " x " qisman mumkin

Qorovulbozor tumanning meliorativ holatini hisobga olsak zamonaviy sug'orish usullarining aksariyatini qo'lab bo'ladi.

Tomchilatib sug'orish usulining ustunliklari

- Odatiy usulga nisbatan kam suv sarflanadi
- Suvning bug'lanishi, faol qatlamda foydasiz isrof bo'lishiga yo'l qo'yilmaydi
- Shamol kuchi sug'orish jarayoniga ta'sir ko'rsatadi
- Qiyin relefli maydonni ham sug'orish imkoniyati mavjud
- Namlik (sug'orish suvi) bir tekis taqsimlanadi
- Sug'orish ishlarida 24 soatning istalgan vaqtida amalga oshirish mumkin
- Begona o'tlar boshqa usulga qaraganda kam chiqadi

- Yomg'irlatib, tuproq ustidan sug'orish usullariga nisbatan tuproqdagi harorat yuqori bo'lishi buning oqibatida qishloq xo'jalik ekinlari erta yetiladi
- Suvning tuproqqa shimilishi, asosan kapillyar pirinsipida amalga oshadi
- Sug'orish jarayonida o'simlik ildiziga sug'orish suvi bilan birgalikda mineral o'g'itlar kiritim imkoniyati mavjud
- Sug'orishlar orasidagi muddatlarning kichik (1-3 kun). Bunda o'simlik ildizi qatlamidagi namning keskin o'zgarishi kamayadi.

Xulosa qilib aytish joizki Qoravulbozor tumanida vegetatsiya davrida ko'p suv resurlarimiz isrof bo'lmoqda. Bunga sabab sug'orish tarmoqlarining FIK ning pastligi, sug'orish usulining to'g'ri tanlanmaganligi va buning oqibatida suv resurlarimiz isrof bo'lmoqda. Shu muammolarni hisobga olgan holda tuman miqyosida kompleks tadbirlar bajarilishi lozimdir. Buning uchun avvalo o'sha yerdagi fermer xo'jaliklari rahbarlari, masul xodimlarining ilmiy bilimlarini yanada boyitish lozim.

БИОГАЗ-ЭКОЛОГИК ТОЗА ИССИҚЛИК МАНБАИ.

Ассистент З.Ясаков

Ҳ.И.Исмоилов., Б.М.Сайдирасулов.,

*И.Э.Эшимов., С.Б.Махмудов., МКК факультети талабалари
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти.*

Одамлар биогаздан 200 йилдан бери фойдаланиб келмоқдалар. Электр пайдо бўлгунга қадар Лондонда биогаз ер остидаги канализация трубаларидан олинган ва махсус газ лампаларида кўчаларни ёритишга фойдаланилиб, кўча «газли шохи» дейилган.

Биогаз олишда қорамол, кўй-эчки, парранда ва чўчка гўнги, сомон, пайраха, қипиқ, хас-чўп, дарахтларнинг тўкилган барглари, турли хилдаги маиший органик чиқиндилар, инсон ҳаётидаги ва маиший чиқиндилар ҳомашё манбаи ҳисобланади. Бундай ҳомашёнинг қарийб 500 тури мавжуд. Биогаз қурилмаларида ишлаб чиқарилган биогаз юқори сифатли ва тўлақонли энергия манбаидир. Айни вақтда ундан уйда ва фермер хўжаликларида овқат тайёрлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш, уй-жойларни, ишлаб чиқариш иншоотлари ва иссиқхоналарни иситиш, сув қайнатиш, маҳсулотларни қуритиш, совутиш мақсадларида, шунингдек, суюлтирилган газга айлантирилган ёқилғи сифатида автомашиналарда фойдаланилмоқда.

Таҳлилларга кўра, биогаз қурилмаларидан фойдаланиш фермер хўжаликлари даромадини анчайин оширади ва фермерлар, уй эгаларининг иссиқлик ишлаб чиқариш, овқат тайёрлаш, ёритиш учун сарф харажатларини камайтиришга, кўшимча энергия манбаи яратиш имконини беради. Агарда унинг афзал жиҳатларини бирма бир санайдиган бўлсак, кўйидагича кўриниш юзага келади: қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини ошириш ва минерал ўғитлардан фойдаланишни камайтиришга имкон берадиган юқори самарали органик ўғитларга ишлаб чиқаришга; Ортиқча биоўғитларни бошқа фермер хўжаликларига сотиш эвазидан кўшимча даромад олишга; Тежаб қолинган маблағлар ҳисобига хўжалик фаолиятини кенгайтиришга,

янги фаолият тури ташкил этиш учун янги имкониятга; Ўтин, кўмир ва бошқа ёқилғи турларини тўплаш, сотиб олиш ва ташишга кетадиган оила аъзоларининг вақтини ва кучини тежашга эга бўладилар. Биогаз қуриламасининг янада фойдали жиҳати экологик вазиятни яхшилашдир. Дарҳақиқат, биогаздан ўтин ўрнида фойдаланиш иншоотларнинг ифлосланиши ва ис-қурум босишини камайтиради, чунки биогазни ёқишда деярли тутун ҳосил бўлмайди. Биоўғитдан фойдаланиш эса ёввойий ўтларни ўтоқ қилишга кетадиган вақтни тежайди. Сув ҳавзаларини ифлослантирувчи моддалар ташланиши камаяди, дарахтлар ўтин ўрнида кесиб ташланиши олди олинади. Биогазнинг қулайлик тарафлари яна шундаки, биноларда ҳаво тозаланади. Чивин ва бошқа зарарли ҳашоратлар, ҳаводаги ёқимсиз ҳидлар кескин йўқолади. Дунёдаги кўплаб фермер хўжаликлари қўллайдиган ва кенг тарқалган биогаз қурилмаси – узлуксиз биогаз тўплайдиган биогаз қурилмаларидир. Қурилманинг яна бир оммалашган тури – узлуксиз ишлайдиган реакторидир. Шу орқали табиатни, атроф муҳитни асраш имконини беради, сарф-ҳаражат миқдорининг камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳайвонлар ўсимликлар асосида яратилган озуқа энергиясини қийин ҳазм қилади ва уларнинг ярмидан кўпроғи организмга сўрилмасдан ахлат, гўнг ҳолатида чиқиб кетади. Энг аввало ҳайвонлардан чиққан бу чиқиндидан органик ўғит сифатида фойдаланилади. Шунингдек, ушбу чиқиндилардан энергия манбаи сифатида фойдаланса бўлади. Яқин келажакда биогаз ёрдамида фермер хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш режалаштирилган. Мазкур технология нафақат энергия, балки зарарсизлантирилган тоза ўғит олиш имконини ҳам беради. Мазкур технология асосида чиқинди таркибидаги касаллик тарқатувчи патоген микроорганизмлар йўқ қилиниб, канцероген моддалар миқдори озайтирилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2040 йилга келиб биогаздан энергия манбаси сифатида фойдаланиш дунё миқёсида 23,8 фоизга етади.

Айрим ривожланган мамлакатларда биогаз ишлаб чиқариш бугунги кунда ҳам амалий самараларини бермоқда. Жумладан, Лондон шаҳрининг учдан бир қисми оқова сувларни қайта ишлашдан ва маиший чиқиндилардан олинаётган биогаз билан иситилади, Германияда эса айрим электр станциялари шу турдаги ёқилғи билан ишлайди. Атмосферага захарли моддалар чиқармаётганлиги, “яшил” технологияни қўллаётганлиги сабабли давлат бундай электр энергиясини анъанавий станцияларга нисбатан юқорироқ нархларда сотиб олади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда биогаз имкониятлари республика энергия ресурсларига эҳтиёжларнинг 10 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Биогаз одатда карбонат ангидрид (CO_2) ва (CH_4) метан газлари аралашмасидир. У ҳаво ва кислород кириши мумкин бўлмаган ҳолатда (кислород бўлмаслиги, «анаэроб ҳолати» дейилади), турли биологик микроорганизмлар парчаланишидан ҳосил бўлади. Хашак билан озикланадиган ҳайвонлар, жумладан, йирик ва майда шохли моллар кўп ҳажмда биогаз ишлаб чиқаради. Аниқроғи, ҳайвонларнинг ўзи эмас, уларнинг меъда-ичак тизимида яшовчи микроорганизмлар ишлаб чиқаради.

Биогаз ускуналари ҳар хил ҳажмда бўлиши ва уй хўжалигида ҳар хил ҳайвонларнинг гўнгидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 9341 чорва фермалари, 3,3 миллион деҳқон, 66134 фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Уларда 7,0 млн. бошдан ортиқ қорамол, 24,6 минг бош парранда, 92,7 минг бош чўчка, 14,0 млн. бош кўй-эчкилар мавжуд. Кўриниб турибдики, келажакда биогаз қурилмаларидан кенг фойдаланиш учун етарлича имконият бор.

Биогаз, шунингдек, ботқоқда ва кўл тубида органик қолдиқлар, чириш шароитида кўп намлик ва кислород бўлмаганлигидан ҳам пайдо бўлади. Бундан ташқари, анаэроб шароитида яшаш қобиляти, метан ҳосил қилиш қобилятидаги микроорганизмларнинг бошқа хусусиятларга ҳам эга. Улар ёғочнинг асосий ингредиенти целлюлозани ҳазм қилиши мумкин. Бу бактерияларнинг яна бир хусусияти, температура, кислотали, сув ҳажми ва бошқаларда яшаш шароитига жуда сезгир ҳисобланади.

Чиқиндихонада биомассадан тўғридан-тўғри биогаз олишда фойдаланилса бўлади. Чиқинди чириши давомида метан газни ажратиб чиқади. Улар трубаларда тўпланиб, иссиқлик электрстанциясига юборилади, у ерда аралашма табиий газ билан қўшилиб, электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Бугун Ўзбекистонда фақат сабзовот етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар 6000 гектарни ташкил этади. 5 ой давомида иссиқхонадаги 1 гектар майдонда помидор ёки бодринг етиштириш учун йилига 390000 куб метр, республика бўйича эса 2 миллиард 340 миллион куб метр табиий газ керак бўлади. Бу жуда катта миқдор. Назаримизда, бу вазиятда иссиқхона хўжаликларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш оқилона ечим бўлар эди. Хусусан, жойларда ҳар кунги чорвачилик, паррандачилик, ем-хашак қолдиқлари, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига биогаз олишдир.

Бундай усулни чорва ва парранда фермаларида ҳам қўллаш мумкин. Чорва гўнги чириши давомида метан ишлаб чиқаради, уни хўжаликда электр ва иссиқлик энергияси мақсадларида ишлатиш мумкин.

Шундай қилиб, биомасса ва биогаз атмосферага зарарли газлар (карбонат ангидрид ва метан) чиқишини камайтиради ва қўшимча электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Ушбу ўсимлик ва чорвачилик дунёси чиқиндисидан доимий асосда қайта тикланадиган энергия манбасини пайдо қилади.

Энергиянинг муқобил манбаларининг ишлатилиши мамлакатимиз энергетик хавфсизлигининг устувор вазифаларига мос келади ҳамда энергетика соҳасида тез ривожланаётган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, биогаз технологияларини ҳаётга татбиқ этиш атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, шу билан бирга, иқтисодий ривожланишда янги ютуқларга эришиш имкониятини беради. Биогаз қурилмаларини кенг миқёсда жорий этиш қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг энергия таъминотига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга, мамлакат ёқилғи-энергия захираларини тежашга хизмат қилади ҳамда иқтисод қилинган табиий газдан бошқа тармоқларда фойдаланиш имкониятини яратади.

РЕШЕНИЕ КРАЕВОЙ ЗАДАЧИ О ТЕЧЕНИИ ВЯЗКОПЛАСТИЧНОЙ ЖИДКОСТИ

Б.Б.Аминов (ассистент СамГУ, М.М.Суяршаев (доцент СамГУ, тел.)

К краевым задачам с искомой подвижной границей приводятся не только некоторые задачи подземной гидродинамики и физики фазовых превращений, но и исследование течения вязкопластичной жидкости. Для их решения разработан ряд методов, но наиболее эффективным методом решения таких задач является так называемый метод Колоднера [1]. При этом в задачах рассматриваемого типа, где определение границы и решение дифференциального уравнения взаимосвязаны, оказывается возможным сводить решение задачи к решению уравнения для граничной функции. Рассматривается краевая задача о течении вязкопластичной жидкости в круглой цилиндрической трубе [2].

Приведём этот метод для уравнения теплопроводности в случае осевой симметрии [3]. Задача сводится к определению функции $r_0(t)$ -неизвестная граница и $v(r,t)$ удовлетворяющих уравнению

$$\frac{\partial v}{\partial t} = \frac{\partial^2 v}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial v}{\partial r} \quad \text{при } 0 < t < t_0, \quad r_0(t) < r < R \quad (1)$$

и следующим начальной и граничным условиям

$$\begin{aligned} v(r,0) &= F(r) \quad \text{при } r_0 < r < R, \quad r_0 = r_0(0); \\ v[r_0(t),t] &= q_1(t), \quad v_r[r_0(t),t] = q_2(t), \quad v(R,t) = 0. \end{aligned} \quad (2)$$

Решение задачи ищется в виде суммы регулярного и нерегулярного решений уравнения теплопроводности, регулярное решение ищется в области в постоянными границами и для решения таких задач разработаны различные методы. Нерегулярное решение $v_2(r,t)$ удовлетворяет следующим уравнению и условиям

$$\frac{\partial v_2}{\partial t} = \frac{\partial^2 v_2}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial v_2}{\partial r} \quad 0 < t < t_0, \quad 0 < r \neq r_0(t) < \infty$$

удовлетворяющее условиям

$$v_2(r,0) = 0, \quad 0 < r < \infty, \quad |v_2(0,t)| \leq C_2, \quad v_2(\infty,t) = 0 \quad (3)$$

$$\lim_{r \rightarrow r_0(t)+0} v_2(r,t) - \lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} v_2(r,t) = q_1(t);$$

$$\lim_{r \rightarrow r_0(t)+0} \frac{\partial v_2(r,t)}{\partial r} - \lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} \frac{\partial v_2(r,t)}{\partial r} = q_2(t)$$

Таким образом, функция $v(r,t)$ будет решением уравнения теплопроводности в области $\{0 < t \leq t_0, 0 \leq r \neq r_0(t) < R\}$ и удовлетворять условиям

$$v(r,0) = F(r), \quad v(R,t) = 0, \quad |v(0,t)| \leq C \quad (4)$$

и двум условиям скачка на кривой

$$\lim_{r \rightarrow r_0(t)+0} v(r,t) - \lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} v(r,t) = q_1(t);$$

$$\lim_{r \rightarrow r_0(t)+0} \frac{\partial v(r,t)}{\partial r} - \lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} \frac{\partial v(r,t)}{\partial r} = q_2(t) \quad (5)$$

Если теперь потребуем, чтобы

$$\lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} v(r, t) = 0 ; \quad \lim_{r \rightarrow r_0(t)-0} \frac{\partial v(r, t)}{\partial r} = 0, \quad (6)$$

то все условия краевой задачи (1) в области $\{0 < t \leq t_0, r_0(t) < r < R\}$ окажутся выполненными и $v(r, t)$ будет решением этой задачи. Условия (6) являются двумя уравнениями для определения искомой границы $r_0(t)$. При этом требуется показать, что регулярно и нерегулярно решения существуют и единственны и кроме того, что решение первого из уравнения (6) удовлетворяет второму и наоборот.

Построение нерегулярного решения основано на свойствах тепловых потенциалов простых и двойных слоёв от источников, распределённых равномерно по кругу.

Пусть

$$v(r, \xi, t - \eta) = \begin{cases} \frac{1}{4\pi(t - \eta)} I_0 \left[\frac{r\xi}{2(t - \eta)} \right] \exp \left\{ -\frac{r^2 + \xi^2}{4(t - \eta)} \right\}, & t > \eta \\ 0, & t \leq \eta. \end{cases} \quad (7)$$

является функцией влияния мгновенного цилиндрического источника тепла, распределённого равномерно по кругу $r = r(t)$ в момент времени η . Здесь I_0 - Бесселева функция первого рода нулевого порядка от мнимого аргумента.

Тогда

$$L[h](r, t) = 2\pi \int_0^t h(\eta) R(\eta) v[r, R(\eta), t - \eta] d\eta ; \quad (8)$$

$$D[h](r, t) = 2\pi \int_0^t h(\eta) R(\eta) v_\xi[r, R(\eta), t - \eta] d\eta \quad (9)$$

называют тепловыми потенциалами простого и двойного слоёв от источников мощности $h(t)$, распределённых равномерно по кругу радиуса $R(t)$.

Тогда нерегулярное решение задачи можно представить в виде комбинации тепловых потенциалов простого и двойного слоёв.

$$v(r, t) = D[h](r, t) + L[h_1 + hr'](r, t). \quad (10)$$

Выведено функциональное уравнение, которому удовлетворяет искомая граничная функция.

ЗАДАЧА ФИЛЬТРАЦИИ СУСПЕНЗИИ В ПОРИСТОЙ СРЕДЕ С ПОДВИЖНОЙ И МАЛОПОДВИЖНОЙ ЖИДКОСТЬЮ С УЧЕТОМ ПРЕДЕЛЬНОГО СУФФОЗИОННОГО ГРАДИЕНТА ДАВЛЕНИЯ

Махмудов Ж.М., Болкибоев О.Ш.

Самаркандский государственный университет

Вопросам математического моделирования процессов переноса вещества в макроскопически неоднородных пористых средах посвящен ряд работ [1-4]. В [5, 6] исследованы задачи фильтрации суспензии в пористой среде, состоящей из двух зон с подвижной и неподвижной жидкостью. В

отличие от [5, 6] здесь рассматривается пористая среда, состоящая из двух зон, одна из которых хорошо проницаема, а другая – малопроницаема.

Пусть область исследования задачи состоит из хорошо проницаемой $R^+ \{0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq h\}$ и относительно плохо проницаемой $R^- \{0 \leq x < \infty, -\infty < y \leq 0\}$ областей. В области R^+ жидкость подвижна, а в R^- – малоподвижна или неподвижна. Первоначально области R^+ и R^- заполнены жидкостью без частиц.

Верхняя граница области R^+ непроницаема для жидкости и частиц. Жидкость движется в направлениях x и y в области R^+ . В R^+ по мере продвижения взвешенных частиц в глубь области происходит их осаждение (кольматация), частичный их срыв из захваченного (осажденного) состояния и дальнейший перенос в другие поры (суффозия). В R^- также происходит конвективно-диффузионный, кольматационно-суффозионный перенос вещества. Учитывая плохую проницаемость этой области, предположим, что $v_{2x} < v_{1x}$, $v_{2y} < v_{1y}$, $D_{2x} < D_{1x}$, $D_{2y} < D_{1y}$, где v_{ix} , v_{iy} ($i=1, 2$) – компоненты скорости фильтрации в R^+ и R^- , D_{ix} , D_{iy} – продольный и поперечный коэффициенты диффузии в R^+ и R^- (здесь и далее $i=1$ соответствует R^+ , а $i=2$ – R^-).

Система уравнений кольматационно-суффозионного переноса вещества в зонах R^+ и R^- , состоит из уравнений баланса, уравнений кинетики [7], законов Дарси и уравнений пьезопроводности

$$\begin{aligned} \varepsilon_{0i} \frac{\partial c_i}{\partial t} + v_{ix} \frac{\partial c_i}{\partial x} + v_{iy} \frac{\partial c_i}{\partial y} &= \varepsilon_{0i} \left\{ D_{ix} \frac{\partial^2 c_i}{\partial x^2} + D_{iy} \frac{\partial^2 c_i}{\partial y^2} \right\} + \frac{\partial \varepsilon_i}{\partial t}, \\ \frac{\partial \varepsilon_i}{\partial t} &= \begin{cases} \omega_1 (\varepsilon_{0i} - \varepsilon_i) (|\nabla p_i| - |\nabla p_c|) - \omega_2 \varepsilon_i c_i, & \text{если } |\nabla p_i| > |\nabla p_c|, \\ -\omega_2 \varepsilon_i c_i, & \text{если } |\nabla p_i| \leq |\nabla p_c|, \end{cases} \quad (1) \\ v_{ix} &= -\frac{k_{0i} \varepsilon_i}{\mu} \frac{\partial p_i}{\partial x}, \quad v_{iy} = -\frac{k_{0i} \varepsilon_i}{\mu} \frac{\partial p_i}{\partial y}, \\ \frac{\partial p_i}{\partial t} &= \chi_i^*(p_i) \left(\frac{\partial^2 p_i}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 p_i}{\partial y^2} \right), \quad \chi_i^*(p_i) = \chi_i (\varepsilon_{0i} + \beta_i^* (p_i - p_0)), \quad i=1, 2, \end{aligned}$$

где c_i – объемные концентрации твердых частиц в жидкости, ε_{0i} , ε_i – первоначальные и текущие пористости, ω_1 , ω_2 – коэффициенты, характеризующие интенсивность суффозии и кольматации пор, $|\nabla p_i|$ – модули градиента давлений p_i , $|\nabla p_c|$ – модуль параметра предельного суффозионного градиента давления (ПСГД), μ – вязкости жидкости, $\chi_i = \frac{k_{0i}}{\mu \beta_i^*}$, $k_{0i} = \text{const}$, β_i^* – коэффициенты упругоёмкости областей R^+ и R^- , p_0 – первоначальное давление.

Через общую границу областей R^+ и R^- происходит перенос массы вещества (частиц). В R^+ когда $x \rightarrow \infty$, и в R^- когда $y \rightarrow -\infty$ считаем, что потоки вещества отсутствуют. Это по сути дела означает, что рассматривается такой начальный этап распространения частиц по пласту, когда концентрационные профили еще не достигают границу $x \rightarrow \infty$ в R^+ и $y \rightarrow -\infty$ в R^- . На общей границе областей R^+ и R^- , т.е. на $y=0$, потребуем непрерывность изменения концентрации и потока вещества. При сформулированных условиях начальные и граничные условия задачи имеют вид

$$c_1(0, x, y) = 0, \quad c_2(0, x, y) = 0, \quad (2) \quad c_1(t, 0, y) = c_0, \quad c_0 = \text{const}, \quad 0 \leq y \leq h, \quad (3)$$

$$\frac{\partial c_1}{\partial y}(t, x, h) = 0, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (4) \quad \frac{\partial c_1}{\partial x}(t, \infty, y) = 0, \quad 0 < y \leq h, \quad (5)$$

$$\frac{\partial c_2}{\partial x}(t, 0, y) = 0, \quad -\infty < y < 0, \quad (6) \quad \frac{\partial c_2}{\partial y}(t, x, \infty) = 0, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (7)$$

$$\frac{\partial c_2}{\partial x}(t, \infty, y) = 0, \quad -\infty < x < 0, \quad (8) \quad c_1(t, x, 0) = c_2(t, x, 0), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (9)$$

$$\left(c_1 v_{1y} + D_{1y} \varepsilon_{01} \frac{\partial c_1}{\partial y}(t, x, y) \right) \Big|_{y=0} = \left(c_2 v_{2y} + D_{2y} \varepsilon_{02} \frac{\partial c_2}{\partial y}(t, x, y) \right) \Big|_{y=0}, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (10)$$

$$\varepsilon_1(0, x, y) = \varepsilon_{01}, \quad \varepsilon_2(0, x, y) = \varepsilon_{02}, \quad (11)$$

$$p_1(0, x, y) = p_0, \quad p_2(0, x, y) = p_0, \quad p_0 = \text{const}, \quad (12)$$

$$p_1(t, 0, y) = p_c, \quad p_c > p_0, \quad p_c = \text{const}, \quad 0 \leq y \leq h, \quad (13)$$

$$\frac{\partial p_1}{\partial y}(t, x, h) = 0, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (14) \quad \frac{\partial p_1}{\partial x}(t, \infty, y) = 0, \quad 0 < y \leq h, \quad (15)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial x}(t, 0, y) = 0, \quad -\infty < y < 0, \quad (16) \quad \frac{\partial p_2}{\partial y}(t, x, \infty) = 0, \quad 0 \leq x < \infty, \quad (17)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial x}(t, \infty, y) = 0, \quad -\infty < y < 0, \quad (18) \quad k_{01} \frac{\partial p_1}{\partial y}(t, x, 0) = k_{02} \frac{\partial p_2}{\partial y}(t, x, 0), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (19)$$

$$p_1(t, x, 0) = p_2(t, x, 0), \quad 0 \leq x < \infty. \quad (20)$$

Задача (1) - (20) решена методом конечных разностей.

В расчетах использованы следующие значения исходных параметров: $k_{01} = 5 \cdot 10^{-14} \text{ м}^2$, $k_{02} = 10^{-14} \text{ м}^2$, $\mu = 10^{-1} \text{ Па} \cdot \text{с}$, $\beta_1^* = 3 \cdot 10^{-9} \text{ Па}^{-1}$, $\beta_2^* = 10^{-9} \text{ Па}^{-1}$, $\beta_{ж} = 10^{-9} \text{ Па}^{-1}$, $p_c = 1,5 \cdot 10^6 \text{ Па}$, $p_0 = 10^5 \text{ Па}$, $\varepsilon_{01} = 0,2$, $\varepsilon_{02} = 0,1$, $h = 0,5 \text{ м}$, $c_0 = 0,1$ и различные значения D_{1x} , D_{1y} , D_{2x} , D_{2y} , ω_1 , ω_2 .

На основе численных экспериментов определены поля концентрации, градиента давления, пористости и скорости фильтрации в обеих областях. Численные результаты приведены при $\nabla p_c = 0,05$ и $0,03 \text{ МПа/м}$. Результаты расчетов показывают, что ∇p_c существенно меняет распределение концентрации, наблюдается ослабление поверхности относительной концентрации. Установлено, также влияние параметра ∇p_c на профили

пористости, градиента давления в обеих зонах, локальный, общий и суммарный относительные расходы вещества через границу зон.

ҚОНУН-ОНА ТАБИАТ МУХОФАЗАСИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

*Дониёров С.А, Саттаров С.М, Абдураимова У, Эгамқулов Х.
Гулистон давлат университети.*

Демократик конституциявий асосда тартибга солинадиган энг мухим ижтимоий муносабатлар сирасига Она табиат-табиий мухитини муҳофаза қилишга ҳам таалуклидир деган фикрдамиз. [1-4]

Республикамиз фуқароларининг оиласи ва ўзлари учун яшаш қулай бўлган Она замин атроф-мухитини муҳофаза этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари давлат органларининг Она замин ва атроф-мухитни, табиий ресурсларни муҳофаза этишдаги фуқаролик бурчларини Конституция йўли билан тартибга солиниши лозим бўлган энг мухим ижтимоий муносабатлардан бири ҳисобланади.

Она замин атроф-мухитини муҳофаза этишни Конституциявий асосда тартибга солишнинг асосий сабабини аввало, ҳозирги кунда экологик муносабатларнинг ўта кескинлигидан, унинг миллий ҳавф-сизликка жиддий ҳавф-хатар солаётганлигидан, инсониятнинг генофон-дига салбий таъсир этаётганидан, табиатдаги экотизимнинг йилдан-йил-га бузилиб бораётганлигидан англаш мумкин бўлади деган фикрдамиз.

Она табиат, атроф-мухитини муҳофаза этиш ҳозирги куннинг глобал, энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, у энг юқори даражадаги қонунлар асосида тартибга солинишини давр тақозо этмоқда. Чунки экологик муаммо давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, унинг ҳавф-хатари ҳатто ядро ҳавф-хатаридан ҳам дахшатли ҳисобланади, у бутун коинот ер шари халқларини ҳақли равишда жиддий ташвишга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини тўлиқ таъминлашга интилади, дейилган. Бундан ташқари Асосий Қонуннинг 37-моддасида фуқароларимиз адолатли меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги ишонарли тарзда кўрсатилган.

Авваллари Она замин табиатини муҳофаза қилиш қонунлари тизимида инсон ва фуқаролар манфаатларига бўйсуниб тамойили ҳарактерга мойил эди. Шунга кўра экологик иқтисодий тизимда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш бош элемент ҳисобланар эди. Уларни муҳофаза этиш эса даражали сифатида қаралар эди. Айниқса

“Бизлар табиатдан ином-эхсон кутиб ўтирмаймиз уларни тортиб олиш бизнинг вазифамиз” ваҳший шиори табиатга жиддий зарар етказди. Бундай шароитларда инсонлар ҳаёти, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қулай табиий шароитда меҳнат қилишга ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашни талаб этиш шубҳасиз, иккинчи даражага суриб қўйилар эди.

Республикамизда Она табиатни муҳофаза этишда давлатимизнинг Конституцияси асосий меърий ҳужжат ҳисобланади. Унда Она замин

табиатини муҳофаза этиш, табиий ресурсларга, мулкчилик ҳамда улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари яққол кўрсатилган бўлиб, шу асослар бўйича табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза этишга бағишланган қонунлар тизими яратилган. Бу қонунлар тизимида давлатимизнинг экологик сиёсати ёрқин ва тўлиқёритилган бўлиб, улар Она замин табиий муҳитни муҳофаза этишга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Конституциямизнинг 55-моддасида “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деб қайд этилган.

Ушбу қонунларда Она замин табиатини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари, кафолатлари, ваколатлари, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартиби, муддати ҳамда экологик норматив стандартларнинг талаблари, экологик назорат ва экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чоратadbирлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига тўлиқ эришиш учун, давлат ҳокимияти, маҳаллий идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари, шунингдек айрим шахслар, хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий қонун ва қоидаларга амал қилиш шарт” деб айтганларини давр тўлиқ тасдиқлади.

EKOLOG MUTAXASSIS KADRLAR TAYYORLASHNI MUKAMMALLASHTIRISH VA MALAKASINI OSHIRISH MUAMMOLARI XUSUSIDA

E.A.Ruziyev, S.Umirov, M.Do'stmurodov SamDU,

Ўзбекистон Республикаси Олий Majlisi Qonunchilik palatasining “Ekoharakat” deputatlar guruhi hamda Fan, ta’lim, madaniyat va sport masalalari qo’mitasining “O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi hamda Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirliklari, Tabiatni muhofaza qilish Davlat qo’mitasi rahbarlarining respublikada uzluksiz ekologik ta’lim tizimini joriy etish to’g’risidagi axborotlariga ko’ra parlament eshituvlari to’g’risida”gi 2010 yil 2 noyabrda Qarorida, O’zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish Davlat qo’mitasi qoshida faoliyat yuritayotgan “O’zbekiston Respublikasida barqaror rivojlantirish ta’limi” idoralararo Muvofiqlashtiruvchi kengashining 2011 yil yanvar oyida bergan hisobotida ta’kidlanganidek, mamlakatimizda ekologik ta’lim yo’nalishida 2005 yildan buyon uch bosqichda bir qator ijobiy ishlar qilingan bo’lsa-da, lekin ular yagona bir uzluksiz ta’lim ta’lim tizimiga mos keladi, deyish qiyin. Endilikda ekologik ta’limning zamon talablaridan chetda qolib ketmasligi, O’zbekiston Respublikasi “Ta’lim to’g’risida”gi qonuni hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturida ko’rsatilgan uzluksiz tamoyillariga moslashishi qanday bo’lmog’i kerak, degan savolga javob topish zarur bo’ladi.

Ta’lim-bilim berish malaka va ko’nikmalar hosil qilish jarayoni kishini hayotga va mehnatha tayyorlashning asosiy vositasi, to’g’rirog’i tizimi.

Uzluksiz ta'lim tizimida bo'lajak ekolog mutaxassislarni tayyorlashda ularning pedagogik kommunikativ faoliyatini (og'zaki nutq madaniyatini) shakllantirish ham asosiy muammolardan biridir. Davr talabiga mos yetuk mutaxassislar tayyorlashda ularda rivojlangan nutq madaniyatini shakllantirish alohida e'tibor talab qiladi. Keyingi yillarda talabalarda ma'ruza, seminar va laboratoriya mashg'ulotlari darslarida bilganlarini, ya'ni o'z fikrlarini aniq, tushunarli ifoda qilib tushuntirib bera olmaslik, bajargan tajribalarni, o'tkazgan analitik reaksiyalar haqida to'g'ri, bosqichli tahlil shaklida o'rinli xulosalar chiqara olmaslik, mustaqil fikrlardan ko'ra kitobiy so'zlardan foydalanishlik va mustaqil fikrlardan o'rinli xulosalar chiqara olmaslik kabi holatlar kuzatilmoqda. Ko'p hollarda talabalar og'zaki suhbat shaklidagi so'rovlardan ko'ra yozma ishlarni ma'qul deb hisoblamog'dalar. Bu o'z navbatida talabalar bilan ishlashda, ularning og'zaki nutqini o'stirishga oid o'qitishning yangi usullarini qo'llashni asosiy muammo qilib qo'yimoqda.

Samarqand davlat universiteti kimyo fakultetining analitik kimyo kafedrasida bu sohada ma'lum tajribalar to'plangan. Analitik kimyo fani, nafaqat kimyo mutaxassisligi, balki biologiya, ekologiya va geografiya bakalavrlari uchun ham asosiy fanlardan biri sifatida o'qitiladi. Seminar darslarini talabalarga ma'ruzachi o'qituvchining o'zi o'tishi tashkil etilgan bo'lib, bunda har bir talabaning mavzu bo'yicha doskaga chiqib masala yechishi va uni o'zining fikri bilan asoslab berishi talab etiladi. Bu bilan talaba o'zining yozma nutqini og'zaki nutqi bilan qo'shib olib borishga majbur bo'ladi. Chunki har bir masala ayni mavzuga oid bo'lib, ma'ruzalardan ma'lum ko'nikmaga ega bo'lganligi, aks holda og'zaki bayon qilib berolmasligi mumkin. Rivojlangan og'zaki ifoda qilish madaniyatiga ega bo'lishda ma'ruzachi va talaba orasidagi o'zaro fikr almashlay olish va jonli muloqot katta ahamiyat kasb etadi.

Bo'lajak mutaxassislarda kommunikativ faoliyatni shakllantirish usullaridan yana biri har bir yo'nalishdagi bakalavrlar uchun ajratilgan 20 soat hajmidagi talabalar bilan yakka tartibda ishlash va amaliy mashg'ulotlardagi kollokvium tarzidagi tekshiruv nazorat darslaridir.

Talabadan har bir analitik reaksiyani yozib borishi, analiz sxemasini tuzish, o'z fikrlarini qisqa qilib, gapirib berish ko'nikmalarini shakllantirishga harakat qilinadi.

Buning uchun o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat talab etilib, har bir talabaning psixologik tayyorgarligini hisobga olishi, uning tortinish, gapirib berishga qiynalish kabi odatlarni to'g'ri baholay olishi va unga yordam ko'rsatishi, kerak bo'lsa auditoriyani ham talabaning ushbu holatdan chiqishga ko'maklashishga jalb qilishi, maqsadga muvofiq ish bo'lar edi.

Samarqand davlat universitetida ekolog mutaxassislar tayyorlashda analiz usullarini bilishning o'rni beqiyosdir. Analitik kimyodan ushbu yo'nalishdagi talabalarga kimyoviy analizning metrologik asoslari, analitik kimyoda ishlatiladigan turli reaksiylar va jarayonlar, kislota-asoslar to'g'risidagi hozirgi zamon nazariyalari, analiz jarayonida cho'ktirish va eritish bilan bog'liq bo'lgan reaksiyalar, oksidlanish-qaytarilish va kompleks hosil bo'lish reaksiyalari, miqdoriy analiz usullari va ularning sinflanishi hamda ularga qo'yiladigan talablar, moddda miqdorini aniqlashning gravimetrik va titrlash usullari, fizik-kimyoviy va fizikaviy analiz usullari (elektrokimyoviy, spektroskopik) kabi mavzulardan

ma'ruzalar o'qiladi. Ushbu tushunchalarni mukammal o'rganish ekolog mutaxassislar uchun birmuncha qiyinchiliklar tug'dirishi tabiiy, albatta.

Shuning uchun universitetni bitirgach ekologiya yo'nalishi sohasidagi korxonalar va tashkilotlarda ish boshlaydigan har qanday mutaxassis kadrlar malakasini oshirish bilan bog'liq bo'lgan ta'lim tizimlari va dargohlarida qo'shimcha bilimlar va ko'nikmalar hosil qilishi talab etiladi.

Bundan tashqari analitik kimyodan laboratoriya ishlarini bajarish chog'ida kimyoviy va biologik ob'yektlar tarkibidagi ko'p uchraydigan kationlar va anionlar bilan bog'liq bo'lgan analitik reaksiyalarni, havo, tuproq, ichimlik va oqova suvlar tarkibidagi turli ingrediyentlarni aniqlashning kimyoviy usullarini, qayd etilgan ob'yektlar tarkibidagi zararli qo'shimchalar va moddalarni aniqlashning potensiometr, fotokolorimetrik, refraktometrik, ionometrik va alanga fotometriyasi usullari va asboblari yordamida aniqlash ko'nikmalarini ham hosil qiladilar. Bu esa kelajakda turli ekologik ob'yektlar analizini o'tkazish jarayonida bo'lajak mutaxassislarga qo'l keladi deb ishonamiz.

EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIYA-EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIDIR

NDPI oqituvchi N.R.Achilova

O'zbekiston Respublikasi ekologik muammolarni hal etishda dunyoda peshqadamlik qilib kelmoqda. Uning ijobiy sa'y – harakatlarini jumlayi-jahon olqishlab, qo'llab – quvvatlab turibdi. Prezident I.A.Karimov rahbarligida tabiatni muhofaza qilish borasida qator tadbirlar ishlab chiqildi.

Tabiat bag'ritoshlikni emas, ezgulikni, e'tiborni, mehr – muhabbatni yoqtiradi. Tabiatni e'zozlagan, tabiat bilan til topgan odam, xalq, davlat va jamiyat hech qachon kam bo'lmaydi. Atrof – muhitni muhofaza etish o'ta dolzarb muammoki, uni hal etishni aslo paysalga solib bo'lmaydi. Vaziyat zudlik bilan harakat qilishni, imkoniyatlarni qo'ldan boy bermaslikni taqozo etmoqda.

Inson nafaqat moddiy jihatdan, balki ma'naviy tomondan ham tabiatga bog'liqdir, o'z hayotini saqlash maqsadida u tabiat va uning – suv, havo, yer, o'simlik va hayvonot olami hamda boshqa ekologik komponentlari bilan tinimsiz, doimiy ravishda muloqotda bo'ladi. Inson yashayotgan qatlam - biosferadir. U aynan mana shu noyob va yagona bo'lgan biosferaga, tabiiy omillarga zid bo'lgan xilma – xil va murakkab faoliyatlari orqali ta'sir etadi. Bugungi kunda jamiyat va tabiatning o'zaro ta'siri muammolari tobora katta ahamiyatga ega bo'lmoqda va hozirgi, shuningdek kelgusi avlodlarni farovonligi, umuman jahon sivilizatsiyasining taqdiri ekologik muammolarning ijobiy hal etilishiga ko'proq bog'liq bo'lib qolmoqda. Shu maqsadda oxirgi yillarda O'zbekiston Respublikasidagi barcha oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida ekologik ta'lim va tarbiya masalalariga katta e'tibor berilmoqda. Umumta'lim maktablarining kimyo, biologiya, geografiya, fizika, iqtisod kabi qator tabiiy fanlar uchun qabul qilingan DTS hamda o'quv dasturida yoshlarga ekologik saboq berishga keng e'tibor qaratilgan. Bir qator o'rta maxsus va oliy ta'lim muassasalarida «Ekologiya», «Atrof-muhit muhofazasi»ga oid maxsus fanlar o'qitilishini ham e'tirof etmoq kerak. Buning natijasida, albatta, kelajak avlodimiz zarur ekologik ong va tafakkur sohiblari bo'ladilar, deb fikr bildirish mumkin. Ta'lim – tarbiyada, ayniqsa, tabiatni e'zozlash haqidagi sharqona, o'zbekona ta'lim – tarbiyada hikmat ko'p.

Bir paytlar ota - bobolarimiz oilada o'g'il farzand tug'ilganda, unga atab yaxshi niyat bilan mevali daraxt o'tqazib, bog' – rog' yaratganlar. Hovlilari atrofida, ariq bo'ylarida imoratbop daraxtzorlar barpo etganlar. Bu ham iqtisodiy, ham tarbiyaviy ahamiyat kasb etgan. Daraxt ekib parvarish qilishni, hosilga kiritishni yosh bolalar otalari va bobolaridan o'rganishgan, go'daklik davridan boshlab, ularning ko'zlari pishib, zehnlari o'sib, dunyoqarashlari o'zgarib, tasavvur – tushunchalari boyib, chuqurlashib borgan. Tabiatga mehr – muhabbat borasida oilada berilgan ta'lim – tarbiya farzandlar qalbida muhrlanib qolgan. Tabiatda o'simlik tugaydigan, lekin tiklanish qobiliyatiga ega bo'lgan tabiiy resursdir. Hayvonlarning ko'pchilik qismi, yirtqichlardan tashqari, o'simliklar bilan oziqlanadi. O'simliklar dunyosining xilma – xilligi inson faoliyatiga chambarchas bog'liq. Fan – texnika rivojlangan hozirgi davrda katta kuchga ega bo'lgan inson o'zining xo'jalik faoliyati, yashash tarzi davomida yer yuzida o'sgan 30 000 turga yaqin o'simliklarni yo'q qilib yuborgan. Tuproqning kimyoviy chiqindilar bilan zaharlanishi, havoning ifloslanishi, tabiiy hududlarning o'zlashtirilishi tufayli noyob o'simlik turlarining yo'qolib ketishi va boshqa sabablar oqibatida iqtisodiy – ijtimoiy, ekologik muammolar kelib chiqmoqda. Bu muammolarning kelib chiqishiga aholining keng tabaqasi ekologik bilimga ega bo'lmasligi ham sabab bo'lmoqda. Shuning uchun ham mustaqilligimizning ilk yillarida ya'ni 1992 yilning 9-dekabrda qabul qilingan "Tabiatni muhofaza qilish" to'g'risidagi qonuni ushbu yo'nalishdagi dastlabki qonunchilik hujjatlari hisoblanadi. Ayni paytda mamlakatimizda atrof – muhitning muhofazasi, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ekologik xavfsizlikni ta'minlash borasida 20 dan ortiq qonun va yuzlab qonunosti huquqiy normativ hujjatlari qabul qilingan. Mamlakatning taraqqiyotida uchta asosiy omil muhim hisoblanadi.

- ekologik xavfsizlikni ta'minlash
- atrof-muhitni muhofaza qilish
- tabiiy resurslardan oqilona foydalanish

Bu sohalarda mamlakatimizda qonuniy, huquqiy baza yaratildi va u o'z takomilini bosib o'tdi. Atrof – muhitning muhofazasiga erishish maqsadida dunyo parlamentalizm tarixida ilk bor O'zbekiston parlamentining quyi palatasida kvotalash instituti joriy etildi va ekoharakatga 15 ta deputatlik o'rni ajratildi. Bu esa ekologiya sohasiga doir masalalarni har tamonlama ko'rib chiqish, hal qilish bu yo'nalishdagi qonunchilikni takomillashtirish imkonini beradi. Biz yoshlar bunday imkoniyatlardan to'g'ri foydalanib har birimiz ongli ravishda atrof - muhit muhofazasiga o'zimizning munosib hissamizni qo'shishimiz va bu yo'lda ko'plab yoshlarni ergashtira olishimiz darkor.

ЭКОЛОГИЯ - АТРОФ МУҲИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯДА ТУТГАН ҲУРИ

Шаропов С. С. - Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали, Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириши (СХМИМ) кафедраси ассистент-ўқитувчиси, Шокирова О. М. - Бухоро МТИ, ЕСТЖ кафедраси ассистент-ўқитувчиси

**Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона
муносабатда бўлишга мажбурдирлар.
Ўзбекистон Республикаси конституцияси 50-модда.**

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида “фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги муассасаларда экологик ўқувнинг мажбурийлиги” таъкидланган.

Экологик таълим бизнинг юртимизда икки йўналишда олиб борилади:

Ҳар бир ўқув муассасасида экология курсини ўқитиш орқали умумий экологик таълим берилади, яъни экология йўналишини олган гимназиялар, мактабдан ташқари таълим муассасаларида экологик тўғараклар ҳам ташкил этилган.

Мутахассис экологлар тайёрлаш. Бу йўналиш бўйича Республикамизда бир неча олий ўқув юртларида “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш” йўлга қўйилган. Шунга қарамай ушбу ижобий ишлар билан бу йўналишдаги муаммоларни ечиш тизими тўла тўқис яратилган ёки ҳал этилган деб айтолмаймиз. Нимага деганда экологик таъсир ёки атроф муҳит муҳофазаси масаласи дунё бўйича долзарблиги, муаммо ва мураккаблиги кундан кун оммалашиб бормоқда.

Дунё миқёсида, шу жумладан Республикамизда экология бузилиши деганда инсон ва табиат орасидаги экологик муносабат бузилиши деб тушуниш ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан жаҳонда ва Ўзбекистонда ҳам дунё аҳамиятига эга муҳим масала бўлиб қолди.

Шундай экан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг муносабатини ўзгартириш масаласи таълим муассасалари ёки корхона ва ташкилотлар билан бирга ҳар бир оилада ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди:

биринчидан - табиатни муҳофаза қилиш бўйича таълим беришда назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштиришга йўналтирилган ўқитиш тизимини мустаҳкамлаш зарур;

иккинчидан - экологик таълим беришда ҳар бир ёш авлод у келажакда қайси соҳада ишлашдан қатъий назар табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги билимларини оширишдир;

учинчидан - экологик саводхонликка эришиш, бунинг учун барчанинг экологик билим даражасини ошириш ҳамда Республика ва вилоятлар бўйича атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг сабаблари тўғрисида маълумотлар бериш. Бу эса аввало экологик таълим тарбияни оила, таълим тизими ва жамоа бирлигида узлуксизликни таъминлаган ҳолда амалга ошириш мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларигача экология ва атроф-муҳит муҳофазасидан сабоқ беришда назария билан амалиётни уйғун тарзда олиб бориш. Бунинг учун биргина олий таълимда бакалавр экология фанларидан дала шароитида малакавий амалиётларни ўтиш учун мукамал ўқув қўлланмалар ва янги замонавий дарсликлар зарурати туғилмоқда. Бошқа табиий фанлар қатори талабаларни экология фанларини чуқур ўзлаштиришда маъруза билан бир қаторда махсус лаборатория хоналари ташкил этиб машғулотларни ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Барқарор ривожланиш концепциясида “Табиат бу аждодлардан қолган мерос эмас, балки авлодлардан қарзга олинган бойликдир” дейилгани ҳақиқатдир.

Шу ўринда мухтарам президенти И.Каримов ташаббуслари ва ғоялари асосида Бухоро шаҳрида ташкил этилган маданий марказ ва у ерда барпо этилган “Кўхна ва боқий Бухоро” монументи марказида уч авлод: бахтиёр ёш оила – ота, она ва бола, уй қураётган ота ва ўғил билан бирга ниҳол ўтқазаетган бобо ва набира барельефли ҳайкаллари акс этирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсонинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи, фарзандлари келажагини, эл юртининг эртасини ўйламоғи керак деган маънони англатади. Унда ота ва ўғилнинг ниҳол ўтқазаетгани акс этирилгани бежиз эмас, аввало қадимдан ҳалқимизнинг қадрияти сифатида улуғланиб келаётганлигидан далолатдир.

Шу сабабдан аҳолининг экологик маданиятини ошириш долзарб масалалигини ҳисобга олиб аввало табиат ва инсон уйғунлигига эришишни таъминлашга интилиш, келгуси авлод учун уни асраб авайлаш, сувдан тежамли фойдаланишнинг асрий анъаналари ва қадриятларидан иборат маданий меросидан фойдаланиш муҳимдир.

Экологик маданиятни ёшлар тарбиясида шакллантиришда экологик маърифат муҳим рол ўйнайди. Бунда ёшларимиз онгида табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан меҳрни уйғотиш, табиатга, ҳаётга, инсониятга нисбатан севиш, меҳр-шафқатли бўлиш иммунитетини шакллантиради, бунда қуйидаги йўналишларни назарда тутиш зарур:

- узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш;

- экологик таълим тарбияда масофадан туриб ўқитиш ва таълим бериш имкониятларини ўз ичига олган замонавий ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим, умумтаълим ўрта махсус, касб ҳунар таълими, ва олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув муассасалари, оилаларда ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ёшларнинг экологик таълими ва тарбияси борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат.

Инсонларнинг экологик маданиятини оширишда экологик тарбия ҳам муҳим ҳисобланиб, инсоннинг ҳиссиётлари, онги, дунёқараши ва тасаввурларига таъсир қилиш орқали унда табиатга нисбатан онгли ва маънавий муносабат савиясини мунтазам ва мақсадли равишда ошириб боришни тақазо қилади. Шунингдек табиат муҳофазасига оид бадиий адабий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратиш ўз натижасини беради.

Демак аҳолига, айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия беришда турли усул ва тавсиялардан фойдаланганда албатта экологик тарбиянинг асосий йўналиши ҳисобланган атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида уларнинг фаол иштирок этишларининг мезонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб айтганда - экология атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг таълим-тарбиядаги таъсири ва ўрнининг шаклланиши аввало оилада ва мактабгача таълим муассасаларида; мактаб - академик лицей ва касб ҳунар коллежларида; олий ўқув юртларида, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини оширишда; аспирантура ва докторантураларда ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилот корхона ва муассасалар йўналишларида ташкил этилиши орқали кўп томонлама ижобий натижаларга эришилади.

EKOLOGIK TOZA ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANISH BUGUNGI KUNNING DOLZARB MASALASI.

Eshmamatov S.Q., Begimqulova K. Q., Shodiyev A.A. (Samarqand davlat universiteti)

Hozirgi kunda jamiyatning rivojlanishini uning energiya bilan ta'minlanganligi belgilaydi. Ammo energiya iste'molining kundan-kunga oshib borishi hamda uni ishlab chiqarish uchun organik yoqilg'ilardan foydalanish, atrof-muhitni global ifloslanishiga olib kelmoqda va natijada insoniyat hayotiga jiddiy xavf solmoqda. Shuning uchun hozirgi kun energetikasining dolzarb masalalaridan biri, ekologik toza, qayta tiklanadigan noana'naviy energiya manbalaridan foydalanishdir.

Atrof-muhitga zarar keltirmay insoniyat xizmatini bajaradigan energiya, tabiatda mavjud bo'lgan ekologik toza tabiiy energiyalardir. Bu energiya turlariga suv, quyosh, shamol, geotermal suvlar, geyzerlar, to'lqinlar, suv sathining ko'tarilib-tushishi, vulqonlar, chaqmoqlar, okean va dengiz-lardagi har xil oqimlar, biomassa, vodorod yoqilg'isi, shahar chiqindilari, fotosintez; fotoelektrik o'zgartiruvchilar, ximik (galvanik) elementlar hamda boshqalar kirishi mumkin. Mana shu energiya turlariga noan'anaviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari deyiladi. Faqatgina yuqorida ko'rsatilgan energiya manbalaridan toza ekologik energiya ishlab chiqarish mumkin [1].

Mamlakatimizda birinchi bo'lib toza ekologik energiya manbalaridan biri bo'lgan suv energiyasidan foydalanish, 1926 yili qurilgan Bo'zsuv gidroelektrostansiyasini ishga tushirishdan boshlandi [2]. Shamol energiyasidan foydalanish nazariyasi va usullari 1950 yillarda ishlab chiqilgan bo'lib, Respublikamizda birinchi shamol energetik qurilmalaridan 1983 yilda, Navoiy viloyati Tomdi tumani chorvadorlari foydalana boshlashdi. Chorva mollarining go'ngi, qishloq xo'jalik mahsulotlarining qoldiqlari hisobiga biogaz ishlab chiqarish va undan foydalanish esa, 1987 yillardan boshlab amalga oshirila boshladi. Shu bilan bir qatorda 1987 yilda 3000 °C dan ortiq issiqlik energiyasini to'playdigan dunyoda eng katta quyosh pechi ishga tushirildi [3].

Mamlakatimiz mustaqillika erishgandan so'ng, xalq xo'jaligini energiyaga bo'lgan talabini qondirish hamda ekologik toza energiya manbalaridan foydalanish chora tadbirlari ko'rib chiqildi. Bugungi kunga kelib, viloyatimizda energiya ishlab chiqarilishi jihatidan Respublikada yetakchi o'rinda bo'lgan quyosh fotoelektrik stansiyasi qurilishi loyihalashtirilgan. Bu loyihaga asosan quyosh fotoelektrik stansiya 400 gektar maydonga joylashgan bo'lib, uning quvvati 100 MVt ni, yillik elektroenergiya ishlab chiqarish esa, 200 mln. kVt/soatni tashkil qiladi. [4].

Ilmiy - texnika taraqqiyotining jadal ravishda rivojlanishi va dunyoda energiya potentsiali tabiatga salbiy ta'sir ko'rsatishi kuzatilmoqda. Bu insoniyat oldiga atrof muxitga texnogen ta'sirni kamaytirishdek, avvalombor energiya hosil qilish texnologiyasi bo'yicha hayotiy muhim masalalarni qo'yadi. Zamonaviy

an'anaviy energetikaning salbiy ekologik ta'siri ko'mir yoqishga, mazutga va tabiiy gazga asoslangan bo'lib, quyidagicha ko'rinishda paydo bo'ladi:

- atmosferaning zaharli gazlar bilan kimyoviy ifloslanishi (CO_2 , CH_4 , NO_x , N_2O , SO_2 va boshq) navbatida «kislotali yomg'irlarga» aylanishi;
- atmosferada «ozonli teshik» hosil bo'lishi;
- yerda iqlimning global isishi («parnikli effekt») o'z navbatida atmosferaga CO_2 va boshqa «parnikli» gazlarni chiqarish.

Eng ajablanarlisi, energetikaning rivojlanishi yuqori samarali ekologik toza energetik texnologiyalarga asoslanishi kerak. Shunday ekan elektr energiyasini ishlab chiqarish, tabiiy resurslar barqarorligini saqlab qolish, bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib sanaladi.

Yevropa agentligi prezidentining baholashicha, 2010 yilda qayta tiklanuvchi energiya manbalari bo'yicha biomassadan foydalanishga asoslangan texnologiya xissasi katta bo'lib, yiliga 3271 million tonna, ikkinchi o'rinda turuvchi quyosh fotoelektrik sistemasining ulushi esa 784 million tonna atrofida neftni tejashga olib keldi. Shuningdek, muqobil energiya manbalarining umumiy dunyoviy hissi 2001 yili ekvivalent ravishda 1364 million tonna neftni tashkil etgan. 2010 yilda bu hajm 1746 million tonnaga yetdi. 2040 yilga borib bu ko'rsatkich 6351 million tonnaga yetkazilishi taxmin qilinmoqda. Bu o'z navbatida muqobil energiya manbalaridan ishlab chiqariladigan elektr energiya 2010 yilda 16.6 % ni tashkil qilgan bo'lsa, 2040 yilda esa 47.7 % ga yetkaziladi [3].

Yer yuzida doimiy ravishda organik yoqilg'i zahirasi kamayishi va uzluksiz ravishda narxning oshib borishi, shuningdek, atrof muhitning zararli tashlandiqlar bilan ifloslanishi va ularning energetik qurilmalarda yondirilishi, alternativ energiya manbalarini rivojlantirish va izlash imkonini tezlashtiradi.

ATROF-MUHITNI EKOLOGIK MONITORINGI

¹*I.M.Ergashev, ¹I.I.Mustapayev, ²Sh.I.Ergashova*
¹*SamDU, ²SamISI qoshidagi 1-AL,*

Atrof-muhit himoyasi bugungi kunda dolzarb, ko'p tarmoqli murakkab muammolar jumlasiga kirib, o'z yechimini global, regional va davlatlararo miqyosda amalga oshirishni talab etmoqda. Bu hol birinchi navbatda atrof-muhit holatini atroflicha monitoring qilishni talab qiladi.

Ekologik monitoringni asosiy maqsadi atrof-muhitni doimiy analizini olib borib, texnogen va boshqa qator omillar ta'sirlarida yuzaga keladigan ekologik tuzimdagi o'zgarishlarni bashorat qilishdan iboratdir [1].

Atrof-muhit ekologik monitoringini asosiy vazifasi tabiat muhofazasi va ekologik xavfsizlikni boshqarish tizimini maksimal ta'minlashdan iborat bo'lib, quyidagilarni bajarish orqali amalga oshiriladi:

- Tabiiy atrof-muhit funksional butunligi va holat ko'rsatkichlarini baholash;
- Atrof-muhit holati ko'rsatkichlarining me'yordan chetlanish sabablarini va chetlanish natijasida yuzaga kelish mumkin bo'lgan ta'sirlarni baholash;
- Yuzaga keladigan negativ holatlarni oldindan ogohlantirib, ularni bartaraf etish bo'yicha qarorlar qabul qilish.

Ma'lumotlarni umumlashtirish xarakteriga ko'ra atrof-muhitni ekologik monitoringi quyidagicha tizimlarga bo'linadi:

1. Global (biosfera) monitoring. Bu monitoring biosferadagi umumolam jarayonlarini kuzatishni nazarda tutadi. Odatda yuzaga kelish ehtimoli bo'lgan ekologik o'zgarishlar bashorat qiladi;

2. Bazaviy (fonli) monitoring. U antropogen ta'sirlarsiz umumbiosferaviy hodisalarni kuzatishni bajaradi;

3. Milliy ekologik monitoring. Bu bir davlat miqyosida maxsus organlar orqali bajariladi;

4. Regional monitoring. Regional monitoring antropogen ta'sirlarni umumiy tabiiy fondan farq qiladigan jarayonlarga ega bo'lgan hududlari bo'lgan ma'lum regionlarda olib boriladi.

5. Lokal monitoring. Bu monitoring atrof-muhitga ta'sir etadigan konkret antropogen manbaga ega bo'lgan ta'sirlarni kuzatishni maqsad qiladi.

6. Impakt monitoring. U atrof-muhitni ifloslantiruvchi manbalarga bevosita yaqin bo'lgan xavfli joy va zonalardagi lokal antropogen ta'sirlarni kuzatishni amalga oshiradi.

Ekologik monitoring tizimi quyidagicha klassifikatsiyalanadi:

- Fizikaviy monitoring. U atrof-muhitda yuz beradigan fizikaviy hodisalarni (radiatsiya, nurlanishlar, shovqinlar va boshqalar) kuzatishni maqsad qiladi;

- Biologik monitoring. Bu monitoring ayrim organizmlar bioindikatorlar yordamida atrof-muhitdagi o'zgarishlarni kuzatadi va baholaydi;

- Kimyoviy monitoring. Kimyoviy monitoring atmosferani, tuproqni, okean, dengiz, yer osti suvlarini, o'simlik va hayvonot dunyosi kimyoviy tarkibini o'rganishni nazarda tutadi;

- Ekobiokimyoviy monitoring. Bu monitoring atrof-muhitdagi tabiiy birikmalarning kimyoviy va biologik tashkil etuvchilarini baholashga xizmat qiladi;

- Distansion monitoring. Bunda atrof-muhitni nazorat qilishda zamonaviy fazoviy qurilmalardan (aviatsion, kosmik, radiometrik va boshqalar) foydalanib natijalar olinadi va xulosalar chiqariladi.

Ekologik monitoringni amalga oshirish quyidagi vazifalarni bajarish orqali amalga oshiriladi:

1. Ob'yektni belgilab olib, uni kuzatish va tekshirish;

2. Tekshiriladigan ob'yekt uchun informatsion model tuzish;

3. O'lchashlarni rejalashtirish;

4. Kuzatish ob'yektini ayni paytdagi holatini baholash;

5. Ob'yekt holatidagi o'zgarishlarga oid bashorat qilish;

6. Olingan natijalarni qulay shaklda iste'molchiga yetkazib berish.

Atrof-muhit monitoringini amalga oshirish uchun maxsus stansiyalar, punktlar, kuzatish postlarini yaratish bu ishlar samaradorligini oshiradi. Ushbu inshootlar zamonaviy maxsus jihoz va texnik-uskunalar bilan jihozlanishi lozim.

Ekologik monitoring tizimida kimyoviy monitoring katta o'rin tutadi [2]. Kimyoviy monitoring o'z oldiga okean, dengiz, yer osti suvlari, atmosfera havosi, tuproq, o'simlik va hayvonot dunyolar kimyoviy tarkibini o'rganish vazifasini qo'yadi. Kimyoviy monitoring shuningdek zaharli va zararli moddalar tarqalish dinamikasini nazorat qiladi hamda tabiiy muhitning afloslanish darajasini aniqlab beradi [3].

Atrof-muhitga chiqarilayotgan ifloslantiruvchi zaharli moddalarning turlari hozirgi kunda 400 mingdan oshib ketgan bo'lib, ulardan eng ko'p tarqalganlariga oltingugurt (VI)-oksidi, azot (IV)-oksidi, is gazi, neft mahsulotlari chiqindilari, sirt aktiv moddalar, pestisidlar, gerbisidlar va boshqalar hisoblanadi.

Atrof-muhitni kimyoviy monitoringida analitik kimyoning zamonaviy instrumental usullari keng qo'llaniladi [4]. Ular aniqlanuvchi modda yoki komponentlarning kimyoviy jarayonlardagi turli xil fizikaviy kattaliklarni o'lchashga asoslanadi.

Spektroskopik analiz usullari aniqlanadigan modda atom va molekulari bilan energiyaning keng dipazonidagi elektromagnit nurlanishlar orasidagi bog'liqlikni o'rganishga asoslanadi. Energiyaning elektromagnit to'lqin uzunligi qiymatiga qarab gamma nurlari, rentgen nurlari, ultrabinafsha, ko'rinuvchi sohali, infraqizil, mikroto'lqinli nurlanish usullariga bo'linadi. Bunda signal sifatida yutilish yoki chiqarish nurlari xizmat qiladi.

Suvlar tarkibini o'rganishda muhim informatsiya manbai bo'lib elektrokimyoviy usullar xizmat qiladi. Ularning turlari ko'p bo'lib, eng ko'p qo'llaniladiganlari sifatida potensiometriya, kulonometriya va konduktometriya usullari hisoblanadi.

Atrof-muhitning turli xil ob'ektlari ifloslanish darajasini nazorat qilishda xromatografik analiz usullarining o'rni beqiyosdir. Xromatografik analiz usullari murakkab ko'p funksional tarkibli aralashmalarni ajratish va identifikatsiyalash imkoniyatiga egadir. Ekologik monitoringda xromatografik usullardan gaz-suyuqlik, yupqa qavatli, ion xromatografiyasi, yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi usullari ayniqsa katta ahamiyatga egadir. Hozirgi paytda ekologik monitoringda yuqorida aytilgan instrumental usullar bilan bir qatorda zamonaviy gibrid usullardan foydalanishga katta e'tibor berilmoqda. Bunday usullarga xromato-mass-spektrometrik usul fur'ye almashtirgich va boshqalarni kiritish mumkin.

IQLIMIY RESURLAR VA ULARNI MUHOFAZA QILISH

Qodirova M.M. NavDPI, katta o'qituvchi

Iqlimiy resurslar yer shari qishloq xo'jaligi salohiyatining tarkibiy qismi hamda rekreatsion dam olish sayru-sayohat va sihat-salomatlikni tiklash resurslarining bosh elementidir. Ayni vaqtda, iqlimiy resurslar avvalo atmosfera, inson hayot faoliyatini, qolaversa yerdagi hayotning muhim shartidir.

Iqlimiy va kosmik resurslar insoniyat oldida XXI asrda o'zlashtiriladigan resurslardir. Bu resurslar ichida quyosh energiyasidan foydalanish alohida o'rin tutadi. Chunki, Quyosh energiyasi insoniyat oldida turgan yoqilg'i energetika muammosini hal qilish kalitidir. Bugungi kunda quyosh nurlaridan foydalanish sohasida katta ilmiy tadqiqotlar AQSH, Rossiya, O'zbekiston kabi qator mamlakatlarda amalga oshirilmoqda. Yer sathi va atmosferaning quyi qatlamlarida quyosh energiyasining yillik oqimi 10^{14} kvt. bo'lib, mavjud aniqlangan energoresurslardan 10 martadan ortiq va bugungi iste'mol qilinayotgan energiyadan ming marta ko'pdir.

Shamol energiyasi-insoniyat tomonidan qadimdan foydalanib kelingan bo'lib, juda arzon va atrof-muhitni deyarli ifloslantirmaydi. Agar quyosh

energiyasi adir mintaqalarga to`g`ri kelsa, shamol energiyasi deyarli mo`ttadil mintaqalarga to`g`ri keladi.

Iqlimiy resurslar tarkibida agroiqlimiy resurslar -issiqlik, nam va yorug`lik alohida o`rin tutadi. Inson xo`jalik faoliyatining mahalliy iqlimga ta`siri sanoat rivojlangan davrdan ilgariroq yuzaga kelgan. Sug`orma dehqonchilikning rivojlanishi oqibatida Nil, Mesopotamiya, Hind va Gang, Yanszi va Xuanxe daryolari mintaqalarida tez-tez qurg`oqchilikning takrorlanishi, quruq shamollar, chang-to`zonlar, o`simlik olami degradatsiyasi yuz bergan. Sanoatning rivojlanishi, irrigatsiya taraqqiyoti ayniqsa, ilmiy-texnika inqilobi ta`sirida ishlab chiqarish sur`atlarining o`sishi bilan bog`liq holda atmosfera va tabiatdagi anomal hodisalar, ya`ni bulutli kunlarning ko`payishi, kislotali va simobli yog`inlar va notabiiy jarayonlar AQSH, Yaponiya, Germaniya, Buyuk Britaniya kabi industrial mintaqalarida yuz bermoqda. Ayniqsa, 1950- yillarning o`rtalaridan boshlab inson xo`jalik faoliyatining salbiy oqibatlari atmosferaning umumiy holatiga va sayyora iqlimiga salbiy ta`sir eta boshladi.

Hayotning yuzaga kelishi va rivojlanishi yer sharini o`rab turgan gazsimon muhit-atmosferaga bog`liq. Uning og`irligi $5,5 \times 10^{15}$ t. bo`lib (80 %i troposferaga to`g`ri keladi) qutb kengliklarida 8 kmdan, ekvatorial mintaqada 18 km ga qadar va stratosferaga 55 km yuqorida 20 % i to`g`ri keladi. Atmosferada inson faoliyati tufayli karbonat angidrid gazi (CO_2) konsentratsiyasi ortmoqda. Yiliga texnologik ifloslanish oqibatida 22-25 mlrd.t. dan ortiq CO_2 ajralib chiqmoqda. Keyingi yillarda atmosferadagi CO_2 miqdori 15 - 16 %ga ortdi. Bunday jarayon "issiqxona samarasi" ning yuzaga kelishi oqibatida XXI asr boshlarida yer yuzasida harorat $0,5 - 1^0 \text{ C}$ ko`tarilishi va qutb muzlarining erib ketishi mumkinligi to`g`risida ilmiy qarashlar mavjud. Shuningdek, atmosfera tabiiy tarkibining buzilishiga havoga chiqarilayotgan xilma-xil zararli moddalar-sul`fat oksidi, azot oksidi, uglevodorodlar, qattiq zarralar - qurum, kul, sement va ko`mir changlari va boshqalar ta`sir ko`rsatmoqda. Atmosferaning kimyoviy, fizik, akustik (Shovqin), issiqlik, elektromagnit ifloslanishi yirik shaharlar va sanoat rayonlarida yuqori darajaga yetgan. Atmosferaning eng xavfli ifloslanishi radioaktiv ifloslanishdir. Reaktiv samolyotlarning harakati tufayli troposferaning yuqori va stratosferaning quyi qismidagi yupqa azon qatlami jiddiy buzilmoqda va tuynuklar hosil bo`lmoqda. "Issiqxona samarasi" natijasida yer yuzi o`rtacha haroratining o`zgarishi og`ir sotsial-ekologik oqibatlarga olib kelishi bashoratq qilinadi. Har yili Yer yuzida yonish jarayonlariga qo`shimcha 10 milliard tonnadan ortiq kislorod sarflanadi. Biosferda kislorodni tiklovchi manbalar yashil o`simliklar maydonining tez qisqarib borayotganligini hisobga olsak, kelajakda kislorodning kamayishi muammosi yuzaga kelishi shubhasizdir.

Atmosferaning ifloslanishida avtomobil transporti katta rol o`ynaydi va atmosferaga chiqarilayotgan zaharli moddalarning 50 % uglerod oksidi va azot oksidi, qo`rg`oshin birikmalari hissasiga to`g`ri keladi. Shuningdek, elektrostantsiyalar-sulfat oksidi, azot oksidi va chang, sanoat korxonalarining olingugurt va marganes oksidlari, uglevodorodlar, xilma-xil qattiq jinslar va boshqa qishloq xo`jaligi-pestitsidlar, turli o`g`itlarni va defoliantlarni ishlatish, shuningdek, radiaktiv moddalar kuchli ta`sir etmoqda.

Yer shari iqlimining XXI asr boshlarida o`zgarishi to`g`risida bir-biriga qarama-qarshi fikrlar mavjud. Xalqaro meteorologik tashkilot XMT

ma'lumotlariga ko'ra 1940 yilga nisbatan o'rtacha yillik harorat yerda 0,5⁰ pasaydi va bu jarayon oqibatida yanada sovuqroq bo'lishi mumkin. Ammo, antropogen omillar natijasida samarali isish jarayoni yuz berishi mumkin. Bu yo'nalish Yu.A.Izrael, M.I.Budiko va boshqalarning tadqiqotlarida tasdiqlanmoqda. Tadqiqotlarning ko'rsatishicha atmosferada CO₂ ikki hissadan ortishi oqibatida yillik o'rtacha havo harorati mo'tadil mintaqada 2050-2060 yillarga borib, 2-3⁰ ko'tarilishi va bu jarayon yuqori kengliklarda sezilarli darajada bo'lishi mumkin.

K.Ya. Kondratyev fikricha hozirgi iqlimning o'zgarishi uchta sabab:

-quyoshdagi doimiy o'zgarishlar va yer shari ustki qismi holatining o'zgarishi,

-atmosferaning gaz va aerosol tarkibining tabiiy va antropogen omillar ta'sirida o'zgarishi,

-okean sathi haroratining va qor qoplaminig, muzli maydonlarning o'zgarishi bilan bog'liq.

Yu.A.Izrael fikricha iqlimning o'zgarishi sayyora masshtabidagi atmosfera, okean, quruqlik yuzasi kriosfera, biosfera, antropogen omillar ta'siri bilan bog'liqdir. Umuman, atmosfera, iqlim resurslarini muhofaza qilish va uning musaffoligini saqlash umumbashariy ekologik muammolar tufayli kelib chiqayotgan bosh vazifalardir.

IMPORTANCE OF MULTIMEDIA TOOLS IN THE TEACHING AND LEARNING FOREIGN LANGUAGE

Mamajonov Diyorbek

Postgraduate student

Samarkand State Institute of Foreign Languages

In the era of globalization learning foreign languages seems to be very crucial. Today, the importance of our people's perfect knowledge of foreign languages can scarcely be exaggerated as our country aspires to win a decent place in the world community, because our people see their great future as a life in mutual accord and cooperation with their foreign partners. It can be clearly seen on the decree "On measures to further improve foreign language learning system" which is signed by President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov on December 10, 2012 [1].

In the system of education we pay great attention to teaching pupils not merely liberal arts and vocational skills, but also required learning of foreign languages, for this is critical for them to maintain pro-active communication with their counterparts abroad, get extensive knowledge of everything that is going on around globe, and command the august world of intellectual treasure [2, 6]. Language learning is complex, whether the language is acquired in infancy as a first language or later in life as a second or third language. A language system consists of not only grammatical rules and vocabulary, but also the proper way to use language, such as requesting information, inviting a friend to a social event, thanking a person for a kind act, or greeting a stranger. In that case, teaching English language learners with the help of latest technologies such as Computers, the Internet, and Electronic Dictionary as well as using of multimedia plays a very pivotal role. Multimedia is the combination of different content forms. It includes a

combination of text, audio, still images, animation, video, or interactivity content forms. It is usually recorded and played, displayed, or accessed by information content processing devices, such as computerized and electronic devices, but can also be part of a live performance. Multimedia devices are electronic media devices used to store and experience multimedia content. Students learn best by seeing the value and importance of the information presented in the classroom. In order to achieve the ultimate goal of student learning it is important to use a combination of teaching methods and to make the classroom environment as stimulating and interactive as possible.

Multimedia can provide a large amount of instructional information to the students for the purpose of English learning and accelerate the process of information searching. This is not to say that multimedia is the substitute for teachers [3; 15]. Teachers are always the facilitator of the whole class, whether in the multimedia classroom or in the traditional classroom. A quality teacher would do more than press the button on the multimedia computer technology. They would apply teaching methodologies accumulated from the many years of teaching experience from language teachers and experts while adding the use of multimedia in the teaching of English. Therefore, proper combination of multimedia and teaching methodology is appropriate to attract students' attention towards English language learning.

The potential pedagogical value and rationale for using classroom media in these three points are as follows:

- *To raise interest level* -- students appreciate (and often expect) a variety of media
- *To enhance understanding* -- rich media materials boost student comprehension of complex topics, especially dynamic processes that unfold over time
- *To increase memorability* -- rich media materials lead to better encoding and easier retrieval

Teachers can incorporate multimedia learning into their classroom by identifying the learning styles of each of their students, matching teaching methods to learners' multimedia learning for difficult tasks, strengthening weaker learners' multimedia learning through easier tasks and drill, and teaching students, selection of learning strategies. Multimedia that is effective in learning and teaching doesn't simply consist of using multiple media together, but combining media mindfully in ways that capitalize on the characteristics of each individual medium and extend the learning and teaching experiences. Multimedia offers teachers enormous opportunities for making learning and teaching environments meaningful and effective.

The one of the ultimate goals of multimedia language teaching is to promote students' motivation and learning interest, which can be a practical way to get them involved in the language learning. Without this technology, English language learners are often left to their own devices.

EKOLOGIYA, ATROF MUHITNI MUHOFAZA QILISH VA TABIIY RESURSLARDAN OQILONA FOYDALANISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Muhtaram prezidentimiz Islom Karimov "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida havfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" deb nomlangan asarida shunday deydilar: "Ekologik havfsizlik muammosi allaqachonlar milliy va mintaqaviy doiradan chiqib, butuninsoniyatning umumiy muammosiga aylangan. Tabiat va inson o'zaro muayyan qonuniyatlar asosida munosabatda bo'ladi. Bu qonuniyatlarni buzish o'nglab bo'lmas ekologik falokatlarga olib keladi". "Ekologiya" deganda tabiatni saqlashga qaratilgan bilimlar tizimini tushunamiz. Ma'lumki, so'nggi yillarda Ekologiya" so'zi juda ommaviylashib ketdi. Ko'pincha atrof-muhitning noma'qbul holati haqida gapirganda bu so'z tez-tez tilga olinadi. Ba'zan bu atama "Jamiyat", "Oila", "Inson", "Salomatlik" kabi so'zlar bilan birgalikda ishlatiladi. Ekologiya tirik jonzotlarning yashash sharoiti va ularning o'zlari yashab turgan muhit bilan o'zaro murakkab munosabatlari va shu asosda tug'ilgan qonuniyatlarni o'rganadi. Bundan tashqari, ekologiya fani insonning tabiat bilan o'zaro ta'sirini eng maqbul tarzda tashkil etish uchun ilmiy tavsiyalar ishlab chiqadi.

Ekologiya atamasini fanga birinchi marta 1866 – yilda nemis biolog E. Gekkel kiritgan. Ekologiya – bu organizmlarning ularni o'rab turgan yashash muhiti bilan o'zaro munosabati shu bilan birga ularning boshqa organizmlar bilan o'zaro bog'liqligini o'rganuvchi fandır. Ekologiya va atrof muhitning muhofazasi haqida gap borar ekan bugungi kunning dolzarb muammolaridan bo'lgan tabiiy resurslar va ulardan oqilona foydalanish haqida qisqacha to'xtali bo'tamiz.

TABIIY RESURSLAR- kishilar bevosita tabiatdan oladigan va ularning yashashlari uchun zarur bo'lgan xilma-xil vositalardir. Mukammalroq klasifikatsiya qilinganda tabiiy resurslar quyidagilarga bo'linadi: a) moddiy ishlab chiqarish resurslari -sanoatda yoqilg'i, metallar, suvlar, yog'och-taxta, baliq, qishloq xo'jaligida sug'orish uchun suv, ovlanadigan hayvonlar. b) ishlab chiqarishdan tashqari sfera resurslari, ichimlik suv, daraxtlar, kishilarni davolash uchun iqlim resurslari . Tabiiy jismlar va kishilar foydalanadigan energiya turlari *resurslar* deyiladi.

Resurs so'zi fransuzcha so'z bo'lib «yashash vositasi» degan ma'noni bildiradi. Tabiiy resurslar kishilarning yashashi uchun zarur bo'lgan shunday vositalarki, bu vositalar jamiyatga bevosita emas balki ishlab chiqaruvchi kuchlar va ishlab chiqarish vositalari orqali ta'sir etadi.

Tabiiy resurslar - ovqatga ishlatiladigan yovvoyi o'simliklar va hayvonlar, kishilar ichadigan va boshqa ko'p maqsadlarda foydalanadigan suvlar, metallar olinadigan rudalar, uylar quriladigan yog'och taxtalar, energiya va yoqilg'i manbalari bo'lgan ko'mir, neft, tabiiy gazlardir. Tabiiy resurslardan to'g'ri foydalanish va ularni muhofaza qilish uchun klasifikatsiya qilish zarur. Tabiiy resurslar ikki turga bo'linadi: tugaydigan va tugamaydigan resurslarga.

Tugaydigan resurslar o'z navbatida 2 guruppga bo'linadi- tiklanadigan va tiklanmaydigan.

Tiklanmaydigan tabiiy resurslar yoki sekin tiklanadigantabiiy resurslar birinchi guruppga kiradi. Butunlay yo'q bo'lib ketadigan va juda kamayib qoladigan yer ostiboyliklari, foydali qazilmalar shular jumlasidandir.

Tiklanadigan tabiiy resurslar butunlay yo'q bo'lib ketmaydi va qaytadan tiklanadi. Tirik mavjudotlar, o'simlik va hayvonlar, shuningdek, tuproq anas hunday resurslardandir. Chunonchi, tuproq yo'q bo'lib ketmaydi balki, asosiy xossasini umundorligini yo'qotadi. Masalan, hozirgi vaqtda butunlay qirib yuborilgan ko'pgina hayvon va o'simlik turlari, shuningdek erroziya natijasida butunlay buzilgan tuproqlar qaytadan tiklanmaydi. Daraxtni kesib tashlagan o'rmon bir necha yildan keyin qayta tiklanishi mumkin. Tarkibi o'zgargan tuproqning yaxshilanishi uchun esa bir necha ming yil vaqt kerak. Tiklanadigan tabiiy resurslarga zaruriy sharoit yaratib berilsa kishilarga abadiy xizmat qilish mumkin. Tugamaydigan tabiiy resurslarga - suv, iqlim va kosmik resurslar kiradi. Suv resurslari- suv barcha jismlar orasida eng ajoyibdir. Dunyodagi suvlarning 92-94 % okeanlardadir. Bevosita foydalanishga yaroqli suv barcha suv zahirasining 1% iga ham yetmaydi. Chuchuk suv esa miqdor jihatidan tugaydigan resurs hisoblanadi, chunki kishilarga ishlatish uchun yaroqli suv kerak. Yer sharining ko'pgina joylarida suvdan noratsional foydalanishi, daryolarning sayozlanib qolishi va boshqalar oqibatida chuchuk suv miqdori keskin kamaymoqda. Quyosh nurlarining muayyan qismi tuproq, suv va havoni isitishga sarf bo'ladi va asta sekin havoga tarqaladi. Bir qismi o'simliklar tomonidan o'zlashtiriladi. Quyoshning nurli energiya manbai milliard-milliard yilga yetishi mumkin. Shuning uchun ham quyosh energiyasi bitmas tunganmasdir. Atmosfera havosi kishilar, hayvonlar o'simliklarning nafas olishi uchun zarur. Havo bitmas tunganmas lekin uning tarkibi o'zgarishi mumkin. Havoni ifloslanishiga sanoat korxonalarini va transport mashinalaridan chiqayotgan gazlar sabab bo'lmoqda, bu esa inson organizmi uchun zararlidir. O'tmishda ham hozirgi vaqtda ham tabiatni muhofaza qilish asosiy masalalardan bir bo'lib kelgan. Agar kishilar o'z hayotlarida tabiiy resurslarsiz yashay olganlarida edi, ularni muhofaza qilish hamda ratsional foydalanish to'g'risida bosh qotirishi shart emas edi. Hozirgi vaqtda turli xil tabiiy boyliklar, o'simlik va hayvon resurslari, chuchuk suv, unumdor tuproq, mineral foydali qazilmalar va boshqalarga bo'lgan ehtiyoj tobora ortib borayotganligidan tabiatni muhofaza qilish naqadar dolzarb muammo ekanligini tushunib yetmog'imiz lozim. Muqaddas kitoblarda ham tabiatni asrash, tozalikka rioya qilish, suvni ifloslantirmaslik, daraxtlarni kesmaslik agarda bir daraxtni kesishga to'g'ri kelib qolsa uning o'rniga o'nta daraxt ekish kerakligi aytilgan. Tabiatni, olloh bergan tabiiy ne'matlarni ya'ni tabiiy resurslarni asrab avaylash, ularni kelajak avlodlarga ham xizmat qilishlarini ta'minlash bizning bugungi kundagi asosiy vazifamizdir.

ATMOSFERA IFLOSLAHINING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI

NDPI o'qituvchisi: Achilova N.R.

BO`M talim yo`nalishi 3-bosqich talabasi Boboyeva Z.A

Koinot tizimida mavjud bo'lgan va o'z o'qi atrofida aylanayotgan yer dastlabki hayot deb atalmish mo'jizakor tushunchaning paydo bo'lish zamini desak mubolag'a bo'lmaydi. Bizga ma'lumki, atmosfera deganimizda asosan nafas olayotgan havomiz kiradi. Uning tarkibida esa juda ko'p asosiy va qo'shimcha gazlar mavjud. Bularga azot, kislorod, karbonat angidrid, vodorod, argon va inert

gazlar bo`lib ular yer ustidagi havo qatlaminin 1500-2000 km masofagacha tarqalgan bo`ladi.

Atmosfera havosi hozirgi kunda asosan ikki manba:

1. Tabiiy omillar

2. Inson faoliyati mahsuli- antropogen manbalar ifloslantirmoqda.

Atmosferani ifloslantiruvchi tabiiy omillar vulqonlarning otilishi, tog` jinslarining yemirilishi, o`rmonlarga o`tketishi natijasida atrof- muhitga zararli omillarning yoyilishi kabi ofatlar misol bo`ladi.

Antropogen ta`sirlarni esa doimiy ravishda va harakatdagi ifloslanishlarga ajratsak bo`ladi. Doimiy ravishda ifloslantiruvchilarga sanoat korxonalarini, kommunal va quvvat ishlab chiqaruvchi obyektlar kirsa, harakatlantirdagi ifloslanishlarga avtomobil, temir-yo`l va havo transport vositalari kiradi. Bundan tashqari xom-ashyoga ishlov berish, po`lat eritish, domna o`choqlari faoliyati, koks-kimy o jabhalari va boshqalar (zaharli gaz va turli tutun changlarini chiqaruvchi bilan ajralib turadigan) korxonalar ham atmosferani ifloslovchi asosiy omil sifatida qaraladi. Atmosferani ifloslantiruvchi omillarda yana biriga avtotransportlarni ham misol qilib keltirish mumkin. Avtotransport vositalari bilan atmosfera havosining dudburunlardan chiqadigan gazning tarkibi va miqdoriga transport harakat tezligiga, mashinalar soniga va meteorologik omillarga bevosita bog`liqdir. Avtotransportlar natijasida chiqadigan zaharli gazlar meteorologik sharoitlarda fotokimyoviy o`zgarishlarga uchraydi. Avtotransport vositalari sonining ortishi tashqi muhitga ajralib chiqayotgan konserogen moddalarning salmog`ining ortishiga olib kelmoqda.

F.F.Ersman nomidagi ilmiy-tadqiqot instituti bergan ma`lumotlarga ko`ra, havodagi o`rtacha yillik chang miqdori-dala joylaridagi 1m^3 havoda 0.01mg, turar joylarda 0,12 mg, shahar markazi havosida 0,13, sanoat korxonalarini joylashgan joylardagi havoda 0,15 mg gat eng bo`ladi. Bunday ifloslanish darajalari nafaqat o`simlik va hayvonot olamiga, balki tabiatning bir bo`lagi hisoblangan insonga ham o`z ta`sirini ko`rsatmay qo`ymaydi. Masalan, sanoat markazlaridan chiqadigan turli zaharli gazlar-quyuq tumanlarni hosil qiladi. Bu esa inson salomatligiga sal`biy ta`sir ko`rsatib, yuqori nafas yo`llarining yallig`lanish, bemorlarda surunkali bronxit, emfizema, tumov kabi kasalliklarni keltirib chiqaradi.

Havodagi chang esa muttasil ravishda organizmga tushib turgan qo`rg`oshin, margimush, marganes, kadmiy, ftor aerzollari insonda surunkali ravishda kamqonlik, flyuroz, poliartrit, polinevrit kabi kasalliklarni keltirib chiqaradi.

Zaharli bo`lmagan yirik diametrli chang zarrachalari ko`z va burun shilliq qavatlariga tushib, ularni jarohatlaydi, yallig`lanish jarayoni burunda, kekirdakda va bronx naylarida kuzatiladi. Bunday hollarda o`tkir va surunkali laringit, faringit, traxeit, bronxit kabi kasalliklar va agar nafas yo`llari orqali o`pkaga kvras changlari tushsa pnevmokonikoz kasalligi yoki slikoz kasalliklari paydo bo`lishi mumkin.

M.Maslova bergan ma`lumotlarga qaraganda neft-kimy o kombinatlari joylashgan yerlar havosi tarkibida turli zaharli gazlar sulfat anhidrid, vodorod sulfidi,aromatik uglevodorodalar kiradi. N.Skversovanning bergan ma`lumotlariga

qaraganda, o'pka rakining kelib chiqishi bilan atmosfera havosining turli chiqindilar bilan ifloslanish o'rtasida bog'liqlik mavjuddir.

Atmosfera havosi ifloslanganligining organizmga ta'sir etish darajasiga ko'ra uch turga bo'lishimiz mumkin:

1-davr atmosfera havosi ifloslanishning birinchi darajasi miqdori oz bo'lib, uning organizmga hech qanday ta'siri bo'lmaydi.

2-davr kasallanish oldi davri bo'lib, kasallik bemorning o'ziga va boshqalarga ham sezilmaydi.

3-davr odam organizmining zaharli omil bilan zaharlanishi va xastalik belgilarining paydo bo'lishi davri hisoblanadi.

Atmosfera havosining bunday tarzda ifloslanishi va inson organizmiga beradigan bevosita va bilvosita ta'siri natijasida turli yomon oqibatlariga olib kelmoqda. Bunday holatlarni oldini olish maqsadida esa turli loyihalash usullari amalga oshirilmoqda. Loyiha quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- a) Shahar hududlarini zonalarga ajratish.
- b) Tabiiy changlarga qarshi kurashish.
- c) Sanitariya himoya chegaralarini yaratish.
- d) Turar joylarini gigiyenik jihatdan tozalash.
- e) Turar joylarini ko'kalamzorlashtirish.
- f) Motor silindrida paydo bo'ladigan zaharlar kuchini neytralizatorlar yordamida kesishdan iboratdir.

Bundan tashqari ekologik harakatlar, ekologik tashkilotlar tashkil etilmoqda, qarshi kurash chora-tadbirlarni amalga oshirilmoqda.

Aholi o'rtasida ekologik tarbiyani shakllantirish ham bugungi kunning asosiy vazifalaridan biridir desak, mubolag'a bo'lmaydi. Bundan shunday xulosa qilishimiz mumkinki, tabiat-bu bizga berilgan eng oily ne'matdir. Uni asrab-avaylash esa har birimizning burchimiz ekanligini doimo yodimizda tutmog'imiz lozimdir.

INSON FAOLIYATI DAVOMIDA O'ZBEKISTON VA O'RTA OSIYODA YO'QOLGAN VA YO'QOLISH ARAFASIDAGI HAYVON TURLARI.

Negmatov S.Q., Rustamova M.A. (NavDPI)

Hozirgi kunda hammaga ma'lumki, insoniyat o'z faoliyati tufayli sodir bo'lgan tabiat o'zgarishlaridan o'zlarini himoya qilishi va uni qayta tishlash, o'z tabiiy holiga qaytarish, tiklash uchun borgan sari ko'proq energiya (kuch) va mablag' sarflayotir. Inson avval ham, hozir ham, bundan keyin ham yashil o'simliklar olami xlorofili va uning quyosh yordamida sintez qiladigan mahsulot va bu mahsulotning miqdori va sifati bilan uzviy bog'liq bo'ladi. Shunday ekan, inson hamma vaqt tabiat kompleksining asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi va uning qonuniyatlariga bo'ysunishi shart. Inson faoliyati ta'sirida o'zi hayot kechiradigan yer kurrasining yuza qismining keskin o'zgarishiga va tabiat uyg'unligi buzulishiga sabab bo'ladigan omil hisoblanadi. Shu borada ma'lum ma'lumotlarga e'tiborni jalb etaylik. O'rta asrlarda o'rmon dehqonchilik va chorva yaylovlari maydonini kengaytirish hamda ishlab chiqarish maqsadlari, kemasozlikda foydalanish maqsadida qirqish, o'z o'rnida yoqish yo'li bilan yo'q qilingan. Inson qadami qo'yilgan har bir qarich yer tabiiy muhitining keskin o'zgarishiga va oxir-

oqibat buzulishiga sabab bo'lgan. Eramizning XX asriga qadar bo'lgan vaqt davomida sutemizuvchi hayvonlarning 106 turi to'lig'icha qirilib ketgan, 600 turi yo'q bo'lish arafasida, qushlarning 140 turi to'liq yo'q qilingan, 100 dan ortiq turi esa yo'q bo'lish arafasida.

Xususan, yo'lbars-bundan 100 yil muqaddam O'rta Osiyoning Amudaryo quyi oqimi Vaxsh va Panj daryolarini quyulish qismida to'qaylarda keng tarqalgan. Qoplon - O'rta Osiyoning faqat janubiy qismida Kopetdog', Gaz quduq, Bobotog', Panj daryosining quyi oqimida, inson qadami yetishi qiyin bo'lgan tog' chakalakzorlari va o'rmonlarida keng tarqalgan, asosiy ozuqasi mayda sutemizuvchi hayvonlar bo'lgan tog' echkisi, karxal butunlay qirilib ketgan. Qulon –uy hayvoni. Ko'rinishi eshakni eslatuvchi bu jonivor XVIII asrda O'rta Osiyoning tekislik qismida keng tarqalgan. XIX – asrning oxiri XX asrning boshlariga kelib bu hayvon faqat Kopetdog' va Orol dengizining shimoliy qismida unda –bunda saqlangan. XX asrga kelib bu jonivor butunlay qirilib ketgan. Buxoro oliyjanob bug'usi –ismi jismiga monand, xushbichim, chiroyli, balandligi 150 sm ga, og'irligi 300 kg ga qadar bo'lgan bu hayvon Amudaryo, Sirdaryo vohasida, Tyanshan va Turkiston tizma tog'i yonbag'irlarida keng tarqalgan. 1950-yillarga kelib uning tarqalish areali inson faoliyati ta'sirida keskin qisqargan va XX asr oxiriga kelib ayrim qo'riqxonalarda saqlangan. Bir necha bosh qolgan hayvon hisobga olinmaganda bug'uning mazkur turi mazali go'shti va terisi uchun to'lig'incha yo'q qilingan. Jayron - o'z chiroyiga ko'ra kishini lol qoldiradigan, balandligi 70 sm dan oshmaydigan, og'irligi 30 kg ga qadar bo'lgan jonzot, haqiqiy cho'l hayvoni XX asrning 60-yillariga qadar O'rta Osiyo cho'llarida juda keng tarqalgan. Hozirgi paytda asosan Mang'ishloq, Ustyurt, Qoraqum va Qizilqumda uchraydi. O'rta Osiyo va Qozog'istonda jayronlar soni XX asr boshlarida bir necha yuz mingni tashkil etardi. Jumladan, Ustyurt va Mang'ishloqda 50-yillarda 100 mingdan ortiq jayron yashar edi. Jayronlar qo'lga yaxshi o'rganadi. Shu sababli ularning soni qo'riqxonalarda tez ko'paymoqda. O'zbekistonda, Buxoraga yaqin joyda jayronxona tashkil etilgan. Uning maydoni 5600 gektar. Bu maskanda jayronlar muhofaza qilinadi, ko'paytirish ustida ilmiy ishlar olib boriladi. Keyingi paytlarda jayronlar soni 500 dan oshgan. Burama shoxli echki-marho'r O'zbekistondan tashqari Hindiston, Afg'oniston va Pokistonda tarqalgan. Qor barsi asosan tog' echkisi bilan oziqlanadi. Shuningdek, tog' qo'yi, kosul, sug'ur, ulor bilan kun kechiradi. Odatda 2-3 ta bolalaydi. Hozirda yo'qolish arafasida. Buxoro bug'usi (xongul)-u asosan Amudaryo va Sirdaryo bo'ylaridagi to'qaylarda yashaydi. XX asrning 60-yillarida Payg'ambarorol qo'riqxonasi va Pahlavon to'qay qo'riqxonalaridagina qolgan edi. 60-yillarining o'rtalaridan Pahlavon to'qay qo'riqxonasi atrofida ko'paydi. Amudaryo o'rta oqimi va Bodayto'qay qo'riqxonasiga keltirildi. Sekin-asta Buxoro bug'usi Amudaryo vodiysi bo'ylab ko'paya boshladi. Bug'ularning ozuqasi asosan boshqoqli o'tlardir. Shuningdek, jiyda va saksovol barglari. Yozning issiq kunlarida kunduzlari soya salqin joylarda dam oladi. Echkemar qish oylarida toshbaqa va kemiruvchilar inlarida yashaydi yoki o'zi in kavlab oladi. U hasharotlar, mayda sudralib yuruvchilar, toshbaqalar, zaharliilonlar, qushlar va qush tuxumlari bilan oziqlanadi. Qorako'l, Payg'ambarorol, Qizilqum, Nurota qo'riqxonalarida muhofaza qilinadi.

O'zbekiston faunasi va florasini asrab qolish, ularni yosh avlodga qoldirish maqsadida 1984-yil "Qizil kitob" chop etildi. Shundan so'ng yo'qolish arafasidagi o'simlik va hayvon turlari ko'paya boshladi. Hozirda O'zbekiston faunasida sutemizuvchilar 108 turi, qushlar 432 turi, sudralib yuruvchilar 58 turi va baliqlar 77 turi mavjud. Shulardan sutemizuvchilarning 23 turi, qushlarning 48 turi, sudralib yuruvchilarning 16 turi, baliqlarning 17 turi O'zbekiston "Qizil kitobiga kiritilgan hamda muhofaza qilinmoqda. Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar sifatida O'zbekistonda ayni paytda 8 ta davlat qo'riqxonalari, 2 ta milliy bog', 1 ta ekomarkaz, 1 ta biosfera rezervanti, 10 ta davlat buyurtmalari, 5 ta tabiat yodgorligi faoliyat ko'rsatib kelmoqda. O'zbekiston "Qizil kitobiga kiritilgan sutemizuvchilar qorbarasi, qoraquloq, qoplon, gepard, morxo'r, Buxoro kiyigi (xongul), Buxoro tog' qo'yi, gigant (shom shapalak), Menzbir sug'uri, qizil bo'ri, olako'zan, oq tirmoqli ayiq, sirtlon, Turkiston silovsini, manul, Qizilqum tog' qo'yi; sudralib yuruvchilardan echkamar, kapchailon (O'rta Osiyo kobrasi), Farg'ona qum kaltakesagi; baliqlardan Orolshipi, Orolusachi, Sirdaryo qilquyrug'i, Amudaryo qilquyrug'i; qushlardan shoxin (lochin), oqturna, jek, saqoqush (meshkobchi qush), qora laylak, flamingo (qizil'oz), oq bos ho'rdak, qumay, burgut, qironqora (burgut), ilonxo'r (lochin), itolg'i, bezgaldak, targ'oq, Osiyo loyxo'ragi, oqbovor va boshqa ko'plab hayvonot olami vakillari muhofazaga olingan. Hozirda ularning soni ancha ko'paydi.

RADIATSIYANING TABIATI VA ATROF MUHITNING RADIOAKTIV ZAHARLANISHI

o'qit. Nuraliyev S.R.

Navoiy Davlat Pedagogika Instituti

Sayyoramizdagi barcha tirik organizmlar uchun havo, suv va tuproq asosiy hayot muhiti bo'lib hisoblanadi. Atrof muhitni ifloslanishini oldini olish muommosi hozirgi vaqtda butun insoniyatning diqqat markazidadir.

Ilmiy-texnik taraqqiyotning rivojlangan davrida tabiat va jamiyatning o'zaro ta'siri bilan bog'liq bo'lgan muammolar asosiy va murakkab muammolar bo'lib bormoqda. Shulardan biri geografik muhitning radioaktiv moddalar va zaharli kimyoviy moddalar bilan ifloslanishi va uni oldini olish muammosidir. Geografik atrof muhit tozaligi insoniyatning kelajagini sog'-salomat uzoq umir kechishini, uzoq umir ko'rishini, shuningdek, kishilarning hayotiy faolligini, va umrboqiyligi belgilaydi. Hozirda geografik atrof muhitni eng xavfli vaziyatga olib keluvchi muommolardan biri radioaktiv moddalar bilan ifloslanishidir. Shuning uchun ham atrof muhitning radioaktiv moddalar bilan zaharlanishini oldini olishga juda katta e'tibor berilmoqda. Yer sharida tabiiy radioaktivlik, radioaktiv elementlarning parchalanishi natijasida vujudga keladi.

Ana shunday radioaktiv moddalar sayyoramizda ma'lum miqdorda tarqalgan bo'lib, vaqt o'tishi bilan ular yerda doimo turli sharoitlarda parchalanib, o'zgarib turadi. Har qaysi radioaktiv element o'ziga xos tezlikda parchalanadi. Shuning uchun ham radioaktiv elementlarning parchalanish davri yer tarixi uchun etalon qilib qabul qilingan. Yer yuzida radioaktiv elementlarning parchalanishi natijasida tuproqda, suv va havoda tabiiy radioaktiv nurlanish vujudga keladi. Tabiiy

radioaktivlikning miqdori konsentratsiyasi yer yuzidan atmosferaga ajralib chiqayotgan radon izotopining radioaktiv parchalanishi, shuningdek, kosmik nurlar zarralarining havo tarkibidagi kimyoviy elementlar atom yadrolari bilan o'zaro ta'sirlanishi natijasida vaqt o'tishi bilan o'zgarib turadi. Tarkibida kaliy, uran, toriy va boshqa radioaktiv izotoplari bo'lgan chang shamol bilan yer yuzidan atmosferaga ko'tariladi va vaqt o'tishi bilan havo oqimi bo'ylab harakatlanib katta maydonlarda tarqaladi.

Keyingi vaqtlarda sun'iy radioaktivlikning turli yadro reaksiyalari yordamida sun'iy yo'l bilan sodir qilingan radioaktivlik ko'paymoqda. Kuchli yadro qurollari havoda portlatilganda radioaktiv mahsulotlar troposferadagina emas, balki stratosferda ham tarqaladi. Portlash natijasida atmosferada vujudga keladigan va yer yuzasiga tushadigan radioaktiv yomg'irlar sifatida atrof muhitni zararlab kelmoqda. Quruq chang yoki tomchidan iborat boshlang'ich yomg'irlar ancha yirik bo'lib, bomba portlatilgan rayonlarga bir necha soat davomida tushib turadi va shamol ta'sirida radioaktiv moddalar bulutlar bilan birga harakatlanib bir necha o'n va hatto yuz kilometrga borib, bunday yomg'irlar juda katta ifloslanishni vujudga keltiradi.

Radioaktiv elementlarning parchalanish davri uzoq bo'lganlari eng xavfli hisoblanadi. Masalan, stronsiy-90 (^{90}Sr) 25 yilda, seziiy-137 (^{137}Cs) 33 yilda, uran-233 (^{233}U) $16 \cdot 10^5$ yilda bo'linib, boshqa zararli moddalarga aylanadi. Termoyadro portlashlarida geografik qobiqni juda ko'p ifloslantiradigan va atrof-muhitni zaharlaydigan radioaktiv element C^{14} dir. Uning parchalanish davri 5 ming yilga yetadi. Yadro qurollarining portlatilishi natijasida atrof muhitning tabiiy radioaktiv moddlar bilan ifloslanishi biosfera uchun xavfli bo'ladi. 1945-yil 6-avgustda Yaponiyaning Xirosima shahriga AQSH havo harbiy flotining samolyoti atom bombasi tashladi, buning oqibatida nom-nishonsiz insonlar izsiz yo'qolgan va zararlangan, 365000 kishi hayotdan bevaqt ko'z yumgan. 1945-yil 9-avgustda Nagasakiga Amerika aviatsiyasi yana atom bombasi tashladi. Bunda portlashda 75 ming kishi hayotdan ko'z yumgan va jarohatlangan, shaharning $\frac{1}{3}$ qismi vayron bo'lgan. Radioaktiv mahsulotlar havo va suv oqimi, organizmlarining harakati (ayniqsa, baliq va qushlar) orqali tarqladi. Tirik organizmlar muhitdan radioizotoplarni qabul qilib, so'ng o'z organlarida (to'qima, hujayralarida) to'playdi. Odam organizmining ichki a'zolariga radioaktiv moddalar og'iz va nafas yo'llari hamda teri orqali o'tadi.

Inson sog'ligi va hayvonlar organizmi uchun eng xavfli radioaktiv element stronsiy-90 (Sr^{90}) dir. Bu element suyak to'qimalarida, tishda va boshqa organda to'planadi. Yosh organizm bu elementni katta yoshdagilarga nisbatan 10-15 mart ko'p qabul qiladi. Shunday qilib bu izotopning zararli oqibati asosan yosh avlodda kuzatiladi.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish kerakki atrof muhitni radioaktiv zararlanishdan saqlash, keng ko'lamli ekologik tanglik tahdidini barham toptirish, yer yuzi aholisi uchun, jismonan sog'lom yosh avlodning dunyoga kelishi va rivojlanishi uchun zarur shart sharoitlar hamda ekologik jihatidan musoffo hayotiy muhit yaratish imkonini beradi.

СОВРЕМЕННЫЕ СИСТЕМЫ АЭРАЦИИ СТОЧНЫХ ВОД В АЭРОТЕНКАХ

*Магистранты: Ф.Муртазаев, М.Хайдаров., ст. Р.Амонов
Научный руководитель—к.т.н., доц. Якубов К.А.*

Аэробная биологическая очистка больших количеств сточных вод обычно осуществляется в аэротенках — емкостных проточных сооружениях со свободно плавающим в объеме обрабатываемой воды активным илом, бионаселение которого использует загрязнения сточных вод для своей жизнедеятельности. Непременным условием эффективности биологических процессов метаболизма в аэротенке является обеспечение их растворенным в воде кислородом, что достигается аэрацией и перемешиванием смеси воды и активного ила системами аэрации.

Под системами аэрации следует понимать комплекс сооружений, устройств и оборудования, обеспечивающих подачу и распределение воздуха (кислорода) в аэротенке, поддержание активного ила во взвешенном состоянии и создание благоприятных гидродинамических условий работы аэротенков, а также отдувку образующихся в результате метаболизма газов, избыток которых может тормозить (ингибировать) процесс биохимической очистки сточных вод. В зависимости от способа подачи и распределения кислородсодержащего газа в аэротенках все применяемые в настоящее время аэраторы подразделяются на пневматические, механические, пневмомеханические и струйные.

Пневматические аэраторы подразделяют на типы в зависимости от крупности получаемых пузырьков: мелкопузырчатые ($d = 1—4$ мм), среднепузырчатые ($d = 5—10$ мм) и крупнопузырчатые ($d > 10$ мм). К мелкопузырчатым относятся, например, аэраторы форсуночного и ударного типа, а также керамические, тканевые и пластиковые аэраторы; к среднепузырчатым — перфорированные трубы, щелевые и другие устройства; к крупнопузырчатым — открытые трубы, сопла и т.п.[1].

Различают продольное, поперечное, диагональное, поперечно-продольное, продольно-диагональное и сплошное расположение пневматических аэраторов в аэротенках. При массовом всплывании пузырьков в воде различают следующие гидродинамические режимы: барботажный, барботажно-струйный, струйный и режим подвижной пены.

Сжатый воздух подается к каналу, расположенному по всей длине дна аэротенка. Этот канал перекрывается фильтрами. Фильтросы обычно размещают на дне аэротенка с одной стороны (односторонняя аэрация), с двух сторон или равномерно через некоторое расстояние по всему дну. Средний размер пор отечественных фильтросов составляет 100 мкм. Затраты энергии — 1,15—1,40 кВт * ч на 1 кг удаленной примеси (по БПК₅)[2].

Эффективность работы пневматических аэраторов зависит от состава сточных вод, характера процесса очистки, а также от качества их строительства и уровня эксплуатации. Среди факторов, которые влияют на работу пневматических аэраторов и могут быть учтены ещё на стадии проектирования, в первую очередь следует отметить расположение аэраторов в плане, глубину их погружения и удельные нагрузки по воздуху

(интенсивность аэрации). Расположение аэраторов в плане. Ширина и форма аэрационной полосы в аэротенке влияют на формирование гидродинамической структуры потока и в значительной степени определяют эффективность процесса массопередачи.

При *механической системе аэрации* в качестве источника кислорода используется непосредственно наружный воздух, вовлекаемый в аэротенк при вращении в нем жидкости мешалкой-аэратором. Механические аэраторы обычно классифицируют по типу расположения оси вращения ротора на горизонтальные и вертикальные. Наибольшее разнообразие видов имеют аэраторы с вертикальной осью вращения. Эти аэраторы могут располагаться либо на поверхности, либо в толще воды (соответственно кавитационная или импеллерная система).

При работе аэратора жидкость засасывается снизу, приводится во вращение и отбрасывается к периферии. В результате гидравлического прыжка захватывается и диспергируется атмосферный воздух. Механические аэраторы обладают достаточно высокой эффективностью [2,5–3 кг/(кВт ч)] и в ряде случаев имеют определенные преимущества перед аэраторами других типов[3].

Механический аэратор состоит из электродвигателя, редуктора и ротора (собственно аэратора). Ротор аэратора представляет собой или диск с лопатками, расположенный вертикально по отношению к уровню жидкости в сооружении, или горизонтальный вал с гребнями (клеточные или щеточные аэраторы). Аэраторы могут быть механические поверхностные и пневмомеханические (двухрядные с подачей сжатого воздуха под нижний ротор). Устанавливаются механические аэраторы как стационарно на площадках, опираемых на стены или специальные колонны, так и на понтонах. По конструктивным особенностям механические аэраторы подразделяются на аэраторы с горизонтальной и вертикальной осью вращения. Глубинные аэраторы с принудительной подачей воздуха называются пневмомеханическими.

В комбинированном пневмомеханическом аэраторе для насыщения жидкости кислородом используют механическую энергию вращающегося ротора и подачу сжатого воздуха. Несмотря на конструктивные различия пневмомеханических аэраторов, они имеют сходный принцип действия, который заключается в подаче сжатого воздуха через среднепузырчатый диспергатор под нижнюю крыльчатку турбинного аэратора. При этом воздух мелко дробится и эффективно перемешивается в объеме аэротенка. Одновременно верхняя крыльчатка благодаря разбрызгиванию жидкости и вовлечению атмосферного воздуха создает дополнительную аэрацию, в результате чего скорость растворения кислорода возрастает.

Существуют также *струйные аэраторы*, обеспечивающие диспергирование атмосферного воздуха путем эжектирования его напорной струей аэрируемой жидкости, которая подается к аэраторам предусмотренными для этих целей циркуляционными насосами. Применяют два типа струйных аэраторов — шахтный и эжекторный. По производительности и энергетическим показателям шахтные аэраторы

превосходят эжекторные, но последние более компактны. Имеются и другие конструкции эрлифтных аэраторов.

Таким образом, выбор системы аэрации сточных вод при биологической очистке зависит от гидравлических факторов, необходимой интенсивности аэрации. Для достижения требуемого эффекта очистки сточных вод высокие концентрации активного ила требуют применение более турбулентных систем. Немаловажным значением имеет также экономические показатели и вопросы надежности систем аэрации. Эти вопросы требуют более детального изучения систем аэрации для каждого конкретного объекта.

АНАЛИЗ НОРМ ВОДОПОТРЕБЛЕНИЯ ВОДЫ ПО г.САМАРКАНД

Магистранты: М.Хайдаров, Ф.Муртазаев., ст. Р.Амонов

Научный руководитель – к.т.н., доц. Якубов К.А.

Многолетний опыт эксплуатации систем водоснабжения показал, что их оптимизация может улучшить комфорт водопотребления в крупных городах даже без увеличения мощности водопровода. Исторически сложилось так, что в градостроительстве гидравлический расчет водопроводных сетей производится с расчетом перспективы развития на 20-25 лет. Однако нормы водоснабжения для города Самарканда намного превзошел самые смелые ожидания проектировщиков. Не только количество зданий, но и их увеличившаяся этажность, привели к тому, что существующие городские сети перестали обеспечивать надлежащий напор в системах, что снижает комфортность жилья, а в ряде случаев и безопасность всего здания.

При этом следует заметить, что 20-25 лет назад многие водопроводные системы проектировались под равномерный график подачи воды, что оправдано только при наличии очень больших регулирующих емкостей в сети (до 50% суточной подачи) или регуляторов напора. Фактически же объем существующих емкостей не превышает 8% от требуемой подачи. В результате, утечки в ряде городов составляют до 40-60% суточной подачи, возникает резкое снижение давления в часы пик и значительное повышение давления в сетях в ночное время, что чревато авариями[1].

Расход воды на хозяйственно-питьевые, производственные и противопожарные нужды, регламентируется строительными нормами КМК [2] и другими **нормативами**. Однако, реальные нормы потребляемой воды могут отличаются от нормативных. При этом эти показатели имеют разные значения в разных регионах проживания. Нормы использования воды зависят от используемой системы водоснабжения, климатических условий, социального устоя населения, культуры обслуживания водоподающих устройств и др. Расчет норм использования воды базируется на ее назначении. В это определения включается питьевая вода, техническая вода, вода для полива, а также вода для бытовых нужд и отопления. Так, например, при наличии внутреннего водопровода в доме, канализации и централизованной подачи воды среднесуточный расход может составлять в разных регионах **от 160 до 290 литров в сутки** из расчета на одного

человека. Исходя из этого средний показатель составит 180-210 литров. В учет должна приниматься не только климатическая зона, но и технологические особенности централизованной подачи воды. Питьевые потребности и расходы на них включают не только фактически употребляемую для питья воду, нормы которой установлены медицинскими службами, но и объем воды для приготовления пищи. В определение бытовых расходов воды включены затраты на уборку помещения, гигиенические нужды и полив растений. Общепринятыми нормативами считаются следующие показатели, принятые за основу в большинстве регионов:

- Потребление воды для питья из расчета на одного человека в сутки составляет от 2 до 3 литров.
- Объем воды для приготовления пищи и связанные с этим затраты на одну персону – 3 литра.
- Гигиенические потребности, включая чистку зубов, мытье рук требуют расхода 6-8 литров в сутки.
- Если дом оснащен ванной, то объем расходуемой воды составит 150 литров на одного человека.
- При наличии душа этот показатель колеблется из расчета 15-20 литров в минуту. То есть, для непродолжительного мытья норма расхода воды составит до 200 литров в сутки.
- На ополаскивание унитаза уходит до 15 литров.
- Мытье посуды нуждается в объеме от 7 до 12 литров воды в сутки для одного человека.
- Стирка – для ее проведения необходимо, согласно нормативам, около 100 литров воды.

В городе Самарканде количество проживающих жителей с учетом пригорода составляет 440 тыс.чел. Кроме того имеются несколько видов промышленных потребителей воды, а именно: промышленные предприятия (сюда входят бюджетные организации, бани и котельные, промышленные предприятия, хозрасчетные и патентные организации), население частного сектора и население многоэтажных домов. Согласно представленной водоканалом сведений в городе имеется 308 бюджетных организаций, 9 бань и котельных, 181 промышленных предприятий, 975 хозрасчетных организаций, 1317 патентных организаций. Общее количество организаций 2790 шт. Однако как показали отчеты за этот период количество организаций потребляющих воду составляет всего 1948 шт. Количество потребленной воды с января по сентябрь месяцы 2015 года приведены в таблице 1.

Таблица 1.

№	Месяца года	Количество пром. объектов	Расход, м3/мес	% абонентов, получаемых воду
1	Январь	1113	1 921 495	40
2	Февраль	1162	2 046 668	41,6
3	Март	927	1 308 276	33,2
4	апрель	1158	477 893	41.5
5	Май	1425	477 612	51

6	Июнь	1156	500 738	41,4
7	Июль	1146	498 408	41
8	Август	984	456 555	35,2
9	сентябрь	989	524 348	35,4
Итого за 9 мес.			8211996	40,03

По бухгалтерским документам были получены данные по населению частного сектора только за 10 месяцев 2015 года. Предполагая равномерный режим определены расходы по месяцам были рассчитаны расходы по месяцам. Количество потребленной воды по месяцам приведены в табл.2.

№	Месяца года	Количество махаллей,шт	Кол-во абн.,шт	Кол-во жителей,чел	Расход , м3/мес
1	Январь	252	61547	246536	1639367
2	Февраль	252	61547	246536	1639367
3	Март	252	61547	246536	1639367
4	апрель	252	61547	246536	1639367
5	Май	252	61547	246536	1639367
6	Июнь	252	61547	246536	1639367
7	Июль	252	61547	246536	1639367
8	Август	252	61547	246536	1639367
9	сентябрь	252	61547	246536	1639367
Итого за 9 мес.					14754303

Ширкаты, сектор многоквартирных домов. В городе имеются 166 ширката, в них проживает 51281 жителей или 35209 точек ввода. Расчетная норма водопотребления 8,4-9,0 м3/сут ,(для отдельных ширкатов норма 4,2 м3/сут).Сведения по потребленной воде в течение 9 месяцев 2008 года приведены в табл.3.

Таблица 3. Потребление воды по ширкатам

№	Месяца года	Количество ширкатов	Расход ,тысм3/мес
1	Январь	161	701 622
2	Февраль	162	706 381
3	Март	162	712 397
4	апрель	163	624 524
5	Май	160	675 555
6	Июнь	158	699 485
7	Июль	156	573 473
8	Август	154	573 473
9	сентябрь	155	559 119
Итого за 9 мес.			5826029

Общее потребление воды по городу по всем потребителям приведено в табл.4

Таблица 4. Потребление воды по городу и селу

№	месяц	наименование потребителей			итого
		Всего по частному сектору	всего по ширкатам	всего по пром сектору	
1	январь	1089086	701 622	1 921 495	3712204
2	февраль	1099967	706 381	2 046 668	3853016
3	март	1231551	712 397	1 308 276	3252224
4	апрель	1995954	624 524	477 893	3098371

5	май	1999560	675 555	477 612	3152728
6	июнь	1973854	699 485	500 738	3174077
7	июль	1991075	573 473	498 408	3062956
8	август	1973681	573 473	456 555	3003709
9	сентябрь	1968181	559 119	524 348	3051649
	всего	15322908	5 826 029	8 211 996	29360934

Результаты обследования показывают, что реальные расходы воды значительно превышают нормативные данные. В целом потребление воды в течение года равномерно. Увеличение расхода воды по частному сектору с апреля по сентябрь месяцы видимо, связано с поливом растений и улиц.

Список использованной литературы:

1. Абрамов Н.Н. Водоснабжение. М. Стройиздат, 1986, 233с.
2. КМК 2.04.02-97. Сувтаъминоти. Ташки тармоқлар ва иншоотлар Узбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Курилиш кумитаси, Тошкент. 1997.

ЧИҚИНДИЛАР ЭКОЛОГИК МУАММО ТАЛҚИНИДА

Эшонқулов О.Д. – ЎЗМУ ўқитувчи, Бобохонова Д.Б. – ТДПУ ўқитувчи

Ҳар бир тармоқда замонавий экологик тоза техника ва илгор технология асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янгилашнинг комплекс дастурлари белгиланишида жойлардаги ташабускорларнинг илгор фикрларига тўғроқ бўлмасдан, улар ҳар томонлама қўллаб – қувватланиб, рўёбга чиқарилсин.

И.Каримов

Инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабатлар мураккаблашуви натижасида чиқинди муаммоси келиб чиқаяптики, ундан оқилона фойдаланиш орқалигина бу муаммони илмий асосда ҳал қилиш имконияти пайдо бўлаяпти. Зеро, юқоридаги сабабларнинг барчаси инсонлар яшаш муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлган экологиянинг бузилишига олиб келади.

Олимларнинг ҳисоблашларига кўра, ҳозирги вақтда киши бошига озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой эҳтиёжларини таъминлаш учун йил давомида 20 тонна турли хом ашё сарфланиб, улардан фақат 5-10 фоизи тайёр якуний маҳсулотга айланиб, қолган 90-95 фоизи эса чиқиндига чиқарилар экан. Шу билан бир қаторда тайёр истеъмол маҳсулотларнинг бир қисми ҳам турли сабабларга кўра истеъмолдан чиқиб, чиқиндига айланмоқда.

Чиқиндилар атроф муҳитга ва инсонга салбий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, иккиламчи минерал ва энергетик ресурслар манбаи ҳам ҳисобланади. Чиқиндиларни классификацияси бўйича - ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, суюқ чиқиндилар ва газ ҳолдаги чиқиндиларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласида бир қатор илғор хорижий давлатларнинг тажрибасига таянадиган бўлсак, айрим давлатларда (Германия, Исроил, Буюкбритания) чиқиндиларни тўплаш жойларида турли хил рангдаги ва турли чиқиндиларга мўлжалланган контейнерлар ўрнатилган. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда қайта

ишланиладиган чиқиндиларни ҳосил бўлаётган ернинг ўзидаёқ турларга - қаттиқ маиший чиқиндилар, унча ифлосланмаган ва қимматли чиқиндилар (макулатура, шиша, пластмасса, металллар) шунингдек, хавфли чиқиндилар (яроқсиз люминесцент лампалар, аккумуляторлар, батарейкалар)га ажратиб саралаш, уларни аралашиб кетишини олдини олади. Бу ҳол эса уларни кейинчалик қайта ишлаш жараёнида вақтни тежаш имконини беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тизимли экологик сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий янги технологиялар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддаларнинг миқдорини 2,1 мартага, оқова сувларнинг ташланишини 2 мартага камайишига эришилди. Мамлакатимизда Мингйиллик Ривожланиш Декларацияси мақсадларига эришиш, “Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида”ги Базель Конвенцияси талаблари асосида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу масалаларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, “Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни тадбиқ этиш” ҳамда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди ва улар ҳаётга жорий этилмоқда.

Саноат корхоналаридан чиқадиغان чиқиндилар ва ахлатларни зарарсизлантиришда уларни кўмиб ташлаш ҳамда куйдиришдан кенг фойдаланилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ахлатларни куйдириш усулининг иккита афзаллиги мавжуд: биринчидан, куйдирилганда ахлатларнинг ҳажми 2-10 мартабагача кичиклашади; иккинчидан, ахлатларни куйдириш пайтида ажралиб чиқган иссиқликдан фойдаланиш мумкин. Бироқ, куйдиришдан кейин пайдо бўлган кукун таркибида заҳарли моддалар ҳам бўлади. Хусусан синтетик материалларни куйдириш пайтида кучли мутагенлар ва канцерогенлар ҳисобланган диоксинлар ва кучли заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 6-10 г диоксин инсон соғлиғига ва ҳаётига хавф солиши мумкин. Ҳозирги пайтда Францияда 35% ва Японияда 40% ахлатлар куйдирилади.

Чиқиндилар ва ахлатларни зарарсизлантиришда уларни кўмиб ташлаш усули ниҳоятда эски ва кенг тарқалган бўлиб, дунё мамлакатлари айнан мана шу усулдан фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, Буюк Британияда 90% , АҚШ да 84%, Япония да эса 57% ахлатлар ахлатхоналарда самарасиз чириб ётади. Умуман олганда жаҳон миқёсида чиқиндиларнинг ўртача 74% ахлатхоналарда чирийд.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда чиқиндилар ва ахлатлар билан шуғулланиш уларнинг иқтисодиётини янги тармоғига айланиб қолди. Фақатгина Германияда чиқиндилар ҳисобига йилига 40 млрд доллар даромад олинади.

“Бойлик ушоқдан йиғилар”- дейди доно халкимиз, шунингдек хадисда келтирилганидек: “Тежаб сарфлаган камбағал бўлмайди”. Яна бир буюк кимёгар олим Д.И.Менделеевнинг образли таъбири билан айтганда, “Кимёда чиқиндилар йўқ балки фойдаланилмаган ҳом-ашё бор, холос”.

Кимё илмининг беқиёс тараққиёти кераксиз деб ҳисобланган чиқиндиларни саноат ва қишлоқ хўжалигининг энг қимматли маҳсулотларига айлантиришнинг кенг имкониятларини очиб бермоқда. Келажакда эса бу имкониятлардан фойдаланишни йўлга қўйиш чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*доц. Н.Ж.Шакаров., доц.Д.Д.Данияров., к.ўқ. Ш.А.Эшқобилов
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти*

Ўқишда улкан муваффақиятларга эришиш фақатгина ўз фанига нисбатан қизиқишни уйғота олиш билан амалга оширилиши мумкин. Ўқувчиларда бундай қизиқишнинг йўқолиш сабабларидан бири сифатида баъзи анъанавий ўқитиш усулларининг самарасиз эканлиги кўрсатилмоқда.

Айни вақтда ўқув жараёнини замонавий ахборот-коммуникация технологияси билан мустаҳкамлашнинг самарали тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш таълим даргоҳларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, талабалар томонидан дарсларни чуқур ўзлаштиришга олиб келади.

Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ташкилий йўналишларидан бири бу - ўқитиш жараёнини компьютерлаштириш ҳисобланади.

Бугунги кунда фақатгина маърузага асосланган анъанавий дарслар вақти ўтди. Ахборот оқими суръати тезлашган бир пайтда ўтилаётган ҳар бир дарс ранг-баранг бўлмаса, ўқувчи эътиборини билимга жалб этиш мушкул. Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ижодкор бўлмоғи даркор. Бундай ҳолда, айниқса дарсни мултимедиа тизимига асосланиб ўтиш сезиларли самара беради.

Дарсларда ҳам янги маълумотларни етказишдан аввал ўқитувчи уларнинг дастлаб олган билимларини, тасаввурларини аниқлаштиради, бир тизимга солади, олинган билимлар ҳар хил кўргазмали воситалар, слайдлар, мултимедиа, тарқатма материаллар, қўшимча адабиётлар билан мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Электрон дарслик - бу ўқув тартибидаги дидактик, методик ва информатсион маълумотларни ўз ичига олган автоматлаштирилган ўқув тизими, шунингдек мустақил тарзда билим олиш ҳамда билимларни назорат қилишда комплекс фойдаланишга имкон яратадиган дастурий таъминотдир. Электрон дарсликлар дастлаб масофавий таълим берувчи муассасалар учун ишлаб чиқилган. Бугунги кунда таълимдаги ўзига хос имкониятларидан келиб чиқиб, унинг қўлланиш соҳалари кенгайиб бормоқда. Ҳозирда электрон дарсликлардан уни лазерли дискларга ёзилган ҳолда нафақат масофавий таълимда, балки мустақил таълим олиш мақсадларида автоном

режимда фойдаланилмоқда ҳамда бирор фаннинг услубий таъминоти сифатида оддий босма дарсликлар қаторида тавсия этилмоқда.

Шунинг учун электрон дарслик оммалашиси учун у универсал, масофавий ва мустақил фойдаланишда бирдек қулай, мазмунан тўлиқ, маълумотларга бой, равон тилда баён эилган ва яхши мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Бундай дарсликни ҳар қандай таълим олувчига таклиф этиш мумкин.

Босма адабиётлар электрон дарсликларга нисбатан фойдаланишда қулай бўлишига қарамай, сўнгги вақтларда электрон дарсликлар ўзининг функционал имкониятларига кўра оммалашиб бормоқда. Электрон дарсликларнинг ушбу афзалликларини кўриб чиқамиз.

Матн бўйлаб тезкор қидириш имконияти. Айрим босма адабиётлар индексга эга бўлсада, уларда ушбу имконият мавжуд эмас. Ушбу чекланишнинг йўқлиги электрон адабиётнинг алоҳида афзаллигидир.

Ўқув ахборотларининг гиперматн кўринишида ташкил этилганлиги. Гиперматн -материалнинг турли қисмлари билан ўзаро боғлиқлиги таъминланган, тирик интерактив ўқув материални яратиш имкониятидир.

Мультимедиа (*multi* - кўп, *media* - муҳит) га эгалиги - ўрганилаётган ҳодисанинг кўргамалиликка бойлиги. Мультимедиа маҳсулотлари турли кўринишдаги ахборотларни: компьютер маълумотлари, теле- ва видео ахборотлар, нутқ ва мусикаларни умумлашган ҳолда қўллайди. Мультимедиа воситаси ўз табиатига кўра интерфаол бўлиб, мультимедиа маҳсулотининг фойдаланувчиси ҳеч қачон пассив бўлиб қолмайди.

Шундай қилиб, экология фанини ўқитишда қўлланиладиган электрон дарсликлар юқоридаги хусусиятларни ўзида мужассам қилган, айниқса, анимация ва видео материалларга бой бўлиши мақсадга мувофиқдир.

КИМЁ ҲАМДА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ВА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш

*доц. Н.Ж.Шакарров., доц.Д.Д.Данияров., к.ўқ. Ш.А.Эшқобилов
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти*

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, таълим - тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш” ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўқишда улкан муваффақиятларга эришиш фақатгина ўз фанига нисбатан қизиқишни уйғота олиш билан амалга оширилиши мумкин. Ўқувчиларда бундай қизиқишнинг йўқолиш сабабларидан бири сифатида баъзи анъанавий ўқитиш усуллариининг самарасиз эканлиги кўрсатилмоқда. Кимё фанини ўқитилишининг мактабда бошланиши ўқувчиларнинг 13-16 ёшига тўғри келиб, бунда улар балоғат даврини бошдан кечираётган бўлади. Бундай ёшда ўз-ўзини баҳолаш ва кадр-қиммат борасидаги ҳиссиётлар айниқса ривожланган бўлади. Бундай ёшда психологик ривожланиш жараёнларининг ўзгариши, ўзи ва дунёга нисбатан эски муносабатларининг қайта қурилиши, ўз-ўзини намоён этиш ва жамоадаги ўз ўрнини аниқлаш эҳтиёжи юзага

келади. Бунда ўсмирда авторитар босим, буйруқ зерикишни ёки қийналишни келтириб чиқаради. Ўйлашимизча, замонавий мактабда шахсий ёндашув, ҳар бир ўқувчи билан унинг ривожланиш ҳудудида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўтиш даври кўпчилик болаларда сурункали касалликлар хуруж қилиши билан биргаликда кечиб, бунда дарсларда соғлиқни сақлаш технологиялари қўлланилиши талаб этилади. Дарсдаги бола учун муҳим ҳолатлардан бири билим олишдаги шахсий қизиқиши зарурлигини тушуниш бўлиб, бунда ўқувчилар нафақат билим олиш балки унинг натижасида ўқиш жараёнининг бутун даври давомида ўз салоҳиятларини йўқотмасликлари муҳим. Шу сабабли, замонавий дарс фикримизча махсус тайёрланган фаолият ҳамда оддий шахслараро мулоқот билан биргаликда тайёрланиши лозим. Ўқувчининг мулоқотга киришишга тайёргарлиги унинг ишончи ва қизиқишидир.

Шундай қилиб, дарсда шахсий мулоқот орқали ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш амалга ошади: ўсмирлар мулоқот доирасини кенгайтиришга, катталар билан муомола қилишда эътиборли бўлишга, ўз ўрнини топишга интилади. Қўйилган мақсадларга эришишда замонавий таълим технологиялари ёрдам беради, яъни;

ўқитишнинг турли босқичларида табақалаштириш технологиясини жорий этиш, гуруҳ технологияси, компьютер ўқитиш технологияси, ўйин технологиялари, муаммовий ва тадқиқий ўқитиш технологияси, ўқув материалининг схемали ва белгили модели асосида ўқитиш интенсификацияси технологияси, ҳамкорлик педагогикасидир.

Замонавий технологиялар эмоционал қулай муҳити шароитида ўқувчиларда турли босқичларда таълим олиш фаолияти жараёнида билим ва ўқув кўникмалари ҳамда фан бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш ва шакллантириш имкониятларини бериб, ўқитишнинг ижобий томонларини ривожлантиради. Масалан, бизнинг кимё дарсларимизда мослашувни ривожлантирувчи мулоқотларини ташкиллаштириш технологияси элементларидан бири кимёвий тренажёр қўлланилиши бўлиб, у фан бўйича билим ва кўникмаларини қўллаш, кимёвий номенклатурани қўллай олиш кўникмасини ривожлантириш, кимёвий таснифлаш, асосий кимёвий тушунчаларни эгаллаш имкониятини беради.

Кимёвий тренажёр қўлланилиши болаларда умумий мулоқотда қатнашиш имкониятини беради. Бунда болалар мустақил равишда ўз - ўзини назорат этиш, ўз-ўзини текшириш, адекват ўзини баҳолашни шакллантириш имкониятига эга бўлишади.

Динамик ўзгарувчан ва кичик гуруҳлардаги иш ўз фаолиятини бошқалар фаолияти билан мутаносибликни ўзгартириш имкониятини бериб, ўсмир нафақат ўз - ўзини баҳолаш, балки ўз хатоларини тузатиш имкониятига эга бўлади.

Таълимда, хусусан кимё ва экология фанларни ўқитишда инновацион технологиялар асосида амалга ошириладиган қуйидаги жараёнлар унинг инновацион хусусиятини янада мустаҳкамлайди:

-зарур маълумотларни олиш ва билим даражасини ошириш;

-электрон кутубхона ва маълумотнома (справочник)лар кўринишида ахборотларни тизимлаштириш;

- турли малака ва кўникмалар устида ишлаш, лаборатория машғулотларини масофавий бажариш;
- маълумотларни визуаллаш ва уни намойиш этиш (масалан, презентация кўринишида);
- мураккаб ҳисоблашларни амалга ошириш ва автоматлаштириш;
- объектлар ва вазиятларни ўрганиш мақсадида моделлаш;
- бир-биридан узоқда жойлашган бир нечта фойдаланувчилар ўртасида маълумотлар алмашилиши ва ҳоказо.

Қандайдир зарурий ахборотни олиш, мураккаб тенгламалар асосида ҳисоблаш, бирор ғоянинг қандай ишлашини текшириш, қандайдир муаммони ўқитувчи ёки курсдошлар билан муҳокама қилиш каби ишларни замонавий технологиялар воситасида уйда ўтириб бажариш орқали билим олишдаги самарадорликни оширишимиз мумкин.

Ҳар бир ўқитувчи унинг ўқувчиларда чуқур қизиқиш уйғотишини, ўқувчилар нафақат кимёвий формула ҳамда реакциялар тенгламаларини ёза олишларини, балки дунё кимёвий хариталарини мантиқий тушунишларини ҳамда ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларга хурсандчилик тарқатадиган байрамга айланишини истайди. Ўқувчи ахборотни фақатгина фан билан қизиққан пайтдагина ўз фаолияти натижасига айлантириши мумкин. Шу сабабли ўқитувчи информатор ролини унутиб ўқувчининг билим олиш жараёни ташкилотчиси ролини бажариши лозим. Демак ўқитувчи ўқувчи учун дарс пайтида барча имкониятларни ишга солиб, ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини ташкиллаштира олиши керак.

Шундай қилиб кимё ва экология дарсларида замонавий таълим технологияларини қўллаш таълим жараёнида ижобий натижаларга олиб келади, ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади.

ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТ

Г.А. Фаффорова

Жиззах давлат педогогика институти.

А.Т.Нурмаматов., Р.С.Яздонов., А.Б.Ҳикматов

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсири ўсиб боради. Инсон табиат билан, яъни ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёси ҳамда ер ости ва ер усти бойликлари билан ўзаро мулоқотда бўлади.

Экологик муаммолар кенгайиб, уларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолган ҳозирги даврда бу муаммоларни ҳал қилишда инсоният учун асосан экологик онг ва экологик маданиятнинг ўрни бекиёсдир.

Табиат ва инсон ўртасидаги муносабат маълум бир қонунлар орқали бошқарилади, уларга риоя қилмаслик эртами кечми, албатта экологик ҳалокатга олиб келади. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтираётган ва келтириши мумкин бўлган фожиали оқибатлари жихатидан ядро уруши ҳалокатидан кейин иккинчи ўринда туради. Албатта, илмий-техникавий ривожланиш натижасида, турли соҳа илм ва технологияларининг тараққиёти, янги энергия манбалари ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, табиий

ресурслардан ёвузларча фойдаланиш натижасида ҳаво, сув, тупроқ ифлосланади, инсониятни боқувчи ер яроқсиз ҳолга келиб, оқибатда уни яшаш муҳитидан маҳрум этади.

Ҳозирги даврда инсоният, у қандай хавф қаршисида келиб қолганлигини тушуниб етди, атроф-муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди.

Инсон фаолиятининг натижасида атроф муҳитга анча сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Булар асосан ҳозирги кунда мавжуд бўлган экологик хавфсизлик классификациясида бўлган умумсайёравий, минтақавий, миллий, локал экологик хавфсизликлар мамлакатимиз ҳудудини ҳам четлаб ўтмади. Бу хавфлардан озон қатлами муаммолари, яъни емирилиши, иқлимнинг ўзгариши, чўлланиш, тоза ичимлик суви танқислиги, Орол денгизи муаммоси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турларининг қисқариб бориши, ўсимлик дунёсининг ноқонуний кесилиб бориши, ер деградацияси, сув ресурслари танқислиги, атмосфера ифлосланиши шулар жумласидандир.

Экологик фожиаларнинг бу даражадаги жадаллашиб боришида экологик онг ва экологик маданиятнинг етарли эмаслиги сабаб бўлади.

Экологик онг ва экологик маданиятнинг асосий вазифаси халқимиз экологик маданиятини ошириш орқали ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойиллари асосида табиатдан фойдаланишни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида Давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш, халқимиз онги ва маданиятида она Ватанимиз табиатига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар қолдиришимиз кераклигини кўрсатишдир.

Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлган ҳолда у билан бўлган муносабат орқали экологик маданият шакллана бориши туфайли табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишда уни бошқариш учун табиат қонунларини кашф қилиб келган. Аммо инсон ўзининг табиатга таъсири орқали ундаги мувозанатни бузди ва табиат ҳодисаларининг даврий мувозанатини издан чиқарди.

Халқимизда бир мақол бор: «Булоқ суви қуримагунча инсон унинг қадрига етмайди». Дарҳақиқат, неча асрлар давомида инсон ўзининг тараққиёти жараёни билан бирга экология инқирози жараёнини тезлаштирди. Бир сўз билан айтганда, экологик муаммолар аксарият ҳолларда инсоният таъсири остида вужудга келар экан. Ўзбекистонда ҳозирги кунда азалдан йиғилиб келган маиший ва ишлаб чиқариш чиқиндилари 1 миллиард 400 миллион тоннадан ошиб кетди.

Экологик маданиятни шакллантиришда, экологик онг ва дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда бир қатор ютуқларга эришилаётган бир вақтда ушбу соҳани сингдиришда муҳим ўрин тутадиган мактаб тарбиясига, ўрта ва олий таълим муассасаларига эътибор қаратишимиз лозим.

Экологик билимлар ташвиқоти, аҳолини экологик тарбиялаш ва уларни ўқитиш бўйича ишлар авж олдирилганлигига қарамай, Республикамиз олий ва ўрта махсус билим юртлирида атроф муҳит муҳофазаси, яъни экология соҳасида бошқа соҳалар каби Давлат ноziри сингари мутахассисларни

тайёрлаш ҳозирги кунга қадар йўлга қўйилмаган. Ушбу соҳа учун бу каби мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кун талабидир.

Бундан ташқари, инсоният тарбияси учун унинг маҳалласи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳаллалар ҳам ушбу ишларга жонбозлик кўрсатиши лозим, деб ўйлайман.

Табиатимизни асраш, уни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва жамиятда экологик маданият ва экологик онгни ривожлантириш нафақат табиатни муҳофаза қилиш органларининг иши, балки шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг она Ватанимизга, унинг табиатига бўлган фарзандлик бурчидир.

Экологик маданиятнинг юқори даражасини белгилайдиган энг муҳим мезон экологик вазиятни прогнозлаштириш билан характерланади. Бунда вазифа ҳозир мавжуд бўлган конкрет экологик вазиятнинг, антиэкологик хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини бартараф қилишга эмас, балки вужудга келиши мумкин бўлган экологик зиддиятларни кескинлаштурувчи имкониятларини, сабабларини аниқлаб, уларнинг олдини олишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришда таълим-тарбия муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун экологик таълим-тарбияни узлуксиз ва тизимли равишда олиб бориш лозимдир. Шу сабабли ҳамда экологик онг ва маданиятини юксалтириш-табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим омили ҳисобланади.

БУХОРО ВОҲАСИГА АДВЕНТИВ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Эсанов Ҳ.Қ - Бухоро давлат университети.

Бухоро воҳаси ҳудуди аввал Бухоро хонлиги (1500-1785 йиллар, ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Афғонистон) [1] кейинчалик Бухоро амирлиги (1785-1920 йиллар, ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳудуди) [2] ва бугунги кунда Бухоро вилояти таркибига киради. Мана шу даврлар мобайнида Бухоро воҳасининг дунёнинг кўп мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари мавжуд бўлган. Бунинг натижасида карвон йўллари, транспортлар (сув транспорти, автомобиллар, темир йўллар) одамлар ва турли йўллар билан бегона ўсимликлар кириб кела бошлаган. Мазкур ҳудудда ўсимликларни тадқиқ қилиш дастлаб 1820 йилдан бошланган. Бухоро амирлигига Россия империясидан табиатшунос Х. Пандер ва Э. Эверсманн 1820 йилда Бухоро табиатини, ўсимликларини ўрганиш учун келади ва дастлабки илмий маълумотларни тўплайди [3]. Шундан кейин бир қанча тадқиқотлар олиб борилган, аммо мазкур ҳудуд ўсимликлари тўғрисидаги асосий маълумотларни XX аср ўрталарида Ўрта Осий ҳудуди бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари беради. Шу маълумотлар ва Бухоро воҳасида олиб борилган изланишлар натижасида воҳа флорасининг таркиби шакллантирилди ва унинг флораси таркибидаги адвентив турлар аниқланди.

Бухоро воҳаси иссиқ, қурғоқчил, қумли ва шўр тупроқли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Унинг қумли майдонлари инсонлар таъсири натижасида

ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилган. XX асрнинг бошларида аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонларининг қум босишини олдини олиш мақсадида мазкур ҳудудда яшил қалқон яратиш (ўзлаштирилган ерлар ва қумли майдонлар ўртасида қум кўчишини сақлаш учун дарахт кўчатлари экиш) ишлари ташкил қилинган ва қум кириб келишини олди олинган [4].

Аҳоли сонининг кўпайиши ва озиқ овқатга бўлган эҳтиёж бундай ҳудудларнинг ўзлаштирилиш даражасини янада оширган. Ўзлаштирилган майдон абориген турларнинг камайишига ва бегона ўсимлик турларининг ортиб боришига олиб келган. Ўзлаштирилган ерларда экилаётган уруғларнинг таркиби, Амударё ва Зарафшон дарёсининг сувлари, мамлакатнинг бошқа давлатлар билан алоқалари, ҳозирги кундаги туризм муносабатлари, темир йўл транспорти, автомобиллар, иқлимлаштирилаётган ўсимликлар орқали ва бошқа йўллар билан маҳаллий флора таркибига адвентив турлар кириб келмоқда.

2005-2015 йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Бухоро воҳаси флораси таркибидаги адвентив турлар аниқланди. Бу турлар Бухоро воҳаси флорасига оид манбаларда [5; 6; 7; 8] келтирилмаган ёки табиий тарқалиш ареали бошқа ҳудудлар бўлган ўсимликлардир. Воҳада адвентив турларнинг 27 оилага мансуб 116 тури аниқланди. Мазкур турларнинг воҳага кириб келиши турли йўллар билан содир бўлганлиги ўрганилди. Жумладан: темир йўл орқали (*Amaranthus albus* L., *Centaurea solstitialis* L., *Centaurea iberica* Trev. ex Spreng., *Phalaris minor* Retz.), автомобил транспорти билан (*Eruca sativa* Mill., *Sinapis arvensis* L., *Medicago lupulina* L., *Handelia trichophylla* (Schrenk) Heimerl), иқлимлаштирилган ўсимликлар билан (*Rorippa sylvestris* (L.) Bess., *Duchesnea indica* (Andreews) Focke., *Oxalis corniculata* L., *Arctium leiospermum* Juz. et Ye.V. Serg.), сув орқали (*Melilotus albus* Medik., *M. officinalis* (L.) Pall., *Apium nodiflorum* (L.) Lag., *Bidens tripartita* L., *Lolium temulentum* L.), ўсимлик уруғлари билан (*Trifolium pratense* L., *T. repens* L., *Vicia villosa* Roth., *V. hircanica* Fisch. et C. A. Mey., *Galinsoga parviflora* Cav., *Galium tricornutum* Dandy) кириб келган. Шу билан бирга ўсимлик уруғлари ва меваларидаги попуқлари билан шамол ёрдамида тарқалиш хусусиятига ҳам эга (айниқса *Asteraceae* оиласи вакиллари). Натижада бундай турлар воҳа флораси таркибига кириб маҳаллий турларнинг ареалларини эгаллайди ва уларга салбий таъсир кўрсатади. Бу ўсимликларнинг аксарияти экин майдонларида бегона ўт сифатида учрайди. Маданий экинлар ҳосилдорлигини камайтиради ҳамда иқтисодий зарар етказди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, воҳа флораси таркибига адвентив турларнинг четдан кириб келиши бевосита антропоген омиллар билан боғлиқ. Бухоро воҳасининг географик ўрни, иқлим шароити, ўзаро муносабатлари ва қадимий шаҳарлардан бири эканлиги унинг флораси таркибига бегона ўсимликларнинг кириб келишини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭНЕРГЕТИКА ИСТИКБОЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Е.Дустмуродов (ТАТУ Самарканд филиали)

Ривожланиб бораётган бугунги даврда, энергияга булган эҳтиёж кундан- кунга ортиб бормокда. Бундай эҳтиёжни кондирриш учун олимлар тинимсиз изланиш олиб бормовдалар. Бундай энергия манбалари хилма-хил бўлиб, улар жумласига ГЭСлар, ТЭСлар, АЭСлар киради. Аммо бу энергия манбалари кандай курилишда булишидан катъий назар уларнинг экологик зарарли таъсири, хавфсизлиги кафолатланмаган. Бугунги кунда экологик тоза, хавфсиз энергия манбаларини излаб топиш ва ундан инсон эҳтиёжлари учун фойдаланиш энг мухим вазифалардан бири бўлиб колмокда. Шундай энергия манбаларидан бири, куёш энергиясидан фойдаланишдир.

Куёш энергиясидан фойдаланишнинг дастлабки гоёларини ашхоботлик гелиотехник Н.В.Линицкий илгари сурган эди. Унинг фикрича, ер шарининг қарийб 20 млн.кв.км.ни жонсиз сахролар эгаллаган, бу майдоннинг ярмидан Куёш станциялари учун фойдаланилса 130 млрд. кВатт энергия етказиб берувчи гелиостанциялар қуриш мумкин. Бу энергия кейинги аср учун ҳам етарли булишини курсатган эди. Бундай катта микдордаги куёш энергиясининг ютилиши ер шардаги хароратнинг пасайишига олиб келиши, бу эса термоядро энергиясидан фойдаланиш натпижасида ер шарда глобал исийш муаммосининг олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Куёш съектр станцияларини такоммиллаштириш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинган. Шулардан бири Г.М.Кржиженовский номидаги энергетика институти ходимларининг лойихасидар. Бу станция 1293 кузгули улкан лагандарн иборат бўлиб, хар бир кузгунинг юзи 15 кв.м дан иборатдир. Бу кузгулар махсус 23 та аравачага жойлашган бўлиб, улар куёшнинг осмондаги ҳдракатини илгаш даражасида секин харакатланади. Бундай кузгулар ёрдамида сувни 400° С хароратли парга айлантиради. Ана шу пар электр генераторини айлантирадиган турбинани харакатга келтиради. Бундай генераторнинг қуввати 1200 кВатт/соат бўлиб, у йилига 2,2 млн.кВатт/соат энергия ишлаб чиқади.

Яна шундай лойихалардан бири 1954 йилда Е.Я.Умаров томонидан олдинга сурилган Тошкент лойихасидир. Бу лойихада концентрик темир йул излари ва арвали автоматик поездлардек қимматга тушадиган қурилмалардаи воз кечиш таклиф қилинади. Тошкент лойихдси буййча кузгулар тегишли ерга доимий урнатилиб, кунгабоқарга ухшаб ҳдракатдаги куёшга синхрон бурилиб туради.

Куёш энергетикасининг истикболи жуда юкори бўлиб, бугунги кунда чекка-чекка кишлокдарда фойдаланиш учун қуриладиган қичик-қичик гелиоэлектрик станциялардан тортиб, улкан фазода харакатланадиган ер йулдошлари лойихаларини ишлаб чиқишни мутахассислар қайд қилмокдалар. Бундай усул билан яратилган электр энергиясининг тан нархи одатдагидан икки баробар кам булиши ва сарфланган маблаглар эса дастлабки йилларганок узини коплаши қутилмокда.

O'ZBEKISTONNING EKOLOGIK SHAROITI.

U.B.Baxodirova Navoiy davlat pedagogika instituti

O'zbekistonning tabiati benihoya go'zal va so'lim go'shalarga boy bo'lib, Farg'onaning Shohimardon, Jizzaxning Baxmal, Toshkentning Chimyon singari

tog'li hududlari ba'zi ma'noda haqli ravishda Shvetsariyaning tabiatiga qiyoslanadi. Birgina misol qiladigan bo'lsak Sarmishning tabiati qo'ynida olingan bir kunlik dam insonga ko'pga yetadigan ma'naviy, madaniy, etik-estetik va jismoniy ozuqa bag'ishlaydi. Respublikamizdagi cho'l va vodiylarning tabiati o'zgacha. Ular insonga ma'naviy moddiy boylik manbayi bo'lib xizmat qiladi. Dunyoga mashhur bo'lgan qorako'li va antiqa terilari ham O'zbekiston cho'llarida yaratiladi.

O'zbekiston yer usti va yer osti boyliklarining ko'pligi bilan MDH mamlakatlari o'rtasida alohida o'rin tutadi. O'zbekiston mineral xomashyolarga boy. Bu zaminda Mendeleev davriy sistemasida keltirilgan deyarli barcha elementlar topilgan. Oltin zahiralari bo'yicha O'zbekiston yetuk mamlakatlar qatorida turishi ham uning tuprog'i naqadar boy ekanligidan darak beradi. Faqatgina bular emas, bundan tashqari respublikamiz o'zining tabiiy boyliklari jihatidan ham alohida o'ringa ega. Masalan, neft, gaz, rangli va nodir metallar, ko'mir, ohaktosh, marmar va tuz konlarining mavjudligi bilan ham alohida o'ringa ega [1.3].

Yer maydonlari zahirasi yillar davomida yetarli ekanligi respublikada chorvachilikni rivojlantirish aholini go'sht, sut va teri mahsulotlari bilan ta'minlashni yaxshilashni imkonini beradi. Respublikada mavjud 44,9 mln gektar maydonning 22,5 mln, gektari chorvachilikda foydalanilmoqda. Yer resurslari orasida muhim o'rinni sug'oriladigan yerlar egallaydi. Bu yerlar garchi qishloq xo'jaligida foydalaniladigan maydonlarning atigi 15% ni tashkil qilsada, ammo ular ishlab chiqariladigan jami dehqonchilik mahsulotining 95% ni beradi. Bu zaminda millionlab tonnalab qimmatli texnik xomashyo hisoblangan paxta, don va sabzavotlar yetishtiriladi. Serqiyosh O'zbekiston yerlarida yetishtirilgan shirin – shakar mevalarning dunyoda tengi yo'q. Bularga misol qilib anjirzorlar, anorzorlar, olmozorlar, dunyoga mashhur uzumzorlarni aytishimiz mumkin,

O'zbekiston o'zining o'simlik va hayvonot dunyosiga ham ega. Uning hududida 658 turdagi umurtqali hayvonlar, shu jumladan 97 tur sutemizuvchi 424 turdagi qush, 79 turdagi baliqlar, 60 ga yaqin sudralib yuruvchilar 1100 tur hashorotlar va amfibiyalar yashaydi. Undagi o'simliklar dunyosi 4,5 mingdan ortiq turni o'z ichiga oladi. Bu esa respublikaning flora va faunaga boyligini ko'rsatib beradi. Ammo tabiat yaratgan boyliklar shunchalik ko'pligiga qaramay, ulardan foydalanish O'zbekistonda hozirgi kun talabi darajasida emas. Sir emaski, tabiat qo'yniga dam olishga oshiqqan kishilarning aksariyat ko'pchiligi tabiatdan foydalanish tartib-qoidalarini bilishmaydi yoki shunchaki amal qilishmaydi. Oqibatda ular yeb – ichishdan bo'shagan idishlar va boshqa keraksiz narsalardan iborat axlat buyumlarini, chiqindilarini duch kelgan joyga tashlab yuborishadi. Ular bilib bilmay kamyob va nodir o'simliklarni yig'ish bilan ham tabiatga shikast yetkazishadi. Respublika maydonning katta qismi yaylovlar bo'lgani holda ulardan foydalanish qoniqarsiz ahvolda. 1993-yilgi ma'lumotlarga qaraganda Respublika yaylovlarining 9 mln gektari shamol va suv eroziyasiga uchragan. Tabiiy resurslarning boshqa resurslarining boshqa turlaridan masalan, suv va tabiat in'om etgan meva – chevalardan foydalanishda ham isrofgarchilik katta. Tabiatga yetkazilayotgan talofat ayniqsa, qazilma boyliklardan foydalanishda bo'lmoqda. Ma'lumotlarda keltirishicha respublikada atmosferaga har yili 4 mln tonna zararli moddalar chiqarilmoqda. Ammo keyingi yillarda respublikamizda tabiatdan

foydalanishdagi isrofgarchilikning oldini olish bo'yicha ko'pgina tadbirlar belgilangan. Mana shulardan biri so'nggi yillarda biologik xilma-xillikni saqlab qolish borasida bir qancha jiddiy tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ularni yanada jadallashtirish, kamyob va yo'qolib ketayotgan turlar muhofazasini kuchaytirishga hamda sonini tiklashga xizmat qiladi[1.3].

Tabiatni muhofaza qilish maxsus muhofazaga olingan hududlarda tashkil etish va tabiiy obyektlarni saqlash orqali amalga oshiriladi. Tabiatni muhofaza qilish maqsadida O'zbekistonda 9 ta qo'riqxonalar, 2 ta milliy bog', 9 ta davlat buyurtmaxonalar, 6 ta tog', 3ta –cho'l-to'qay, 500 dan ortiq tabiat yodgorliklari, hamda yagona ekomarkaz mavjud. Bularning vazifasi tabiatni muhofaza qilishda va undan oqilona foydalanishga insonlarni undashdan iborat.

Shunday ekan, tabiat insonlarga qanday munosabatda bo'lishini xohlasa, insonlar ham tabiatga shunday munosabatda bo'lishlari lozim. Tabiatni asrash uni ne'matlarini e'zozlash har bir fuqaroning muqaddas burchidir.

AXOLI O'RTASIDA EKOLOGIK ONGNI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY BOSQICHLARI VA MOHIYATI

Kat.o`qit. O`rinov.B.S. (NDPI)

Fan- texnika va ijtimoiy taraqqiyot sharoitida ekologik ta'lim va tarbiya yangi insonni shakllantirishning ajralmas qismidir. Shuning uchun ham ekologik tarbiya jaroyinida foydalaniladigan asosiy tushunchalar mazmuni ochib berish tula asoslidir. Ekologik ong insonning tabiat bilan o'zaro ta'siri soxasidagi bilim va e'tiqodni mujassam etadi. Ekologik bilim bizning tevarak-atrofimizdagi tirik qobig'I, biosfera faoliyati haqidagi bilimlaridir. Bu bilimlar o'zlarining xozirgi va kelgusidagi biosfera bilan qanchalik uzviy bog'langanligini, tabiatni muhofaza etish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish va har bir insonda atrof-muhit holati uchun ma'sullik hissini tarbiyalash, hayvonot va o'simlik olamini asrash obyektiv zarurat ekanini tushunib etishishlarining muxim sharti hisoblanadi.

Mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini jadallashtirish sharoitida tabiat muhofazasi va undan oqilona foydalanish masalasi butun xalq xo'jaligi intensivikasi bilan uzviy birlikda qaraladi. Chunki u muxim iqtisodiy masalalarni xalq etishning tarkibiy qismi hisoblanadi. Maqsad insonning xar taraflama va uyg'un rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, uning mehnat qilish qobiliyatini shakllangan holda uzoq umur ko'rishini ta'minlashdan iboratdir.

Jamiyat kelajagi yoshlar qo'lida. Tabiatni asrab-avaylash va sevishga o'rgatish, mening nazarimda, yosh ishchi avlodni tarbiyalash masalasining eng insonparvar jihatlaridan biridir. Shu o'rinda atoqli yozuvchi Chingiz Aytmatovning "Manasining qanotli tulporida" maqolosi dan quyidagi satrlarni keltirib o'tishni lozim deb topdim. "Agar inson bolalik chog'laridanoq o'z tarbiyasining ilk bosqichlaridan boshlab, tabiat bilan oshno tutinsa men ishonch va umid bilan ayta olamanki, u Yoshi ulg'ayib faol mehnat quchog'iga kirgan paytlarida xam befarq vakilga aylana olmaydi, unga tabiat muxofazasi haqida, tabiatga oqilona munosabatda bulishi borasida targ'ibot-tashviqotning sira keragi bo'lmaydi, uning o'zi bu ishga mas'naviy jihatdan tayyor bo'ladi.

O'quvchilar ekologik jihatdan tarbiyalash ishlarini mashg'ulot darslardan tashqari vaqtlarda ham izchil olib borish maqsadga bog'liq. O'qitish davomida

nazariy mashg'ulotlarni o'tkazish tavsiya etiladi. Urganilgan mavzularni mustahkam- lash maqsadida savollarga javob berish tarzida suxbatlar o'tkazish, davriy matubot materiallari asosida ma'ruzalar o'qish va atrof-muhit masalalariga bag'ishlangan tadbirlar haqida ma'lumotlar bevosita tabiat quynida o'tkazgan ma'qul bunda asosan, tabiat muhofazasi bilan bog'liq tadbirlarini o'tkazish maqsadida aniq vaziyatlarni tahlil etadi. Buning uchun esa, tozalash inshootlariga, zavod va fabrikalariga, shaxta va elektr stansiyalariga, ishlab chiqarish korxonalariga sayoxat uyushtirib o'quvchilarga tabiatni eng ko'p ifloslantirayotgan ishlab chiqarish jaroyonlarini ko'rsatish qolaversa, tabiatni muxofaza qilish tartibini maqbul darajada saqlanayotganlarning amaliy foaliyatlari bilan tanishishtirish lozim. Munozora mashg'ulotlarni quyidagi mavzular bo'yicha o'tkazish tavsiya etiladi. "Inson va tabiat", "Inson va suv", "Inson va xayvonat olami", "Inson va atmosfera", "Inson va yer", "Yerning hozirgi va kelgusidagi xolati" va boshqalar. Mavzular sayyoramiz tabiatini muxofaza qilish va uning o'zgarishi misolida talqin etiladi. Tarbiyaviy faoliyat jaroyonida O'zbekistan Respublikasining "Tabiat muhofazasi va tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish to'g'risida" gi Qonuni va Vazirlar Maxkamasining qonun talablarining bajarilishi to'g'risidagi qarorlariga tayanish lozim. Zero, ularda axolining ekologik madaniyatini yuksaltirish, ekologiya soxasidagi mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash, tabiat muhofazasi xaqidagi qonun va bilimlarni ilmiy-texnikaviy yullar bilan targ'ib va tashvik etishni yaxshilash borasida zaruriy chora-tadbirlar belgilangan. Ekologiya va madaniyat juda keng qamrovli tushunchalardir. Madaniyat ekologiyaga va aksincha, ekologiya madaniyatiga turli soxalar ta'sir ko'rsatadi. Bu tushunchalar uchun umumiy bo'lgan manbalar xam xilma-xildir. Faqat madaniyatli kishigina tabiat va jamiyatning uzaro ta'sirini oqilona yulga quyishga intiladi. Bu boradagi foaliyati xam uning madaniyati belgilab beradi. Madaniyat bilimli qilishga, ularga ish tartib-qoidalarni urgatishga, qolaversa ishlab chiqarishni texnika va fanni ekologiyalashtirishga xizmat qiladi.

Ish chiroyli so'zlardan nariga nariga o'tmaydi, ekologik tarbiya jaroyoni tantanavorlikka shunchaki da'vatlarga aylanib qoladi xolos. Shuning uchun ham, maktab o'quv jaroyonlarida o'quvchilarda "Ekologik ong", "Ekologik madaniyat" shakllanishi juda muxim ahamyat kasb etadi. Zero, ekologik bilimsiz ya'ni ta'limsiz xech qanday ekologik muomoni xal etib bo'lmaydi. Buning uchun eng avvalo quyidagi vazifalarni amalga oshirmoq zarur

- O'quvchilar ongida olamning yagona ilmiy manzarasi haqidagi ilmiy tasavvurlarni rivojlantirish ya'ni ularning tabiat haqidagi ilmiy qarashlarni shakllantirish insonning olamda o'z o'rnini anglab yetishishga erishish;

- O'quvchilarga ijtimoiy hayotda zarur bo'ladigan ilmiy bilimlar berish va ularning bu bilimlardan foydalana bilish va ularning bu bilimlardan foydalana bilish malakalarini hosil qilish;

- Shaxsiy tabiat hodisalarini tushuntira bilish malakalarini shakllantirish, uning ijodiy qobiliyatini rivojlantirish, uni o'z faoliyatlarining natijalarini oldinlan ko'ra bilishni o'rgatish;

- Tabiat va jamiyat, inson va u yashaydigan muhitning o'zaro ziddiyatli birligini tushuntirish;

- Tabiatga boʻlgan madaniy munosabatini shakllantirish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanishga, uni muhofaza qilishga oʻrgatish;
- Tabiiy- ilmiy bilimlarning ahamiyatini koʻrsatish, ulardan hayotda, xalq xoʻjaliklarining turli tarmoqlarida, shuningdek, tabiatni muhofaza etishda va uning boyliklarini ishlata bilishda foydalanish yoʻllarini ochib berish;
- Oʻquvchilarni yer va tabiatning birligiga, hozirgi zamon insonlarining kelajak avlodlar uchun hayotning ekologik shartlarini saqlashi zarurligiga ishonitirish va bu ishonchni ularning eʼtiqodiga aylantirish;
- Oʻquvchilarning ekologik umum-oʻquv malakalarini, aqliy oʻquvlarini tahlil qila bilish va taqqoslash, xulosa chiqarish, umulashtirish, sabab-oqibat boshlanishlarini aniqlash, jarayon va hodisalarni tushuntira bilish, ularni baholash hamda ekologik amaliy oʻquvlarini (narsa va asboblardan foydalanish, kuzatish, tajriba oʻtkazish) rivojlantirish.

DON MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASHDAGI AYRODINAMIK YECHIMNING EKOLOGIK MUAMOLARI

Samarqand Davlat Universiteti professori S.M.Boboyev. magistr PardayevB.A

Bugungi kunda don maxsulotlarini qayta ishlash korxonalarida ishonchli va samarali yangi texnologik uskunlardan foydalanish, hamda don maxsulotlarini qayta ishlash, axoli ehtiyoji uchun yetkazib berish, eksport-import ishlarini amalga oshirishda insonlar, xayvonlar salomatligiga va oʻsimliklar dunyosiga zarar yetkazmaydigan, atrof-muxit muxofazasi talablariga mos yuridik va jismoniy shaxslar mulkiga ziyon yetkazmaydigan usullarini qoʻllash va ushbu usullarning yuqori sarmoya talab etmaydigan jabhalarimuamolarini yechiminitopishhamda oʻrganib chiqish. Bu muammoni talablari meʼyoriy-xuquqiy hujjatlarda keltirilgan, bunday hujjatlar jumlasiga standartlashtirish, farmakologiya moddalari, transportirovka qilish, yongʻin xafsizligiva atrof muhit muhofazasi qoidalari.

Donni saqlash va qayta ishlash korxonalarida asosiy tur dondonaerodinamik xossalari bilan farq qiladigan aralashmalar havoli ajratgichlaryordamida ajratiladi. Havoli ajratgichlar asosan un tortish , yorma va omuxta yem zavodlarida donni chang va yengil aralashmalardan tozalashda ishlatilsa,shu bilan birga ular yorma zavodlarida qobigʻi sidirilgan donlarni poʻstlogʻidan tozalashda,hamda yorma va chiqindini nazoratqilishda ham ishlatiladi.

Omborxonadagi bu jarayonlar alohida bosqichlarda bajariladi. Elevatorada esa aksincha, bir-ikki bosqichda toʻplangan boʻlib, bunda gravitatsion transport deb nomlangan donning sochiluvchanligidan yuqori darajada foydalaniladi.


Don aralashmasining havo oqimida guruhlarga ajralish jarayoni aralashmani tashkil qilgan alohida zarralarning havo oqimiga turlicha koʻrsatishlari tufayli yuzaga keladi. Bu holat zarralarning fizik-mexanik xususiyatlari bilan tushuntirilib, ayni holda zarralarning aerodinamik xossalarini belgilaydi. Havo oqimining turboʻlent rejimda harakatlanishida qarshilik kuchi asosan oqimning zarraga koʻrsatadigan dinamikaviy taʼsiriga bogʻliq boʻlib, u quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$R = \xi F \frac{\rho v^2}{2} \quad (1)$$

bu yerda: ξ - aerodinamik qarshilik koeffitsienti; F - zarraning tezlik vektoriga nisbatan normal holatda turgan tekislikka tushgan proeksiya maydoni m^2 ; v - zarraning havooqimidaginisbiy tezligi, m/s ; p - havoning zichligi, kg/m^3 .

Aerodinamik koeffitsientning kattaligi zarraning shaklidan, uning yuza holatidan va bu zarrani qamrab olgan havo oqimining rejimiga bog'liq bo'ladi.

Vertikal holda yuqoriga harakatlanayotgan havo oqimida zarraning og'irlik kuchi va unga ta'sir qiladigan qarshilik kuchi har doim o'zaro qarama-qarshi tomonga yo'nalgan bo'ladi. Shuning uchun mumkin bo'lgan uchta holat kuzatiladi: $R < G$ - zarra pastga qarab harakatlanadi; $R > G$ - zarra yuqoriga harakatlanadi; $R = G$ - zarra muallaq holatda bo'ladi. (1-rasm)



1-rasm. Havooqimining zarralarga ta'sir qilish sxemasi:
 G_1, G_2, G_3 - alohida zarralarning og'irlik kuchi; R_1, R_2, R_3 - havooqimining ko'tarish kuchi.

Shunday qilib, R/G munosabat zarraning harakat yo'nalishini aniqlasa, $1 > R/G > 1$ qiymat esa havo oqimi yordamida zarralarning guruhlarga bo'linish imkoniyatini belgilaydi. Biroq R/G munosabatning kattaligi bo'yicha zarralarning guruhlarga bo'linish imkoniyati to'g'risida hukm chiqarish qiyin, chunki qarshilik kuchini aniqlash ma'lum murakkabliklarni tug'diradi.

Don va aralashmalarning aerodinamik xususiyatlari hali to'liq o'rganilmagan, chunki ular o'zaro bog'liqligi aniq hisob-kitoblarga bo'ysunmaydigan omillardan iborat. Zarralarning shakllari turli-tuman, shunday ekan, ularning holatlari va Midelevo kesimi uzluksiz ravishda oqim o'qiga nisbatan o'zgarib turadi. Shu munosabat bilan don aralashmasining guruhlarga bo'linish imkoniyatini boshqa ko'rsatkichlar, jumladan zarralarning muallaq holat tezligi bo'yicha aniqlash mumkin.

Zarraning pastga harakatlanish vaqtida ($G > R$) qarshilik kuchi quyidagi ko'rinishni oladi:

$$R = \xi \frac{\rho}{2} F(c - v_x)^2; \quad (2)$$

bu yerda: c - zarraning mutlaq tezligi, m/s ; v_x - havo oqimining tezligi, m/s . U holda zarra pastga qarab dc/dt tezlanish bilan harakatlansa, harakatlantiruvchi kuch

esa $G - R = m \frac{dc}{dt}$ ekan $G = R + m \frac{dc}{dt}$ bo'ladi;

bu yerda: m - zarraning massasi, kg , $c = 0$ bo'lganda, zarramuallaq holatdaturib, bunda $R = G$, $v = v_x = v$ holat kuzatiladi.

$$\xi \frac{\rho}{2} \cdot F v_M^2 = G = mg \quad (3)$$

bu yerda: v_m – muallaq holat tezligi, m/s.

3- formuladan muallaq holat tezligini aniqlash mumkin:

$$v_M = \sqrt{\frac{2G}{\xi \rho F}}; \quad (4)$$

Muallaq holat tezligining hisoblab topilishi aniq natija bermaydi, shu tufayli uning qiymati eksperimental usulda laboratoriya havo klassifikatorlarida aniqlanadi. Agar don, sharsimon shaklga ega bo'lsa, $G = \rho d^3 g / 6$ va $F = 7 d^2 / 4$ deb qilinib, muallaq holat tezligi esa quyidagicha topiladi:

$$v_M = \sqrt{\frac{4 \rho_d g d}{3 \xi \rho}}; \quad (5)$$

buyerdagi: ρ_d - donning zichligi, kg/m^3 ; d - donning diametri, m.

Havoning harorati 20°S , nisbiy namligi 50 % vazirligi $\rho = 1,2 \text{ kg/m}^3$ bo'lgan sharoitda 5- formula quyidagi ko'rinishni oladi:

$$v_M = 3,3 \sqrt{\frac{\rho_d d}{\xi}}; \quad (6)$$

Agar donsharsimon shaklda bo'lmasa, u holda muallaq holat tezligi bunday topiladi:

$$v_M = 3,3 \sqrt{\frac{\rho d l}{\xi}}; \quad (7)$$

Bu yerda: $l = \sqrt[3]{abc}$ a, b, c – mos ravishda donning uzunligi, eni va yo'g'onligidir.

Hozirgi kunda chiqidsiz texnologiyaga kata e'tibor qaratilmoqda. Muammoni yechishning turli xil uslublari yuzasidan ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda va turli xil yechimlar taklif etilmoqda. Ana shunday yechimlardan biri donlarni qaytaishlashda hosil bo'ladigan chanlarni atrof muhitga chiqarmasdan ularni zararsizlantirish, chiqadigan changlarni tashqi muhitga chiqarmasdan adsorbsiya qilish hamda don mahsulotlarini tozalash muammolarini bataraf etishdan iborat.

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН ТАБИАТИ ЭКОЛОГИЯСИ

Ибрагимов Солижон Эргашевич, ҚаршМИИ к. ўқ.

Ибрагимова Гўзал, ҚаршМИИ талабаси

Инсоният йигирманчи юз йилликда дўч келган экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий ижтимоий муаммосига айланди. Экология муаммосини хал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг hozirgi куни ва келажакда кўп жихатдан ана шу муаммонинг хал қилинишига боғлиқдир.

Экология аслида тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганувчи фан – биологиянинг атиги бир соҳаси бўлса-да, ammo у XX асрда ғоят кенг мазмун-моҳият касб этди. Гарчи бу фан табиатдаги мувозанатни бузмаслик, инсон ва табиат мутаносиблигини саклаш муаммоларини назарда тутса-да, ана шу табиатнинг ажралмас қисми

сифатида ансон тақдири – унинг Ер юзида яшаб қолиш ё қолмаслиги ҳам кўп жихатдан экологик мувозанатга боғлиқдир.

Инсон фаолиятининг оқибати бўлган антропоген ўзгаришлар табиат билан бирга инсоннинг ўзига ҳам дахл қилаётганидан ташқари, одамга табиатан берилган туйғу ва ҳиссиётларда ҳам эврилишларни келтириб чиқармоқдаки, бу ҳол **инсон туйғулари экологияси** масаласини кун тартибига кўяётир. Аждодлардан мерос инсоний туйғулар қашшоқлашиб, ҳиссиётлар дағаллашаётгани кўзатилмоқда. Инсоният жамоаси цивилизациялашиб борган сари, афсуски, инсоннинг ҳиссий дунёси ғариблашаётгани, бинобарин, бир вақтлар аждодларни ҳаяжонлантирган туйғулар бугунга келиб авлодларга бегона бўлиб бораётганини кўзатиш мумкин. Бир вақтлар инсоният тафаккури яратган буюк мўъжизалардан ҳайратга тушган, улардан илҳом олинган бўлса, янги авлод вакиллари бу мўжизаларга бефарқлиги кишини ўйлашга чорлайди. Ғарб оламидаги муҳаббат ва нафрат, гўзаллик ва хунуклик, ор ва номус, никох ва оила тушунчаларига муносабат инсондан бегоналашаётганлиги, ҳайрат тушунчаси ўтмаслашаётганлиги бутун инсониятни сергакликка ўндайди.

Ёшларни аждодларнинг санъат ва бадиий асарларидан ҳайратланиш эмас, балки интернетдаги виртуал ўйинлар, мобил телефон имкониятлари жозибаси кўпроқ ҳаяжонга солаётгани бизни огохликка ўндамаяпдими?

Бу жараён нафақат инсоннинг ўзи ёки у яшаётган муҳит – она табиатнигина муҳофазага олиш лозим, балки инсон ҳайратларини, муқаддас туйғуларини ҳам муҳофаза қилиш кераклигига чорламоқда.

Ғарб дунёси тажрибаси: эркинлик, демократия, мафкурасизлик, «Оммавий маданият», феминизм шиорлари ва ғоялари охир-оқибат нималарга олиб келгани, ва бу ғоялардан Ғарбнинг ўзи қутулишга ҳаракат қилаётгани маълум.

Бундай ҳолат ҳақида нуфузли немис нашрларида: **“ҳозирги ёшларимиз ўртасида лоқайдлик, руҳсизлик, бефарқлик, англомаган норозилик, беқарорлик кайфиятлари тарзида номаён бўлаётган “ёшлар маданияти” деб аталувчи хатти-ҳаракатлар кучаймоқда. Бу – ёшларнинг ўз аждодлари ижтимоий ва маданий қадриятларидан бегоналашаётганликларининг белгиларидир”,** - деган ташвишли фикрлар билдирила бошланди. Патрик Жозеф Бьюкенен ҳам ўзининг машҳур «Ғарбнинг ҳалокати» асарида маданий инқилобнинг таъсири ҳақида шундай ёзади: **«Абортлар, ажралишлар, туғилишнинг пасайиши, ўспиринлар ўртасида ўз-ўзига суиқасд холларининг кўпайиши мактабларнинг криминаллашуви, гиёҳвандликнинг оммавий тус олганини қайд этган статистик маълумотлар маданий инқилоб келтириб чиқарадиган инқироз қанчалик чуқур илдиз отганидан далолат беради».**

Аёлларнинг оиладаги анъанавий вазифаларидан озод этилиши эса уларнинг оила ва никохга муносабатини тўбдан ўзгартириб юборди. Бугунги кунда миллионлаб Америкалик хотин-қизлар феменист аёлларнинг қарашини қабул қилиб, турмуш қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда.

60 йиллардан ривожланган Рок ҳаракати XX асрнинг иккинчи ярмидаги бадиий ҳаётнинг ёрқин тимсолига айланди. У Англия ва АКШдан оёқ олиб бутун дунёни эгаллаб олди. Оммавий маданиятнинг туб илдизларидан қувват

олган бу рок-харакатнинг ижодкорлари Элъвис Пресли, “Бетлиз”, Роллинг, Стоуз ва бошқа гурухлар ўз чиқишлари билан машхур бўлдилар.

Оммавий маданиятнинг санъатдаги кўриниши попарт (оммавий санъат) тарзида номаён бўлди. У кўпчилик томошабинларга тушунарли бўлмаган абстракционизм ўрнига келди бу соҳадаги асарлар фотографиялар муляжлар, репродукциялар, машина деталлари билан ва бошқалар ёрдамида пайдо қилинади, **Попарт вакилларининг рухий дунёдан маҳрумлиги ва бетайин дидларини омалаштиришга уриниш давом этмоқда**

Хўш, «оммавий маданият» нима? У нимаси билан хатарли?

“Оммавий маданият”,- дейди И. Каримов ,- бу – ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдиддир.

Бугунги замонавий фан «оммавий маданият»нинг (инглизчада mass culture) туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади

Умидсизлик, бефарқлик, рухий хасталикларнинг келиб чиқишига жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва табиий инқирозлардан ҳам кўра телевидение ва кино саноатидаги зўравонлик, ваҳшийлик, қаттолликни тарғиб этишнинг таъсири катта бўлганини эътироф этишимиз зарур.

Табиатни асраш, экология муаммоси бугун глобал аҳамият касб этгани ҳаммага маълум. Аммо инсон табиатини асраш масаласини шу даражага олиб бормаслик ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, айнан инсон табиатида рўй берган лоқайдлик туфайли экологик муаммолар келиб чикди.

Табиатни асраш, қолаверса инсон табиатини асраш учун ёшларни маънавий тарбиясига эътибор қаратиш жоиз. Маълумки, тарбиянинг бош вазифаси инсон борлигининг камол топтиришдан иборат. Зеро, ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий, сиёсий каби қатор тарбия шаклларининг барчасида инсон масаласи ётади.

Тарбиянинг вазифаси шундан иборатки, у инсонларни янгиликлар яратишга ундабгина қолмай, айна пайтда уларни гўзаллик талаблари асосида ривожлантиришга ўргатади ҳам. Бугунги кун инсонлардан мақсадлар, туйғулар, ишлар ва фикрлар уйғунлигини ҳамда оламнинг гўзаллиги билан бирга унинг мураккаблиklarини енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Зотан, бу миллий мафқурани шакллантиришдек долзарб вазифани теран ҳис этишда катта аҳамиятга эга. Негаки, «мафқурани шакллантириш жараёнида авваламбор, мамлакатни бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиши лозим» (Ислом Каримов) дейилиши бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, экологик тарбия ва тарбиянинг нафосатли шакли эса мазкур жараёнларда ёш авлодни гўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиатга бўлган муносабатини, бадий адабиётга қизиқишини, табиатни асрашни, жамият маънавий ривожига янгича қарашларни, яъни инсон табиатини гўзаллик ва улғворлик асосида тарбиялашдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

ENERGETIKA SOHASIDA TABIIY RESUSLARDAN FOYDALANISHNI HUQUQIY JIHATDAN TARTIBGA SOLISH

NavDPI "Biologiyao`qitishmetodikasi" kafedrasida o`qituvchisi: Sohibnazarov R.A

Dunyo mamlakatlarining barqaror rivojlanishida yoqilg`i-energetika resuslari hal qiluvchi omil hisoblanadi. Chunki har qanday ishlab chiqarish ma'lum miqdorda energiya sarfini talab etadi. Xalqaro tashkilotlarning hisob-kitoblariga ko`ra, iqtisodiy taraqqiyot tufayli 2030 yilga borib energetikaga bo`lgan talab asrimiz boshidagiga nisbatan 50 foizdan ziyodroqqa ortadi va umumiy ehtiyoj 23,27 milliard tonna shartli yoqilg`ini tashkil qiladi. Energiya resuslariga bo`lgan talabning butaxlit ortib borishi dunyo miqyosida organik energiya manbalarining tobora kamayishiga olib kelmoqda. Jahonda yerosti boyliklari hisoblangan tabiiy resurslar - neft, gaz, ko`mir organik yoqilg`i sifatida hozirgacha asosiy energiya ishlab chiqarish manbai bo`lib qolmoqda. Shu bilan birga, ishlab chiqarilayotgan (barcha energiyaning 10,2 foizi qayta tiklanuvchi quvvatlar (suv, shamol, quyosh, tulqin va boshqalar) hisobiga tug`ri keladi.

